

66.4(54)
К-25



ИСЛОМ КАРИМОВ

**ВАТАН
РАВНАҚИ УЧУН
ҲАР БИРИМИЗ
МАСЪУЛМИЗ**

9



ТОШКЕНТ - "ЎЗБЕКИСТОН" - 2001



66.3(5У)
К25

Каримов Ислом.

Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т.:
“Ўзбекистон”, 2001. — 432 б.

Ушбу томдан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида қилган маърузалари, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида, халқ депутатлари вилоятлар кенгашларининг сессияларида, шунингдек, турли халқаро учрашувлар ва анжуманларда сўзлаган нутқлари ўрин олган. Шу билан бирга томдан давлатимиз раҳбарининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан қилган суҳбатлари ҳамда табрик хатлари ҳам жой олган. Бу асарларда Ватанимиз равнақи, унинг озод ва обод бўлишини таъминлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға интилаётган халқимиз ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар, республикаимиз ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос тамойиллари, иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятда тadbиркорлик руҳини қарор топтиришнинг долзарб масалалари теран таҳлил қилиб берилган.

ББК 66.3(5У)+65.9(5У)+66.4(5У)

ISBN 5-640-02822-X

К 0804000000 - 101 2001
М351(04)2001

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2001

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги йиғилишимизнинг бош мақсади — ўтган ярим йил мобайнидаги фаолиятимиз якунларини, қўлга киритган ютуқларимиз, йўл қўйган хато ва камчиликларимизни қатъий мезонлар асосида танқидий баҳолаб, йил охиригача олдимизда қандай вазифалар турганини белгилаб олишдан иборат, десам, ўйлайманки, бу фикрга қўшиласиз.

Биз Иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессияси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2000 йилда ислохотларни чуқурлаштиришга бағишланган мажлисида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастур ишлаб чиққан эдик.

Бу дастурни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистоннинг демократик ва бозор ислохотларини амалга ошириш, жаҳон ҳам-жамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор

олға бориши учун мустаҳкам замин яратишдан иборат.

Биобарин, Ватанимиз ва халқимиз фаровонлиги ана шу стратегик вазифа ва белгиланган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда барчамизнинг изчиллигимиз ва қатъиятлигимизга боғлиқдир.

Жорий йилнинг ярим йиллик якунлари ҳақида гап борар экан, мен аввало мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги энг муҳим, ҳал қилувчи масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа — бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир.

Биз 1996 йилдан буён ҳар йили ялпи ички маҳсулот ўсишига эришиб келмоқдамиз. Бу кўрсаткич жорий йилда ҳам қарийб 3,8 фоизни ташкил этди. Бунга саноат ишлаб чиқаришининг янада ўсиши /6,2 фоиз/, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ошириш /7,1 фоиз/, чакана товар айланишининг кўпайиши /5,3 фоиз/, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми /14,7 фоиз/ ва қиш-

лоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг /7,1 фоиз/ ортиши ҳисобидан эришилди.

Барчангизга маълум бўлиши керак: жорий йилда қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва самардорлиги яна бир қийинчиликка — сув танқислиги ва қурғоқчиликка дуч келди.

Бутун мамлакатимизда, энг аввало, Амударё ҳавзасида, айниқса, унинг қуйи ўзанида сув танқислиги билан боғлиқ кескин вазият юзага келди. Назорат ўлчовлари бўйича, дарёдаги сув ҳажми экинлар ривожланадиган даврда, июн-июл ойларида кейинги 5 йилдаги ўртача йиллик сув ҳажмининг 36 фоизини ташкил этди.

Оқибатда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоятларнинг сув билан таъминланиши кескин камайди. 15 июлгача бўлган маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ишлари қатор туманларда экин майдонларининг атиги 60 фоизини ташкил этган.

Бунинг натижасида каттагина нобудгарчилик юз берди — бир қанча майдонлардаги ғалла ва ғўза ҳосилини йўқотдик. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам шундай зарар кўрди.

Қурғоқчилик туфайли аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва бошқа вилоятларнинг қишлоқ жойларида, ғоят ташвишли ҳолатни вужудга келтирмоқда.

Бундай вазиятда маҳаллий ҳокимият органлари сув танқислиги оқибатларини камайтириш юзасидан, биринчи галда, аҳоли яшаш жойларини, касалхона, мактабгача тарбия, даволаш ва соғломлаштириш муассасаларини узлуксиз равишда тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида тезкор чора-тадбирларни кўрмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси сув танқислиги оқибатларини тугатиш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қарор қабул қилди. Қарорда мамлакатимизнинг зарар кўрган туманларига ёрдам кўрсатиш бўйича зарур бўлган чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Сув танқислиги ва қурғоқчиликка қарамасдан, бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими қизгин давом этмоқда. Ҳозиргача, яъни 20 июлгача тахминан 2 миллион 200 минг тонна ғалла тайёрланди. Бу — ўтган йилгидан 180 минг тонна кўпроқдир. Мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик экин ҳисобланган пахта ҳам бу йил анча барвақт етилмоқда.

Ғалла етиштириш ва уни ўриб-йиғиштириш ишлари Хоразм, Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида яхши ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзингиз айтинг, бундан атиги бир неча йил аввал кўплаб хўжаликлар ва бутун бир туманлар

бугунги кунга келиб гектаридан 60-70 центнердан ҳосил олишини тасаввур қила олармидик?

Бугун мамлакатимизда бошоқли дон экинлари етиштириш селекцияси ва агротехнологиясининг ўзига хос мактаби шаклланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. Шу саховатли заминимизда, меҳнаткаш халқимизга хос бўлган ғаллакорлик маҳорати, дон етиштиришга муносабатнинг кўп асрлик бой маданияти, қадимий анъаналари қайтадан тикланмоқда.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу юксак минбардан туриб, барча деҳқонларимизга, ҳеч муболағасиз айтганда, кучли сув танқислиги ва табиат инжиқликлари шароитида мардонавор меҳнат қилган, ерга меҳрини бериб мўл ҳосил етиштирган, мамлакатимиз аҳолисини нон билан таъминлаш йўлида заҳмат чеккан жамики юртдошларимизга бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу йил сабзавот, мева-чева ва полиз ҳосили ниҳоятда сероб бўлди. Худонинг ўзи бизга ана шундай мўл ҳосил ато этди.

Барчамизнинг бурчимиз — деҳқонларимизнинг пешона тери, ҳалол меҳнати эвазига етиштирилган бу ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймасликдан иборат. Деҳқон ва фермерлар ўзла-

ри етиштирган маҳсулотни тўла-тўқис сота олиши, уларнинг йил бўйи қилган меҳнати муносиб тақдирланиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўриш лозим.

Авваламбор, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, божхона идоралари, ички ишлар органлари, транспорт ташкилотлари раҳбарлари ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган сабзавот, мева-чева ва полиз маҳсулотларининг янги ҳосилини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтиришга доир қарорнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга масъулдирлар.

Бу масалада ҳеч қандай ғов ва тўсиқ, қуруқ ваъзхонлик ва бюрократик тўсиқлар билан ишни пайсалга солиш ҳоллари бўлмаслиги керак. Бу масала устидан қаттиқ назорат ўрнатилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимизда юритилаётган пул-кредит сиёсати ўзининг самарасини бермоқда. Ярим йиллик яқунларига кўра, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йили 1,9 фоиз бўлган эди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик 36 фоиздан 24 фоизга камайди.

Биринчи марта, йилнинг икки чораги мобайнида, давлат бюджети ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан бир фоиз миқдорида ошириб бажарилди. Бошқача айтганда, бюджет даромадла-

ри унинг харажатларига нисбатан 9 миллиард 800 миллион сўмга ортди.

Бунга эришганимизнинг сабаби фақатгина солиқ тизимини такомиллаштириш ва яхшилаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, солиққа тортиладиган базани кенгайтиришда эмас. Бу борада 2000 йил 1 январидан бошлаб жорий этилган бюджет харажатларини белгилаш ва молиялаштиришнинг янги меъёрий усуллари ҳам қўл келди.

Чунки улар корхона ва ташкилотларга ажратилган маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлайди.

Жорий йилда яна бир ижобий тамойил кўзга ташландики, уни мустаҳкамлаш лозим. Биз экспортга чиқарадиган асосий маҳсулотларнинг дунё бозорида Ўзбекистон учун фойдали бўлмаган нарх-наво конъюнктураси сақланиб қолаётганига қарамасдан, ярим йил мобайнида экспорт ҳажми анча ортди.

Бунинг натижасида ташқи савдо айланишида 160 миллион АҚШ долларидан зиёд ижобий сальдога эришилди.

Ўйлайманки, шу йил қабул қилинган экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни янада рағбатлантириш чора-тадбирларига доир ҳукумат қарори бу борада қўл келди. Шунинг учун имкон қадар кўпроқ қулай шарт-шароит яратиш борасидаги ишларни бундан буён ҳам

давом эттириш даркор. Токи корхоналаримизда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва валюта ишлаб топишга бўлган доимий қизиқиш шакллансин.

Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар дастурини бажариш борасидаги фаолиятимиз ҳам ўз натижасини бермоқда. Хусусан, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш соҳасидаги ишлар бирмунча фаоллашди.

Ярим йил мобайнида кўзда тутилган 91 та объект ўрнига амалда 113 та объект хусусийлаштирилди. Мана шу муддат давомида давлат мулкчилигидаги қарийб 800 миллион сўмлик 4 мингдан зиёд кўчмас мулк иншоотлари сотилди. Фонд бозорида 671 та хусусийлаштирилган корхонанинг 5 миллиард 200 миллион сўмлик акцияси сотилган.

Жорий йилда хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағ 7 миллиард сўмдан ошди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 2,6 баробар кўпдир. Хусусийлаштиришдан бюджетга тушадиган маблағ ҳажми анча кўпайди. Жорий йилда мамлакат бюджетига 2 миллиард сўмдан зиёд, маҳаллий бюджетларга эса 700 миллион сўм атрофида маблағ тушган.

Шу билан бирга, хусусийлаштириш борасидаги ишлар бизни қониқтира олмайди. Корхона-

лар акцияларини сотиш бўйича бўш ресурслар ҳали тўлиқ жалб этилмаган. “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзмашсаноат”, “Ўзбекмебель”, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Тошшаҳар-йўловчитранс” уюшмаси корхоналарининг акцияларини сотиш муаммо бўлиб турибди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат ҳиссасдорлик компанияси, Коммунал хизмат вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” уюшмаси иншоотларини хусусийлаштириш жараёни сушт бормоқда. Ярим йил мобайнида Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссасдорлик жамияти, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, “Ўзметкомбинат” каби корхоналарнинг бирорта ҳам акцияси сотилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Хусусийлаштиришга тўсиқ бўлаётган сабаблар таҳлили шундан далолат берадики, корхоналарни ҳиссасдорлик жамиятларига айлантириш бўйича тайёргарлик ишлари сушт олиб борилмоқда.

Кўпинча корхоналарни хусусийлаштирилгандан кейин қўллаб-қувватлашни кўзда тутадиган бизнес-планлар тузилмайди, улар фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш чоралари кўрилмайди. Аксарият корхона раҳбарларининг ўзлари ҳиссасдорлик жамиятларига айлантириш

моҳиятини яхши тушунмайди, эски қолиплар билан яшайди. Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини фонд бозорида реклама қилиш ишлари ҳам қониқарли эмас.

Бунинг устига, айрим корхона раҳбарлари меҳнат жамоасининг беҳабарлигидан фойдаланиб ёки уларнинг фикрини менсимай, акция пакетларининг анчагина қисмига ўзи эга бўлмоқда, қолган акцияларни эркин савдога чиқаришга тўсқинлик қилмоқда. Бундай ҳолатларга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш жараёнида хорижий сармоядорларни жалб этиш борасидаги аҳволни, маълум даражада силжишга қарамасдан, қониқарли деб бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида 17 та ҳиссадорлик жамиятининг акция пакетлари 1 миллион 700 минг АҚШ доллари ва 1 миллиард 200 миллион сўмга сотилган. Корхонани сармоялаш шартлари билан эса 12 миллион 100 минг АҚШ доллари ва 1 миллиард 500 миллион сўмлик акция сотилган.

Шу билан бирга, хорижий сармояларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этишнинг бугунги миқёси, салоҳиятли инвесторлар билан иш олиб боришнинг ҳозирги даражаси, реклама ишларини ташкил этишнинг савияси бизни қониқтирмайди.

Хорижий сармоядорлар томонидан қизиқиш борлигига қарамай, индивидуал асосда хусусийлаштирилиши кўзда тутилган 13 та объектдан биронтаси ҳам ҳалигача хусусийлаштирилмаган. Ярим йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё, Наманган, Сирдарё, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларида жойлашган ҳиссадорлик жамиятларининг биронта ҳам акцияси хорижий сармоядорларга сотилмаган.

Хусусийлаштирилиши кўзда тутилган корхона раҳбарларининг ўзлари ҳам бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаяпти. Куруқ натижасиз музокаралар жараёни ҳаддан зиёд чўзиб юборилмоқда. Мен бундай ҳолнинг сабаби, биринчи галда, корхона раҳбарларининг хорижий сармоядор келиши билан ўзи учун қиладиган иш қолмаслигини ўйлаб қўрқишида, деб биламан.

Дастурда кўзда тутилган объектлар ёки акциялардан бирортасини ҳам хорижий сармоядорларга сотолмаган идоралар раҳбарларининг ишга муносабатига чидаб бўлмайди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзгўштсутсаноат”, “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзбекмебель”, “Ўзавтотранс”, “Ўзкимёсаноат”, Коммунал хизмат вазирлиги раҳбарларининг масалага бу қадар лоқайдлик билан қараётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Давлат мулк қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажмуалари билан бирга 2000

йилнинг хусусийлаштириш дастурига киритилган, лекин акциялари сотилмаган ҳар бир корхона бўйича атрофлича таҳлил ўтказсин ва тасдиқланган дастурларга мувофиқ, акцияларни жойлаштиришни жадаллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсин. Бажарилган ишлар ҳақида 9 ойлик яқунлари бўйича ахборот берилсин.

Қадрли мажлис қатнашчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил яқунларига бағишланган йиғилишида Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши, Давлат мулк қўмитаси, маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тижорат банкларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинган эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда бу соҳада маълум бир ўзгаришлар юз берди.

Биринчидан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Тадбиркорликни рағбатлантирувчи, уни кафолатлайдиган кучли тизим яратилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи

шахслар учун солиқ тўлов тизимига сезиларли даражада енгиллик киритилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисоб юритиш ва ҳисобот бериш тартиби қисқартирилди ва анча соддалаштирилди.

Иккинчидан, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш тизими яхшиланди. Тадбиркорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини нақд ҳолда тижорат банкларидан олиш муаммоси деярли ҳал қилинди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари биринчи ярим йилликда 37 миллиард сўмни ташкил этди.

Бу — 1999 йил давомида ажратилган жами маблағдан ҳам кўп, демакдир.

Бу соҳани ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотлари йўналиши бўйича, жумладан, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва “КфВ банки” томонидан йил бошидан буён 62,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари очилиб, 16,6 миллиони ўзлаштирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредит ажратиш механизми ишлаб чиқилди ва амалга татбиқ этилди. Бу тадбиркорлик ривожини, айниқса, янги иш бошлаган тадбиркорлар фаолиятини кучайтиришда катта аҳамият касб этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлар-

га тижорат банклари томонидан 4 миллиард 100 миллион сўм миқдорида микрокредит берилди. Ўтган ярим йилда биргина Тошкент вилоятида тадбиркорларга умумий миқдори 805 миллион сўмлик 651 та микрокредит ажратилди.

Шуниси эътиборга лойиққи, ажратилган микрокредитларнинг 92 фоизи бевосита фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишга ёрдам бериш ишлари муайян даражада яхшиланиб бормоқда.

Товар-хомашё биржаси, майда-улгуржи савдо дўконлари ва бошқа савдо-таъминот тизими фаолияти сезиларли даражада жонланди. Ҳисобот даврида тадбиркорларга товар-хомашё ресурсларини сотиш ҳажми режадагидан қарийб 2,5 баробар ўсди, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган 12 миллиард 800 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар улар томонидан сотилди. Бу йиллик прогноз-кўрсаткичдан юқоридир.


“Ўзсавдомарказ”нинг Савдо-кўргазма маркази фойдаланишга топширилгани тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматнинг ҳажми ва сифатини янада оширишга ёрдам беради. Ушбу Марказ ҳудудида шу йилнинг 4 июлидан доимий фаоли-

ят юрита бошлаган кичик ва ўрта корхоналар учун зарур бўлган минитехнология ва асбоб-ускуналар савдо-кўргазмаси ҳам бу борадаги муҳим қадамдир. Мазкур савдо-кўргазмада 70 дан зиёд маҳаллий, 10 дан ортиқ хорижий ишлаб чиқарувчи ва таъминотчилар иштирок этмоқда.

Тўртинчидан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнес-инкубаторларининг иши анча фаоллашди. Жорий йилда улар томонидан 45 мингдан зиёд тадбиркорга хизмат кўрсатилди. Ўтган ҳисобот даврида бизнес-инкубаторлар тизимида 2 мингдан зиёд киши ўқитилди, 11 мингдан зиёд тадбиркор бозор шароитида ишлаш бўйича малака ортирди.

Бешинчидан, Адлия вазирлиги зиммасига тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилгач, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига маҳаллий ҳокимият органлари ва назорат идораларининг асоссиз равишда аралашувидан ҳимоя қилиш ишлари ҳам жонланди.

Натижада текширувлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22 фоизга камайди. Айниқса, асоссиз текширувлар ўтган ярим йил ичида қарийб 9 баробарга камайди. Бундай ноқонуний ҳолларга чек қўйиш, уларнинг пайини қирқишда барча текширувлар ҳақидаги ахборотлар қатъий тартибда қайд этиладиган Текширувлар китоби-



нинг жорий қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракати билан тадбиркорларга моддий ва маънавий зарар етказган назорат идораларида ишлайдиган 58 нафар мансабдор шахсдан, жумладан, солиқ тизимининг 35 ходимидан суд орқали 11 миллион сўм тўлов ундириб олинди.

Тадбиркорлар устидан қўзғатилган жиноий иш материалларини ўрганиш натижасида улардан 221 нафари оқланди. 68 шахсга нисбатан чиқарилган ҳукм енгиллаштирилди. 31 нафар тадбиркорга нисбатан қўлланилган маъмурий ва молиявий жавобгарлик эса ноқонуний деб топилди.

Бу кўрилган муҳим чора-тадбирлар тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Фақатгина ҳисобот даврининг ўзида 18 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинди. Бугунги кунда уларнинг умумий сони 175 мингдан ортди. Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш ҳисобига 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар кўпдир.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислохотларнинг ўта муҳим соҳасида қўлга киритилган бу натижалар, авваламбор, тадбиркорлик фаолияти-

ни, кичик ва ўрта бизнесни эркинлаштириш натижаси, десак, асло хато бўлмайди.

Шу билан бирга, бу ютуқларга эришишда шу соҳага тегишли қонунчиликни эркинлаштириш, тадбиркорларга турли хил имтиёз ва имкониятларни, айниқса, банк соҳасида, яратиб берганимиз муҳим аҳамият касб этди. Албатта, бу борада эндигина ривож топиб келаётган бизнесга маъмурий ва бюрократик аралашувларнинг чекланиши ҳам катта ижобий таъсир кўрсатди.

Яна бир бор шу фурсатдан фойдаланиб, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг, хусусан, қишлоқда фермер хўжаликларининг ривожланишига бевосита дахлдор шахсларга қарата шуни айтмоқчиман:

бизнинг ислоҳотлар йўлидан, халқимизга муносиб ва фаровон ҳаёт яратиш йўлидан олға юришимиз кўп жиҳатдан мана шу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг қанчалик юқори суръатда ривож топишига узвий боғлиқ. Барчамиз шу оддий ҳақиқатни яхшилаб тушуниб олишимиз шарт.

Афсуски, ҳали мамлакатимизнинг кўпгина жойларида тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг, ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг ва аҳоли даромадлари манбаининг асосий омилига айлангани йўқ.

Айниқса, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида тадбиркорликни ривожлан-

тириш муаммоларига етарлича эътибор берилма-
япти.

Ўтказилган текширишлар натижаси шунини кўрсатадики, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан тадбиркорларни рўйхатга олиш тартиблари бузилиши, аризаларни кўриб чиқишни пайсалга солиш, рўйхатга олиш жараёнида қонунда кўрсатилмаган қўшимча ҳужжатлар талаб қилиш, тадбиркорлар маблағини ноқонуний тарзда бошқа мақсадларга жалб этиш ҳоллари барҳам топгани йўқ.

Айрим мансабдорлар томонидан тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган сансоларлик, тўраларча муносабат кўринишлари ҳамон содир этилмоқда. Масалан, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани ҳокимлигида (ҳоким А. Абдусатторов) “Асқар” фермер хўжалигининг рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаси олти ой мобайнида ҳам кўриб чиқилмаган. Фориш тумани ҳокимлигидаги (ҳоким С. Эшбоев) аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Ушбу тумандаги “Серикбой” фермер хўжалиги икки ой кечиктирилиб рўйхатга олинган.

Минг афсуски, бундай ҳолатларга қарши тегишли ташкилотлар ҳам, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакилликлари ҳам

тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларининг поймол қилинишига қарши бирон-бир амалий чора кўрмаган. Бундай мисолларни бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шаҳар ва туманларда кўплаб бинолар бўш ётибди, маҳаллий ҳокимият органлари эса тадбиркорларга шарт-шароит яратиб бериш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига қўл қовуштириб ўтирибди. Улар фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш бинолари, асбоб-ускуналари ва саноат корхоналарини тадбиркорларга ижарага осонликча беришмайди. Ижара шартномасининг бир йил муддатга тузилиши одат тусига кириб қолгани тадбиркорларнинг узоқни мўлжаллаб сармоя сарфлашига тўсқинлик қилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий хўжалик фаолиятига турли назорат идораларининг асоссиз равишда аралашиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Масалан, ҳисобот даврида Бухоро вилояти бўйича тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига 51 та ариза тушган. Шундан 44 таси тадбиркорлар фойдасига ҳал этилган.

Андижон, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятлари Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари Текширувлар қитобини жорий этишда расмийликдан нарига ўтмаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий тушунтириш ишлари суи олиб борилмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳуқуқларини, тадбиркорлар учун амалда қандай имтиёз ва кафолатлар мавжудлигини етарли даражада билмайди.

Мазкур камчиликларни қатъийлик билан бартараф этиш зарур. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик субъектларини солиқ ҳамда статистика органларида бир йўла рўйхатга олишнинг ягона тартибини ишлаб чиқишни тезлаштириш лозим.

Тадбиркорлар учун бозор конъюнктураси, мамлакатимизда ва хориждаги истиқболли ҳамкорлар, сармоядорлар тўғрисидаги керакли маълумотларни жамлаган ахборот базасини яратиш ишларини тезлаштириш зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари манфаатдор корхоналар билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларига зарур бўлган, барча хизмат кўрсатиш турлари билан таъминланган кичик технология ва асбоб-ускуналарнинг доимий фаолият кўрсатадиган савдо-кўرғазмаларини ташкил этиш тажрибасини кенг қўллаш лозим.

Шу соҳада мавжуд бўлган, мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича

ҳукуматимиз, барча манфаатдор ташкилотлар иштирокида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини тайёрлашни топшириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимиздаги ўзига хос шарт-шароит, яъни, аҳолининг аксарият қисми қишлоқ жойларида яшаши ва меҳнат қилиши, кўплаб тармоқ ва корхоналаримиз фаолияти эса бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқлигини инобатга олсак, қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларни ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бериш нақадар муҳимлиги аён бўлади.

Қисқача қилиб айтганда, кўп марта айтилган муҳим бир ҳақиқатни ҳар биримиз яхши англаб олишимиз ва кундалик ҳаётимизда ҳеч қачон ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз даркор: деҳқон бой бўлган юрт доим бадавлат ва обод бўлур.

Қишлоқ ҳаётини юксалтириш ҳақида сўз юртар эканмиз, унинг якка ва ягона йўли — бошлаган ислохотларни охиригача, пировард натижага етказиш. Бугун гап, авваламбор, бу соҳада қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ҳақида бораяпти.

Ҳозирги пайтда қишлоқда хўжалик юритишнинг асосий учта шакли қарор топмоқда. Булар — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йирик иш-

лаб чиқарувчилари бўлган қишлоқ хўжалик кооперативлари, фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Хўжалик юритишнинг мана шу шакллари ама-лиётга янада кенгроқ жорий этишдан асосий мақсад — қишлоқда аввало чинакам мулкдорларни, ерга, мулкка ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳақиқий эгалик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Ўтган вақт мобайнида 1 минг 424 та хўжалик ширкатларга айлантирилди. Жумладан, бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярмида 446 тани ташкил этди. 2000 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра, республикадаги қишлоқ хўжалиги корхоналари таркибида 598,5 мингта оилавий пудрат фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг асосий қисми чек усули билан ишламоқда.

Айни пайтда ширкатлар молиявий ҳисоб-китоб марказларининг иш юритиш савияси ҳам ортиб бормоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ширкатга айлантирилган хўжаликларнинг аксарияти самара билан ишламоқда. Ўтган йил якунлари бўйича уларнинг қўпчилигида пай эгаларига олинган соф фойда ҳисобидан дивидендлар тўлангани қувончли ҳол, албатта.

Шу билан бирга, айтиш жоизки, биз учун муҳим бўлган қишлоқдаги ислохотларни амалга оширишда расмиятчилик, пала-партиш ҳамда

ишга саводсизларча ёндашув ҳоллари кўплаб учрамоқда. Бу борада энг катта камчилик ва йўл қўяётган хатоимиз — ҳўжалик юритиш шакллари ни ўзгартириш жараёни ҳўжаликнинг ички иқтисодий механизмини ўзгартирмасдан, такомиллаштирмасдан амалга оширилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг, у ким бўлишидан қатъи назар — ширкатми, фермер ёки деҳқон ҳўжалиги эгаси бўладими, ишлаб чиқаришда ва уни сотишда қатнашаётган бошқа ташкилотлар билан муносабати ҳали-ҳануз эскича, эски қолипда сақланиб қолмоқда.

Бу борадаги энг чидаб бўлмайдиган ҳолат — мансабдорлар томонидан йўл қўйилаётган ўта расмийатчилик, ислоҳотларнинг мақсадини, маъномазмунини, моҳиятини тушуниб етмаслигидир.

Бу борада бизга ўтмишдан мерос бўлиб келаётган “мендан кетгунча, эгасига етгунча” деган лоқайдлик иллатидан ҳанузгача халос бўла олмаяпмиз.

Мисол учун, амалда ҳар бир оилавий пудрат бўйича алоҳида ҳисоб-китоблар олиб борилиши шарт. Ҳар қайси пудратчининг даромади ва харажатлари тегишли ҳужжатларда кўрсатиб борилиши катта аҳамиятга эга.

Нега деганда, ҳар бир пудратчи ўзининг қанча меҳнат қилганини, қанча маблағ сарфлагани-

ни, ижарага олинган майдондаги ҳақиқий ҳосилдорлик даражаси қанча бўлганини, шунга яраша даромад ёки соф фойда олганини, бинобарин, ўз меҳнати қанчалик тўғри ҳисоб-китоб қилинганини билмаса, айтиб қўяй, бизнинг қишлоқдаги ислохотлар тўғрисидаги барча гапларимиз, юксак чақириқларимиз қуруқ сафсатадан нари бормайди.

Бу ҳақиқатни ҳар биримиз — Президент, ҳоким, вазирдан тортиб то бригада бошлиғига-ча, оддий деҳқонгача яхши англаб олишимиз шарт.

Кўпчилик хўжаликларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш ўзгармасдан келаётир. Уларда бўлим ва бригадалар сақланиб қолган, наряд тузишлар давом этмоқда, ишга чиққан, чиқмаганликни қайд этиб борувчи табель ҳисоби юритилмоқда. Чекларни пудратчилар эмас, балки молиявий ҳисоб-китоб маркази бухгалтерлари ёки бригада бошлиқлари тўлдирмоқда.

Қишлоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардан бири, ички хўжалик шартномаларини тузишдаги хато ва камчиликлардир.

Томонларнинг шартномаларда кўзда тутилган мажбуриятлар бўйича жавобгарлиги, жумладан, шартнома бузилган тақдирда жарима тўлаши аниқ кўрсатилмаган.

Аксарият хўжаликларда шартномаларни бажармаганлар жазосиз қолмоқда. Унинг нима сабабдан бажарилмагани таҳлил қилинмаяпти. Оқибатда, пудратчиликнинг бош тамойили — пировард натижа учун моддий жавобгарлик ва рағбатлантириш шарти бажарилмасдан қола-япти.

Бу эса, охир-оқибатда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни обрўсизлантиришга олиб келади.

Яна бир бор шу ўта муҳим масала бўйича, яъни шартномаларни сифатли ва маълум қоидаларга риоя қилган ҳолда тузиш, бу шартномалар учун жавобгарликни жой-жойига қўйиш, аввало, Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотларига топширилган эди. Бугун Адлия вазири Полвонзода бу масала бўйича жавоб бериши керак.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликлар ҳақида гапирганда, жойларда фермерларга билдирилаётган муносабат ва кўп жойларда давом этаётган тазйиқлар ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келмоқда.

Хўжаликларга хизмат қилувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларини бажариш борасида фермерлар ҳақ-ҳуқуқини менсимаслик ҳоллари кўзга ташланмоқда.

Ҳали-ҳануз фермерларни минерал ўғитлар, ёнилғи ва мойлаш материаллари, махсус кимё-

вий дорилар билан таъминлаш механизми тўлатўкис ишлаб чиқилмаган.

Юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларини ташкил этишнинг афзалликлари хусусида жойларда етарлича тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан бирга моддий-техника таъминоти хизматини жойларнинг, хўжаликларнинг ўзида ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари керак.

Бу чора-тадбирлар фермер ва деҳқон маҳсулотини бевосита у етиштирган жойдан сотиб оладиган тайёрлов-савдо идоралари тармоғини ривожлантиришни ҳам қамраб олиши лозим.

Азиз дўстлар!

Қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тизимида қишлоққа давлат томонидан амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёрдам кўпгина йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда.

Жаҳон бозоридаги нарх-наво конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва деҳқонлар даромадини кўпайтириш мақсадида асосан пахта ва бошоқли дон экинларининг харид нархлари ҳар йили қайта кўриб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга олдиндан маблағ ажратишнинг ягона тизими яратилиб, ҳаётга жорий этилмоқда.

Молия вазирлиги қошида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳақ тўлайдиган махсус Жамғарма ташкил этилган. Бу етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қишлоққа етказиб берилаётган ёнилғи-мойлаш материаллари, электр энергияси, минерал ўғитлар учун ҳисоб-китоб муаммосини тўла ечиш, деҳқонларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бу қишлоқ хўжалиги ишларини йил бўйи — уруғ қадашдан то ҳосил йиғиб олингунича — ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шарт-шароит яратди.

Зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш орқали уларга аниқ моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу, ўз навбатида, қисқа муддатда мазкур хўжаликларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини тиклаш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этиш, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини тартибга солиш, меъёридан ортиқча ишловчилар сонини камайтириш имконини бермоқда.

жиҳатдан мукаммал банк-молия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Буни исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Мен бу тизимни бозор инфратузилмасининг асоси, бош таянчи, деган бўлур эдим.

Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериш, банкларнинг ўз активларини ва устав фондини кўпайтириш, сармоялаш имкониятларини ошириш муаммоларига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, банк капитали орқасида ўз активларининг кўпайишидан, банкларнинг самарали ишлашидан, фойда кўришидан манфаатдор бўлган ҳақиқий мулкдорлар туриши, айниқса, улкан аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, банкларимизни, айниқса, тижорат банкларини иқтисодиётимизнинг тармоқларини ривожлантириш, уларни такомиллаштириш жараёнида, бошқача айтганда, иқтисодиётимизнинг таркибини ўзгартириш, замонавий талабларга жавоб бериши учун уларнинг инвестицион жараёнларда асосий роль ўйнаши — бугунги кунда банкларимизнинг бош мақсадига айланиши керак.

Банк тизими ислоҳотини шу нуқтаи назардан баҳолаш, айтиш лозимки, кейинги пайтда тижорат банкларига капитал ва аҳолининг бўш маблағларини жалб қилиш жараёни фаоллашди.

Бунда тижорат банкларига катта эркинликлар берилгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Марказий банкнинг бу борадаги ўрни ва аҳамияти ҳам ўзгариб бормоқда. Фақатгина биринчи ярим йилликда 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатлар бекор қилингани ўзининг ижобий натижаларини бераётгани шубҳасиз.

Натижада ўтган ярим йилликда тижорат банкларининг ўз капитали бир ярим баробарга ошди ва қарийб 300 миллиард сўмга етди. Буни банк соҳасида эришган энг катта ютуғимиз деб ҳисобласак, ҳеч хато бўлмайди. Уларнинг иқтисодиётнинг реал секторига кредитлар бериш имконияти анча ортди. Жорий йилнинг январ-июл ойларида бу кредитлар ҳажми 62 фоизга ошди ва қарийб 750 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк соҳасида ўзаро рақобат, мижозлар учун кураш аломатлари пайдо бўла бошлади. Бу, ўз навбатида, молиявий жиҳатдан барқарор, етарлича маблағга эга бўлган универсал тижорат банкларини шакллантириш заруратини туғдирмоқда, банкларнинг ихтиёрий равишда қўшилиб боришини тақозо этмоқда.

Масалан, ўтган даврда “Мева-сабзавотбанк” ва “Савдогарбанк” ўзаро бирлашди, “Наманганбанк” ва “Умарбанк” эса ихтиёрий равишда “Ипак йўли” банкига қўшилди.

Шу билан бирга, аҳоли томонидан қўйилаётган маблағлар банк активларини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатмаётганини ҳам таъкидламоқчиман. Бу маблағлар банк активларининг атиги 2 фоизини ташкил қилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Табиий, савол туғилади: банк хусусий миждоз билан ишламаса, унинг хусусий банклиги қаёқда қолди?

Марказий банк тижорат банклари билан ҳамкорликда аҳолининг бўш маблағларини депозитга жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган мукамал стратегия ва кенг қўламдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиши зарур.

Шу мақсадда “Банкларда фуқароларнинг жамғармаларини ҳимоя қилиш ва омонатларни сир сақлаш кафолатлари тўғрисида” қонун лойиҳасини тайёрлашни тезлаштириш лозим.

Деярли барча тижорат банкларида махсус ташкил қилинган имтиёзли кредит бериш жамғармаларининг фаолияти алоҳида эътибор талаб қилади. Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш масаласи ҳам доимо диққат марказида бўлмоғи даркор.

Бугунги кунда банкларнинг олдида турган яна бир вазифа — мамлакатимизда кенг қўламда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёнида ўз ўрнини топишдан иборат.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан хусусийлаштирилган корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозлари ва устав жамғармасига 53 миллиард сўмдан зиёд маблағ киритилди, Бу жараёнда “Пахтабанк”, “Саноатбанк”, “Алоқабанк” фаол иштирок этмоқда.

Қолган банклар бу жараёни ривожлантиришда алоҳида таклиф ёки уларга туртки беришни кутиб турибдими, деган савол туғилиши табиий деб ўйлайман.

Мамлакатимизда чет эл сармоялари иштирокидаги “ЎзДЭУбанк”, “ЎТбанк”, “АБН Амробанк”, “Ўзприватбанк” каби қўшма банклар тармоғи фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, юртимизда “Осиё тараққиёт банки”, “Дойчебанк”, “Чейзманхеттенбанк”, “Кредит Свисс” каби 16 та машҳур халқаро ва хорижий банкларнинг ваколатхоналари очилган. Ҳозирги вақтда 17 та банкимиз дунёдаги энг нуфузли банклар билан корреспондентлик алоқалари ўрнатган.

Лекин катта ташқи иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистондек мамлакат учун бу жуда оз. Бутунги кунда мавжуд 32 та банкдан атиги 9 таси ташқи бозорда фаол ҳаракат қилмоқда.

Марказий банк барча манфаатдор банклар ҳамда тегишли молиявий тузилмалар билан бирга банк соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни яна

бир бор кўриб чиқиб, 1 сентябргача зарур таклифларни Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисга тақдим этса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдек муҳим масалага гоят жиддий муносабатда бўлишимиз зарур. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасига катта ваколат ва ҳуқуқлар бериш, уни Молия вазирлиги тасарруфидан чиқариб, мустақил идорага айлантириш бутунги кунда долзарб масалага айланмоқда.

Мазкур қўмита Ўзбекистон бозорида ҳақиқий, соғлом рақобат учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш, ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни вужудга келтиришда етакчи куч, мувофиқлаштирувчи марказ бўлиши керак.

Бу қўмитанинг бош вазифаси фирром рақобатчиларнинг бозорда, биринчи навбатда, истеъмол товарлари бозорида якка ҳукмдор бўлиб олишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларига чек қўйишдан иборат бўлмоғи лозим.

Шундай тизим яратиш керакки, у рағбатлантириш ва чеклашнинг барча воситаларидан фойдаланиб, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган рақобат қонун-қоидаларига, умум-эътироф этилган меъёр ва мезонларга сўзсиз амал қилишни таъминласин.

Бозорларимизда товарларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунча кўп маротаба қўлдан-қўлга ўтиб сотилишига чек қўядиган, асосийси, ана шу ҳолатдан манфаатдорликка барҳам берадиган товар-пул муносабатларининг маърифий тизимини жорий этиш биз учун айниқса муҳимдир.

Айнан шундай тизимнинг мавжуд эмаслиги бугунги кунда нархларнинг сунъий тарзда ўсиши, пировардида истеъмолчиларнинг манфаатларига путур етишига сабаб бўлмоқда.

Бундай ўта муҳим вазифаларни бажариш учун қўмига зарур ваколатлар бериш керак.

Гап бу ерда истеъмол бозорида фақат соғлом рақобат муҳити яратиш хусусида кетмаяпти.

Бугун биз ўз олдимизга вазифаларни кенгроқ кўламда қўйишимиз, яъни ёқилғи-энергетика мажмуида, темир йўл транспортида, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш билан боғлиқ соҳаларда ҳам ислохотларни чуқурлаштириш, монополиядан чиқариш масалаларини кўриб чиқишимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилидан келиб чиқиб, иқтисодиётни ислох этишнинг биз учун ўта муҳим бўлган бу соҳасида ҳам жиддий ўзгаришларга киришмоғимиз шарт.

Агар биз шунга эриша олсак, бозор инфратузилмаси ва рақобат муҳитини яратиш жараёни

тезлашади ва у ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий ҳаётига самарали таъсир этади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой ичида мамлакат бозоридаги монополист тузилмаларни монополиядан чиқариш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши зарур. Бу дастур ҳар томонлама пухта ўйланган, мамлакат иқтисодиёти манфаатларига мос бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Иқтисодий ислохотларнинг таҳлили яна ва яна шуни кўрсатмоқдаки, бу борадаги муваффақият асосан кадрларга, уларнинг малакаси, ислохотлар, бозор муносабатлари моҳиятини нечоғли идрок этишига боғлиқ.

Модомики шундай экан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини сўзсиз амалга ошириш бизнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифамиздир.

Дастурда 2000 йилгача 296 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қуриш кўзда тутилган. Уларнинг 187 таси шу йилнинг ўзида ишга тушиши керак. Хўш, амалда қандай бўлаяпти? Афсуски, йилнинг биринчи ярмида атити 8 та объект ишга тушди.

Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш ва қурилиш материаллари саноати, транспорт ва алоқа мажмуи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, қурилишда иштирок этадиган пуд-

ратчи ташкилотларнинг раҳбарлари мавжуд барча ресурслар ва молиявий манбаларни сафарбар этиб, аввало, янги ўқув йилига мўлжаллаб коллеж ва лицейларни ишга туширишни таъминлашда ўз жавобгарлигини эсидан чиқармаслиги керак.

Бу борада ишга тушириладиган коллеж ва лицейларни жиҳозлаш, замонавий дарсликлар, ўқув қуроллари, лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Ҳозирги кунда зарур қўлланма, ўқув қуроллари харид қилиш учун Ўзбекистонга кредит ажратиш тўғрисида Корея ҳукумати ва Корея Эксим-банки, Япония ҳукумати, Осиё тараққиёт банки билан келишувларга эришилган.

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ваколатли банклар билан биргаликда бу борадаги барча масалалар ечимини жадаллаштириб, ишга туширилган академик лицей ва касбхунар коллежларига зарур асбоб-ускуналар етказиб бериш ва уларни жиҳозлаш тўғрисидаги шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаши зарур.

Ҳурматли ватандошлар!

Биз учун ўта долзарб бўлган муаммо, яъни ўз Ватани, халқига садоқатли, доимо олға интилиб

яшайдиган, муносиб кадрлар тайёрлаш ҳақида гап борар экан, эътиборингизни ғоят муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

У ҳам бўлса, мамлакатимизда, айниқса, хорижда замонавий билим олаётган истеъдодли ёшларга масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш масаласидир.

Кадрларни ўз вақтида алмаштириш мураккаб, қийин бир иш эканини ҳаммамиз ҳам яхши тушунамиз.

Аммо сизу бизнинг билим ва ҳаётий тажрибамиз, энг муҳими, мамлакатимиз тараққиёти, фаровонлиги ва келажаги, шу заминда яшайдиган одамлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб беришдек олий мақсадимиз биз, раҳбарлардан мазкур жараёни, айниқса, жойларда ўз вақтида ва изчил амалга оширишни талаб этмоқда.

Бу — кадрлар тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш бўйича давлат сиёсатимизнинг муҳим ва ҳал қилувчи бўғини бўлмоғи керак.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари эътиборини ташкилий-кадрлар ишини йўлга қўйиш жойларда қандай аҳволда эканига қаратмоқчиман.

Келинглار, ўзимизга бир савол берайлик: жойларда кадрларни танлаш, тайёрлаш, кадрлар

захирасини шакллантириш ва уларни жой-жойига тайинлаш масалаларига амалда ким жавоб беради? Бошқача айтганда, мана шу ўта мураккаб вазифаларни бажарувчиларнинг ўзи бутунги ҳаёт талабларига жавоб беришга қодирми?

Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳокимиятларда мана шу соҳа учун масъул бўлган ходимлар таркибининг ўзи, уларнинг савияси ва иш малакаси, тайёргарлиги аксарият ҳолларда оддий талабларга ҳам жавоб бермайди.

Бу вазифа курсисида асосан махсус тайёргарликка ҳам, махсус маълумотга ҳам эга бўлмаган одамлар ўтирибди. Уларнинг аксарияти ҳаётий тажрибага ҳам эга эмас.

Энг ачинарли томони — улар бу борадаги давлат сиёсатининг маъно-моҳиятига чуқур кириб боришга кўп ҳолларда қурби ҳам етмайдиган одамлар, десам, хато бўлмас.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар ва туман ҳокимликларидаги ташкилий-кадрлар гуруҳининг 211 раҳбаридан 105 таси мутахассислиги бўйича ўқитувчидир. Айни пайтда кўп жойларда мактабларимизда ўқитувчилар етишмаслигидан барчамиз хабардормиз.

Бундай ачинарли ҳолни мен фақат бир нарса — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари учун мана шундай шароитда ишлаш қулай экани билан изоҳлашим мумкин.

Ҳоким, раҳбарлар учун бу лавозимларда нима деса, гапни икки қилмай бажарадиган, жойлардаги кадрларни хоҳлаганча алмаштиришга халақит бермайдиган одамлар ўтиргани маъқул.

Бундай чидаб бўлмайдиган аҳволни тезда ўзгартириш лозим.

Ҳокимликлардаги ташкилий-кадрлар бўлимлари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиб, уларнинг мақомини ахборот-таҳлил гуруҳи мақомига тенглаштириш, бўлим раҳбарларини эса ҳоким ўринбосарлари даражасига кўтариш зарур.

Эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир масала мавжуд. Бугун мамлакатимиздаги муайян бир олий ўқув юртини тамомлаётган ёш мутахассислар бўйича махсус маълумотлар банкни тузиш ва мониторингини, яъни кузатиш услубини амалга ошириш зарурати туғилмоқда.

Жумладан, бу хориждаги энг нуфузли университетларни тамомлаган ёки ўша ерда малака оширган ўғил-қизларимизга тааллуқлидир. Аввало, уларнинг ўз қобилияти, билим ва интилишларини рўёбга чиқаришда, Ватанига, халқига хизмат қилишда, наф келтиришда уларга жойларда қандай имкониятлар ва шароитлар туғдириб берилаётганини назорат қилиш — бу борадаги энг асосий вазифамиздир.

Бу ўринда сўз энг катта бойлигимиз — халқимизнинг, миллатимизнинг интеллектуал, ақл-за-

коват бойлиги, азиз фарзандларимизнинг тақдирини ҳақида бормоқда.

Албатта, инсон тақдирини, барчамизнинг тақдиримизни Оллоҳ таоло ҳал қилади. Лекин биз давлат раҳбарлари бўлиб, масъул шахслар, авваламбор, ота-оналар бўлиб, болаларимизнинг келажаги, тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, уларга нисбатан хиёнат қилган бўламиз.

Шунинг учун республика ҳукумати қошида шу масала билан шуғулланадиган алоҳида марказ ташкил этсак, менимча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Сўзимнинг якунида ҳаммамиз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бир масалага тўхталмоқчиман.

Ҳап валюта бозорини эркинлаштириш чоратадбирлари ҳақида бормоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш — ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш стратегиямизнинг асосий бўғинига айланмоқда.

Кейинги пайтда эркинлаштириш сиёсатини изчил ва пухта амалга оширишга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар қабул қилинди. Биржадан ташқари валюта бозорининг салоҳияти бирмунча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Жорий йилнинг 1 майидан эътиборан валюта операцияларининг бутун бошли ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизими биржадан ташқари валюта курс-

ларига ўтказилди. Бу эса биржадан ташқари курс билан Марказий банк курсининг амалда тенглашувига олиб келди.

Айни пайтда нарх-навонинг, биринчи навбатда ҳаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига йўл қўймаслик учун савдо ташкилотларига солиқнинг бирмунча енгиллаштирилган, янги, имтиёзли тизими жорий этилди.

Ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотларга акциз белгилари бекор қилинди. Чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш пунктлари ишлай бошлади. Бу борада тижорат банкларимизнинг имкониятларини ошириш мақсадида тегишли чоралар кўрилмоқда. Сўнгги йилларда яратилган олтин-валюта захирамиз валюта-айирбошлаш операциялари билан мунтазам шуғулланишга ҳам имкон беради.

Марказий банк, Молия вазирлиги валюта бозорида рўй бераётган ўзгаришларнинг доимий мониторингини ташкил қилиши даркор. Биржадан ташқари валюта бозори, алмаштириш пунктлари фаолиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир таклифлар назорат остида бўлиши шарт.

Вазирлар Маҳкамаси ички бозоримизни, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан тўлдириш, шу билан бирга, четдан маҳсулот олиб келиш, республикаимизда энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини тўғри

йўлга қўйиш масаласини жиддий назорат қилиши даркор.

Энг муҳими, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, савдо ташкилотлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий савдо шаклларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоратадбирларини кўришлари зарур.

Муҳтарам ватандошлар!

Олдимизда турган вазифалар ўта мураккаб ва долзарб. Уларни зудлик билан ҳал этиш лозим. Мен аминманки, биз бу муаммоларнинг ечимини топиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг изчил ва барқарор ўсиши, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш учун мустаҳкам пойдевор ярата оламиз.

2000 йилнинг биринчи ярми якуни бизнинг ўз мақсадларимизга эришиш учун ислохотлар йўлидан ишонч ва қатъият билан бораётганимизни кўрсатиб турибди.

Ана шу эзгу ниятларимизга эришишда барчангизга муваффақият, ишларингизга омадлар тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши
ва иқтисодий ислохотларнинг 2000 йил
биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган
мажлисидаги маъруза, 2000 йил 21 июль*

МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Хурматли депутатлар!

Бугун сиз, азизлар билан учрашиб турганимиздан фойдаланиб, сизларга, сиз орқали Қашқадарё воҳасига ва шу заминда яшайдиган барча инсонларга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Қашқадарёни таъриф ва тавсиф этганда, унинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида, бугун мамлакатимизни бу табиий захиралардан олинадиган маҳсулотлар билан таъминлашдаги ўрни ҳақида, пахта, ғалла етиштириш бўйича етакчи ўринда туриши, бу воҳанинг бетакрор табиати тўғрисида кўп сўз юритишимиз мумкин. Ва буларнинг ҳаммаси ўринли, ҳаммаси асосли бўлади.

Қашқадарё ҳақида гапирганда мен, аввало, бу саховатли заминдаги бағрикенг, юраги тоза, ҳаёт синовларида чиниққан, чўл шамолларида қорайган, қўли қадоқ деҳқонларни, конларда тер тўкиб ишлаётган одамларни кўз олдимга келтириб, фидокорона меҳнати, инсоний фазилатлари учун уларга доимо таъзим қиламан.

Китоб тоғлари ва Яккабоғнинг сўлим боғларини, Деҳқонобод яйловларини Косон ва Нишоннинг дала-даштларини, Муборакнинг текисликларини кезган, Шаҳрисабз обидаларини томоша қилган одам бу ўлкага беихтиёр мафтун бўлиб қолади.

Шу билан бирга, Қашқадарёнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятида ўзига хос алоҳида ўрни бор.

Бугунги кунда республикамиз бўйича қазиб олинаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 92 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Толлимаржон ГРЭСи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ нефт кони ва бошқа иншоотлар мамлакатимизнинг асосий ёнилғи-энергетика базасини ташкил этади.

Ҳозирги пайтда барпо этилаётган Шўртан газкимё мажмуи эса мамлакатимиз халқ хўжалигида, умуман, иқтисодий салоҳиятимизнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Бу корхона ишга туширилгач, йилига 125 минг тонна полиэтилен хом ашёси, 103 минг тонна газ конденсати, 142 минг тонна суюлтирилган газ маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлайди.

Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилиб, 650 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя сарфланади.

Бу улкан саноат корхонаси тўла қувват билан ишлай бошлагач, нафақат полиэтилен хом ашёси ва плёнка, айна вақтда экспортбоп ва рақобатбардош уй-рўзгор буюмлари, газ ва сув қувурлари, техник ускуналар каби халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни ҳам ўзимизда тайёрлаш имкониятига эга бўламиз.

Яна бир муҳим жиҳати, мажмуанинг биринчи навбати фойдаланишга топширилгач, икки мингга яқин янги иш ўрни очилади.

Деҳқонобод тумани ҳудудида жойлашган туз кони ёнида қуриладиган, йилига 500 минг тонна калийли ўғит ва 500 минг тонна ош тузи ишлаб чиқариш қувватига эга завод ҳам вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда салмоқли омил бўлади.

Шу ўринда вилоятнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида тутган ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Қашқадарёлик заҳматкаш деҳқон ва чорвадорлар етиштириб келаётган пахта ва дон, мева ва узум, сабзавот, полиз, гўшт ва сут маҳсулотлари халқимиз дастурхонини тўкин, турмушини фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Бу воҳанинг улкан сув иншоотлари, хусусан, дунёда ягона бўлган 6 та насос станцияси секундига 240 куб метр Амударё сувини 132 метр баландликка — Толлимаржон сув омборига кўтариб бериб, охириги йилларда 200 минг гектар ерни

ўзлаштириш имконини бергани ҳам бу ерда ҳақиқий миришкор, изланувчан одамлар меҳнат қилаётганидан далолатдир.

Азиз юртдошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилояти юксак ишлаб чиқариш салоҳияти билан бирга, бой тарихий анъаналарга ҳам эга. Воҳада кўп асрлик тажрибаси бўлган ўзига хос деҳқончилик ва чорвачилик мактаби мавжуд. Бу ерда қадимдан кулолчилик, хунармандчилик, темирга ишлов бериш сингари саноатнинг дастлабки кўринишлари вужудга келган.

Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Ғузор ва бошқа ўнлаб шаҳарларда бунёд этилган мадраса, работ, масжид ва карвонсаройлар, тарихимизнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш Шаҳрисабздаги Оқсарой каби кўплаб меъморчилик обидалари олис аجدларимизнинг бетакрор турмуш маданиятидан, бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

Бу юрт айни пайтда башариятнинг маънавий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган буюк фарзандлари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Биргина Насаф шаҳридан чиқиб “Насафий” тахаллуси билан шуҳрат қозонган ўндан ортиқ олимларнинг номи ҳаммамизга яхши маълум. Ислом оламини ўзининг бебаҳо илмий мероси билан бойитган ва юртимизнинг шон-шуҳратини жаҳонга таратган кўплаб азиз-авлиёлар, олиму ула-

молар фақат қашқадарёликларнинг эмас, балки бутун ўзбек халқининг фахри ва ғуруридир.

Буюк саркарда ва давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси, соҳибқирон Амир Темури ҳазратларининг ҳам шу заминда вояга етгани воҳада яшаётган ҳар бир инсон қалбини ифтихор туйғусига тўлдиради. Бизнинг қандай улуғ инсонларнинг авлоди ва вориси эканлигимизни эслатиб, доимо эзгу ва юксак мақсадлар сари руҳлантириб туради.

Мен Қашқадарё аҳлини ўз ота-боболаридан ватанпарварлик ва фидойилик, бунёдкорликни мерос қилиб олган ва шундай фазилатларга муносиб бўлишга, ўзининг ғайрат-шижоати, Ватанга, она заминга меҳр-муҳаббати билан мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлашга интилиб яшайдиган мард, ориятли инсонлар деб биламан ва қадрлайман.

Энди сизларга бир савол берсам: шундай беқиёс имкониятларга қарамасдан, нима учун Қашқадарё вилояти кейинги йилларда сурункасига деярли барча кўрсаткичлар бўйича ўз мавқеини йўқотиб боряпти? Нега ижтимоий-иқтисодий ривожланишда олға силжиш сезилмаяпти?

Келинлар, бир-биримизнинг кўзимизга тик қараб, мана шу масалалар ҳақида батафсил гаплашиб олайлик.

Менинг фикримча, бу ҳолнинг асосий сабаби шундаки, Қашқадарё вилоятида янгиликни

жорий қилиш, ислохотлар орқали ҳаётни яхшилашга, фаолиятимизни янгитдан ташкил этишга, ишга муносабатни тубдан ўзгартириш, меҳнатни рағбатлантиришга етарлича аҳамият берилмаяпти.

Одамларни олдимизда турган қийинчиликларни енгиш йўлида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишга даъват этиш, уларнинг руҳини кўтариш, уларни бошқариш, тўғри йўл кўрсатиш, бир кунлик ўткинчи ташвишлар билан эмас, балки эртанги кунимизни, келажакни, фарзандларимизнинг истиқболини ўйлаб, янги-янги марраларга интилиб яшаш, бутун борлиғимизни ана шу мақсадларга эришиш учун сафарбар қилишда, афсуски, вилоятда ҳеч қандай ўзгариш сезилмаётганини, бу борада заиф бўлиб турганимизни айтиб ўтмоқчиман.

Табиий иқлим шароити қулай, ери ҳосилдор бўлишига қарамасдан, вилоятда охирги икки йилнинг ўзида кўзда тутилганидан 57 минг тонна пахта кам етиштирилиб, давлатга пахта сотиш режалари бажарилмади. Фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги 14 та тумандан 9 таси, пахта етиштиришга ихтисослашган 176 та хўжаликдан 96 таси давлат буюртмасини бажара олмади.

Баҳористон, Ғузор, Нишон, Муборак туманларида ҳосилдорлик гектарига 15-17 центнерга тушиб қолди. Бу кўрсаткич 36 та хўжаликда 20

центнердан, 26 та хўжаликда 15 центнердан, 9 та хўжаликда эса 10 центнердан ошмаяпти.

Ғаллачиликдаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. Бошоқли дон етиштириш режаси 1998 йилда 77 фоиз, ўтган йили 75 фоиз бажарилган бўлса, жорий йилда бундан ҳам паст даражада — 41 фоизда қолиб кетди. Давлатга дон сотиш режаси атиги 59 фоизни ташкил этди.

Албатта, биз бу йилнинг қишлоқ хўжалиги учун оғир келганини, қурғоқчилик ва сув танқислиги рўй берганини, Толлимаржон ва бошқа сув омборларида сув етишмаслиги туфайли кўп экинларнинг суғоришдан қолиб нобуд бўлганини, шу билан бирга, нафақат хўжаликлар, биринчи навбатда, шу ерда яшайдиган одамларнинг катта қийинчиликларга дучор бўлганини яхши тушунамиз.

Шунинг учун давлат ҳам, ҳукуматимиз ҳам қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда. Айтмоқчиманки, ҳеч ким бу офат қаршисида ёлғиз қолмайди.

Лекин табиатнинг шундай синовларига бардош бериб, қўшимча имкониятларни топиб, одамларни сафарбар этиш аввало шу ердаги раҳбарларнинг вазифаси ва бурчи эмасми?

Шуни афсус ва ташвиш билан қайд этиш лозимки, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин пайсасайиб бормоқда. Сабзавот ҳосилдорлиги ўтган йили

1998 йилга нисбатан 24 центнерга камайиб кетди, картошкадан гектарига 59 центнер, мева ва узумдан эса 23-31 центнер ҳосил олин्याпти, холос.

Вилоятда вужудга келган аҳволни кенгроқ олиб қарайдиган бўлсак, сув таъминоти етарли бўлган 1998-99 йилларда ҳам кўзда тутилганидан анча кам ҳосил олингани, режалар барбод бўлгани, ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг таҳлили бу иллатларнинг негизи бошқа жойда эканини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Айниқса, агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, экиш муддатларини асоссиз равишда кечиктириб юбориш, катта-кичик раҳбарларнинг иш услуби ўзгармаётгани, уларнинг ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга, шу ердан ҳосил ундирадиган заҳматкаш деҳқон меҳнатига бефарқ муносабатда бўлаётгани, ислоҳотларнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслиги ҳам мана шундай ачинарли оқибатларга олиб келмоқда.

Вилоят, туман ва хўжалик раҳбарларининг кўпчилиги фақат тилда “ислоҳотчи” бўлгани туфайли эски тизимдан қолган усулларга барҳам берилмаяпти, шуни ташкил этишнинг замонавий усуллари ҳанузгача жорий этилмаяпти.

Даромад ва харажатларни аниқ ҳисоблаш, бу ишларни тўғри йўлга қўйиш ночор аҳволда.

Мавжуд 147 та ширкат хўжалигидан ўтган йил натижалари бўйича фақат 3 тасида ҳиссадорларга дивиденд тўланганига нима дейиш мумкин?

Ўзингиз айтинг, ахир одамлар қилган меҳнатининг натижасини кўрмаса, янги мулк шакллари-нинг афзаллигини ҳис этмаса, бу ислохотларни обрўсизлантиришга олиб келмайдими? Вилоятда бу ҳақда бош қотирадиган, қайғурадиган одам борми?

Фермер хўжаликларининг аҳволи таҳлил этилганда ҳам жиддий нуқсонлар кўзга ташланади. Бугунги кунда вилоят бўйича 2890 та фермер хўжалиги рўйхатдан ўтган. Уларнинг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланади.

Бу йил фермер хўжаликларининг техника воситалари ва минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжи бор-йўғи 21-25 фоиз таъминланди. Уларга тижорат банклари томонидан талаб этилганига нисбатан 10 фоиз миқдорида кредит берилди, холос.

Энг ёмони, фермер хўжаликларига, тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол этиш ҳоллари ҳалигача давом этмоқда. Бундай хўжаликларни рўйхатга олиш, уларга ер ажратиш, кредит бериш борасида ноқоқуний ҳаракатлар ҳали-ҳамон сақланиб қолмоқда.

Масалан, “Бобур” фермер хўжалигини рўйхатга олиш ва унга ер ажратиш тўғрисидаги фуқаро Ҳайдаровнинг мурожаати Китоб тумани ҳокимлиги томонидан асоссиз равишда рад қилинган. Фақат адлия идоралари аралашувидан кейингина ушбу масала ижобий ҳал этилган.

Тадбиркорлар З. Соатова, Т. Шарипов, Р. Қажумовлар чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида ҳамма керакли ҳужжатларни тайёрлаб, “Пахтабанк” ва “Асакабанк”нинг вилоят бўлимларига микрокредит олиш учун апрел-май ойларида мурожаат қилишган. Афсуски, унча мураккаб бўлмаган шу масала ҳам ҳалигача ҳал этилмай келмоқда.

Фермерлар ҳаракатига тўғаноқ бўлаётган раҳбарларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари туғрисидаги бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик яқунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида гап асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини юксалтириш хусусида боргани бежиз эмас. Бунинг маъно-мазмунини, авваламбор, деҳқоннинг қосасини оқартириш, нонини бутун қилиш, меҳнатини рағбатлантиришдан иборатдир.

Бунга эришиш учун эса биз бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттиришимиз керак. Токи бу ислохотлар номига, хўжакўрсинга эмас, ҳисобот учун эмас, ҳақиқатда деҳқоннинг ҳаёти фаровон бўлишига хизмат қилсин.

Деҳқон ўз мулкининг эгаси бўлсин, деб кўп гапирамиз, катта-катта минбарлардан даъват этамиз.

Содда қилиб айтганда, бунинг маъноси шуки, эл-юртни, барчамизни боқадиган, кийинтиради-

ган деҳқон ўз меҳнатидан тўла манфаат кўрсин, унинг ҳаёти ёруғ бўлсин.

Ҳурматли депутатлар!

Вилоятдаги саноат ва капитал қурилиш соҳасини таҳлил қилганда, жиддий камчиликлар кўзга ташланади.

Ўтган йили вилоятдаги 11 та корхона режадагига нисбатан 146 миллион сўмлик саноат маҳсулотини, 10 та корхона эса қарийиб 60 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини кам ишлаб чиқарган эди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса 12 та корхона 640 миллион сўмлик саноат, 7 та корхона 152 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини кам ишлаб чиқарди.

Нафақат саноат, қурилиш соҳасидаги, балки савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги аҳволнинг таҳлили ҳам шуни кўрсатадики, умуман вилоятда чет мамлакатлардан сармоя олиб келиш, сармоядорларни қизиқтириш ишлари талабга жавоб бермайди.

Хўш, хорижий сармоядорларни нима ҳисобидан қизиқтириш мумкин? Аввало, мана шу саховатли заминдаги бойлик, табиий ресурслар ҳисобидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уларни қайта ишлаш бўйича янги-янги корхоналар қуриш таклифлари билан қизиқтириш мумкин. Афсуски, бу борада мутлақо иш олиб борилмаяпти.

Шундай тасаввур туғиладики, Қашқадарёга, Қарши шахрига сармоядорлар гўёки йўлни билмайди. Чунки, маҳаллий раҳбарларда бу ўта муҳим масалага етарлича эътибор йўқ.

Авваламбор, вилоят раҳбарлари, шу соҳага масъул бўлган мутасаддилар ҳамон эски замон қолиплари билан яшамоқда. Эртанги кун ҳақида қайғуриш, вилоятни ривожлантириш ҳақида бу одамларнинг ўзида тайёргарлик йўқ, энг ачинарлиси, улар бу ишга тайёр бўлган, шунга қўл ураман, деб интиладиган кишиларга йўл бермайди.

Ҳисоботларга кўра, вилоятда 37 та қўшма корхона бор. Шундан 22 таси фаолият кўрсатяпти, 15 таси эса турли сабабларга кўра тўхтаб турибди.

Деҳқонобод, Ғузор, Касби, Нишон, Усмон Юсупов туманларида қўшма корхоналар умуман ташкил қилинмаган. Бу ҳақда қанча гапириш мумкин? Наҳотки, бундай корхоналар замон талаби, тараққиёт омили, одамларни иш билан банд этишнинг яна бир имконияти эканини бу туманларнинг раҳбарлари тушунмаса?

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги режаларнинг бажарилиши ҳам қониқарсиз аҳволда. Табиий газ ҳамда ичимлик сув тармоқларини ётқизиш ишлари бир қатор туманларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ваҳоланки, вилоят бўйича аҳолининг 26 фоизи тоза ичимлик суви билан, 42 фоизи табиий газ билан таъминланган эмас.

Жорий йилда ҳукумат қарори билан режалаштирилган 56 та қишлоқдан фақат 21 тасига табиий газ, 45 та қишлоқдан атиги 6 тасига ичимлик сув етказиб берилди.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш ва Соғлом авлод йили дастурлари асосида улкан ишлар амалга оширилаётганидан барчамиз хабардормиз. Лекин вилоятда янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ҳам талаб даражасида эмас. Битта академик лицей ва 12 та касб-ҳунар коллежи қурилиши сабабсиз равишда чўзиб юборилмоқда. Бу борада режалаштирилган қурилиш-монтаж ишлари 35 фоиз бажарилган, холос.

Шу билан бирга, ушбу иншоотлар қурилиш текширилганда ўтган йили 3,5 миллион сўм, жорий йилнинг олти ойида эса қарийиб 1 миллион 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари қўшиб ёзилгани, бир ярим йил давомида 12,5 миллион сўмдан зиёд бюджет маблағлари мақсадсиз сарфлангани аниқланди.

Вилоятда қурилиш соҳасидаги ислохотларга ҳам етарлича аҳамият берилмаяпти. 226 та пудрат ташкилотларидан ярми ҳанузгача давлат тасарруфидан чиқарилган эмас. Вилоятда бугунги кунда бор-йўғи 8 та хусусий қурилиш ташкилоти

фаолият кўрсатиб, уларда атиги 109 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Табиийки, бу муҳим соҳага етарлича эътибор берилмагач, қурилиш сифати, ободончилик ишлари ҳам ўлда-жўлда бўлади.

Қарши шаҳри ва туман марказларида олиб борилаётган аксарият ободончилик ишлари талабга жавоб бермайди. Масалан, вилоят марказидаги сайилгоҳ ва хиёбонни, вокзалолди майдонини, шунингдек, савдо ва маиший хизмат шохбчаларини қуришда табиий иқлим шароити, миллий меъморчилик анъаналари ҳисобга олинмаган.

Бизнинг айрим қурувчи-лойиҳачиларимизга теккан бир касаллик бор. У ҳам бўлса — бетон-парастлик касали. Керак-нокерак жойда ҳамма ёқни бетонга бостириб ташлайверишади. Барака топкурлар, ўзингиз ўйланг, ахир, ёзда иссиқ 40-45 даражадан ошиб кетадиган Қаршида бетонга шунчалик ружу қўйиш шартми? Қайси ақл билан шундай қилиш мумкин?

Маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни, ижтимоий аҳамияти ҳақида, унинг аввало соғлом муҳит ва тарбия маскани бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Юртимизда маҳаллаларни обод қилиш, хусусан, ҳамма қулайликларга эга бўлган замонавий гузарлар барпо этиш яхши анъанага айланиб қолди. Афсуски, Қашқадарёда бу соҳада

ҳам оқсоқлик бор. Вилоятдаги 361 та маҳалладан бор-йўғи 65 таси ўз гузарига эга. Бу ҳақда яна қанча гапириш мумкин, ахир?

Агар шундай бир савол қўйсак, унга жавоб топиш жуда қийин: нима учун вилоятда ободончилик ишларига эътибор кам? Нима учун шаҳар-қишлоқларда, туманларда, вилоят маркази — Қарши шаҳридаги ободончилик ишлари талабга жавоб бермайди?

Очиқ айтиш керак: кейинги йилларда бу масалага эътибор, астойдил ёндашув деярли сезилмаяпти. Бу юрт ўзимники, уни обод қилсам, ўзимга нафи тегади, болаларимга, набираларимга, зурриётларимга мерос бўлиб қолади, деган тушунчанинг ўзи йўқ. Уни шакллантириш, кенг тарғиб қилиш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаяпти.

Ҳурматли депутатлар!

Вилоятда аҳолининг табиий ўсиш даражаси баландлигига қарамасдан, ҳанузгача одамларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашнинг аниқ режаси тузилмаган. Амалдаги бандлик дастури пухта ишлаб чиқилмаган.

Минг афсуски, ушбу муаммони ҳал этишнинг асосий омили бўлган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга етарли аҳамият берилмаяпти.

Мана бу рақамларга эътибор беринг. Вилоят бўйича рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг умумий сони 11 минг 126 тани

ташқил этади. Ана шу корхоналардан 1900 таси сунгги бир ярим йил ичида рўйхатга олинган. Аини пайтда 1713 таси ўз фаолиятини тўхтатган.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, “Бизнес-фонд” вилоят бўлими, Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси раҳбарларининг бу соҳани ривожлантириш бўйича аниқ режаси йўқлиги туфайли ишсизлик кескин муаммога айланиб бормоқда.

Мен бу ҳақда яқинда ярим йиллик якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида айтган фикримни яна такрорламоқчиман: аҳолини иш билан таъминлаш масаласи — биз учун энг долзарб, кўп-кўп муаммоларни ечадиган, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласидир.

Ишсизлик эса, ўзингизга маълум, жиноятчиликни, қонунбузарликни юзага келтирадиган асосий сабаблардан бири ҳисобланади.

Вилоятда 1999 йилда умумий жиноятлар миқдори 1998 йилга нисбатан 25 фоиз, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиш ҳоллари эса 30 фоиз ошган.

Кейинги йилларда қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, ўғрилик, талончилик ҳолатлари, вояга етмаган, муқаддам судланган шахслар, уюшган гуруҳлар томонидан содир қилинаётган жиноятларнинг кўпайиб бораётгани айниқса таш-

вишланарлидир. Бунинг сабаби ҳам юқоридаги фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаб турибди.

Айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари жамоатчилик билан ҳамкорликда бу борада таъсирчан чоралар кўрмаяпти, янада аниқроқ айтсак, ўз ва-зифасини қониқарли бажара олмаяпти.

Шу ўринда вилоятда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг сусайиб кетганини, вилоят ва туман ҳокимларининг бу соҳага шахсан жавобгар эканини унутиб қўйганини ҳам афсус билан таъкидлаш жоиз.

Ўтган йилнинг декабр ойида мана шу залда бўлган сайловолди учрашувида ислохотларни амалга оширишга ҳалақит бераётган, вилоят иқтисодиётининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган камчилик ва нуқсонлар, уларнинг сабаблари ва бартараф этиш йўллари ҳақида фикрлашиб олган эдик. Шундан бери орадан етти ойдан кўпроқ вақт ўтди.

Бугун шуни таъкидлашим лозимки, вилоят раҳбарларининг айтилган гаплардан керакли хулоса чиқариб олмагани, ўз ишида ўзгариш яшашга кучи, қобилияти, билими, савияси етмагани натижасида деярли барча соҳаларда ўсиш ўрнига орқага кетиш ҳоллари янада кучайгани аччиқ ҳақиқатдир.

Шундай вазиятнинг юзага келиши сабаблари, энг аввало, маҳаллий раҳбарларнинг фаолиятига бориб тақалади.

Чунки вилоят бўйича ишлаб чиқариш соҳаларини изчил ривожлантиришнинг аниқ ҳисоб-китобларига асосланган истиқбол режалари ва стратегик йўналишлари белгилаб олинмаган. Олға интилмасдан, келажакни аниқ тасаввур этмасдан, зарур ҳисоб-китоб қилмасдан туриб бирор натижага эришиш мумкинми?

Минг афсуски, вилоят ҳаётининг бирон-бир соҳасида ташаббускорлик, интилиш ва изланиш сезилмайди, чуқур асосланган ҳаракат дастури мавжуд эмас. Шунинг оқибатида барча соҳаларда иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, пала-партиш олиб борилмоқда. Умуман олганда, вилоятдаги бутунги вазият барчамизни ташвишга соладиган ҳолатга тушиб қолган.

Бу аҳволни қандай қилиб тузатиш мумкин? Келажакда қандай ишлашимиз керак? Раҳбарларнинг ношудлиги, бепарво ва лоқайдлиги туфайли одамлар кўнглида пайдо бўлган ишончсизлик қайфиятини қандай қилиб йўқотиш мумкин?

Бу оғир, ўта мураккаб муаммоларни ечишда ким масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур, ким ўз атрофида соғлом кучларни, эртанги кунга, янгиликка интилган, қўлидан иш келадиган мутахассисларни жалб қилишга қурби етади, деган савол туғилади.

Афсуски, бу саволларга қониқарли жавоб топиш жуда қийин. Вилоят раҳбарларининг, хусу-

сан, вилоят ҳокими Шухрат Бегматовнинг фаолиятига баҳо бериб, юқорида зикр этилган муаммоларни ечиш имкониятларига, ишга муносабатига қараб, такрор айтаман, бу саволларга ижобий жавоб топиш жуда оғир.

Кенг жамоатчиликнинг фикрига таяниш, оқсоқоллар, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган одамлар, оддий ишчи-деҳқонлар билан бамаслаҳат иш тутиш, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар қилиш вилоят раҳбари учун иш услубига айланмаган.

Бу камчилик айрим ўрта ва қуйи бўғиндаги раҳбарларга ҳам юққан. Бу раҳбарлар, аччиқ бўлса-да, айтиш керакки, ҳалигача ғафлат уйқусидан уйғонгани йўқ.

Ислохотларнинг моҳиятини аввало раҳбарнинг ўзи яхши тушуниши зарур. У масъул бўлган ҳудуднинг муаммоларини, эҳтиёжларини чуқур англаб, каттаю кичикнинг ишончини қозониб, уларни рози қилиб, ўзининг амалий ишлари билан эл-юрт ҳурматига муносиб бўлиб ишлаган тақдирдагина халқни ўз изидан эргаштириши мумкин.

Юқорида тилган олинган нуқсонларнинг энг асосий сабабларидан бири шундаки — вилоятда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда қўпол хатоликларга йўл қўйилган.

Ёш, билимли, иқтидорли, ўз Ватан ва халқига садоқат билан хизмат қиладиган кадрларни то-

пиш, уларга масъул вазифаларни ишониб топшириш борасида олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ўта муҳим бу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Турли бўғиндаги раҳбарларни танлаш ва тарбиялаш, кадрлар захиралаларини тузиш бўйича аниқ дастур ёки режа деярли йўқ.

Ўтган давр мобайнида шу сабаблар туфайли кўпгина раҳбар ва мутахассислар ўзгартирилганига қарамасдан ишда ижобий натижаларга эришилмаган.

Мана шу айтилганлардан хулоса қилиб, ўзимизга яна бир бор савол берайлик. Вилоятдаги вазият шундайлигича сақланиб қолса, халқнинг турмуши қандай кечади, келажаги нима бўлади? Албатта, бундай аҳвол одамларнинг ҳақли равишда норозилигини уйғотади ва вазиятни издан чиқариши мумкин.

Буни кейинги пайтларда республика идораларига келаётган хатларнинг катта қисмини қашқадарёликларнинг шикоят ва аризалари ташкил этаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Масалан, ўтган 6 ой давомида вилоятдан Президент девонига 2,5 мингга яқин турли мазмундаги ариза ва шикоятлар тушган. Бу — вилоятда қонун талаблари, адолат мезони бузилаётганини, раҳбарлар халқнинг арзини тинглашга, муаммо-

ларини ечишга лоқайдлик ва масъулиятсизлик билан қараётганини кўрсатмайдими?

Бир сўз билан айтганда, вилоятда халқ ўз дарду ташвиши билан, аксарият раҳбарлар эса ўз шахсий мақсад ва манфаатлари билан яшаб келмоқда.

Вилоятда мавжуд бўлган бугунги вазиятни таҳлил қилар эканмиз, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг негизига назар ташласак, авваламбор вилоятдаги биринчи раҳбарнинг заифлигини, савияси талаб даражасида эмаслигини, ишни ташкил қилишда унга талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик етишмаганини кўришимиз мумкин.

Бир эслайлик, ҳазрат Амир Темур элга етакчилик қиладиган одамларга қандай талаблар қўяр эди? Улуғ бобомизнинг: “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, деган сўзлари барча катта-кичик раҳбарлар учун ибрат бўлиши керак. Ҳар бир раҳбар соҳибқироннинг “машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан”, деган ўғитларини ҳам унутмаслиги лозим.

Лўнда қилиб айтганда, Қашқадарёдаги мавжуд аҳволни ўнглаш, вилоятни ҳозирги оғир вазиятдан олиб чиқишга вилоят ҳокими Шухрат Бегматовнинг қурби етмаслигини мана шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши тушунади.

Албатта, ҳар бир раҳбар бирданига пишиб-етилиб қолмайди. Бунинг учун вақт керак, унинг ўсиб бориши учун атрофдагилар ёрдам ва кўмак беришлари зарур. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо эл-юрт томонидан билдирилган ишончни оқлашга интилиш, Худо берган ақл-заковатини, билими, тажрибасини, бутун борлигини сафарбар қила олиш аввало одамнинг ўзига боғлиқ. Ҳаётнинг ўзи бу масалага вақти келганда аниқлик киритиши муқаррар. Бу барчамиз учун тушунарли деб ўйлайман.

Бутунги ҳаёт талаби — вилоятга раҳбарлик қилиш қўлидан келадиган, билимли, қобилиятли, замон талабларига жавоб берадиган, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг уддасидан чиқадиган, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар ясашга қодир раҳбарни топиш заруратини қўймоқда.

Шу ҳақда жуда кўп ўйлаб, бу масаланинг нечоғлиқ мураккаб эканини чуқур англаб, кўпчилик билан, шу жумладан, вилоятдаги аҳволни яхши биладиган жамоатчилик вакиллари билан маслаҳат қилиб, мен шундай хулосага келдим. Ва бу масала хусусида сизлар билан, вилоят депутатлари, шаҳар ва туманларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари билан бамаслаҳат бир фикрга келмоқчиман.

Қашқадарёнинг салоҳияти, ривожланиши бутун мамлакатимиз тараққиёти билан чамбарчас

боғлиқлигини ҳамда вилоятда вужудга келган оғир аҳволни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги вақтда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Ҳамидов Бахтиёр Султоновични вилоят ҳокими лавозимига тавсия қилмоқчиман.

Б. Ҳамидов кўп йиллардан буён масъул вазифаларда ишлаб, тажриба орттирган, ислохотлар негизини биладиган, замонавий фикрлайдиган раҳбар.

Мен вилоят аҳли, барча катта-кичик раҳбарлар вилоятнинг янги ҳокими билан жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ўз олдиларида турган улкан вазифаларни адо этадилар, деб ишонч билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Илгари ҳам кўп марта айтган бир гапимни бугун яна бир бор такрорлайман: бизнинг энг катта бойлигимиз — меҳнаткаш, ҳалол ва фидойи халқимиздир. Қашқадарё воҳасида айнан мана шундай одамлар яшайди. Уларга ишониб, уларга суяниб-таяниб кўп ишларни амалга ошириш, барча мушкил муаммоларни ҳал этиш мумкин. Мен буни мана шу вилоятда ишлаган давримиздаги ўз тажрибамдан яхши биламан.

Вилоят олдида турган бугунги муаммоларни ечиш учун эса ҳамма имкониятлар бор.

Агар биз ана шу ерда яшайдиган меҳнаткаш, гайрат-шижоатли, қийинчиликлардан кўрқмай-

диган, мард ва самимий инсонларнинг йўлини очиб берсак, аввало иқтидорли, замон талабларига жавоб берадиган ёшларимизга таяниб иш тутсак, ишларимизни оқилона ташкил этсак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, албатта, ижобий ўзгариш ва ўсиш бўлади, ривожланиш бўлади, Қашқадарё мамлакатимиздаги энг илғор вилоятлардан бирига айланади.

Мен бутунги айтилган очиқ ва аччиқ гаплардан, фикр-мулоҳазалардан барча қашқадарёликлар ўзларига тегишли хулоса чиқарадилар, ишларида туб ўзгариш ясайдилар, деб қатъий ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, сиз орқали бутун Қашқадарё халқини яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ишларингизга ривож тилайман.

*Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят
Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ,
2000 йил 28 июль*

ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС

Ассалому алайкум, ҳурматли халқ депутатлари!
Муҳтарам дўстлар!

Аввало, юртимизга тажовуз қилган террорчи тўдаларга қарши жанглarda қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизни хотирлаб сукут сақлашингизни сўрайман.

Она-Ватан ҳимояси, юртимизнинг тинчлиги йўлида ўз жонини фидо этган бу аскарларимизнинг ота-оналарига, оила аъзоларига, ёру биродарларига яна бир бор ўз номидан, халқимиз номидан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этаман. Бу ботир ўғлонларимизнинг номлари барчамиз учун мардлик ва жасорат, фахру ғурур тимсоли бўлиб қолади. Уларнинг сўнмас хотираси халқимиз ёдидан ҳеч қачон ўчмайди.

Азиз юртдошларим!

Чегара ҳудудларимизда рўй бераётган бу воқеалар ҳақида матбуотимиз, радио-телевидение орқали мунтазам ахборот бериб борилмоқда.

Жойларда бўлиб ўтаётган учрашувларда, йиғилиш ва митинглардаги чиқишларда ёвуз босқинчиларнинг кирдикорларига қарши ўз қаҳру

ғазабини изҳор этаётган одамларимиз, барча юртошларимиз қалбида аввало шундай бир табиий савол туғилмоқда.

Осойишта ҳаёт кечираётган, қўшилари билан тил топишиб, тинч-тотув яшаётган халқимиз бошига бу бало-қазо қардан келди? Унинг сабаблари, илдизлари, таг-томири қардан келиб чиқмоқда?

Мен бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларимни турли мулоқотлар ва чиқишларимда кўп маротаба билдирганман. Юртимизга суқилиб киришга, осуда ҳаётимизни бузишга уринаётган бу ёвуз газандалар ҳақида, уларнинг қабих ниятлари ҳақида ҳам кўп гапирганман.

Бугунги чиқишимдан фойдаланиб, мен бу масалага аниқлик киритмоқчиман: хўш, бу Тоҳир Йўлдошев тўдаси, ўзини Намангоний деб атаётган Жума Ҳожиев тўдаси каби жиноий гуруҳларнинг асл мақсади нима?

Ўзи, бу разил кимсага нисбатан Наманган номини ишлатишни мен умуман ғайритабиий бир ҳол деб ҳисоблайман.

Бу қонхўр террорчи ўзига Наманган номини қўйиб олгани одамларимизда, айниқса, меҳнаткаш ва оқкўнгил, диёнатли Наманган аҳлида қаҳру ғазаб уйғотмоқда. Улар бу кўрнамакни Наманганнинг номи, Наманганнинг нони кўр қилсин, деб қарғамоқда.

Нега деганда, террорчининг миллати йўқ, унинг ота-онаси йўқ, дини, иймони йўқ.

Ватанини, юртини, виждонини сотган бу кимсалар ўз кирдикорларини халқимиз учун муқаддас бўлган диний тушунчалар ниқоби остида амалга оширмоқда.

Лекин, ҳар бир ақли расо одам билиб турибдики, буларнинг ҳаммаси лўттибозликдан бошқа нарсас эмас.

Нега деганда, бу ғаламисларда иймон-эътиқод, мусулмончиликдан заррача асар борми ўзи? Аслида булар виждонини, ота-онасини, эл-юртини пулга сотган қип-қизил сотқин, қип-қизил хоинлар эмасми?

Аслида улар хориждаги катта молиявий, ҳарбий, моддий имкониятларга эга бўлган экстремистик марказларнинг қўлидаги қўғирчоқ бўлиб, заҳарли чаёнга айланган разил кимсалардир.

Хўш, ана шу экстремистик, террорчи марказларнинг мақсад ва интилишлари нималардан иборат? Биз буни ҳам ўзимизга тўғри аниқлаб, англаб олишимиз зарур.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, 1991 йилда мустабид совет империяси исканжасидан халос бўлганимиздан кейин ён-атрофимиздаги катта-катта давлатлар, турли сиёсий кучлар ва марказларда энди мустақилликка эришган Ўрта Осиё мамлакатлари ва уларнинг халқлари тўғрисида ғалати бир фикр ва қараш олға сурилди.

Мана шу ўзини эркин деб, ўзини озод деб эълон қилган, истиқлол йўлидан қадам қўяётган давлатлар ҳудудида улар ўзи учун гўёки бир бўшлиқ пайдо бўлгандай фараз қила бошлади.

Ана шу бўшлиқни эгаллаш, бу мамлакатлар ҳудудидаги беқиёс бойликларга эгалик қилиш, шу халқларни ўз сиёсати, ўз ҳукмронлигига бўйсундириш, энг асосийси, мана шу муҳим геополитик майдонни ўз таъсири доирасига олиш — баъзи бир ғаразли мақсадлар билан яшаётган сиёсий кучларнинг ниятига, тўғрироғи, хомхаёлига айланиб қолди.

Буни исботлаш қийин эмас. Минтақамиз мамлакатлари дуч келаётган турли муаммолар, юзлаб мисолларда бу интилишларни яққол кўриш мумкин.

Бизнинг юртимиз бугунги кунда ён-атрофимизда вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, ўзининг узоққа мўлжалланган ёвуз мақсадларини амалга оширишга уринаётган турли экстремистик-ақидапарастлик марказларининг ғаразли интилишлари қаратилган ҳудудга айланиб қолмоқда.

Бундай ниятларни амалга оширишда бу кучлар Ўрта Осиё давлатлари аҳолисининг аксарияти мусулмон экани, ислом дини улар учун отабоболаридан қолган муқаддас дин бўлиб келаётганидан фойдаланишга уриндилар ва бугун ҳам уринмоқдалар.

Барчамизга маълумки, мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ топталган қадриятларимизни, урф-одатларимизни, дину диёнатимизни, ўзимизга хос маданиятимизни тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Афсуски, мана шу омиллардан, яъни бизнинг муқаддас динимизга бўлган муносабатимиздан нопок мақсадларда фойдаланиш, динимизни сиёсатга айлантириш ҳаракатлари оқибатида юртимизда ваҳҳобийлик, “Ҳизбут-таҳрир” каби турли зарарли оқимларга қўшилган кимсалар ҳам пайдо бўлди.

“Ҳақиқий ислом”ни тиклаш, VIII асрлардаги бугун фақат номигина қолган халифаликни ўрнатишни даъво қилиб юрган, ҳақиқатда эса мамлакатимизни ўн-юз йиллар орқага суриб ташлашга олиб келиши мумкин бўлган турли ҳаракат ва марказларнинг кучайиб бораётган интилишлари бизнинг юртимизда охириги йилларда, айниқса, сезилиб қолди.

Бу хатарни бизнинг бугунги кунимиз ва эртанги истиқболимиз учун нақадар хавfli эканини сезишга, англаб етишга, унга қарши чоралар кўришга ҳаётнинг ўзи ҳар бир онгли инсонни даъват этмоқда.

Бу экстремистик кучлар ўз ҳаракатини собик совет империяси пароканда бўлиб, талвасага тушиб қолган йиллардаёқ бошлаган эди.

Катта молиявий манбаларга эга бўлган марказлар, уларнинг “диндош”, “миллатдош” ниқоби остида юртимизга кириб келган вакиллари бир қарашда таъсирчан бўлиб кўринадиган сохта гоёлар, шиорлар, даъватларни ишга солиб, ҳатто мачит-мадрасалар қуриб беришга ҳам тайёр эканликларини кўрсатиб, айрим иродаси заиф одамларни мўмай пул эвазига сотиб олишга, тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган ҳаракатларнинг оқибати бугунги кунда ҳам ҳаётимизда сезилмоқда.

Улар ўз фаолиятини, айниқса, 1991—93 йилларда кучайтириб юборди.

Биз дастлаб бу одамларни дин йўлида юрган, Худо йўлида бизга холисона ёрдам бераётган кишилар, деб қабул қилдик. Аксарият одамларимиз уларга нафақат дастурхонини, балки бағри-ни ҳам кенг очди.

Албатта, бунга халқимизнинг соддалиги, оқкўнгил ва бағрикенглилиги ҳам сабаб бўлди. Чунки, агар дунёда иккита содда халқ бўлса, унинг биттаси ўзбек халқи, агар битта бўлса — ўзбек халқининг ўзи, десак, бу ҳам, менингча, муболаға бўлмайди.

Бу ёвуз кучларнинг бизга, халқимизга етказган энг катта зиёни шу бўлдики, улар гўр ёшларимизни йўлдан уришга ҳаракат қилди ва ҳаракат қилмоқда.

Турли мачит ва хужраларда уларнинг онгини, миясини заҳарлаб, муқаддас динимизнинг моҳиятини, маъно-мазмунини бузиб, бошқача талқин қилиб, фарзандларимизни йўлдан тойдиришга, уларни ўз халқига, ўз юртига, ўз ота-онасига қарши қилиб қўйишга уринди.

Ана шундай кирдикорлар натижасида қанча-қанча ёшлар катта пул эвазига ақидапараст кучларнинг тузоғига илиниб қолди.

Бугун, орадан анча вақт ўтганидан кейин, кўп жойларда ўша ёшларнинг ота-оналари ақл-хушини йиғиб, афсус-надомат, пушаймонликка берилиб, оҳ-воҳ тортмоқда.

Бугун бу ғаразли сиёсат ва ҳаракатлар биз учун нақадар хавфли, нақадар хатарли эканини барчамиз ҳис қилиб, англаб олмоқдамиз.

1992 йилдан бошлаб Тожикистонда давом этган беқарор вазият, фуқаролар уруши ҳам бунга яна бир омил бўлди. Юртимизда оғир жиноятлар, талончилик, қотиллик содир этиб, қочиб кетган кимсалар Тожикистондаги фуқаролик урушида турли қуролли гуруҳлар таркибида иштирок этди. Улар одам ўлдириш, қўпуровчилик, хунрезликни мана шу ерда ўзига касб қилиб олди.

Қисқа қилиб айтганда, бу экстремистик марказларнинг пировард мақсади — бизни танлаган йўлимиздан ортга қайтаришдир.

Яъни, бутун дунё интилаётган, фаровон яшаётган давлатлар қаторига қўшилишдек мақсадимиздан, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг олинди энди-энди очилаётган эркин ва озод ҳаёт йўлидан юртимизни яна орқага — ўрта аср тузуми ва жаҳолатига қайтариш, бизни боши берк кўчага киритиб қўйишдан иборат.

Ўрта Осиёда ҳам Афғонистондагига ўхшаган — унинг номини амирлик дейдими, халифалик дейдими ёки ислом давлати дейдими, ишқилиб, шундай тузум ўрнатиш ва бизни ана шундай ҳолатга тушириш. Мана шундай вазиятни вужудга келтириб, бизнинг юртимизда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш.

Булар ўз мудҳиш режаларини амалга оширишда ҳеч нарсадан тоймайдиган разил кучлар эканини ҳаммамиз яна бир бор яхши англаб олишимиз даркор.

Савол туғилиши мумкин: нима учун бундай ҳаракат ва кучлар бугунги ҳаётимизни бузиш мақсадида, авваламбор, Ўзбекистонга ҳамла қилмоқда?

Аввало, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон давлатининг обрўси, унинг таъсири, салоҳияти ҳаммага маълум.

Бизнинг мамлакатимиз нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Марказий Осиёнинг энг қулай геополитик нуқтасида жойлашган. Қолаверса, юр-

тимиз аҳолиси бутун минтақа аҳолисининг эллик фоизини ташкил қилади.

Ҳаммага аёнки, Ўзбекистон қандай йўлни танласа, ўз тараққиёти учун қайси йўлни маъқул деб белгиласа, албатта, бу йўл ён-атрофдаги бошқа давлатларга ҳам таъсир кўрсатиши — бу ҳам муқаррар ҳақиқат.

Экстремистик кучларнинг ёвуз ниятлари замирида яна бир нарса борки, биз уни ҳам ҳисобга олишимиз керак.

Ўзбекистон ўзининг қадимий тарихи билан, маданий-маънавий салоҳияти билан, энг муҳими, ислом фалсафаси, ислом динининг олижаноб ғояларини юксалтиришга, унинг илмий асосларини яратиб, динимизнинг обрўсига обрў қўшгани билан мусулмон оламида беқиёс мавқега эга. Улуғ аждодларимиз ва буюк боболаримизнинг бу борадаги унутилмас хизматларини ислом дунёсида ҳеч ким инкор этолмайди.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотурудий, Марғиноний, Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби уламоларимизнинг ўлмас номлари, муқаддас сиймоси олдида бутун мусулмон олами тиз чўқади. Уларнинг ислом дини ривожига йўлидаги улкан хизматларини бутун дунё тан олади.

Экстремистик кучларнинг энг разил мақсади — мана шундай буюк меросга эга бўлган ўзбек

халқини, бутун юртимизда яшаётган барча мўмин-мусулмонларни шу меросдан айириш, ота-бобаларимиз амал қилиб келган ва бизларга ҳам буюрган йўлдан қайтишга мажбур этишдир.

Уларнинг яна бир шум нияти — бизнинг юртимизда асрлар, минг йиллар давомида шаклланган асл мусулмончилик қоидалари ва қадриятларини топташ, азалдан ислом ривож топиб келган маконни вайрон этишдан иборат.

Бу қора гуруҳларнинг қилаётган хунрезликлари, мусулмон мусулмонни ўлдириши, мусулмон мусулмонга қўл кўтариши гуноҳи азим ҳисобланган инсонпарвар динимизни, ҳатто муқаддас китобимиз бўлган Куръони карим оятларини поймол қилиш эканини кўрсатмайдими?

Ахир, пайғамбаримизнинг: “Мўминларнинг қонини, мўминларнинг обрўсини тўкиш, мўминларнинг молига кўз олайтириш — мўминлар учун ҳаромдир”, деган сўзлари ўзини мусулмон деб билган ҳар бир инсон учун сабоқ бўлиши керак эмасми?

Агар улар мана шундай қабиҳ ниятларига эриша олса, бу ҳол бутун мусулмон дунёсига ўз таъсирини кўрсатади, манфур кучларнинг пировард мақсадларига эришиши учун замин бўлади.

Буни ҳам ҳеч ким унутмаслиги керак.

Яна бир фикрни таъкидлаш зарурки, бутун бизга нисбатан бўлаётган мана шундай тазйиқ

эртага бошқа давлатларнинг ҳам бошига тушиши мумкин. Буни Тожикистон ва Қирғизистон мисолида яққол кўриб турибмиз.

Ўтган йили Қирғизистон жанубига, яъни Боткен вилоятига 500-600 нафар террорчининг бостириб киргани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Минг афсуски, уларга ўтган йили муносиб зарба берилмади. Улар тўрт нафар япон фуқароси ва Қирғизистоннинг бир неча мансабдор шахсларини гаровга олиб, ҳеч қандай тўсиқсиз Тожикистон ҳудудидаги ўз базаларига қайтиб кетди ва янада каттароқ миқёсдаги ҳужумга тайёргарлик кўра бошлади.

Орадан роппа-роса бир йил ўтиб ўша мудҳиш воқеаларнинг такрорланиши ана шунинг натижасидир. Босқинчи гуруҳлар, аввало, Афғонистон ҳудудидаги лагерларда ва Тожикистоннинг тоғли жойларида бир йил тайёргарлик кўриб, яна ҳаракат бошлади. Яъни, улар ўтган йили эришмаган мақсадларига бу йил эришмоқчи эканига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Террорчи тўдаларнинг Ўзбекистон ҳудудидаги Сариосиё ва Узун, Қирғизистоннинг Лайлак туманидаги ўтиш қийин бўлган тоғли жойларга бир вақтнинг ўзида бостириб келиши, авваламбор, уларнинг бир марказдан буйруқ олгани, бир марказдан туриб бошқарилаётганини кўрсатиб турибди.

Бизнинг қўлимизда бўлган маълумотларга асосланиб, уларнинг марказлари Кобул, Қандаҳор, Тавилдара ва Гарм атрофидаги қишлоқларда жойлашганини исбот қилиб бериш қийин эмас.

Яна бир бор айтаман: бу қуролланган жангари тўдаларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам Ўзбекистон, ҳам Қирғизистон ҳудудига бостириб киргани яхлит стратегиянинг бир қисми, занжирнинг бир ҳалқаси эканини биз яхши тасаввур қилишимиз керак.

Шу ўринда Қирғизистон қуролли кучлари, ботир қирғиз ўғлонларининг халқаро террорчиларга қарши жасорат билан зарба бераётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Тўқнашувларда қирғиз армиясининг аскар ва офицерлари билангида кучи, юрагида ўти борлигини яққол намоён қилмоқда. Ва улар ўз мардлиги, ўз матонати билан ҳурмат қозонмоқда.

Мен мана шу минбардан туриб яна бир бор айтмоқчиман: биз қирғиз халқи, шахсан Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг босқинчиларни йўқ қилиб ташлаш бўйича кўраётган барча чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли депутатлар!

Босқинчи тўдаларнинг тажовузлари ҳақида гапирганда, шунга ҳам эътибор бериш керакки, уларнинг яна бир мақсади — гиёҳванд моддаларни ўтказиш учун йўллар — коридорлар очиш ва

бу коридорларни ҳимоялашдан иборат бўлган. Бу ҳам уларнинг биринчи даражали режаларига кирган. Нега деганда, бугунги кунда дунёда етиштирилаётган гиёҳванд моддаларнинг 60—70 фоизи айнан Афғонистонга тўғри келмоқда. Ва шу наркотикларни тарқатиш, харидорларга етказиб бериш ҳисобидан миллион ва миллиард доллар мўмай пул топаётгани бугун халқаро жамоатчиликка яхши маълум.

Яна бир савол туғилади: бу ёвуз тўдалар бизнинг ҳудудимиз ва Қирғизистонга қаердан суқилиб кирапти?

Мен бу тўғрида ҳам икки оғиз айтиб аниқлик киритмоқчиман.

Аввало, бу террорчи тўдаларнинг Афғонистонда, Тожикистоннинг Афғонистон билан чегарадош бўлган Тавилдара ҳудудида жойлашган лагерларида тайёргарлик кўргани мавжуд маълумотлар асосида ўз тасдиғини топмоқда.

Яна шунга аниқлик киритиш керакки, қарама-қарши кучлар ўртасидаги яраш битими асосида охирги пайтларда Имомали Раҳмонов ҳукумати раҳбарлигида Тожикистонда катта натижага эришилаётганини ҳеч ким инкор қилмайди.

Биз Тожикистон ҳукуматининг бугун ўз юртинчилигини мустаҳкамлаш, осойишталик ўрнатиш, халқни жипслаштириш, иқтисодиётни тиклаш, одамларга муносиб шароит яратиб бериш

борасида қилаётган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимизни, қўлимиздан келган барча ёрдамни беришга тайёр эканимизни кўп марта айтганмиз.

Чунки тинчлик жараёнига бошқа ҳеч қандай муқобил йўл йўқ. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин, минг афсуски, энди-энди тинчлик қарор топиб бораётган бу мамлакатда бундай йўлни номақбул деб биладиган кучлар ҳам борки, улар Тожикистоннинг ўзида ва унинг ён-атрофида жойлашган қўшни давлатларда ҳам топилади. Уларга бундай жараён, тинчлик йўлидан қадам-бақадам олға юриш ёқмаётгани, уларнинг Тожикистонни бу йўлдан қайтаришга уринаётганини бугунги кунда яққол кўриш мумкин.

Тожикистоннинг ҳукумат қўшинлари таркибига қўшилмаган, тоғу тошда изғиб юрган, номигагина ўзини бетараф деб кўрсатаётган бу қуролли гуруҳлар кўп жойларда ҳали-бери ўз мудҳиш ишларини тўхтатгани йўқ, ёвуз ниятларидан воз кечгани йўқ.

Бундай қабих ниятларни амалга оширишда бир вақтлар Ўзбекистондан қочиб, Тожикистон ва Афғонистондан паноҳ топган қўли қонга ботган жиноятчи ва қотиллар тўдалари уларнинг қаторидан алоҳида ўрин олмоқда.

Буларнинг ўрнашиб олган жойлари — Тожикистоннинг Жирғатол, Хоит, Тавилдара, Қоратегин, Тоғли Мастчоҳ ҳудудларидир.

Сариосиё тоғларига суқилиб кирган ва тоғли тепаликларда ўзига база қуриб ўрнашиб олмоқчи бўлган гуруҳ ҳам, яқинда Ленинобод вилоятининг Ашт тумани орқали Тошкент вилоятининг тоғли Бўстонлиқ ҳудудига кириб олган 15 нафарга яқин террорчилар гуруҳи ҳам — буларнинг барчаси аввало мана шу Тавилдара атрофида тайёргарлик кўрган ва шу ердан ёвуз ниятини амалга ошириш учун йўлга чиққан.

Азиз дўстлар!

Бугун қўлимизда ана шу воқеаларни таҳлил этиш ва дастлабки хулосалар чиқариш учун имкон берадиган етарли маълумотлар бор. Уларга таянган ҳолда қуйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчидан. Қуролланган жангари тўдаларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам Ўзбекистонга, ҳам Қирғизистонга суқилиб кириши қандайдир дала командирлари ёки жиноий гуруҳларнинг ўзича қилган хатти-ҳаракати эмас.

Аксинча, бу тажовуз Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудидан ташқарида фаолият кўрсатаётган муайян марказ томонидан пухта ишлаб чиқилиб, мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилаётган ҳаракатдир.

Иккинчи хулоса. Бугун ҳаётнинг ўзи қуролли кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича стратегик аҳамиятга эга қарорларимизнинг тўғри бўлганини, уларнинг ўз вақтида қабул қилинганини кўрсатиб турибди.

Бу соҳадаги ислоҳотларимизнинг маъно-мазмунини — пухта ташкил этилган, тезкор ва ҳаракатчан, яхши таъминланган, замонавий қурол-яроғ ва техника воситаларига эга бўлган, маҳорати баланд, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам мукамал ҳаракат қила оладиган армияни шакллантиришдан иборат.

Армиямиз ҳозирги энг юксак талабларга жавоб бериши, мамлакатимиздаги тинчлик ва озодаликни самарали ва ишончли ҳимоя қила олиши зарур. Ҳар қандай босқинчига, у қаерда бўлишидан қатъи назар, қақшатқич зарба беришга қодир бўлиши керак.

Айни вақтда, мен шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз ҳеч қайси мамлакат ҳудудида, жумладан, Афғонистонда ҳам уруш олиб бормоқчи эмасмиз.

Афғонистон билан чегарамизда ҳарбий тўқнашувлар, узоқ давом этадиган низолар, қарама-қаршилиқ келтириб чиқаришга бўлган ҳар қандай уринишлар — эҳтимол, бу кимларнингдир режаларига кирса-да — бизнинг ташқи сиёсат доктринамиз талабларига мутлақо тўғри келмайди.

Бизнинг қуролли кучларимиз, аввало, ўз Ватани, ўз сарҳадлари, она юртимиз тупроғини ҳимоя қилишга қодир бўлиши даркор.

Бизнинг армиямиз ҳар қандай ўзига хос шароитда, жумладан, чегараларимиз ўтган тоғлар-

нинг юриш жуда қийин бўлган жойларида ҳам ҳаракат қила олиши, ҳудудимизга суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай қуроли босқинчи гуруҳларни қуршаб олиб, уларни йўқ қилишга доимо тайёр ва қодир бўлиши керак. Бунинг учун барча имкониятларимиз ва мавжуд салоҳиятимиз сафарбар этилиши, ишга солиниши лозим.

Азиз ватандошлар!

Яқинда мен мавжуд вазият билан бевосита танишиш учун Сариосиёга борганимда Ватанимизга чексиз муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилаётган, эл-юртининг озодлиги, осойишталиги учун мардона курашаётган аскар ва офицерларимиз билан учрашдим.

Армиямизни янада кучли қилиш, аскарларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва ҳарбий маҳоратини ошириш, уларнинг азиз бошини омон сақлаш, ҳаётини асраш учун бизнинг қилаётган ҳаракатларимиздан жамоатчилигимиз матбуот ва телевидение орқали хабардор, деб ўйлайман.

Биз қуроли кучларимиздан, она юртимиз ҳимояси учун ҳаётини ҳам бахшида қилишга тайёр турган аскарларимиздан ҳеч нарсани аямаслигимиз лозим. Улар қурол-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий-техника воситалар, озиқ-овқат, кийим-кечак масаласида ҳеч қандай камчилик сезмаслиги шарт.

Токи ўз халқини ҳимоя қилиш учун жангга кираётган ҳар бир аскар мамлакати ва халқи унинг

учун бор имкониятларини ишга солаётганини ҳис этиб турсин.

Шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, олдимизга қўйган мана шу вазифани тезроқ амалга ошириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши зарур. Бу Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсоннинг бурчига, виждоний ишига, ғурури-ифтихорига айланиши лозим.

Учинчидан. Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг, аввало, чегара ҳудудларида яшайдиган фуқароларимизнинг ҳушёрлигини ошириш улкан аҳамиятга эга. Бу ишда “Чегара посбонлари” ва “Маҳалла посбонлари” бўлинмалари ғоятда муҳим ўрин тутиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда 7 мингдан ортиқ “Маҳалла посбонлари” тузилмалари ва 150 дан зиёд “Чегара посбонлари” отрядлари фаолият кўрсатмоқда. Мард ва жасур, ўз Ватанига садоқатли ёшлардан таркиб топган бу тузилмалар мамлакат хавфсизлигини таъминлашда муҳим бўлишга айланиши даркор.

Мудофаа, ҳуқуқ-тартибот, хавфсизлик идоралари, ўз навбатида, бу жамоатчилик тузилмаларини зарур воситалар билан таъминлаш, уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш борасида тегишли чора-тадбирларни кўриши керак.

Маҳалла қўмиталари жамоат тартибини таъминлаш, одамларнинг ҳушёрлиги ва ён-атрофда рўй

бераётган воқеаларга онгли муносабатини ошириш учун ўз ишларини фаоллаштириши даркор.

Уларнинг вазифаси, керак бўлса, бевосита асосий бурчи — маҳалла ақлининг, бутун жамоатчиликнинг сергаклигини бир эмас, бир неча марта ошириш, “Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик” деган даъватни амалий ҳаётга жорий этишдан иборат.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ёш, ғўр, ҳали ҳеч нарсани кўрмаган, лекин мияси заҳарланаётган ўзининг болаларига гапи, сўзи, таъсири ўтмаётган, бу борада заифлик қилаётган оталарга қаратиб, уларни алоҳида огоҳлантириб айтмоқчиман:

Биз — ўзбек халқи кечиримли халқмиз. Лекин кечиришнинг ҳам, раҳмдилликнинг ҳам чегараси бор. Шуни яхши англаб олинглар — ёвуз, қабих, нопок йўллардан қайтишга ақли етмаётганларга бошқа кечириш, раҳмдиллик бўлмайди.

Ҳар ким ўзининг кирдикорлари учун халқ олдида, эл-юрт олдида, қонун олдида жавоб беради.

Ҳар биримиз лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатидан халос бўлишимиз, ҳар бир фуқаро мамлакатимизда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор, деб ҳисоблаши айниқса муҳим.

Содда қилиб айтганда, ҳар бир инсон ўз уйи, маҳалласи ва юртининг хавфсизлигини таъмин-

лаш учун аввало унинг ўзи қайғуриши, бу ишни муқаддас фуқаролик бурчи деб билиши зарур.

Тўртинчидан. Минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи ташқи ва ички хатарларнинг ёйилишига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш учун Марказий Осиё мамлакатларининг саъй-ҳаракатлари, салоҳият ва имкониятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда хавфсизлик масаласи барчамиз учун бирдек бўлинмас тушунча эканини ҳаётнинг ўзи яна бир карра исботламоқда.

Агар бугун бирон-бир қўшни давлат устида хавф-хатар пайдо бўлса, эртага у албатта бизнинг бошимизга, бизнинг уйимизга ҳам келади. Бу хатардан ҳеч ким четда тура олмайди, яшириниб, қочиб қутулолмайди.

Шу маънода, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа қўшни давлатларнинг хавфсизлиги бу — бизнинг, бугун минтақа халқларининг хавфсизлигидир. Буни ҳаммамиз яхши тушуниб олишимиз керак. Бу борада кўп нарсa раҳбарларга, энг аввало, давлат раҳбарларига боғлиқ.

Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон давлат бошлиқлари ва Россия Президентининг махсус вакили иштирокида яқинда бўлиб ўтган Бишкек учрашувида ҳам томонларнинг бу

масала бўйича фикри муштарак экани яққол намоён бўлди.

Ишончим комилки, фақат ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимизни тезкорлик билан мувофиқлаштирган ҳолда ҳар қандай тажовузларга, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини бузишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши зарба беришимиз мумкин.

Бешинчидан. Бу борада мен мана шу фурсатдан фойдаланиб, кўпни кўрган, оғир мусибатлар, жабру жафоларни бошидан кечирган биродар тожик халқига мурожаат қилмоқчиман.

Оғир синовлар, қонли фожиалар гирдобидан энди-энди чиқаётган, ўз юртида тинч ва осойишта ҳаёт ўрнатиш учун шунча кўп қурбонлар берган, катта йўқотишга дучор бўлган халқ албатта мени тўғри тушунади, деб ишонаман. Ва менинг бугунги сўзларимни ўзининг ички ишларига аралаштириш деб қабул қилмайди, деб ўйлайман.

Тожикистондаги фуқаролар уруши даврида, тожик халқининг энг оғир кунларида унга елкадош ва ҳамдард бўлиб, баҳоли қудрат ёрдам берган ён қўшниси — ўзбек халқи бўлганини халқларимиз хотирасидан ҳеч ким, ҳеч қачон ўчира олмайди. Бугун сизу бизнинг душманларимиз Тожикистонда мавжуд бўлган вазиятдан фойдаланиб, ўз қабиҳ ниятларини амалга ошириш йўли-

да, аввало, икки халқни — ўзбек ва тожик халқини бир-бирига қарши қўйишга уринмоқда.

Бугун Тожикистоннинг шарқий ҳудудларидан ўзига паноҳ топган жангари ғаламислар — уларнинг миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар — бизнинг ҳаммамизнинг, ўз юртида осойишталик ва ҳамкорлик ўрнатишга интилаётган барча-барчамизнинг ёвуз душманларимиздир.

Бу малъун кимсаларнинг жирканч ниятлари амалга ошишига, яъни уларнинг Тожикистон ҳудудида туриб, Ўзбекистон ва Қирғизистон минтақасига, бу ерда яшаётган халқларга нисбатан қўпурувчилик қилишига, тажовуз ва босқинчилик ўтказишига, бегуноҳ инсонларнинг, азиз фарзандларимизнинг қони тўкилишига асло йўл қўймаслик керак.

Бундай ўтакетган хунрезлик, муттаҳамликни ўзига касб қилиб олган бизнинг умумий душманларимизга Тожикистоннинг муқаддас заминида асло ўрин бўлмаслиги керак.

Бу газанда жангари тўдаларга Тожикистонда туриб ҳомийлик қилаётган, уларга йўл очиб бериб, керакли манзилга кузатиб қўяётган айрим калтабин мансабдорларнинг ҳам тўғри баҳосини бериб, жиловини тортиб қўйиш вақти келди.

Тожикистон заминига уя қуриб олган ёвуз илонларни, уларнинг қонхўр раҳбарлари, доҳий-раҳнамоларини даф этиш, бутунлай яксон қилиш

билангина эл-юрт тинчлигини, халқларимизнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган дўстлиги ва аҳиллигини сақлаб қолиш мумкин.

Мен бу борада икки тилда гаплашадиган, лекин аслида бир халқ бўлган ўзбек ва тожик халқларининг донишмандлиги, ҳушёрлиги ва азми шижоатига ишонаман.

Олтинчидан. Биз бугун диний шиорлар билан ниқобланган, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан келаётган катта-катта маблағлар эвазига яшаётган халқаро террорчилик қанчалик хатарли экани ҳақида кўп гапирамыз.

Бу халқаро террорчилар ва қўпоровчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаб турган, махсус тайёргарликдан ўтказётган ва босқинчиликка йўллаётган халқаро марказлар ҳақида кўп сўз юритамиз. Бу балога қарши қатъият билан курашиш зарурлиги тўғрисида ҳам қайта-қайта гапирамыз.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, азиз дўстлар, биродарлар, бугунги кунда дунёда террорчилик хавфи ва унга қарши ҳамкорликда курашиш лозимлиги ҳақида сўз юритилмайдиган, катта ё кичик бўлсин, бирон-бир мамлакат, бирон-бир халқаро анжуман борми?

Бугунги кунда энг юксак минбарлардан янграётган аксарият нутқ ва маърузалар мана шундай даъват билан бошланиб, мана шундай даъват билан тугайди.

Лекин, афсус ва надоматлар бўлсинки, кўпинча иш умумий баёотлардан нарига ўтмаяпти.

Айни пайтда халқаро террорчилик ва экстремизм марказлари миллионлаб тинч аҳолига ва бутун-бутун давлатларга улкан талофатлар келтирадиган ёвуз хатти-ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Афғон муаммосини ҳал этишдек долзарб масаланинг на охири кўринади, бу борада на бир умид учқуни кўзга ташланади. Афғонистон бугунги кунда жиноий ҳаракатлар майдонига, халқаро террорчилик ва экстремизм ўчоғига, гиёҳванд моддалар етиштириладиган асосий ўлкага айланиб қолди. Вазият борган сари кескинлашмоқда, ҳарбий ҳаракатларнинг минтақадаги бошқа мамлакатларга ҳам ёйилиши хавфи тобора кучаймоқда.

Бугунги кунда афғон моjarосини фақат маҳаллий ва минтақавий миқёсдаги танглик деб ўйлаган одам мутлақо хато қилади. Бу масала Афғонистондан олисда жойлашган бошқа ҳудудлар ва халқларнинг ҳам тинчлиги, осойишталигига таҳдид соладиган улкан миқёсдаги муаммага айланиб бормоқда.

Бугун ҳаммамизга бир ҳақиқат тобора аён бўлмоқда. Яъни Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этиб келаётган урушнинг охири кўринмаётганига, жафокаш афғон заминида тинчлик ўрна-

тилмаётганига бу ерда дунёдаги кучли ва катта имкониятларга эга бўлган давлатларнинг стратегик ва геополитик манфаатлари тўқнашаётгани бунга сабаб экани тобора аниқ бўлмоқда.

Эҳтимол, шунинг учун ҳам, афгон муаммосини ечиш билан боғлиқ ишлар кўплаб муҳокамалару турли санкциялар эълон қилишдан нарига ўтмаяпти.

Минтақамиздаги бугунги вазият амалда мана шундай бўлиб турибди. Бундай шароитда фақатгина ўзингга, ўз кучингга ишониб яша, деган кўҳна ҳақиқатни қайта-қайта такрорлашга тўғри келади.

Еттинчидан. Сизларга яхши маълумки, яқин кунларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу асрдаги сўнгги сессияси бўлиб ўтади. У “Мингйиллик саммити” деган жарангдор ном билан аталмоқда. Унда инсониятнинг XXI асрга қандай кириб боришини муҳокама этиш кўзда тутилган.

Бу анжуманда халқаро ҳамжамият, биринчи галда, энг қудратли ва буюк давлатлар эътиборини Марказий Осиё тобора халқаро экстремистик ва террорчилик марказларининг ҳамла ва хужужлари остида қолаётганига, Афғонистонда давом этаётган уруш аввало унинг халқини ва бутун минтақамизни қийнаб келаётганига яна бир бор қаратиш учун имконият туғилади, деб ўйлайман.

Шу нарсага алоҳида эътибор қаратиш зарур: токи Афғонистонда тинчлик бўлмас экан, токи у ерда уруш давом этар экан, токи Афғонистон халқаро терроризм ўчоғи ва уни ён-атрофга тарқатувчи макон, гиёҳванд моддалар етиштириш, диний экстремизм ва жаҳолатпарастлик маркази бўлиб қолар экан, Марказий Осиё халқлари ўз хавфсизлиги, тинчлиги ва фаровонлиги учун ҳеч қачон хотиржам бўла олмайди.

Қадрли ватандошлар!

Бугунги кунда Ўзбекистон қуролли кучлари томонидан мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қирғизистон ва Тожикистоннинг ҳарбий тузилмалари билан яқин ҳамкорликда Сурхондарё, Фарғона ва Ленинобод йўналишларида ва бошқа жойларда чегараларимизни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун шуни қатъий айтиш мумкинки, бизнинг махсус ҳарбий бўлинмаларимиз, чегара посбонлари, Ички ишлар вазирлигининг аскарлари юртимизни ҳимоя қилиш, остонамизга ёвуз кучларни йўлатмаслик, уларга муносиб зарба бериш ва йўқ қилиб ташлаш учун барча тегишли ишларни амалга оширмоқда.

Бу мақсадда чегара қўшинларининг қўшимча бўлинмалари тузилди, давлат чегараларимизни қўриқлаш тизимини янада мустаҳкамлашга қаратилган инженерлик ишлари бажарилмоқда. Чегара ҳудудларини текшириш ва тозалаш, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан тегишли тадбирлар ўтказилмоқда, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Азиз юртдошлар!

Мен бугун яна бир бор бугун халқимизга, шу юртда яшайдиган барча инсонларга қарата айтмоқчиман: мана шундай синов пайтларида ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллатнинг нималарга қодирлиги, қатъият ва иродаси яққол намоён бўлади.

Юрагида ўти бор, ориятли баҳодирларимиз бугун ортимда Ватаним бор, эл-юртим, ота-онам, севимли ёрим бор, деб ёвга мардона зарба беришга тайёр бўлиб тургани барчамизга куч-қувват бағишлаб, руҳимизни кўтармоқда.

Бу юртнинг эгаси бор. Бу юртнинг эгаси — заҳматкаш, олижаноб, кўпни кўрган, иродаси мустаҳкам, иймони бугун халқимиздир. Эгаси бор юрт ҳеч қачон душманга оёқ ости бўлмайди.

Бугун кўп миллатли халқимиз халқаро террорчиларнинг ёвуз хатти-ҳаракатларига матбуотда, радио-телевидениеда, турли йиғилишларда ўз муносабатини билдирмоқда.

Менинг номимга келаётган кўплаб хатлар, мурожаатлар ва телеграммаларда ҳам одамларнинг бу разил кимсаларга қаратилган қаҳру ғазаби, нафрати якқол кўриниб турибди.

Айниқса босқинчиларга қарши жанглarda азият-қурбонидан жудо бўлган матонатли бир онахоннинг: “Ўғлимга берган оқ сутимга мингдан-минг розиман. Унинг ёш умри зое кетмади. Ўғлим Ватанини, халқини ҳимоя қилиб жон фидо этди”, деган юрак сўзлари менга ниҳоятда чуқур таъсир қилди.

Оғир ва мусибатли дамларда ҳам ўзини йўқотмаган, иродаси букилмаган ана шундай ватандошларимизнинг сабр-бардоши, қатъияти олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бугун барчамиз уларга сабр-бардош тилаб, Худодан юртимизни ўз паноҳида асрашини сўраймиз.

Миллионлаб юртдошларимиз, аввало, ёшларимизнинг бу қонхўр тўдалардан қасос олишга тайёр тургани, халқимизнинг бақувват иродаси, сабр-матонати, иймон-этиқоди мустаҳкамлигидан далолат беради.

Яна ва яна бир бор айтмоқчиман: бундай халқни ҳеч қандай ёвуз куч енголмайди.

Буни бизнинг ғанимларимиз етти пуштигача яхши англаб, миясига қуйиб олсин.

Сўзимнинг ниҳоясида ҳаммангизни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, ҳар бирингизга бахту саодат тилайман.

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг учинчи сессиясида
сузланган нутқ, 2000 йил 30 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳаммамиз учун қувончли ва ҳаяжонли бўлган ушбу айёмда энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик шодиёнаси билан барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Бундан тўққиз йил муқаддам халқимизнинг букилмас иродасига суяниб, асрлар бўйи давом этган қуллик ва қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик.

Ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, маданиятимизни, муқаддас қадриятларимиз, тилимиз ва динимизни қайта тиклаб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик.

Бугун янги демократик давлат, адолатли жамият қуриш, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва маънавиятимизни юксалтиришда, бир сўз билан айтган-

да, Ватанимизни обод қилиш, шу муқаддас заминда яшаётган одамларга фаровон ҳаёт шароити яратиб бериш йўлида халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолияти яққол намоён бўлмоқда.

Бугун амалга оширган улугвор ишларимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамлар эканини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Кўзлаган юксак марраларимизга етиш учун белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилишимиз, олдимизда турган кўп-кўп мураккаб муаммоларни ечишимиз даркор.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун биз, аввало, ўзимизга қандай ғоя, қандай маслакни байроқ қилиб олишимиз лозимлигини, бу борада бизга нималар тўсиқ бўлиб турганини ва улардан халос бўлиш йўллари яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Булар қаторидаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб, янада бойитишимиз, улуг аجدодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор.

“Авесто” каби қадимий ёдгорликларни эслганда, Бухоро ва Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хивадаги, Насаф ва Термиздаги тарихий обидаларни кўрганда, гўзал Фарғона водийсини кезганда, муаззам пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги жамолини кўрганда, қалбимизда биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз, деган миллий ғурур, миллий ифтихор туйғулари жўш уради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ишонч билан айта оламиз: бизким — Ўзбекистон халқи, ана шундай улуғ зотларнинг авлодимиз, ана шундай беқиёс салоҳият эгаларимиз, олдимизга ана шундай юксак мақсадлар қўйишга ҳақлимиз ва ўлмас меросимиз, умуминсоний қадриятларга суяниб буюк марраларга эришмоққа қодирмиз.

Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақлимиз.

Бугун ёшларимиз қалбида, мен мана шундай буюк эл, бетакрор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топтириш — биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, оёқ-қўлимизни, онгу тафаккуримизни боғлаб турган эски тушунча, эски асоратлардан тезроқ халос бўлишимиз, ҳар бир инсон, аввало, ўз кучига ишониб, янгиликка интилиб яшаши, тадбиркорлик, ташаббус, изланиш, ислохотларни тезлаштириш, уларнинг самараси-

ни ошириш — ҳар биримиз учун энг долзарб, керак бўлса, ҳал қилувчи вазифа эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири — бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқараши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир.

Мен ана шу буюк мақсад учун ҳеч нарсани аямаслик, барча имкониятларни сафарбар қилиш, фарзандларимиз олдидаги, келажак олдидаги отоналик бурчимизни адо этиш — умуммиллий вазифамизга айланишини истар эдим.

Бугунги кунда ён-атрофимиздаги аҳволни тегаран англаган ҳолда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Лоқайдлик, бепарволик, беғамлик, ғофиллик иллатларидан халос бўлишимиз, доимо хушёр, огоҳ бўлишимиз зарур.

Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш — ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланиши керак.

Қадрли ватандошларим!

Мен бугун шу юксак минбардан туриб, гўзал ва бетакрор мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари

бўладиган миллион-миллион ёшларимизга, паҳлавон фарзандларимизга айтмоқчиман:

Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

Мен ушбу муборак айёмда сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўксини қалқон қилиб ҳимоя этаётган барча аскарларимизни, барча ҳарбийларимизни бутунги байрам билан ўз номидан, бутун халқимиз номидан бағримга босиб, алоҳида табриклайман.

Ёвуз террорчи тўдаларга қарши курашларда жон фидо этган жасур ўғлонларимизнинг сўнмас хотираси олдида, ана шундай асл, мард фарзандларни вояга етказган ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари олдида бош эгаман.

Азиз дўстлар!

Халқимиз ўзининг буюк тарихида кўп-кўп машаққатли синовлардан, ҳаёт бўронларидан кучли иродаси, пок иймон-эътиқоди туфайли омон чиққан.

Бугун кўп миллатли халқимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро

тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳилликнинг қадр-қимматини, айниқса, чуқур англамоқда.

Бунёдкорлик меҳнати билан она заминимизга чирой бағишлаб, ёруғ ният ва тилаклар билан янги асрга қадам қўймоқда.

Ишончим комилки, ана шундай туйғулар, эзгу интилишлар билан яшаётган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Бундай халқнинг олижаноб орзу-умидлари ижобат бўлгай, Яратганимизнинг ўзи бу йўлда мададкор бўлгай, иншооллоҳ.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Ушбу қутлуғ оқшомда донишманд отахонларимизни, мунис онахонларимизни, меҳрибон аёлларимизни, гўзал қизларимизни, азамат йигитларимизни, жондан азиз фарзандларимизни — бутун Ўзбекистон элини бугунги буюк байрам — Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклайман.

Барчамизнинг бошимиз омон, юртимиз обод бўлсин!

Ўзбекистонимиз дунё тургунча турсин!

Янги аср биз учун тараққиёт ва саодат асри бўлсин!

2000 йил 31 август

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Муҳтарам раис жаноблари!

Хурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Минг йиллик Ассамблеясида сўзга чиқиш ва анжуманда муҳокама этилаётган глобаллашув даврининг асосий муаммолари нуқтаи назаридан, бизнингча, ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим масалалар хусусида тўхталиб ўтишга имконият берилгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда “совуқ уруш” асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон саҳнасига чиқмоқда.

Ўзбекистон БМТ фаолиятининг асосий тамоийиларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлиги тамойилини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги ҳаммага равшан.

Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобигига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея “ўзга” давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир — бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида ҳудуд ёки давлатда давом этаётган урушлар, низолар, қарама-қаршиликлар аста-секин албатта бу доирадан чиқиб, можаролар гирдобига янги-янги ҳудудлар ҳамда кучларни тортиб олади, минтақалараро ва давлатлараро хусусият касб этади.

Буларнинг барчасини бугунги кунда халқаро террорчилик ва экстремистик кучларнинг тарқалиши ҳамда тажовузкорлик объектига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Мазкур кучларнинг узоққа мўлжалланган режалари — минтақа давлатларини узил-кесил танланган демократик ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтариш, бу ерда клерикал-мустабид тузумларни ўрнатишдан иборат.

20 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш давом этиб келаётган Афғонистон бу таҳдиднинг асо-

сий манбаи эканини исботлаб ўтиришга зарурат йўқ. Афғонистон ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган ва халқаро террорчиликни озиқлантираётган дунё наркотик ишлаб чиқаришининг асосий манбаи — фабрикасига айланган.

Афғонистон билан чегарадош ҳудудлар, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари юзлаб тонна опиум ва героинни асосан Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига олиб чиқиш учун энг қисқа ва қулай йўлларга — коридорларга айланмоқда.

Шу биргина мисолда замонамиз воқелигининг икки мудҳиш ҳодисаси — халқаро террорчилик ва наркобизнес ўзаро чирмашиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ушбу юксак минбардан туриб мен БМТга, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилмоқчиман: Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдиддир.

Афғон муаммосини тинч йўл билан тезда ҳал этилишини таъминлаш, жафокаш афғон халқига ўз заминида узоқ вақт орзиқиб кутилган тинчлик ўрнатилишига ёрдам бериш учун бутун имкониятларни ишга солиш зарур.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир барча ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни таъкидлашни истардимки, БМТ шафелиги остидаги “6+2” гуруҳига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июль ойида қабул қилинган “Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси” ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда ва асосий қарама-қарши томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш жараёни учун реал замин бўлиб хизмат қилиши мумкин.

БМТ доирасидаги сиёсий чоралар билан бирга ҳозирданоқ Афғонистонда низолардан сўнгги тинч ҳаётни ташкил этиш, уни иқтисодий ва ижтимоий тиклашга доир кенг кўламли дастур ишлаб чиқиш зарур.

Хонимлар ва жаноблар!

Халқаро ҳамжамият томонидан халқаро террорчиликнинг ўсиб бораётган хавфига қарши курашни кучайтиришнинг долзарблиги ва муҳимлиги тўғрисида сўз кетар экан, Ўзбекистон БМТ Бош қотиби жаноб Кофи Аннанинг 2000 йилда БМТ доирасида террорчиликка қарши халқаро анжуман ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқуллайди.

Ишончим комилки, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўнал-

тираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қурооллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унга қарши туришимиз мумкин.

Бу кучлар кимёвий, биологик ва бошқа оммавий қирғин қуроолларини қўлга киритса, дунёда қандай вазият юзага келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин.

Шу жиҳатдан “Катта саккизлик” давлатларининг террорчилик фаолиятини молиялаш манбаларини йўқ қилиш тўғрисидаги келишувининг сўзда эмас, амалда бажарилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур минбардан туриб, мен Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Истанбул саммитида БМТ доирасида Террорчиликка қарши кураш халқаро марказини тузиш тўғрисида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлашга даъват этаман.

Ўзбекистон ядро қуролини тарқатмаслик ва қуроолсизланишга доир халқаро тартибга барча давлатлар қатъий ва сўзсиз риоя қилиши тарафдоридир. Бусиз глобал миқёсда ҳам, минтақавий миқёсда ҳам стратегик барқарорликка эришиб бўлмайди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш

тўғрисидаги ташаббуси аҳамиятини янада оширади ва уни тезда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан қонунлаштириш заруратини илгари суради. Биз БМТ Бош котиби жаноб Кофи Аннаннынг ядросиз ҳудуд тўғрисидаги минтақавий шартнома лойиҳасини яқунлаш устида иш олиб бораётган минтақавий экспорт гуруҳини қўллаб-қувватлашга доир саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Минтақавий муаммолар мажмуига эътибор қаратилар экан, экологик хавфсизлик ва атроф муҳит масалаларини четлаб ўтиш мумкин эмас.

Мен БМТ ва бошқа халқаро анжуманлар минбаридан Орол денгизи ҳавзаси муаммолари тўғрисида бир неча бор гапирганман. Орол муаммоси Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иқлим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида, аҳоли саломатлиги ва бўлғуси авлод генофондига таъсирида кўриш мумкин.

Орол денгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа ҳудудлари учун қандай хатарли ва қутилмаган оқибатларни юзага келтириши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ушбу муаммога бефарқлик қандай натижаларга олиб келиши барчага аён.

Экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳам-корликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қиламан.

Ҳурматли жаноб раислар!

Замонавий таҳдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккаб воқелик ва унинг истиқболдаги ривожига динамик мувофиқлаштирилишини, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо этади. БМТни ислоҳ қилиш деганда биз, энг аввало, унинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинишини тушунамиз.

Бу жиҳатдан, бизнинг назаримизда, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сони-ни ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиё-

сатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритишни таклиф қиламан. Ушбу давлатлар бугунги кунда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишидаги бошқа кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлар ҳисобланади;

Иккинчидан, глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош котиб ваколатларини кенгайтириш зарур;

Учинчидан, Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳамда механизмларидан, шу жумладан, узоқ вақт давом этаётган можароларни бартараф этишда “тинчликка мажбур қилиш” деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалаларидаги ўрни ва масъулиятини кучайтириш лозим.

Сузимнинг якунида, ижозатингиз билан, Саммит раислари — Намибия Республикаси президенти жаноб Сэм Нугеомани, Финляндия Республикаси президенти Тарья Халонен хонимни ушбу масъулиятли лавозимга сайлангани билан табриклайман. Саммит фаолияти самарали бўлади, деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2000 йил сентябрь

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 910 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Узоқ-яқиндан келган муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз, азизлар билан қадимий ва гўзал Марғилон заминида, муборак рамазон арафасида кўришиб турганимдан ғоят бахтиёр эканимни изҳор этмоқчиман.

Қадрли дўстлар!

Ўтган ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш халқимизга хос эзгу фазилат, хайрли ва савоб ишдир.

Бугун биз кўп-кўп мумтоз зотларнинг она шаҳри бўлган, не-не авлиё, алломаю фозиллар қадами теккан кўҳна Марғилонда башарият маънавий тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг табарруқ хотирасини ёд этиб, ул зоти шарифга бўлган фарзандлик ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириш учун тўпландик.

Ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, шайхулислом Бурҳониддин Марғинонийнинг номи Имом Бухорий, Имом Термизий,

Имом Мотуридий, Маҳмуд Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори валий сингари улуғ сиймолар қаторида туради.

Нафақат мусулмон олами, балки бутун дунё эътироф этган, Аллоҳ таоло берган ақл-заковати билан ислом ҳуқуқшунослиги илмида ўзига хос мактаб яратган, бебаҳо мероси билан мана шу Фарғона диёрини жаҳонга тараннум этган ул зотнинг тарихимиздаги ўрни ва обрўси беқиёсдир.

Ўз ҳаётини дину диёнат поклиги, иймон-этиқод устуворлиги, илм ва адолат тантанаси йўлида сафарбар этган бу муътабар алломанинг Шарқ оламида “Бурҳонуддин ва милла”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди.

Қадрли биродарлар!

Ҳаммамизга маълумки, ер юзида мусулмончилик пайдо бўлганидан буён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олиму уламолар ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар.

Лекин бу соҳада ўзи яратган буюк асарлари ва мактаби билан исломий ҳуқуқ асосларини белгилаб бергани ва шу илмнинг ҳар томонлама ривож топишига қўшган ҳиссаси билан шу заминдан етишиб чиққан бизнинг буюк ватандошимиз Марғиноний ҳазратларига тенг келадиган бошқа

аллома камдан-кам топилади десак, асло мубо-
лаға бўлмайди.

Бурҳониддин Марғинович яшаган замон —
Шарқ Уйғониш даврининг биринчи босқичи
бўлмиш X-XII асрларда Мовароуннаҳр заминида
илму фан гуркираб ривожланган, жамият тарақ-
қиёти учун ислом ҳуқуқини тўғри англаш ва амал
қилиш муҳим ижтимоий заруратга айланган эди.

Ул зот ўз асарларида ўша замонларда мўмин-
мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий ма-
салалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муно-
сабатлар, мулкчилик, савдо-сотик, жиноят ва
жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига таал-
луқли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий
ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берган.

Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки
оддий халқ орасида ҳам “Ҳидоят йўлининг сар-
бони” дея катта ҳурмат-этибор топган.

Марғиновичнинг ўлмас мероси, хусусан,
“Ҳидоя” — “Тўғри йўл” деб аталган китоби, мана,
саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг
нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида
эътироф этиб келинаётганининг боиси ҳам ана
шунда.

Айниқса, бу мумтоз асарнинг европа тилла-
рига ҳам таржима қилингани, бутун дунёда катта
қизиқиш билан ўрганилаётгани, унга турли тил-
ларда кўплаб шарҳ ва изоҳлар битилгани Мар-

ғиноний меросининг умумбашарий аҳамиятидан далолат беради.

Агар биз алломанинг замондошларидан бири айтган “Эй ақл эгаси, “Ҳидоя”ни ўқиб, мағзини чаққин, чунки у сени ҳидоят йўлига бошлаб, энг олиий мақсадларга етказгай”, деган сўзларини эсласак, ўйлайманки, у зоти шарифнинг авлодлар олдидаги тарихий хизматларини яна бир бор яққол тасаввур қилган бўламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Азиз меҳмонлар!

Бурҳониддин Марғинонийнинг бизга қолдирган улкан мероси эришган шон-шухрати замирида аввало унинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олижаноб инсоний фазилатлари мужассам.

Бу заҳматкаш аллома ҳаётининг мазмуни бўлмиш эллик етти китобдан иборат “Ҳидоя”дек улкан асарни бунёд этгани, ўз асарларида бирор марта ҳам “мен” деган сўзни ишлатмагани, балки “Бу заиф банда айтади”, дея камтарона изох бериши ҳар қандай одамни бугун ҳам ҳайратга солади.

Ва унинг улуг эътиқоди, илму урфон йўлидаги фидойилиги, камтарлик ва хокисорлик фазилатлари бу зотга нисбатан барчамизда буюк ҳурмат ва эҳтиром уйғотади.

Ҳурматли юртдошларим!

Кўп асрлик тарихимиз шундан далолат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг

мушкул синовлардан ўтиши, ҳаётнинг турли тўфон ва бўронларига мардона бардош бериб, қадди-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этадиган куч — юксак маънавият ва адолатга интилиш туйғуси бўлган.

Бамисоли қушнинг парвози учун қўш қанот қанчалик зарур бўлса, инсониятнинг ҳаёти ва тараққиёти учун мана шу икки буюк тамойил ҳамиша таянч ва суянч бўлиб келади.

Буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўлини, илмий меросини ўрганар эканмиз, ана шу ҳақиқат улар фаолиятининг бош мезони бўлиб келганига ишонч ҳосил қиламиз.

Шубҳа йўқки, “Куч — адолатдадир” деган ғояни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган Амир Темур бобомиздек улуғ аждодларимизнинг камол топишида ҳам “Ҳидоя” сингари қомусий асарларнинг таъсири ва аҳамияти беқиёс бўлган.

Шу маънода, бизнинг адолатли жамият барпо этиш йўлида амалга ошираётган ишларимиз чуқур тарихий илдизларга эга, десак, янглишмаган бўламиз.

Бурҳониддин Марғиноний асарларининг моҳияти бўлмиш адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби ҳалқимизга хос бўлган эзгу тушунчалар бугунги кунда

ҳам маънавий ҳаётимиз асосларини ташкил этади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аллома бобомизнинг бой илмий меросига ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариб, замонавий билимлар, бугунги ҳаёт талабларидан келиб чиқадиган тажрибалар билан бойитиш зарур. Ва бу улуғ меросни аввало ўзимиз учун, келажак авлодлар тарбияси учун беқиёс маънавий озиқ деб билмоғимиз даркор.

Энг муҳими, қандай ўлмас мерос эгалари эканимизни ҳеч қачон унутмаслик, ана шу бойликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, бир сўз билан айтганда, улуғ аجدодларимизга муносиб ворислар бўлиш — шу саховатли ва гўзал заминда яшаётган ҳар қайси инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Муҳтарам жамоат, азиз ватандошларим!

Инсоният тарихида ёрқин из қолдирган буюк шахслар аввало Аллоҳ таоло азиз тутган муборак заминда дунёга келади. Бу кўҳна ҳақиқат ҳаётда кўп бор ўз исботини топган.

Буюк бобомиз Бурҳониддин Марғинонийнинг киндик қони томган кўҳна Риштон тупроғи, ул зоти шариф камолга етган қадимий Марғилон ҳам ана шундай табаррук масканлар қаторига киради.

Марғилон деганда, бетакрор табииоти, боғ-роғлари, камалакдек сержило атласлари, ўзлигимиз рамзига айланиб кетган ранг-баранг дўппилари

билан етти иқлимга машҳур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Бу замин азал-азалдан одоб-андишали ва бағрикенг, меҳнаткаш ва тадбиркор, меҳмондўст халқи, моҳир ҳунармандлари, уста боғбонлари, хушовоз ҳофизлари билан шуҳрат қозониб келади.

Фарғона водийсининг марвариди бўлмиш Марғилоннинг бундай юксак обрў-эътибор топишида, авваламбор, мана шундай фазилатларга эга бўлган халқнинг меҳнати ва шу муқаддас заминда униб-ўсиб, вояга етган, ўз юрти довруғини бутун дунёга таратган муътабар зотларнинг ҳиссаси беқиёс.

Бу борада умр бўйи Марғилон номини улуғлаб яшаган Бурҳониддин Марғиноний бобомизнинг хизматлари чексиздир.

Мен бутун сиз, марғилонлик муҳтарам юрдошларимга қарата шу юксак минбардан туриб айтмоқчиман: шундай улуғ бобомизнинг азиз номини кўксингизга тумор қилиб олсангиз арзийди, албатта.

Ишонаманки, бу табаррук тумор, Яратганимизнинг марҳамати билан, нафақат Марғилон аҳлини, балки ҳар бир ватандошимизни, бутун элу юртимизни ёмон кўзлардан, турли бало-қазолардан асрайди.

Биз бутун ҳазрати Марғинонийнинг хизматларини бутун дунё тан олишини, жаҳондаги кўплаб нуфузли илм даргоҳларида алломанинг

мероси ҳар томонлама ўрганилишини, ҳозир ҳам унинг асарлари асосида қанчадан-қанча талаба ёшларга сабоқ берилаётганини гурур ва ифтихор билан тилга оламиз.

Буларнинг барчасини биз улуг бобомизнинг муборак сиймоси бугунги кунда ҳам мамлакатимиз, халқимиз обрўсига обрў қўшаётганидан далолат деб биламиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, аллома Марғиновичнинг илмий меросини ўрганаётган, у бошлаган ишнинг давомчилари бўлган олим ва мутахассисларга, ул зотнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириб, зиёрат этиш мақсадида узоқ-яқиндан келган барча азиз меҳмонларимизга халқимиз номидан миннатдорчилик билдиришга ва ўз эҳтиромимизни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстларим!

Илм ва истеъдодини, бутун борлигини миллат учун, халқ учун, башарият бахт-саодати учун бахшида этган ҳазрат Марғинович каби буюк инсонларнинг тарих олдидаги, келажак олдидаги хизматлари асло унутилмайди.

Марғинович ёққан илму маърифат машғала-си ҳеч қачон сўнмайди, авлодларнинг онгу тафаккурини доимо мунаввар этиб туради.

Бу ҳақиқат бугунги қутлуғ маъракалар мисолида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Улуғ бобомизнинг муборак таваллуд тўйи шарофати билан қадимий ва бетакрор Марғилон шаҳри ўзгача чирой ва тароват касб этгани, қўли гул қурувчиларимиз, моҳир усталаримиз, меъмор муҳандисларимиз, бунёдкор халқимиз меҳнати билан мана шу муаззам ёдгорлик мажмуи қад қўтаргани ҳаммамизнинг ҳазрат Марғинонийга бўлган чексиз эҳтиромимиз ифодасидир.

Бу муҳташам ёдгорлик мажмуини бунёд этишда қатнашган барча юртдошларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман, умрингиздан барака топинг, қўларингиз асло дард кўрмасин, дейман.

Келинлар, азиз дўстларим, биродарларим, буюк бобомиз таваллуд топган мана шу муқаддас Фарғона заминиди туриб, у муътабар зотнинг руҳи поклари шод бўлсин, муборак қабрлари илоҳий нурга тўлсин, дея тилак қилайлик.

Бугунги ҳаяжонли, унутилмас лаҳзаларда Бурҳониддин Марғиноний бобомиз хотирасини яна бир карра ёд этиб, мана шундай азиз-авлиёларимизга бешик бўлган юртимизга Аллоҳдан тинчлик-омонлик, халқимизга бахту саодат, фаровонлик ато этишини сўрайлик.

Илоҳим, барча хайрли ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

Шу қўтлуғ кунда қилган жамики эзгу тилакларимиз ижобат бўлсин!

ИМОМ МОТУРИДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1130 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадимий ва бетакрор Самарқанд заминиди,
мана шу муборақ кунда сиз, азиз юртдошларим-
ни, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни яна бир
бор чин қалбимдан самимий қутлаб, барчангизга
ўз ҳурматимни билдириб, бағоят мамнун бўлган-
нимни изҳор этмоқчиман.

Қадрли дўстлар!

Куни кеча биз кўҳна Марғилонда буюк бобо-
миз Бурҳониддин Марғинонийнинг таваллуд ай-
ёмини ўтказиб, ул зотнинг руҳи покларини шод
этган бўлсак, бугун яна бир улуғ аллома — Имом
Абу Мансур Мотуридий ҳазратларини хотирлаб,
бу беназир сиймо олдидаги инсоний бурчимиз-
ни адо этмоқ учун бу ерга йиғилдик.

Диёримизда Имом Мотуридий ва Бурҳонид-
дин Марғинонийнинг таваллуд айёмлари бир
пайтда ўтаётганида чуқур рамзий маъно бор.

Бу маъно, авваламбор, бу азиз инсонларнинг
ибратли тақдирида, уларнинг илм-маърифат ва

эзгуликка бағишланган ҳаётида, муқаддас динимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаларида мужассамдир.

Ҳаётининг мазмуни, олижаноб интилишлари муштарак бўлган бу икки улуғ зотнинг мана шу муқаддас макон — Чокардиза қабристонида мангу ором топгани, хоки поклари ёнма-ён ётганини ҳам Яратганимизнинг қудрати ва марҳамати деб биламиз.

Ва насиб этса, Бурҳониддин Марғинович бобомизга, у зот таваллуд ва камол топган Риштон ва Марғилонда барпо қилинган муҳташам мажмуи сингари, шу муқаддас жойда ҳам ёдгорлик бунёд этамиз.

Қадрли дўстлар, азиз меҳмонлар!

Бугунги маросимдан фойдаланиб, Аллоҳ таолонинг назари тушган шу табарруқ заминда яшаб ўтган, ислом фалсафаси, ислом ақидаларини илмий асослаш, муқаддас динимизни соф ва пок сақлаш, уни улуғлаш ва тарғибу ташвиқ этишга беқиёс ҳисса қўшган ватандошларимизни, шу тупроқда униб-ўсган азиз авлиёларни яна бир бор ёд этсак, уларнинг хотирасига яна бир бор таъзим қилсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ислом дунёсининг устунлари бўлган Имом Замаҳшарий, Имом Термизий, Имом Насафий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдухолик Ғиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақш-

банд, Хожа Аҳрори валий каби кўплаб мумтоз зотларнинг ҳаёти ва фаолияти бизнинг юртимизни нафақат мусулмон оламида, балки Мағрибу Машриқ дунёсида машҳур этганидан ҳақли равишда ғурурланамиз.

Бу улуг зотлар қаторида буюк аجدодларимиз бўлмиш ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илмининг султони Имом Мотуридий, ўлмас “Ҳидоя” асарининг муаллифи шайхулислом Бурҳониддин Марғиновий боболаримиз алоҳида ўрин тутади.

Муҳтарам биродарлар!

Имом Мотуридийнинг фаолияти ва таълимоти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир масалани аниқлаб олиш лозим: унинг меросини нима учун улуғлаймиз, нима учун қадрлаймиз, нима учун бугун ҳам бу мероснинг ҳаётий таъсирини сезамиз?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар биз ислом тарихига назар ташласак, бу илоҳий динни англаш, уни тушуниш, тушунтириш, тарғиб қилиш ва поклигини сақлаш борасида асрлар мобайнида кўп-кўп баҳс-мунозара ва тортишувлар, ҳатто жангу жадаллар ҳам бўлиб ўтганини кўрамиз.

Узоқ тарихимиз давомида баъзи бир разил кучлар мўмин-мусулмонларни чалғитиб, ўзларининг ғаразли мақсад ва манфаатларига эришмоқ учун уларни танлаган йўлидан қайтаришга не-не

ҳаракатлар ва зўравонликлар қилиб келганига ҳам гувоҳ бўламиз.

Шунинг учун ҳам мусулмон жамияти ислом динимизни асраб-авайлаб, унинг маъно-мазмунини одамларга тўғри ва холис етказиб берадиган, уларни ҳидоят йўлига бошлайдиган фозил шахсларга доимо катта эҳтиёж сезиб келган.

Айтиш мумкинки, Имом Мотуридий ҳазратлари ана шундай тарихий зарурат натижасида майдонга чиққан мумтоз сиймо, улуғ алломадир. Буюк бобомиз яшаган даврда ҳар турли диний фирқа ва оқимлар ўртасида ғоявий қарама-қаршиликлар, зиддият ва низолар кучайиб, қонли можаролар авж олган эди.

Мўмин-мусулмонлар учун бағоят хатарли ва таҳликали ана шундай бир вазиятда ҳазрати Мотуридий зўр матонат, авлодларга ибрат бўладиган фидойилик намунасини кўрсатди.

Ул зот Аллоҳ таоло ўзиға ато этган беқиёс ақл-заковат ва илм билан тўғри йўлдан адашган оқимларга қарши кураш олиб борди.

Лекин бу курашда у ганимларга қарши куч ишлатиб, қилич яланғочлаб жанг қилгани йўқ.

Аллома бутунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва таъсирини йўқотмаган ҳаётбахш куч, яъни ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлади ва умрининг охириға қадар шу йўлда собит қолди.

У жоҳил кучларнинг таҳдид ва тажовузларидан қўрқмай, ҳидоят йўлини йўқотган фирқаларга қарши кескин раддиялар битди. Ҳазрат Мотуридийнинг асарларидаги илмий асос ва мантиқ қудрати шу қадар кучли эдики, уни ҳатто аллюманинг муҳолифлари ҳам охир-оқибатда тан олишга мажбур бўлдилар.

Шунинг учун ҳам Мотуридий бобомиз ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Мана шу маънода, бу муътабар зот ўзининг тегаран илми, пок эътиқоди, сабот ва матонати билан ислом динининг софлиги учун курашар экан, келажак авлодлар манфаатини, сизу бизни ҳам ҳимоя қилган, деб ишонч билан айтишга ҳақлимиз.

Буюк бобомизнинг бутун ислом олами, ўз халқи, ўз Ватани олдидаги яна бир улкан хизмати шундан иборатки, улуғ ватандошимиз эътиқод илми — муқаддас динимизни қандай тушуниш ва унга қандай амал қилиш таълимотини янада ривожлантирди. Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини халқнинг миллий урф-одатлари, асрий анъаналари билан уйғунлаштирди.

Ҳазрати Мотуридийнинг ўнинчи асрдаёқ диний ғоялари ғаразли мақсадлар йўлида қуролга айлантириш, мутаассиблик ва жоҳиллик ботқоғига ботиб қолиш қанчалик хатарли эканини асослаб бергани биз учун айниқса муҳимдир.

Аллома бобомиз: “Дин йўлидаги барча адашувларнинг бош сабаби — риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашишдадир”, деган эди.

Бу сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканини, ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганини бугун дунёда рўй бераётган юзлаб воқеалар мисолида яққол кўриб турибмиз.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, жаҳоннинг турли бурчакларида диний низолар асосида содир этилаётган қонли тўқнашувларнинг аксарияти ақидапарастлик, сохта гоёларга кўр-кўрона эргашиш, нодонлик ва жоҳиллик оқибати эмасми?

Муҳтарам ватандошлар!

Имом Абу Мансур Мотуридий қолдирган мероснинг яна бир ибратли томони шундаки, у диний эътиқод борасида ашаддийлик тоқатсизликни рад этади, муътадиллик ва бағрикенгликни ёқлаб чиқиб, бу муҳим тамойилни жамият ҳаётининг мезонига айлантиришга интилади.

Аллома, ҳар бир инсоннинг ҳаёти Яратган томонидан белгиланади, лекин одамзотга йўл танлаш ихтиёри ҳам берилган, бинобарин, у ўз хатти-ҳаракатлари ва қилмишлари учун аввало Парвардигор олдида, халқ ва жамият олдида масъулдир, деган фикрни қатъий туриб ҳимоя қилади.

Имом Мотуридий таълимоти ана шу инсон-парварлик моҳиятига кўра, инсоният ҳаёти ва

тараққиётини яхшилик ва поклик сари, адолат сари йўналтиришга, одамларни миллати, тили, динидан қатъи назар, ўзаро аҳил, баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга даъват этади.

Бу мўътабар сиймо ўзининг “Китоб ут-тавҳид”, “Китоб ул-таъвилот” каби ўлмас асарларида халқимизга мансуб бағрикенглик, олижаноблик ва тараққийпарварлик каби улугъ фазилатларни ёрқин намоён этгани билан ҳам бизга айниқса қадрлидир.

Ул зот асос солган диний таълимот — Мотуридиййа мактаби Шарқ мамлакатларида катта шуҳрат топишига бўлган сабаб шуки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг моҳиятини тўғрилиқ, эзгулик, инсонийлик деб биландиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қарашлари ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди.

Шу боис Мотуридиййа мактабида таълим олган турли миллат вакиллари бўлмиш олимлар, Ҳазрат Мотуридийнинг минглаб издошлари, маънавий шогирдлари унинг таълимоти ва меросини дунёнинг кўп-кўп мамлакатларида тарғибу ташвиқ этиб, янада ривожлантирдилар.

Ҳурматли биродарлар!

Бугунги кунда, йигирма биринчи аср бўсағасида, башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасида

мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, Имом Мотуридий бобомизнинг: “Агар одамлар яхшилик йўлида бирлашса, Яратганимиз улардан ўз марҳаматини дариф тутмайди”, деган ҳикматли сўзларида бизнинг замонамиз учун ҳам ибратли сабоқлар бор, десак, хато бўлмайди.

Бугун бобомиз Имом Мотуридийнинг фаолияти ва қолдирган беназир мероси ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда бу меросни янада чуқурроқ ўрганиш, бу зотга катта эҳтиром билан қараб, тадқиқотлар олиб бораётган хорижий олимларнинг, биродарларимизнинг кўмак ва ёрдами билан алломанинг ҳозирча топилмаган бебаҳо асарларини нафақат Ўзбекистон, балки барча мусулмон мамлакатларида излаш, уларни таҳлил этиш, замондошларимиз ва ёш авлодларга етказиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Имом Мотуридий бобомизни зиёрат қилмоқ ниятида ўз қимматли вақтларини аямасдан узоқ-яқин ўлкалардан юртимизга ташриф буюрган, ушбу маросимда иштирок этаётган азиз меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан, Имом Мотуридийнинг бугунги авлодлари номидан беқиёс ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этишдан бахтиёрман.

Муҳтарам юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Буюк аجدодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилишдек бахт сиз билан бизга насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадимий заминимизда ўтган бу улуг зотларнинг яна бир хосияти шундаки, уларнинг шарофати билан табаррук мақбаралар, тарихий обидаларгина эмас, балки миллий тафаккуримиз, маънавиятимиз, миллий ғуруримиз, энг муҳими, халқимизнинг тарихий хотираси қайта тикланмоқда.

Муҳтарам дўстлар! Биродарлар!

Самарқанд аҳли ўз қадимий тарихига ихлос қўйган, ўзидан ўлмас мерос қолдирган улуг мутафаккирлари, аллома ва азиз-авлиёларининг муборак номларини эъзозлаб, уларнинг хотирасини тиклаш йўлидаги савоб ишлари билан ўрнак бўлиб келаётган саховатли халқдир.

Самарқанд тупроғини азиз билиб, уни севиб-ардоқлаб, бир умр шу ерда муқим яшаган, ўзининг мислсиз фаолияти билан шу муқаддас заминни бутун дунёга машҳур этган, эзгу дуолари бугун ҳам бизга куч-қувват бағишлаб турган Абу Мансур Мотуридий бобомизга кўрсатаётган ҳур-

мат-эҳтиромимиз ана шу буюк ихлоснинг яна бир далолатидир.

Мана шу муҳташам ёдгорлик мажмуининг ғоят қисқа фурсатда — тўрт ой давомида бунёд этилгани ҳам ул табаррук зотга бўлган халқимиз меҳроқибатининг ифодаси деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Имом Мотуридий бобомизнинг муборак мақбарасини қайтадан тиклаб, бу жойни қутлуғ зиёратгоҳга айлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилган меъмор ва муҳандисларимизга, қўли гул уста ва қурувчиларимизга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз зотларнинг номларини улуғлаб, мақбаралари ва қадамжоларини тиклаб, асраб-авайлаб обод этаверсак, Самарқанд нафақат сайёҳлар маконига, балки бутун дунёдан зиёратчилар интилиб келадиган қутлуғ бир масканга айланиши муқаррар.

Ҳамиша олижаноб ишларнинг бунёдкори бўлган, ўзининг меҳнати, қалб саховати билан мана шундай савоб ишларга муносиб ҳисса қўшиб келатган Самарқанд аҳли билан, сиз қадрли ҳамшаҳарларим билан ҳар қанча ғурурлансам арзийди.

Азиз ватандошларим!

Бугунги шукуҳли дақиқаларда Имом Мотуридий бобомизни хотирлаб, яна бир бор фарзандлик ҳурматимизни изҳор этар эканмиз, ул зотнинг

руҳи поклари шод бўлсин, юртимиз доимо тинч,
халқимиз доимо омон бўлсин, дея тилак қиламиз.

Бу табаррук заминдан қут-барака, меҳр-оқибат
аримасин!

Барчамизни Парвардигоримиз ўз паноҳида
асрасин!

2000 йил 17 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Аввало, барчангизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ сана — ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, рухсатингиз билан, Конституциямиз ҳақидаги баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим.

Қадрли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, Конституциямизнинг ҳаётимиз ривожига, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга аҳамияти ортиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган эканмиз, илгари учрамаган оғир, ўта мураккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, пешона теримизни тўкиб, янги марраларни қўлга киритиб эзгу орзу-ниятларимиз сари қадам қўяётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз — бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ — барчамиз

учун муқаддас ва азиз бўлмиш Ўзбекистон зами-
нида яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун
муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб
бормоқда.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, эришган ютуқ-
ларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаёти-
мизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимиз-
нинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-
эътиборимизнинг негизида Конституциямиз
белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий
асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга
татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамия-
ти ҳақида гапирар эканмиз, мана шу фурсатдан
фойдаланиб, эътиборингизни яна бир масалага
қаратмоқчиман.

Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик
давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз иж-
тимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатла-
рини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур
этолмайди.

Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида
Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга
тез-тез мурожаат қилиб туради. Конституцияга
ўзининг таянчи ва суянчи деб қарайди.

Минг афсуски — бу сир эмас — кўпчилигимиз
Конституциянинг маъно-мазмунини яхши бил-
маймиз, уни синчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳолан-

ки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин.

Бу фикрнинг тасдиғи тариқасида бир мисол келтирмоқчиман.

Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устунлиги қонулаштириб қўйилган эди.

Бугунги Асосий Қонунимизда эса давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Ва биз ўз ички ва ташқи сиёсатимизни, барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларни ана шу тамойил негизида олиб боришни ўзимизнинг энг муҳим мақсадимиз қилиб қўйганмиз.

Агарки мана шу устувор тамойил ҳаётимизда, авваламбор, давлат ходимлари, мансаб курсисида ўтирганларнинг ҳаёлида, онгида, амалий кундалик фаолиятида ўз аксини топганида эди, шу принцип, шу тамойил уларнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетганида эди, яъни ўзини мен ҳукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман, деб ҳис қилганида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди.

Афсуски, Конституциямизнинг қабул қилинганига 8 йил тўлаётган ҳозирги кунда ҳам бу мақсадга эришишимиз оғир кечаяпти, десак хато бўлмайди.

Энг ёмони, энг ачинарли томони шуки, аксарият мансабда ўтирганлар ўз вазифасини фақатгина ўзини бошқалардан устун қўйиш, буйруқ бериш, бир сўз билан айтганда, ҳукмдорлик қилишда, деб билади.

Бу салбий ҳолат — бугунги ҳаётимизнинг ачиқ ҳақиқатидир.

Ёки мулкчилик, мулкка муносабат масаласини олайлик.

Эски Конституцияга биноан ишлаб чиқариш воситалари, жамики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланарди. Фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиши, бойлик орттириши қатъиян ман қилинган эди. Бунинг оқибати нималарга, қандай натижаларга олиб келгани барчамизга маълум.

Шу даврни бугун эслайдиган бўлсак, ҳар қайсимиз кечирган не-не қийинчиликлар, аввало, одамларнинг, инсонларнинг қадр-қиммати таҳқирлангани ва ҳўрлангани кўз ўнгимизга келади.

Демократик Ўзбекистон Конституциясида эса “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” экани, Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланиши, унинг негизини хилма-хил мулк

шакллари ташкил этиши, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуққа эга эканига кафолат берилди. Ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускор-лик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди ва мулк-дорлар табақасини вужудга келтириш тамойил-лари ишлаб чиқилди.

Бу қоида Асосий Қонунимизнинг дунёвий тараққиёт талабларига тўла жавоб бера олишини кўрсатибгина қолмай, унинг узоқни кўзлаб, му-камал яратилганини ҳам исботлайди.

Лекин яна бир бор шуни таъкидлашга маж-бурман. Хусусий мулкнинг ривожланишига, ав-вало, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнес эга-ларига кенг йўл очиб беришда, уларни нафақат миллий бойлик яратишда ва уни зиёда этишда, балки ҳар қайси оилани боқишда асосий манба, омил бўлишига, бизнинг мана шундай сиёсати-мизни тушуниш, англаш ва амалга ошириш йўли-да қанча-қанча тўсиқ ва ғовлар, товламачилик ва порахўрлик иллатлари тўғаноқ бўлиб турганини барчамиз кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Бу ҳам бугунги ҳаётимизнинг яна бир аччиқ ҳақиқатидир.

Асосий Қомусимизнинг ҳаётий муҳим ўрни ва аҳамияти ҳақида яна бир мисол келтирмоқчи-ман.

Асосий Қонунимизнинг 57-моддасида: “Конс-титудцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришни

мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти, маҳфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади”, деб қатъий кўрсатилган.

Келинг, азиз дўстлар, ўзимизга яна бир фараз қилиб, кўрайлик.

Бизнинг ҳаётимизга ҳар томонлама таҳдид соладиган бундай хавф-хатарларнинг олдини олишга, шу каби нохуш ҳолатларнинг ҳаётимизга киришига йўл қўймасликка қаратилган ушбу конституцион нормаларни ўз вақтида қабул қилмаганимизда бугунги кунимизда қандай бало-қазоларга дучор бўлишимизни ҳар қайси ақли расо одам англаб етади, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, эски мустабид тузумдан озод ва эркин ҳаёт сари ўтиш даврини бошимиздан кечирар эканмиз, ўша ўта оғир ва мураккаб йўлда дуч келадиган тўсиқ ва синовларни енгиб ўтишда, барча муаммоларимизнинг қонуний ечимини топишда Конституциямиз кундалиқ ҳаётимизда асосий ва мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Мана бу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Бугун барчамизга яхши аёнки, жамият ҳаёти-ни ўзгартириш, эски, бизга халақит бераётган асоратлардан воз кечиш, олдимизга мақсад қилиб қўйган эркин, демократик тамойилларга асосланган ҳаётга эришиш бир-икки йилда бўладиган осон иш эмас. Буни кўпгина ривожланган, тараққиёт йўлида фаровонликка эришган давлатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маданий тармоқ ва жабҳаларда ислоҳотларни жорий қилиш йўлида ҳали кўп-кўп қийинчилик ва синовлардан ўтишимиз, кўп-кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз керак.

Лекин, олдимизда турган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч — бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир.

Биз қонуни устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин.

Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, у барчамиз учун ҳаётий бурчга айланиши лозим.

Шундай экан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин.

Мен Конституцияга нисбатан “ҳимоя” сўзини бекорга ишлатмадим. Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу билан бирга, муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз навбатида Конституциянинг ва у белгилаб берган конституцион тузумнинг ҳимояси учун доимо тайёр туриши, керак бўлса, шу йил ёзда Сурхондарё ва Тошкент вилояти тоғларида қаҳрамонлик кўрсатиб шаҳид кетган мард ўғлонларимиз каби, ўз жонини фидо этишга ҳам қодир бўлиши даркор.

Ҳурматли юртдошлар!

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда, сизлар билан кенгашиб, 2000 йилни яхши ниятлар билан Соғлом авлод йили деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзлаган асосий мақсадимиз — барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, эл-юрт учун чин дилдан қайғуриб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, миллатимиз, халқимиз тақдири ва келажагига дахлдор бўлган бу муҳим масалага масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эди.

Ана шу эзгу мақсадларга эришиш, бу соҳадаги ишларни қатъий режа асосида амалга ошириш учун махсус Давлат дастури қабул қилинган эди.

Бундай улкан вазифалар ижросини таъминлаш учун бир йил жуда қисқа муддат эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта. Лекин шунга қарамай, йил давомида давлат дастурида белгиланган

олти йўналиш бўйича кўп-кўп ишлар амалга оширилганини, ёш авлод тарбиясида салмоқли ўзгаришлар рўй берганини эътироф этмоқ лозим.

Айниқса, дастурда белгиланган биринчи йўналиш — соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан қилинган ишларни алоҳида таъкидлаш даркор, деб ўйлайман.

Бугунги кунда “Оналик мактаби”, “Тиббий ишлар асоси”, “Балоғат даври” каби бир қанча дастурлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Шунингдек, “Оила кодекси”га биноан никоҳ қуришдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки, беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилиб, бунга 170 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Никоҳни қайд этиш бўлимлари қошида ёшларга оила, унинг муқаддаслиги, унинг масъулияти, фарзанд тарбияси каби ўта муҳим масалалар тўғрисида зарур маълумот ва сабоқ берадиган “Оила дорилфунунлари” очилгани, қисқа вақт ичида уларда 20 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани эътиборга молик.

Дастурда кўзда тутилган иккинчи муҳим йўналиш — давлат, жамият ва оиланинг соғлом зур-

риёт тарбияси учун эътибор ва ғамхўрлигини ошириш бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Жумладан, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан алоҳида эътибор талаб қиладиган ҳудудларда қарийб 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қиз тиббий патронаждан ўтказилди ва уларга ҳомийлик тиббий ёрдами кўрсатилди. 5 миллиондан зиёд фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, 6 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга муҳтож бўлганлари диспансер назоратига олинди ва уларни соғломлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ушбу жамғарма орқали 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мурувват ёрдамининг туғруқхоналар ва болалар тиббий муассасаларини энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилган ҳам соғлом зурриётни дунёга келтириш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, Республика гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Айни вақтда Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган “Она ва бола скри-

нингги” тиббий марказлари ишлай бошлагани ҳам диққатга сазовордир.

Бу дастурни беш йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, фақат шу йилнинг ўзидаёқ унга 440 минг АҚШ доллари сарфланди.

Соғлом авлод дастурининг бошқа йўналишларида ҳам, шу жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, ҳар томонлама камол топиши, туғма касалликларга дучор бўлган ногиронларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди.

Тошкент шаҳрида лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бўлган “СОС-Ўзбекистон болалар маҳалласи”нинг бунёд этила бошлагани, унинг биринчи навбати қурилиши учун 2 миллион доллар маблағ сарфланиб, ишга туширилгани ҳам бу борадаги жиддий ютуқ бўлди.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимизда ҳар йили илк бор мактаб остонасига қадам қўядиган 600 мингдан зиёд ўғил-қизларимизни дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Жорий йилнинг ўзида умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларини, “Меҳрибонлик уйлари”, мактаб-интернатлар ва ногирон болалар учун ихтисослаштирилган ўқув масканлари тарбияланувчиларини 11 турдаги дарслик,

ўқув анжомлари билан таъминлашга 2 миллиард 508 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, замонавий лицей ва коллежлар барпо этиш каби Кадрлар тайёрлаш дастури бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз ҳам соғлом авлод тарбиясига хизмат қилмоқда.

Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг нечоғли аҳамиятга эга экани ҳаммамизга аён. Талаба ёшлар ўртасида иккинчи бор ўтказилган “Алпомиш ўйинлари”, “Универсиада-2000” мусобақалари, маҳалла болалари футбол командалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил қилинган теннис турнири каби кўплаб спорт тадбирлари ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш йўлида, эртанги буюк келажагимизни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай эзгу ва хайрли ишларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Лекин Соғлом авлод дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида, мана шу хайрли ва савобли ишлар туфайли кенг жамоатчилик онгида, халқимиз дунёқарашида соғлом авлод масаласига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда.

Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, кела-
жагимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга,
унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғ-
лиқ эканини ҳар бир юртдошимиз тобора теран
англаб бораётгани барчамизни чексиз қувонти-
ради ва янги эзгу ишларимизни давом эттириш-
га, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизга,
ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган,
барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучай-
тиришга даъват этади.

Қадрли юртдошлар!

Шу муносабат билан мен XXI асрнинг би-
ринчи йилини, яъни кириб келаётган 2001 йил-
ни мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб
эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Кириб келаётган янги йилнинг ҳар жиҳатдан
хайрли, саховатли ва баракали бўлишини умид
қилиб унга мана шундай ном беришимизнинг
амалий, керак бўлса, рамзий маъноси бор.

Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки,
Янги йилни Яратганимизнинг буюк мўъжизаси
бўлган барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзи-
нинг бутун борлигини бағишлайдиган ҳаёт да-
вомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болала-
римиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жа-
моатчилигимизга, халқимизга маъқул келади.

Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз
Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мо-

байнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур.

Бу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг ижобий таъсири юртимизда яшаётган барча одамлар тақдирида, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ҳаётида сезилиши даркор.

Янги йилда ҳам бошлаган хайрли ишларимизнинг давомини кўришимиз, яъни жамиятимизни, керак бўлса, ҳаётимизни соғломлаштириш борасида барча белгиланган лойиҳа ва режаларимизни рўёбга чиқариш, охирига етказиш зарур. Бундай ишлар ҳали жуда кўп маблағ ва энг муҳими, жуда катта эътиборимизни талаб қилади.

Содда қилиб айтганда, бошлаган ишларимиз ва ҳаракатларимиз ярим йўлда қолиб кетмаслиги керак.

Шу маънода жорий йилда бошлаган оналар ва болалар манфаатига дахлдор барча тадбирларни нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш лозим.

Шу муносабат билан илгари ҳам тилга олинган, олдимизда турган баъзи масала ва муаммоларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу борада биз аввало Аллоҳ таолонинг марҳамати билан она бағрида вужудга келган зурриётнинг соғлом ҳолда ривожланиши, уни энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш

ва парваришлашни, пировард натижада онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратишни ўзимизнинг доимий вазифамиз деб билишимиз керак.

Шунингдек, туғилган гўдакни дунёга келган кунидан бошлабоқ тиббий назоратга олиш, уни турли касалликлар, соғлом ўсишига раҳна солдиган салбий таъсирлардан асраш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳам ниҳоятда муҳимлиги ҳаммамизга аён.

Бунинг учун болани ривожланган давлатлардагидек, бир йил мобайнида доимий тиббий назорат қилиб бориш, турли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни мунтазам амалга ошириш лозим.

Оналар ва болалар йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдаклигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз лозим.

Фарзандларимизнинг онги шаклланадиган мактаб ёшигача бўлган даврда ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгида очилаётган дунё

муъжизалари билан таништириб бориш барча оналар ва тарбиячиларимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Айниқса, бошланғич синфларда ўқиётган даврда ўғил-қизларимизга билим бериш, уларни миллий руҳда тарбиялаш билан бирга болаларимизнинг чет тилларга, умуминсоний қадриятларга ҳам қизиқишини уйғотиш зарур.

Бошқача айтганда, мана шу барча жараёнларда она ва боланинг ҳаёти бир-бирига узвий боғлиқлигини, она ва оиланинг болага таъсири, унинг айнан шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан озиқ олишини ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки, бола деганда, биз унинг балоғат ёшигача бўлган, яъни ота-онаси бағрида, ота-онаси паноҳида яшайдиган даврини тушунамиз.

Ҳеч шубҳасиз, Оналар ва болалар йилида кўзлаган эзгу ниятларимизни амалга ошириш учун ҳукуматимиз томонидан, шу масалага дахлдор бўлган барча мутасадди ташкилот ва идоралар, авваламбор, кенг жамоатчилигимиз, турли нодавлат ташкилотлари, хайрия жамғармаларини бу савобли ишга жалб этган ҳолда, амалий бир дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу дастурни амалга оширишда бошқарув органлари, жойлардаги ҳокимликлар, идора ва муассасалар, барча ташкилотларнинг, бир сўз

билан айтганда, бутун халқимизнинг фаол иштирокини кўзда тутиш даркор.

Ишонаманки, Янги йилимизни мана шундай улуғ ва хайрли орзу-ниятлар, қўлимиздан келгунча савобли ишлар билан кутиб олаётганимиз, бу хайрли ишларга шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг саъй-ҳаракатини жалб этишимиз йил давомида ўз мевасини, ўз самарасини беради, иншоолло.

Бу жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига оилани, оналаримиз, умр йўлдошимиз, азиз фарзандларимизни янада қадрлаш, уларни асраб-авайлаш борасида жуда катта масъулият юклайди.

Ўз оиласи, ўғил-қизларининг камоли, бахт-саодати учун меҳнат қилиш, уларни ҳимоялаш, ўйлайманки, ҳар бир эркак зотининг энг асосий ва муқаддас бурчидир.

Сўзимнинг охирида барчангизни яна бир бор Конституциямиз байрами билан чин дилдан салимий муборакбод этаман. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака тилайман.

2000 йил 7 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, байрам дастурхони атрофида жам бўлиб ўтирган сиз, азизларни — кексаю ёш, барча юртдошларимни кириб келаётган Янги йил айёми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бир неча дақиқалардан кейин инсон ўзига тасаввур қилиши ҳам қийин бўлган воқеанинг гувоҳи бўламиз — хонадонларимизга бир пайтнинг ўзида янги йил, янги аср, янги минг йиллик кириб келади.

Асрлар ва минг йилликлар алмашадиган, инсоният янги даврга қадам қўядиган бундай ноёб ва тарихий лаҳзаларга гувоҳ бўлиш — барчамизга Аллоҳ таоло насиб этган улуғ инъом, катта бахтдир. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Азиз юртдошларим!

Ўзининг оламшумул ютуқлари ва мислсиз фожиалари, мураккаб зиддиятлари билан одам-

зотни ҳайратга соладиган XX аср билан хайрлашар эканмиз, унинг кўп-кўп ҳақиқатларни очиб берган тарихий сабоқлари беихтиёр ҳаёлимиздан ўтади.

Бу давр кишилик тарихида инсоннинг қонотта чиқиши, илм-фаннинг гуркираб ривожланиши, чинакам мўъжизаларга йўл очилиши, ишлаб чиқаришни, ижтимоий ҳаёт ва инсон дунёқарабини кескин ўзгартириб юборгани билан одамзот хотирасида ўчмас из қолдиради.

Бу аср жаҳон миқёсида мустамлакачилик тузумининг барҳам топиши, миллионлаб мазлум халқларнинг озодлик ва эркинлик учун кураш даври бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Лекин, таассуфки, инсоният бу асрда ҳам оғир муаммолар, турли синов ва хавфу хатарлардан бутунлай халос бўлолмади.

Дунёнинг икки марта жаҳон урушини бошдан кечиргани, бутун-бутун халқлар ҳаётига хавф соладиган миллий, мафкуравий, диний асосдаги қарама-қаршиликларнинг, ҳудудий можароларнинг авж олгани, халқаро террорчилик, экстремизм, экологик хатарлар, гиёҳвандлик каби иллатлар инсоният бошига улкан мусибатлар олиб келгани ҳам мана шу даврнинг аччиқ ҳақиқатидир.

Ўтаётган асримизга хос бундай ижтимоий тўфонлар бизнинг ўлкамизни ҳам четлаб ўтгани

йўқ, албатта. Халқимиз мустамлакалик зулми ва қарамлик жабрини тортди, мустабид тузум, камситиш, тазйиқ ва қатағон йилларини бошидан кечирди, озодлик ва истиқлол учун кураш йўлида қанча-қанча қурбонлар берди. Лекин ҳар қандай оғир, машаққатли синовларда ҳам ўз орзуниятларидан, дину диёнатидан, улуғ мақсадларидан, ҳуррият сари интилишидан қайтмади.

Шу боис ҳам халқимиз, миллатимиз учун, шу табарруқ ва муътабар замин — Ўзбекистон менинг ягона ва бетакрор Ватаним, деган ҳиссиёт билан яшаётган ҳар қайси инсон учун XX аср, аввало, мустақиллик асри бўлиб қолажак.

Биз тарих берган ноёб имкониятдан фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, ўз тақдиримизни қўлга олдик, ўзлигимизни англадик. Ўз кучимиз ва қудратимизга ишониб, халқимизнинг олижаноб фазилатлари, сабр-матонати, фидокорона меҳнати туфайли қисқа даврда — шу асрнинг охириги ўн йиллигида келажағимиз ва бахт-саодатимиз пойдеворини барпо этдик, янги асрга озод халқ, эркин миллат бўлиб, ёруғ юз билан кириб бормоқдамиз.

Шу маънода, дунёдаги илғор мамлакатлар билан биргаликда тараққиёт йўлидан бориш, ҳаётимизни ислоҳ этиш, жамият ва давлат тизимини янгилаш ва эркинлаштириш, бир сўз билан айтганда, юртимизни обод, халқимиз ҳаёти-

ни фаровон қилиш борасида 2000 йил ўзига хос ўринга эга бўлди.

Ўйлайманки, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига бефарқ қарамайдиган, мана шу ўзгаришларни ўз қалбидан ўтказадиган ҳар қайси инсон ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш жараёнларини кўриб беихтиёр қувониши шубҳасиз.

Шаҳар-қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, чирой очаётгани, бепоён далаларимизда, ишга туширилаётган янги-янги корхоналаримизда, умуман, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, масъулияти ортиб бораётгани бугунги кунимизнинг энг устувор хусусиятидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Маънавий-маданий ҳаётимизни янги маъномазмун билан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзлигимизни англаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бу борада Соғлом авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди.

Айни вақтда юртимизнинг бойликларига кўз олайтираётган, танлаб олган йўлимиздан собитқадамлик билан олға юришимизни кўролмайдиган, кўпмиллатли халқимизнинг тинч-тотув ҳаётини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни, жамиятимизда ҳукм сураётган меҳр-оқибатни бузишга уринаётган манфур кучлар ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис биз бу кучларнинг қабих ниятларидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз, азиз болажонларимизни асраш ва уларни ёвуз таъсирлардан сақлаш — ҳар бир ота-онанинг инсоний бурчи эканини яна бир карра англаб олишимиз даркор.

Муҳтарам дўстларим, биродарларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда ҳар қайси инсон Аллоҳ таолодан қалбининг тўрида ардоқлаб келаётган энг эзгу истак ва ўйлари рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўкинлик ато этишини, омад ёр бўлишини сўрайди.

Мен ҳам сиз — миллион-миллион азиз ҳамюртларимнинг ана шундай орзу-умидларига тилакдош бўлиб, дилингиздаги пок ниятларингиз ижобат топишини Яратганимиздан сўрайман.

Ҳеч шубҳасиз, янги кириб келаётган йилда халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, ёрдамга муҳтож оилаларни давлат ҳимоясига олиш йўлида, тад-

биркор ва ишбилармонлар учун, изланиб яшаётган ҳар қайси инсон учун имконият ва шарт-шароит яратиш, уларнинг йўлини очиб беришга, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган ишларимиз янада кучаяди ва, иншоолло, ўз самарасини беради.

Янги асрнинг биринчи йилини Оналар ва болалар йили деб атаб, янги йилни хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари — фарзандларимиз тимсолида кўришимиз буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустаҳкам қарор топаётганининг тасдиғидир.

Биз кириб келаётган йилда катта ифтихор ва ғурур билан нишонлайдиган мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами ҳамда тарихимиздаги буюк саналарни муносиб кутиб олишга қаратилган барча режаларимиз янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши ва унинг файзу баракасини зиёда этиши муқаррар.

Қадрли ватандошларим!

Барчамизнинг нигоҳимиз мангулик сари оши-қаётган соат милларига қаратилган мана шу ҳаяжонли дақиқаларда ҳар бирингизни хаёлан бағримга босиб, айтмоқчиман:

Янги йил хонадонларимизга бахту саодат,
файзу барака олиб келсин!

Дуогўй отахон ва онахонларимизнинг умрла-
ри зиёда бўлсин, ўғил-қизларимизнинг камоли-
ни берсин!

Халқимизнинг боши омон, юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил, янги аср, янги минг йиллик барча-
мизга муборак бўлсин!

2000 йил 31 декабрь

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг бугунги мажлиси кун тартибига ўта муҳим, менинг фикрим бўйича, принципиал аҳамиятга эга бўлган масала қўйилган.

Биз бутун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш жараёнида марказий идоралар ва бутун Умумиқтисодиёт комплексининг роли ва унинг масъулияти ҳақидаги масалаларни муҳокама қилиб олишимиз керак.

Табиий савол туғилади:

Бу масалани бугунги мажлис кун тартибига қўйишимизни нима билан изоҳлаш мумкин?

Нима учун бу масала бугунги кунда ўта муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда?

Бу саволларга жавоб бериш учун, аввало, иқтисодиётимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни таъкидлашимиз ўринли, деб биламан. Ҳеч кимга сир эмаски, иқтисодий ҳаётимизнинг бугунги босқичида унинг олдига қўйилаётган мақсад ва

вазифалар тубдан ўзгариб, энг муҳими, иқтисодиётимизда кечаётган жараёнлар мутлақо янгича маъно-мазмун касб этмоқда.

Биз маъмурий-буйруқбозлик, марказдан режалаштириш тизимидан эркин бозор иқтисодиёти асосларини яратишга қаратилган энг оғир, мураккаб йўлни босиб ўтдик.

Кейинги йилларда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишга муваффақ бўлдик, халқ ҳужалигида таркибий ўзгаришлар дастури амалга оширилмоқда, аввало, нефть ва газ, тоғ-кон, озиқ-овқат, енгил, тўқимачилик, машина-созлик саноатларида ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилмоқда, автомобилсозлик, телекоммуникация каби биз учун мутлақо янги, бутун иқтисодиётимизнинг етакчи соҳалари бўлиб қоладиган, уни янги босқичга кўтарадиган тармоқлар шаклланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизни янада барқарор ва изчил ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ҳамда мустаҳкам пойдевор яратилмоқда.

Шуни айтиш керакки, ислохотларнинг дастлабки йилларидаги кўпинча бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра кутилмаган ҳолда бир йилнинг ўзидаёқ иқтисодий вазият кескин ўзгариб кетадиган оғир даврдан ўтиб олдик. Бошқача айт-

моларни ечишда, шу жумладан, экологик, демографик ва ижтимоий масалаларни ҳал этишга бошқа имкониятлардан кўра кўпроқ мос келадиган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришни тушунишимиз керак.

Ва, ниҳоят, биз устувор йўналишлар ҳақида гапирганда, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқимизнинг фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, ўзига алоқадор бутун бир тармоқларнинг ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг барқарор ривожини таъминлай оладиган, таъбир жоиз бўлса, уларга етакчилик қиладиган ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни назарда тутамиз.

Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин. Биргина юртимизнинг бой минерал хом ашё имкониятларидан оқилона ва тежамкорлик билан комплекс фойдаланиш масаласини олиб кўрайлик.

Мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда хорижий сармояларни мазкур соҳага жалб этиш, ер ости бойликларни қазиб олиш ва уларни комплекс қайта ишлашни йўлга қўйиш тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу ерда гап олтин, рангли ва нодир металллар, нефть, газ қурилиш ашёлари, фосфоритлар, турли тузлар, кварц ва саховатли заминимизнинг

бойлиги бўлган бошқа кўп-кўп фойдали қазилмалар ҳақида бормоқда.

Жаҳон бозори конъюнктураси ва мамлакатимизнинг ўзига хос табиий-иқлим шароитини инобатга олганда, иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари орасида бугунги кунда ҳам пахтачилик комплекси алоҳида ўрин эгаллайди. Буни ўзимизга тасаввур этишимиз учун бевосита пахтачиликка алоқадор бўлган қишлоқ хўжалигидаги кўплаб соҳаларни, пахта тозалаш саноати, енгил саноат, тўқимачилик, ёғ-мой саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоқларининг ривожланишини эслаш кифоя, деб ўйлайман. Биз бу ерда пахтачиликка хизмат кўрсатадиган бошқа кўплаб тармоқлар ҳақида гапираётганимиз йўқ.

Ипакчилик саноати ва унга тегишли тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳақида ҳам шундай исбот талаб этмайдиган мисолларни келтириш мумкин.

Бу ўринда мева-сабзавотчилик тармоғи ва у билан боғлиқ қайта ишлаш саноати корхоналарининг ҳозирча фойдаланилмаётган улкан ресурслари, бу соҳани жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятлари хусусида алоҳида гапиришимиз мумкин.

Ёки, мисол учун, автомобилсозлик саноатини олайлик. Мамлакатимизда автомобиль саноа-

тининг пайдо бўлиши у билан боғлиқ ва унга хизмат кўрсатадиган бир қанча ишлаб чиқариш корхоналари ва қувватларининг ривожланиши учун муҳим шарт-шароит яратди.

Бугун бу саноат тармоғининг ривожи ана шу ёрдамчи корхоналар фаолияти ва илғор, замон талабига жавоб берадиган технологиялар билан чамбарчас боғлиқдир.

Энг муҳими, автомобиль саноати аҳоли нисбатан ўта зич жойлашган Фарғона водийсида одамларни иш билан банд қилиш ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда. Агарки, жаҳонда бугунги кунда фақатгина йигирма саккизта давлат енгил автомобиль ишлаб чиқаришга эга бўлганини ўзимизга тасаввур қилсак, бунинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, Ватанимизнинг қандай буюк имкониятларга эга бўлишининг далолати деб қабул қилишимиз даркор.

Устувор йўналишлар ҳақида гапирганда, биз иқтисодиётимизнинг, аввало, етакчи тармоқларини жадал ва изчил ривожлантиришни тушунамиз. Бу мақсадлар учун зарур инсон ресурслари, моддий ва молиявий имкониятларимиз, хорижий сармоялар сафарбар этилиши лозим.

Шу тариқа яна кўп-кўп далил ва мисолларни келтириш мумкин. Бу борада сизларнинг эътиборингизни бир муҳим масалага жалб этмоқчиман.

Биз унутмаслигимиз керакки, тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришда бевосита муайян номутаносибликларга йўл қўймаслик ва ўз навбатида, бу тармоқларни ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлашни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ёқилғи-энергетика комплексини жадал ривожлантирмай, мустаҳкам энергетика базасини ташкил этмай туриб, темирйўл ва автомобиль йўлларини тараққий эттирмай, сув, иссиқлик, телекоммуникация алоқалари, бошқа инфратузилма турлари билан таъминламай туриб бирон-бир тармоқни юксалттириб бўлмайди. Бу барчамизга аён.

Шу билан бирга, бу жадал ривожланиш жараёнларини юқори малакали кадрлар билан таъминламасдан тасаввур этиш мумкин эмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Бу масала ўз навбатида демографик жараёнлар билан, мактаб, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртларини, соғлиқни сақлаш иншоотлари, бутун бир ижтимоий инфратузилма тармоғининг ривожи билан узвий боғлиқ. Буларнинг орасида шундай кўзга кўринмас, лекин мустаҳкам ўзаро узвий боғлиқ масала борки, унга аҳамият бермаслик, ҳеч шубҳасиз, жиддий номутаносибликларга, танг вазият ва нохуш оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Шу маънода, биз иқтисодиёт ривожини табиий ресурсларни сақлаш, соғлом экологик муҳитни таъминлаш муаммолари билан объектив равишда боғлиқ эканини ҳисобга олмаган тақдирда бу ҳол қандай фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

Бу — масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, иқтисодиёт ривожини ва унинг таркибига кирувчи барча соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқлари, аввало, жамиятнинг пировард мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилиши даркор. Ўз ўзидан аёнки, ислохотлар ва ривожланиш жараёнини таъминлаш ягона мақсад эмас. Саноатни фақат саноатнинг ўзи учун ривожлантириб бўлмайди.

Биз бу ўзгаришлар натижасида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти, миллий даромади қанчалик ўсишини, уларнинг барчаси даромадларнинг ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишига нечоғли таъсир кўрсатишини олдиндан аниқлаб олишимиз шарт.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, иқтисодиётимизнинг бундай ривожини ташкил қилишда ва белгиланган пировард натижаларга эришиш учун, барча номутаносибликлар ва инқироз жараёнларига йўл қўймаслик учун, аввало, маълум макроиқтисодий принципларга, монетар сиёсат-

нинг зарур ва муҳим қонуниятларига қатъий амал қилиш даркор.

Бозор иқтисодиёти ривожии бугунги кунда айнан мана шу қонун ва қоидаларга бўйсунди. Шу нуқтаи назардан қараганда, барча банк ва молия тизимлари, истиқболни белгиловчи турли иқтисодий марказлар ва биринчи галда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, бутун Умумиқтисодиёт комплексининг фаолияти асосий макроиқтисодий мутаносибликлар ва параметрларни сақлаш ва бажаришга қаратилиши лозим. Уларнинг ўзаро мутаносиб бўлишига эришиш асосидагина барқарор ва изчил ривожланишни таъминлаш мумкин.

Бу ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз даркор.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Юқорида билдирилган фикрларга якун ясаб айтмоқчиманки, улар, биринчи марта айтилаётган кашфиёт ёки янгилик эмас, балки иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатларнинг барчаси амал қилиб яшаётган ҳаётий ҳақиқатдир.

Шу маънода сизнинг эътиборингизни бугунги кунда кўпчиликнинг онгига ўрнашиб қолган бир фикрга қаратмоқчиман.

Бу гап, аввало, бир томондан, бозор иқтисодиётига кўр-кўрона сиғинадиган, иккинчи томон-

дан, бозор иқтисодиёти ҳақида фақат китоблару мақолалардан, аксарият ҳолларда эса эшитганлари асосида тасаввурга эга бўлган одамларга тегишлидир.

Уларнинг фикрича, узоқ ва давомли режалари, прогнозлар ва макроиқтисодий балансларни тузмасдан, устувор ва стратегик йўналишларни аниқлаб олмасдан, бу стратегияга ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожининг фалсафасини бўйсундирмасдан гўёки бозор иқтисодиёти ўзидан ўзи ривож топиши мумкин эмиш.

Ваҳоланки, жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси бунинг аксини кўрсатмоқда.

Бунда асосий масала, балки, ҳамма гап танлаган стратегияни қандай усуллар ва йўллар билан амалга оширишдадир.

Собиқ совет даврида, марказдан режалаштириладиган тизим пайтида бу жараёнлар давлатнинг ишлаб чиқариш мулки ва воситаларига яккахукмронлиги, маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланиб, марказдан режалаштириш йўли билан, белгиланган кўрсаткичларни тасдиқлаш, иқтисодиётни юқоридан бериладиган кўрсатмаларга тўла бўйсундириш, хўжалик субъектларига ҳеч қандай эркинлик қолдирмаслик асосида бошқарилар эди.

Ўша замондаги давлат план комитети ҳам, давлат таъминот комитети ва шунга ўхшаш бош-

қа тақсимот идоралари ҳам ана шу яроқсиз тизимнинг яққол кўринишлари эди.

Ҳар қандай қабул қилинган стратегияни хусусий мулк асосий ўрин тутадиган кўпукладли иқтисодиётга таяниб амалга ошириш эса — бутунлай бошқа масала. Чунки бундай стратегия, биринчи галда, мутлақо янги бозор институти ва тузилмаларига асосланиб бошқарув усулларини шакллантириш, эҳтиёж ва таклифларнинг мутаносиблигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур эркинликларни кафолатлаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ташаббускорлигини рағбатлантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш орқали амалга оширилади.

Шунга мувофиқ равишда иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи марказий идоралар, авваламбор, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг роли, энг муҳими, иш усули тубдан ўзгариши керак, эски услуб, эски қарашлардан бутунлай воз кечиш даркор.

Шу муносабат билан оддий бир савол туғилади: Умумиқтисодиёт комплекси бугунги кунда ўз вазифаларини қандай бажариб келмоқда?

Юқорида зикр этилган талаб ва янги принципларга тўлиқ риоя қилинмоқдами, йўқми?

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишларни инкор этмаган ҳолда, фаолиятимизнинг бу соҳа-

сидаги ишларнинг аҳволини қайта-қайта танқидий баҳолашимиз зарур. Ва ниҳоят, эртага ўз ишимизни қай тарзда, қандай методологик-услубий ва ташкилий тамойиллар асосида ташкил этишимизни ҳам белгилаб олишимиз даркор.

Бу масалаларга ўтишдан олдин мен бир мисол келтирмоқчиман.

2000 йилга мўлжалланган нефть, газ конденсати ва табиий газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш пайтида бир салбий ҳолат бизни катта ташвишга солди. Бунга сабаб, анча вақтдан буён суюқ углеводородлар, яъни нефть, конденсат ва газ қазиб чиқариш ҳажми уларни саноат асосида қайта ишлаш суръатларидан ортда қолаётгани аниқланди.

Ўйлайманки, биз бу ҳолнинг олдини олиш юзасидан ўз вақтида тегишли чоралар кўрмасак, келажакда у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу кетишда биз яқин йилларда нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати учун зарур бўлган хом ашё тақчиллигига, иқтисодиёт ва аҳолини ёқилғи ва бошқа турдаги нефть маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосига дуч келишимиз муқаррар.

Бу эса, табиийки, ўз навбатида иқтисодий тараққиётимизга тўсиқ бўлиб, ёқилғи билан таъминлашда эришган мустақиллигимизни йўққа

чиқариб, турли кутилмаган иқтисодий ва сиёсий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигини ўзимизга тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Шу сабабли бугунги кунда нефть ва табиий газ захираларини излаб топиш бўйича геология-қидирув ишларини кенгайтиришнинг махсус дас-тури ва тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. “Ўзбекнефтгаз” холдинг компанияси таркибига ўзгартиришлар киритилди, бу соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар тизими яратилди ва бу борада кескин чоралар кўрил-моқда.

Шуни айтиш керакки, бугун қабул қилинаётган чора-тадбирлар эртага эмас, балки камида 2003-2005 йилларга бориб ўз самарасини бериши мумкин. Бошқача айтганда, муаммони олдиндан кўриб, ҳисоб-китобини қилиб, ўз вақтида уни ечадиган чораларни кўрмасак, эртага вақтни бой бериб қўйишимиз турган гап.

Бундай мисоллар кўплаб топилади. Бугун юртимизда демографик жараёнлар қандай кечаётгани, унинг ўсиш суръати, яқин келажакда бизни бу борада қандай муаммо кутаётгани, меҳнатга лаёқатли одамлар сони қанчага кўпайиши, улар иш билан қандай таъминланиши ҳақида ким нима дея олади? Ҳозирданоқ меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса, ёшларни иш

билан таъминлаш масаласи ўткир муаммо бўлиб турибди.

Ўзингиз ўйланг, бугун аҳвол шундай бўлса, ҳўш, эртага нима бўлади? Ёки нафақахўрларнинг сони қанчага кўпаяди, уларни ижтимоий таъминлаш, уларга муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш учун қанча маблаг керак бўлади?

Бу ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб саволларга жавоб борми? Биз фақат бир ҳаётий муаммони мисол қилиб келтирдик. Афсуски, бугунги кунда ҳали аниқ ва равшан жавоби топилмаган яна қанча масалалар бор.

Ёки бошқа бир мисол: аҳолининг истеъмол бюджети, бошқача айтганда, даромад ва буромадлари билан боғлиқ аҳвол қандай? Бу бюджет ўзи қандай аниқланади, нима ҳисобида шаклланади, кейинги вақтда унинг таркибида қандай ўзгаришлар юз бермоқда?

Ёки ниҳоятда муҳим бўлган яна бир масалани олайлик. Эртага биз тез суръатлар билан ўсиб бораётган аҳолимизни ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш муаммосини қандай ҳал қиламиз?

Мен ўз-ўзимга шундай бир савол бераман: мавжуд номутаносибликларни очиб бериш, ҳукуматга юзага келган муаммолар ҳақида ўз вақтида ахборот етказиш, уларни ечиш бўйича аниқ, ҳар томонлама асосланган таклифларни ишлаб чи-

қиш ва киритиш Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи бошқа идоралар, бутун Умумиқтисодиёт комплексининг асосий вазифаси эмасми? Улар бу ишни тегишли тармоқ идоралари ва тузилмалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширмаса, ким амалга оширади?

Бугун биз Умумиқтисодиёт комплекси таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг вазифалари ва масъулияти ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, уларнинг иш мақсадларини бир ёқадан бош чиқариб, аниқлаб бериш, бир-бирига мувофиқлаштириш, улар фаолиятини ягона вазифа — иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишга қаратишдан бошлашимиз керак.

Афсуски, бугунги кунда биз уларнинг фаолиятида ягона иқтисодий сиёсатни биргаликда ҳаётга жорий этишни эмас, балки тарқоқлик, ҳар бир вазирликнинг идоравий манфаатлари устунлик қилиши каби ҳолатни кўрамиз.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, якуний макроиқтисодий муносаббатлик ва параметрларнинг таҳлили, салбий жараёнлар ва уларнинг кўринишларини аниқлаб олиш зарур. Ана шу таҳлил, мавжуд салоҳият ва имкониятларни аниқ баҳолаш, прогноз ва истиқболга мўлжалланган амалий тавсиялар ишлаб

чиқиш Комплекс фаолиятида бош омил бўлиши даркор.

Иккинчидан, аввало, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк ўртасида мамлакат ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари, иқтисодиётдаги товар ва пул-маблағлар оқими, қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ишлари билан инфляция даражаси, пул массасининг ҳажми ва валюта курси кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини мувофиқлаштириш талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Ҳолбуки, бу масалалар иқтисодий ва молиявий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак.

Учинчидан, бугунги кунда инвестиция дастурлари, биринчи галда, барпо этилиши мўлжалланаётган иншоотлар рўйхатига асосланган ҳолда тузилмоқда.

Афсуски, инвестиция дастурлари ҳануз иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга кучли таъсир этадиган, биз мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳалари деб атайдиган ус-тувор тармоқларнинг жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлайдиган асосий омилга айлангани йўқ.

Натижада, очиқ тан олиш керакки, инвестиция дастурларини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари биз учун ўта долзарб бўлган масала иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан узвий боғланмаган, бу ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича кўплаб лойиҳаларни амалга ошираяпмиз, аммо бу инвестициялар иқтисодиётимиздаги ижобий таркибий ўзгаришлар, бу соҳада кўзда тутилган мақсад ва манфаатлар билан етарли даражада боғланмаяпти.

Тўртинчидан, шуни қайд этиш лозимки, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги фаолиятида иқтисодиёт ва унинг айрим тармоқлари бўйича ривожланиш истиқболларини асослашда, номуносибликни аниқлашда мувофиқлаштирувчи баланс усуллариининг ўрни ва аҳамияти инкор этиб келинмоқда.

Бу борадаги яна бир жиддий камчилик шундан иборатки, Комплекс таркибига кирадиган вазирлик ва идоралар ишида иқтисодиётнинг ривожланиш стратегиясини асослашда муҳим омил бўлган умумий молиявий баланс, тўлов баланси, миллий ҳисобот тизими ва бошқа баланслардан етарличи фойдаланилмаяпти.

Бешинчидан, тан олиш керакки, биз банк тузилмалари, авваламбор, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банкларимиз томонидан улар хизмат кўрсатадиган идора ва уюшмалар, корпорация ва компаниялар, корхоналар фаолияти устидан молиявий назорат олиб борилишига етарлича аҳамият бермаяпмиз.

Биз бу назоратни ҳали-ҳануз тегишли даражага кўтаришга эриша олганимиз йўқ.

Гап бу ўринда, аввало, банк тизими томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга маркетинг бўйича, яъни бозорни ўрганиш тижорат, шартномавий ва тўлов операциялари бўйича кўрсатиладиган малакали ёрдам ва назорат хусусида бормоқда. Бунда мазкур субъектлар учун манфаатли бўлмаган, самарасиз қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик айниқса зарур.

Гап банклар томонидан бериладиган эксперт баҳолари, манфаатли лойиҳа ечимларини амалга оширишда истиқболли ҳамкорларни излаб топиш хусусида кетаяпти.

Олтинчидан, самарали таркибий структура сиёсатини амалга ошириш ва экспортга йўналтирилган устувор ишлаб чиқариш соҳаларини рағбатлантиришда бозор иқтисодиётига хос бўлган омил ва механизмлар, иқтисодий рағбат ва имтиёзлар ҳали-ҳануз асосий воситага айлангани йўқ.

Энг асосийси, Умумиқтисодиёт комплекси фаолиятида биз иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва мутаносиб равишда барқарор ривожлантиришдан иборат бўлган муҳим ва устувор вазифаларни ҳал этишдек ягона мақсадга бўйсундирилган, бири бири билан узвий боғланган яхлит ташкилий тизимни, афсуски, кўрмаяпмиз.

Мен кейинги йилларда Умумиқтисодиёт комплекси томонидан вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган, йирик ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечиш, бу борадаги ҳуқуқий-қонунчилик базасини шакллантириш, ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган бирон-бир таклиф ва тавсия билдирилганини эслай олмайман.

Комплекс томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ислохотларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар чорак якунлари бўйича қабул қилинадиган қарорлар кўпроқ расмий, номигагина бўлиб, уларда вазирликлар ва идоралар фаолиятига принципиал баҳо берилмайди.

Умумиқтисодиёт комплекси ишига танқидий баҳо берар эканмиз, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг бошқа комплекслари, вазирликлар ва идоралар, авваламбор, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси билан етарли даражада мувофиқлаштирилмасдан, уларнинг иш фаолият

ти билан бевосита узвий боғланмаган ҳолда олиб борилаётганини айтиб ўтиш лозим.

Буларнинг барчаси иқтисодиётни бошқаришнинг ҳозирги тизими, унинг шакл ва услубларини тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Фақатгина бир кунлик, тезда ҳал қилиниши керак бўлган жорий масалалар билангина ишлаш мумкин эмас.

Биз тараққиётимизнинг истиқболи ва стратегиясини ўзимизга аниқ-равшан англашимиз, тасаввур қилишимиз, вазирликлар ва идораларни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган вазифаларни амалга оширишга сафарбар этишимиз лозим.

Ва бу борада қабул қилинган иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини амалга оширишда, уларнинг самарадорлигини таъминлашда асосий жавобгар, асосий куч айнан Умумиқтисодиёт комплекси бўлмоғи керак.

Комплекснинг бош вазифаси — иқтисодиётни бундан буён ҳам ислоҳ қилиш стратегиясини, унинг барқарор ривожланиш тамойилларини асослаб бериш, иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишдан иборат.

Комплекс иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор мақсадлари ҳамда мамлакатимиз олдида турган стратегик вазифалардан келиб чиққан

ҳолда ўз иш фаолиятини самарали, узвий ва аниқ мақсадга йўналтиришга қаратилган амалий дастурга эга бўлиши зарур.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча йиғилиш қатнашчиларига иқтисодиёт соҳасида яқин келажакдаги устувор йўналишларимиз — вазифаларимиз нимадан иборат эканини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман:

аввало, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш;

иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш;

кўпукладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириб бориш;

бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган замонавий ва яхлит тизимни вужудга келтириш;

демографик прогнозларнинг амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган изчил сиёсат юритиш, меҳнат бозорини шакллантириш;

халқ моддий фаровонлигининг барқарор ва узлуксиз ўсишини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш.

Бу устувор вазифаларни амалга ошириш учун ўтган йил декабрь ойида махсус тадбирлар Дастури қабул қилинган эди. Бу дастур иқтисодий йўналишдаги вазирлик ва идораларнинг, бутун Умумиқтисодиёт комплексининг амалий фаолият дастури бўлмоғи даркор.

Комплекс таркибига кирадиган ҳар бир вазирлик ва идоранинг манфаатлари мазкур Дастурда акс эттирилган мақсад ва вазифаларга тўла бўйсундирилиши лозим.

Комплекс таркибига кирадиган ҳар қайси вазирлик ва идоранинг мазкур тадбирлар Дастурида кўрсатилган Умумиқтисодиёт комплекси олдида турган умумий вазифаларни бажаришга қўшган ҳиссасига қараб, ана шу иқтисодий тузилмалар фаолиятининг самарадорлигига, раҳбарларнинг бошқариш қобилиятига баҳо берилади.

Тадбирлар Дастурида Умумиқтисодиёт комплекси олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг механизми ҳамда Комплекс таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг бу борадаги жавобгарлиги батафсил белгилаб берилган.

Юқорида айтиб ўтилган умумиқтисодий вазифаларни амалга оширишда қуйидаги муҳим дастурларни бажариш бизнинг диққат марказимизда бўлиши лозим:

Биринчидан, ёқилғи-энергетика комплексининг барқарор ривожланишини таъминлашга ало-

ҳида эътибор қаратиш даркор. Бу тармоққа хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, захираларнинг барқарор ва етарли тарзда кўпайиб боришини таъминлайдиган нефть ва газ манбаларини разведка қилишга, қидириб топиш ва ўзлаштириш мақсадида чет эл сармояларини йўналтириш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш бундан буён ҳам ғоят муҳим масала бўлиб қолади. Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва муганосиб равишда фойдаланиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асоси бўлмоғи даркор.

Учинчидан, коммуникация тизимини — транспорт, инженерлик ва телекоммуникацияларни жадал суръатлар билан ривожлантириш.

Бугунги кунда миллий информация тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Бунга эришиш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, Умумиқтисодий комплекс экспортбон маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш асосида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда импортни раци-

онал асосда ташкил этиш, ташқи савдо ва тўлов балансларини такомиллаштириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш тизими ва ташқи савдо инфратузилмасининг самарадорлигини ошириш бўйича дастурлар мажмуини ишлаб чиқиши керак.

Биз ички бозоримизга валюта маблағлари оқимини кенгайтириш, биржадан ташқари валюта бозорининг тез суръатлар билан ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратишимиз зарур.

Бешинчидан, Умумиқтисодиёт комплекси бошқа тузилмалар билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш бора-сида, унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини кескин ошириш бўйича ягона тизимни шакллантириши керак. Биз бу вазифага ҳозирги босқичда олдимизда турган энг асосий стратегик масалалардан бири деб қарашимиз даркор.

Мен бугунги кунда Умумиқтисодиёт комплекси таркибига кирадиган вазирлик ва идоралар олдида турган масъулиятли вазифаларнинг ҳаммасини тўлиқ санаб ўтмадим.

Тасдиқланган тадбирлар Дастуридан ўрин олган бу ва бошқа вазифаларни аниқ мақсадга йўналтирилган ва уйғун ҳолда амалга ошириш

учун Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошида Бирлашган ҳайъат тузишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Мазкур ҳайъатга нафақат Умумиқтисодиёт комплекси таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, балки бу соҳадаги энг етакчи ва билимдон мутахассислар ҳам кириши керак.

Бирлашган ҳайъат, авваламбор, иқтисодиётни ислоҳ этиш ҳамда иқтисодий ўсишнинг долзарб муаммолари муҳокама этиладиган ва уларни ҳал қилишнинг самарали усуллари бамаънавват ишлаб чиқиладиган Комплексининг ўзига хос илмий-амалий маркази бўлиши лозим.

Шу билан бирга, Бирлашган ҳайъат иқтисодиётни ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича Комплекс таркибига кирадиган вазирлик ва идораларга юклатилган устувор вазифа ва мақсадларнинг амалга оширилишини мунтазам ва қатъий назорат қиладиган амалий механизм, кучли омилга айланиши даркор.

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимиз, Ўзбекистон халқи бутун дунё аҳли билан бирга янги асрга қадам қўйди. Бу бизнинг зиммамизга, нафақат бутунги авлод, балки келгуси авлод олдида ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Бизнинг қандай давлат барпо этишимиз, унинг нечоғли мустақил, қудратли ва фаровон

бўлиши, аввало, ўзимизга, ҳар биримизга ишониб топширилган вазифани қай даражада сидқидилдан, ҳалол адо этишимизга боғлиқ.

Биз бугун орттирган тажрибамизга таяниб, қўлга киритган ютуқларимизни танқидий баҳолаган ҳолда, демократик ўзгаришлар, давлат қурилиши, иқтисодий салоҳиятимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида изчил боришимизни давом эттиришимиз зарур.

Шуни мамнуният билан айтишим керакки, биз жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини эркинлаштириш бўйича яқин беш йилликка мўлжалланган аниқ дастурга эгамиз. Бу дастур Олий Мажлиснинг иккинчи чақирىқ биринчи сессиясида муҳокама этилиб, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги “Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган.

Азиз дўстлар!

Олдимизда масъулиятли ва мураккаб вазифалар турибди. Халқимизнинг келажаги, мамлакатимиз истиқболи ана шу улуғвор вазифаларни нечоғли муваффақият билан адо этишимизга боғлиқ.

Умумиқтисодиёт комплекси таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг барча раҳбарлари ва ходимлари ўз зиммаларидаги ана шу масъулиятни теран ҳис этадилар ва бу йўлда куч-ғайратларини асло аямайдилар, деб ишонаман.

Мана шундай эзгу ишда барчангизга омад ёр бўлсин!

2001 йил 11 январь

“КАМОЛОТ” ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН

Ассалому алайкум, ҳурматли мажлис ишти-
рокчилари!

Бугунги учрашувимиздан мақсад — жамия-
тимиз ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган
ёшлар тарбияси, бу борада олдимизда турган вази-
фалар ҳақида сизлар билан ҳар томонлама фикр-
лашиб олишдан иборат.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни
вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий,
умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу
мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимиз-
ни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш
бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида тур-
ганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман.

Бу ишларнинг ҳозирги ва келажак ҳаётимиз-
да нечоғли улкан аҳамиятга эга эканини тасав-
вур этиш учун ўзимизга бир савол беришимиз
табиий, деб ўйлайман: нега бу масалага бугунги
кунда бундай улкан аҳамият ва эътибор бермоқ-
дамиз?

Чунки юртимизда яшаётган, ўзининг, ўғил-
қизларининг эртанги кунини ўйлайдиган ҳар бир

одам, ҳар бир ота-она барча қилаётган ишларим, аввало, ўрнимни босадиган фарзандим учун, зурриётларимнинг бахту саодати учун, деб билади.

Шу ният билан дарахт экади, уй қуради, фарзандига, керак бўлса, бутун борлиғини бағишлайди. Бола тарбиясини, унинг келажакда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, камол топишини ўз умрининг мазмуни деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг озод ва обод Ватан, фуқаролик жамияти барпо этиш, тараққий топган давлатлар ва халқлар қаторига қўтарилишдек улуғ мақсадларимиз, ҳеч шубҳасиз, мана шу олижаноб вазифани нечоғли оқилона амалга оширишимизга боғлиқ эканини чуқур англаб олишимиз даркор.

Барчамиз бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустақил тарақ-

қийёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади.

Миллий манфаатларимиз ва мақсад-муддаоларимизга бегона бўлган бундай зарарли мафкуралар тажовузи, бошқа хавф-хатарлар, айниқса, бизнинг минтақамизда кучайиб бормоқда.

Биз бу аччиқ ҳақиқатни турли ёвуз кучлар ва қабиҳ ниятли марказларнинг вайронкор хатти-ҳаракатлари мисолида яққол кўриб турибмиз.

Бугун дунёда глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги даврда бундай кучлар ўз ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай усулларни ишга солмоқда.

Улар бу борада жуда катта куч ва маблағ сарфлаб, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётларидан, бизнинг моддий ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткинчи иқтисодий-ижтимоий қийинчиликлардан фойдаланишга уринмоқда.

Бугун тобора такомиллашиб, ҳаётимизга чуқур кириб бораётган телекоммуникация ва ин-

тернет каби замонавий воситаларни ҳам ўзининг разил ниятлари йўлида маккорлик билан ишлатишга ҳаракат қилмоқда.

Ёшларимизни бу бало-қазолардан асраш учун жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда эса, уни ёшларнинг илмга, касб-ҳунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдириш лозим.

Энг муҳими, шуни унутмаслигимиз керакки, ёшларимизга, бинобарин, келажагимизга таҳдид солиб турган бу хавфларнинг олдини олиш учун бугун қатъий ҳаракат қилмасак, эртага кеч бўлиши мумкин.

Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак.

Мен “етаклаш” деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди. Чунки ҳаётга энди-энди қадам қўяётган ёш қалб, ёш инсон ҳамиша маънавий етакчига, мураббий-устозга муҳтож бўлади.

Биз — табиатан очикқўнгил, самимий халқимиз. Лекин бундай хавф-хатарларга соддадиллик

билан, юзаки тушунчалар билан қарши туриб, курашиб бўлмайди.

Ёш авлодимизни ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш учун курашда биз қуйидаги икки йўналишни энг муҳим ва ҳал қилувчи мақсад сифатида белгилаб, уларни бир-бирига уйғунлаштиришимиз лозим.

Бу йўналишнинг биринчиси — халқимизнинг азалий анъаналарига, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган урф-одатлари ва тилига, динига, руҳиятига, қисқача айтганда, дунёқараши ва тафаккурига асосланиш бўлса, иккинчиси — умуминсоний ва замонавий ютуқларга таянишдир.

Барчамиз яна бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз керакки, биз давлатимиз ва жамиятимиз келажагини ўз чегараларимиз, ўз қобитимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Бу келажакни биз тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамиятнинг бошқариш усуллари, инсон эркинликлари ва ҳуқуқликлари тафаккуримизга, ўз ҳаётимизга жорий қилишда кўрамыз.

Яъни биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳам-жамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш тарафдоримиз.

Биз учун мана шундай йўл маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ. Мана шу руҳда, шундай таъмоил ва йўналишларга таяниб, ўз болаларимизни, янги авлодни тарбиялашимиз зарур. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз теран англаб олишимиз, уни ёшларимиз онгига ҳам сингдиришимиз керак.

Бу хусусдаги фикрларга ҳулоса ясаб, шуни айтмоқчиманки, Ватанимизнинг эртанги кунини, шунча машаққатлар чекиб қилган ишларимизнинг мевасини кўрмоқчи бўлган, ўз зурриётларининг бахту иқболини истайдиган ҳар бир одам — у ким бўлиши, қандай лавозим эгаси эканидан қатъи назар, бу масаладан четда турмаслиги керак. Бугун бу ўта муҳим масалага бепарво қарашга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Биз юртимизда олиб борилаётган таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларга, шу соҳага дахлдор бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятига ҳам айнан ана шу нуқтаи назардан баҳо беришимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, бундан беш йил муқаддам яхши орзу-умидлар билан ёшларимизнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечишга кўмак берадиган ташкилот тузиш мақсадида “Камолот” жамғармасини ташкил этган эдик.

Ўтган вақт мобайнида бу Жамғарма муайян ишларни амалга оширган бўлса-да, афсуски, бу соҳага мутасадди бўлган раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва очиқ айтишимиз керак, шу масалага барчамиз етарли эътибор бермаганимиз натижасида “Камолот” ёшларнинг ҳақиқий маънодаги етакчиси ва ҳимоячисига айлана олмади.

Ҳолбуки, бу ташкилотнинг фаолият бошлаши, оёққа туриб олиши учун ўз вақтида давлат томонидан катта маблағ ажратилган ва кўмак берилган эди.

Хўш, бугун Жамғармадаги вазият, аввало, унинг ёшларимизга таъсири қай аҳволда?

Жамғарманинг 57 киши ишлайдиган марказий идораси, вилоят, шаҳар, туман бўлимлари, жойларда, корхона ва олий ўқув юртларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган шохобчалари бор. Уларнинг молиявий манбаи асосан Жамғарма ихтиёридаги айрим биноларни ижарага беришдан келадиган маблағлардан иборат.

Дейлик, ана шу қуйи ташкилотлар бугун бирон-бир ёрдам сўраб келса, “Камолот”нинг марказий идораси уларга қандайдир амалий кўмак бера оладими? Афсуски, йўқ. Чунки Жамғарма фаолияти, шуни ҳам тан олишимиз керак, ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ёшларни юксак мақсадларга даъват этиш, маънавий-маърифий тарбия ишлари бир четда қолиб кетган.

Ўз вақтида бу ташкилот сиёсатдан холи, яъни жамғарма сифатида тузилган эди. Бундан кўзланган мақсад — эски комсомол тизими, умрини ўтаб бўлган коммунистик мафкура асоратларидан ёшларни халос қилиш эди. Бироқ бу — Жамғарма мамлакатимиздаги ижтимоий жараёнлардан, таълим-тарбия ишларидан, маънавий ҳаётдан, умуман, бугунги бошимиздан кечираётган муаммолардан бутунлай четда туради, дегани эмас-ку!

“Камолот”нинг яқинда сўнгги ташкилий анжуман-мажлиси бўлиб ўтди ва унинг янги раҳбари сайланди. Лекин бир савол туғилади. Бу анжуманда кимлар иштирок этди? Аввало, ёшларимизнинг ишончини қозонган ва ваколатларини олган, бошқача айтганда, кенг қатламдаги навқирон авлод вакиллари қатнашди-ми, йўқми?

Бир сўз билан айтганда, “Камолот” ташкилоти бугунги кунда том маънода ёшларимизнинг ғам-ташвишларига шерик бўлишда, уларнинг орзу-умидлари ушалишида, оғирини енгил қилишда, ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали ҳаётда ўғил-қизларимизнинг ўз муносиб ўрнини топишида қандай хизмат қилмоқда? Ва замон талабларига Жамғарма ҳозирги шаклида қандай жавоб бериши мумкин, деган ўй-фикрлар барчамизни безовта қилиши табиийдир.

Мана шундай оғир, лекин ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган савол ва муаммоларни ечиш вақти келди, деб ўйлайман.

Ёшларимизни ўз бағрига оладиган янги ташкилот тузиш зарурлиги ҳақида гапирар эканмиз, у аввалги ёшлар идораларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши керак?

Бу ташкилот ўз олдига қандай долзарб ва устувор мақсадларни қўйиши, унинг муассис ва ҳомийлари кимлар бўлиши, энг муҳими, бу ташкилотнинг жамият ҳаётига таъсир этиш воситалари қандай бўлиши лозим?

У мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юр்தларининг талабалари орасида, хўжалик ва корхоналарда, ҳарбий қисмларда қандай иш олиб боради, ёшларнинг манфаатларини қандай ҳимоя қилади?

Бугунги куннинг энг оғир муаммоларидан бири бўлган — иш қидириб, касб ўрганиш умидида юрган ёшларимизга қандай амалий ёрдам бера олади?

Бундай ҳаётий саволларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, биз бу масалани ёшларга дахлдор расмий ва норасмий идоралар вакиллари ва тегишли мутахассислар иштирокида кўпдан бери муҳокама қилиб келмоқдамиз. Мазкур ташкилотни шакллантириш

борасида турли мулоҳазалар, ҳатто қарама-қарши фикрлар ҳам билдирилмоқда.

Бу борада янги ташкилотнинг сиёсий ва ижтимоий шакли — қиёфаси ҳақида, сиёсий партиялар билан муносабати, сайловлар ва бошқа жараёнларда фаол иштирок этиб, ҳокимият идораларида ўз вакилларига эга бўлиш учун кураш олиб бориши ва ҳоказолар ҳақида билдирилган турли хил фикр-мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, бунга тескари бўлган фикр ва таклифлар, яъни бу ташкилот мутлақо сиёсатдан холи бўлиб, ўз фаолиятини, аввало, ёшларнинг ижтимоий муаммоларига йўналтириши, уларнинг маънавий камолотини юксалтиришда ўз ўрнини топиши зарур, деган қарашлар ҳам олдинга сурилмоқда.

Бир-биридан кескин фарқ қиладиган бундай таклиф ва мулоҳазалар атрофида, жумладан, янги ташкилотнинг мақоми қандай бўлади, яъни у давлат ташкилоти ёки жамоат бирлашмаси сифатида фаолият юритадими, у ёшларнинг эътибор ва интилишини нима ҳисобидан ўзига жалб этади, унга қандай имтиёзлар берилади, ташкилий тузилиши, молиявий манбалари, унга аъзо бўлиш, аъзолик бадаллари тўлаш тартиби каби масалалар бўйича бўлиб ўтаётган кўп-кўп тортишувлар, баҳс-мунозара-

лар бу ўта муҳим масалани ойдинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу борада ривожланган мамлакатлардаги мавжуд ёшлар ташкилотлари, шунингдек, халқаро ёшлар тузилмаларининг ташкилий тузилиши, асосий мақсад-вазифалари ҳам ўрганиб чиқилиб, хорижий давлатларнинг шу соҳадаги тажрибаси ҳисобга олинмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, бир нарса барчамизга аён бўлиши керак: ёшларимизни ўз сафига бирлаштирадиган ҳаракат ёки ташкилот тузишни замоннинг ўзи олдимизга энг кескин ва долзарб масала тариқасида қўймоқда. Лекин бундай ташкилотнинг юзага келишини, аввало, ёшларимизнинг ўз хоҳиш-иродаси, уларнинг ҳаёт режалари, ташвиш-армонлари, орзу-умидлари асосида амалга ошириш даркор.

Яна ва яна шуни таъкидлаб айтмоқчиман: ёшлар учун хизмат қиладиган, уларнинг манфаатини кўзлайдиган ва ҳимоя этадиган, уларнинг номидан иш юритадиган ташкилот тепадан туриб эмас, балки бевосита йигит-қизларимизнинг ўз ташаббуси ва хоҳиш-иродаси билан, уларнинг талабларини инобатга олган ҳолда тузилиши керак. Шундан кейингина демократик тамойиллар, демократик қадриятлар ҳақида гапириш мумкин.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар, яъни янги Ҳаракатни тузиш жараёни-

нинг дастлабки босқичи бу борадаги кўп масалалар устида чуқур ўйлаб, кейин уларнинг ечимига қўл уриш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ўйлайманки, ёшларнинг янги тузилажак ташкилотлари — у уюшма ёки ижтимоий ҳаракат деб аталадими, бундан қатъи назар, ўз фаолиятида, биринчи галда ёшлар олдида турган энг долзарб масалаларга эътибор қаратиши керак бўлади.

Агар бу тўғрида менинг фикримни сўрасангиз, мен, аввало, “Камолот” номини сақлаб қолишни, шу ном билан аталадиган янги ташкилотни эса Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий ҳаракати сифатида ташкил этишни, унга ҳеч қандай мафкуравий вазифа юкламасликни таклиф қилган бўлур эдим.

Бу ижтимоий ҳаракатнинг ўзига хос қиёфаси, фаолият йўналиши ҳақида гап борар экан, у ёшларни қандай манфаат ва мақсадлар асосида ўзига тортиши, бирлаштириши тўғрисида ўйлаш лозим.

Менинг фикримча, Ҳаракатнинг асосий вазифаси — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишдан, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат бўлиши даркор.

Азиз дўстлар!

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барчангизни минг йиллардан буён ҳукм суриб келаётган баъзи бир ҳаётий мезонлар, агар таъбир ўринли бўлса, ҳаёт фалсафасининг айрим қирралари ҳақида фикр алмашишга даъват этмоқчиман.

Истаймизми-йўқми, инсон ҳаётида манфаат масаласи кўп нарсани ҳал қилади. Биз буни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилиб, тан олишимиз керак.

Шунинг учун ҳар бир йигит-қиз бу ташкилот сафига киришдан олдин беихтиёр, мен бу ҳаракатга аъзо бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан нима манфаат топаман, у ўзлимни англашимда, ҳаётда кўзлаган мақсадларимга эришишда, Оллоҳ таоло менга берган ақл-заковат, куч-ғайратни намоён этишимда қандай имкониятлар беради, дея фикр юритади.

Шуни ҳам ҳисобга олишимиз керакки, бугунги ёш авлод бундан ўн-ўн беш йил олдинги ёшлардан мутлақо фарқ қилади.

Мана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, бу Ҳаракатни тузиш ташаббускорлари, менинг назаримда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериши зарур.

Биринчидан, биз мана шу ташкилий жараёнда навқирон авлоднинг ўз салоҳиятини, айниқса, ёшликка хос жўшқин, табиий соғлом инти-

лишларни рўёбга чиқаришида бу Ҳаракат қандай имкониятлар яратиб бера олишини аниқ тасаввур этишимиз лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ҳаракат ёшларга амалий ёрдам бериши, уларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлаб олишида таянч ва суянч бўлиши, ёшларнинг бошига турли синовлар тушганда, дейлик, моддий-маънавий мададга муҳтожлик сезган пайтларида қўллаб-қувватлаши даркор.

Энг асосийси, бу Ҳаракат ҳаётда учраб туриши табиий бўлган турли тўсиқлар, муаммо ва қийинчиликлар туфайли ёшлар кайфиятининг, ёшлар дунёқарашининг салбий томонга ўзгаришига, уларнинг тушкунликка берилишига, номаъқул йўлларга кириб кетишига йўл қўймайдиган, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўсмирлар учун ҳимоя ва мадад бўладиган бир ташкилот бўлиши лозим.

Иккинчидан, одамзот ўзининг эзгу мақсадларига асосан жамоа бўлиб эришган, ўз бошига тушган кулфатларни ҳамиша биргаллашиб енгган. Бу — ҳаётий ҳақиқат.

Шунинг учун бугунги кунда ҳам инсоният ўз олижаноб орзу-умидларига етиб боришда бирга, ҳамкорликда ҳаракат қилиб, кўп-кўп ютуқларни қўлга киритаётган экан, ўйлайманки, ёшларимизнинг ҳам мана шу ҳаракат сафида бирлашиши

уларнинг бир-бирига мадад бўлиб, елкадош бўлиб, катта куч бўлиб шаклланишида ижобий натижалар бериши муқаррар.

Учинчидан, ҳаммамиз яхши биламизки, ўсиб-улғайиш жараёнида болалар орасида табиий етакчилар пайдо бўлади. Бу — ёшликнинг ўзига хос қонунияти бўлиб, улар бошқа болалардан ўз кучи ва қобилияти билан ажралиб туради. Болаларнинг аксарияти, истаса-истамаса, уларни тан олади, уларга яқин бўлишга, атрофида жипслашишга, хатти-ҳаракатларидан ибрат олишга интилади. Бундай ҳол барча ота-оналарга ҳам ёқавермаслиги мумкин. Лекин, бундан қатъи назар, яна такрорлаб айтаман, ҳаётнинг қонунияти шундай.

Бундан чиқадиган ҳаётий муҳим хулоса шуки, биз ёшларни бир ташкилот атрофида бирлаштиришда, аввало, ана шу етакчиларнинг кучи ва салоҳиятидан оқилона фойдаланишни ўйлашимиз, табиатан етакчи бўлиб туғилган бундай болаларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг қайнаб турган куч-ғайратини соғлом ўзанга қаратишимиз, жамоатчилик ўртасида танитиб, фаолиятига расмий тус беришимиз, интилишларини ижобий томонга буриб юборишимиз керак.

Ана шунда бу етакчилар атрофида ёшлар янада кўпроқ бирлашади. Давлатимиз, жамиятимиз, ота-оналар ҳам бунга йўл очиб бериши лозим. Чунки бундан ҳамма — жамоатчилик ҳам, ота-оналар

ҳам манфаатдор бўлади. Ўшанда бундай етакчилар ўзларининг турли йиғилиш ва учрашувларини кўпқаватли уйларнинг подваллари ёки панастқам жойларда, яширин тарзда эмас, ошкора ўтказадиган бўлади.

Тўртинчидан, одатда ҳар бир ёш йигит-қиз мустақил ҳаётга кириб келар экан, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга ҳаракат қилади. Шу маънода, ташкил этилаётган бу Ҳаракат ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришда ҳам муҳим ўрин тутуши керак.

Ишсизлик муаммосини ечишда, ёшларни турли касб-ҳунарларга йўналтиришда, улар учун янги иш ўринлари ташкил этишда, чет элларга ўқишга ва ишга юборишда ҳам бу ташкилот муайян ваколат ва имкониятларга эга бўлиши лозим.

Бешинчидан, бу ташкилот ҳозирги мураккаб шароитда ёшларни нафақат ёт мафкуралар, диний экстремизм ва террорчилик, гиёҳвандлик каби ташқи таъсирлардан, балки ўзимиздаги ички хавф-хатарлар — тўрачилик, сансалорлик, маҳаллийчилик, боқибегамлик каби иллатлардан асрашда ҳам фаоллик кўрсатиши керак.

Мазкур ташкилот ўз аъзоларининг қобилият ва истеъдодини кузатиб бориш, уни тарбиялаб рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлашни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб билиши лозим.

Айтайлик, бугунги кунда ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли олимпиада ва универсиадалар, “Умид” жамғармаси грантлари, Зулфия ва “Нихол” мукофотлари, вилоятлардаги турли кўриктанловлар, фестиваллар учун ажратиладиган маблағлар мана шу Ҳаракат орқали ўтиши ва уларнинг аниқ ижроси бўйича бутун масъулият ушбу ташкилот зиммасига юклатилиши, менинг фикримча, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шу сабабли Ҳаракат Низомида бу вазифаларни амалга ошириш учун унга давлат ташкилотлари томонидан тегишли маблағ ва ташкилий жиҳатдан кўмак бериб турилиши аниқ-равшан кўрсатилиши зарур.

Олтинчидан, биз оилани жамиятнинг энг муҳим бўғини, деб биламиз. Бу масалага давлатимиз масъулият билан қараб, катта ишларни амалга оширмоқда.

Лекин ёш йигит-қизлар турмуш қураётган пайтда мураккаб ҳаётий синовлардан ўтади, шу даврда ёрдамга кўпроқ муҳтож бўлади. Ҳаракат бу муҳтожликни сезгирлик билан пайқаб, ёш оилаларга ёрдам беришни ўзининг асосий бурчи, деб билиши, шу мақсадда “Ёш оила” дастурини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида аҳамият қаратиши зарур.

Шу билан кифояланиб қолмасдан, Ҳаракат бу борада парламент ва давлат идоралари олдида

талаб қўйиб, тегишли қонун ҳужжатлари, фармон ва қарорларнинг қабул қилинишида ёшлар манфаатини кўзлаб фаолият юритса, ҳар томонлама фойдали бир ишни бошлаган бўлар эдик.

Кези келганда ҳаммамиз ҳам бошимиздан кечирган бир ҳолатни айтиб ўтсам. Ёш оиланинг оёққа туриб олиши осон эмас.

Кўп-кўп мисолларга, керак бўлса, ўзимизнинг бошимиздан ўтган синовларга суяниб айтадиган бўлсак, ёш рўзғорни энг зарур нарсалар билан бир қадар бутлаб олиш учун камида етти-ўн йил ўтиши муқаррар.

Демоқчиманки, Ҳаракат эндигина турмуш қурган ёш оилаларга маълум бир имтиёзлар берилиши, айтишлик, уларга кейин бўлиб-бўлиб қайтариш шарти билан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳақида ўз таклифларини илгари суриши ва уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиши ўринли, деб биламан. Ишончим комилки, бу ёш оилаларга моддий ёрдамгина бўлиб қолмай, айни пайтда уларни мустақкамлашга ҳам хизмат қилиши муқаррар.

Еттинчидан, мен Ҳаракатнинг яна бир вазифасини шундай тушунаман: олий ўқув юртларини битириб, эндигина катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг хизмат поғоналаридан кўтарилишида, лавозим нуқтаи назаридан ўсишида уларга ишонч билдириш, ёрдам бериш борасида ҳам бу

ташкилот асосий ташаббускор бўлиши керак. Ёш кадрларнинг ҳаётга бўлган ишончи сўниб қолишига йўл қўймаслик, уларнинг қобилиятини, эришаётган ютуқларини доимо кузатиб бориш усул-услугларини, бугунги тил билан айтганда, мониторингини ташкил қилиш зарур.

Шубҳа йўқки, шу каби ваколат ва имкониятларни Ҳаракат тасарруфига берсак, энг муҳими, бу ваколат ва имкониятлар қогозда қолмасдан, уларни амалда, ҳаётда рўёбга чиқаришга давлатимиз, жамиятимиз етарли ёрдамини берса, ўғил-қизларимиз бу ташкилот тимсолида ўз келажагини кўради, табиий равишда унга интилади.

Азиз дўстлар, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ёшларга биринчи навбатда нима керак? **Эътибор керак.** Бу эътиборни ташкил қилишда адолат устувор бўлиши лозим. Ёшларнинг ўзи мана шу Ҳаракатга бериладиган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланишда адолат мезонига риоя қилишини таъминлаши зарур.

Бу усул-услугларнинг ишга солиниши фарзандларимизни Ҳаракат сафига тортишда кучли омил бўлади ва у тезда оёққа туриб, ҳеч шубҳасиз, бошқа ижтимоий ташкилотлар орасида ўзига муносиб ўринни эгаллайди.

“Камолот” ташкилотининг вазифалари бора-сидаги ўз тасаввурларим ҳақида гапирар эканман, унинг биринчи ва асосий вазифаси тариқасида

қуйидаги масалага эътиборингизни жалб этмоқ-
чиман:

Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир, деган
ғояни шу муътабар заминимизда яшаётган ҳар
қайси инсон, авваламбор, униб-ўсиб келаётган
авлодимиз онги ва тафаккурига сингдириш, унинг
ҳаётий эҳтиёжига айлантириш — “Камолот” ҳара-
катининг энг олий, энг устувор мақсади бўли-
шини истардим.

Инсон баъзан ўз тақдиридан, омадидан, кун-
далик ҳаётидан норози бўлиши мумкин, лекин у
ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда ўз Ватанидан хафа
бўлиши, кимгадир зарда қилиб, қандайдир алам
билан, эл-юртига нисбатан хиёнат йўлига ўти-
шини мутлақо ғайриинсоний, ғайритабиий ҳолат,
деб биламан.

Ватанини ўз тукқан онасидек муқаддас би-
лиш, саждагоҳдек тавоб қилиш, унинг олдидаги
ўз фарзандлик бурчини адо этиш, бошига қан-
дай синов тушмасин, киндик қони тўкилган юр-
тини ҳимоялаш, унинг шон-шарафини улуғлаш,
бир сўз билан айтганда, ёш авлодни элим деб,
юртим деб ёниб яшаш руҳида тарбиялаш, вояга
етказиш барчамизнинг ҳаётий эътиқодимизга ай-
ланишини хоҳлардим.

Ёшларимизни, ҳаётга кириб келаётган бола-
ларимизни ўз сафларида бирлаштирадиган ва
мамлакатимиз олдида турган энг буюк мақсад-

Албатта, бундай улуг сиймоларнинг бебаҳо мероси миллатимиз, халқимиз ғурурига ғурур қўшиб, бизнинг ана шу улуг мутафаккирлар, ар-боблар ва азиз-авлиёларнинг ворислари сифатида ягона халқ бўлиб яшашимизда куч-қувват бағишлаб, қаддимизни тик тутиб, эртанги кунга ишонч билан боришимизда мустаҳкам замин бўлади.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари, адабиёт ва санъат аҳли, ижодкор зиёлиларимиз амалга ошираётган бундай тарғибот ишларини катта миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Лекин айти вақтда шундай бир табиий савол туғилади: бугунги куннинг қаҳрамонлари қани?

Бошимиздан кечираётган ҳозирги оғир, мураккаб, шу билан бирга, шарафли даврда, яъни мустақиллик йилларида бунёдкорлик, яратувчилик йўлида, истиқболимиз пойдеворини барпо этиш йўлида ўз Ватани ва халқига фидойилик билан хизмат қилаётган инсонлар, аввало, ёш авлод вакиллариининг таъсирчан, ёрқин сиймоларини қаерда кўришимиз мумкин?

Шу маънода, биз ёшларимизнинг маънавий ҳамроҳи, уларнинг устози ва тарбиячиси бўлган ижод аҳлига, маданият намояндаларига ана шундай савол билан мурожаат қилишга ҳақлимиз.

Ахир, бугун ҳаётимизнинг қайси бир соҳасини олмайлик, ватандошларимиз жуда катта, ил-

гари ҳаёлимизга ҳам келтириш қийин бўлган ютуқларни қўлга киритаётганига гувоҳ бўламиз.

Юртимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати, илм-фан, ижод ва санъатда қўлга киритаётган ютуқлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган, Ватанимиз ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юрт тинчлигини таъминлашда жонини ҳам аямайдиган ўғлонларимизнинг мардона чеҳрасини, уларнинг бадиий сиймосини биз қаерда қўриб, мамнун бўлишимиз мумкин?

Бугун дунёнинг энг машҳур илм даргоҳларида ўзининг ақл-заковати, эришган натижалари билан обрў-эътибор топаётган қанчадан-қанча юртдошларимиз, нуфузли мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтараётган ўнлаб ажойиб ўғил-қизларимиз, айтайлик, бокс бўйича, кураш, шу жумладан, ўзбек кураши, таэквандо, каратэ, шахмат ёки теннис бўйича салмоқли ютуқларга эришаётган спортчиларимизнинг ҳаёти ва фаолияти китобларга, фильмларга мавзу бўлишга арзимайдими? Нима учун биз уларни замонамиз қаҳрамонлари деб улуғламаймиз?

Ахир, барчамиз элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай замонамиз қаҳрамонлари — хоҳишчи, хоҳ фермер, хоҳ ҳарбий хизматчи, хоҳ артист, хоҳ спортчи бўлсин — улар билан нафақат бевосита учрашувларда, балки китоб орқали, сахна

орқали мулоқотда ҳам ўзимизга катта маънавий озиқ, ижобий таъсир олишимиз шубҳасиз.

Чунки бундай инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти, қўлга киритган ютуқлари мисолида бизнинг қандай катта имкониятларимиз борлиги, қандай юксак марраларга эришишга қодир эканлигимиз яққол намоён бўлади.

Ўйлайманки, ҳозирги кунда мана шу масалани бутун жамиятимиз ўртага қўймоқда ва бу соҳадаги амалий ишларни кучайтириш заруратини ҳаммамиз ҳис этмоқдамиз.

Мен бутун мана шу залда ўтирган ҳурматли маданият намояндаларимиз орқали барча ижодкор зиёлиларимизни шу долзарб масала тўғрисида жиддий ўйлаб кўришга даъват этаман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ёшлар ҳаракатининг самарали фаолият юртиши, жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашида унинг ташкилий тузилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан бу борадаги баъзи мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман.

Ҳар қандай ташкилот ёки уюшманинг фаолияти, иш самараси, **авваламбор**, унинг ташкилий тузилишига, таркибига боғлиқ.

Бошқача айтганда, энг юқорида турган бошқарув бўлинмалари билан энг қуйи поғонадаги гуруҳ ва аъзолар ўртасидаги масофа қанча қисқа

ва кам бўлса, бу ташкилотнинг обрӯ-эътибори шунча ортади. Яъни, бюрократик босқич ва поғоналар қанча кам бўлса, шунча яхши.

Иккинчидан, ташкилотнинг таъсисчиларини ҳам аниқ белгилаш керак. Токи, улар шунчаки номига эмас, балки ташкилот ишига чин дилдан амалий ёрдам берадиган жонкуяр ва фидойи одамлардан иборат бўлсин.

Айни вақтда асосий таъсисчиларнинг вакиллари ҳамда ўз ҳаётий тажрибаси ва обрӯ-эътибори билан юртимизда танилган, ёшлар ҳаётини яхши биладиган, уларнинг қалбига йўл топа оладиган сиёсатчилар, иқтисодчилар, маънавий-маърифий соҳанинг етакчи намоёндаларидан иборат Маслаҳат кенгашини тузиш лозим.

Маслаҳат кенгаши таркибига ёшлар тарбиясига алоқадор ташкилотлар ва сиёсий партияларнинг муносиб вакилларини киритиш ҳам ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Мухтасар қилиб айтганда, Ҳаракатни ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама пухта қилиб тузишимиз, унга муносиб етакчиларни танлаб олишимиз зарур.

Акс ҳолда, шунча саъй-ҳаракат қилиб, шунча овора бўлиб, яна бир бюрократик ташкилот тузган бўламиз.

Мана шу хавфдан ҳаммамиз огоҳ бўлишимиз, унга йўл қўймаслик кераклигини алоҳида эслатиб ўтмоқчиман.

Қадрли дўстлар!

Энди ижозатингиз билан бу янги ташкилотнинг молиявий таъминоти ҳақидаги ўз фикрларимни ҳам айтиб ўтсам.

Менинг назаримда, унинг иккита молиявий манбаи бўлиши мумкин. Биринчиси — давлат улуши, иккинчиси эса — таъсисчилар улуши.

Яна бир қўшимча манба — бу ички ва хорижий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, агар биз бу Ҳаракатни ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган ташкилот тарзида тузадиган бўлсак, у ҳолда, асосий эътибор тижорат соҳасига қаратилиб, маънавий-маърифий масалалар четда қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун Ҳаракатга ҳомийлик қиладиган ташкилот ва корхоналарга қандайдир имтиёзлар бериш ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

“Камолот” ижтимоий ҳаракатининг ҳаётга келишида муҳим ва энг жиддий масалалардан бири — бу ҳаракатнинг ташкилий таркиби, унга аъзо бўлиб кириш тартибидир.

Биринчи йўл — ташкилотга киришда, буни бошимиздан кечирган ҳаётдан эслашимиз мумкин, барча расмий қоида ва тартибларга риоя қилган ҳолда аъзолик гувоҳномалари бериш орқали амалга оширилади, шахсий варақалар ва

бадаллар тўловларини қайд этиш йўли билан ҳисобот олиб борилади.

Бошқача йўл — аъзоларни ҳисобга олиш ишини, мисол учун, дунёдаги тараққий топган давлатларда фаолият юритаётган партиялар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш. Бунда бадал тўлаш ва гувоҳномага эга бўлиш шарт эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биринчи йўл бизнинг мақсадимизга унчалик мос келмайди. Нега деганда, биз бу Ҳаракатни, аввало, ёшларни бирлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этмоқчимиз.

Биз бугун очиқ жамиятда яшайпмиз, эркин ва озод ҳаёт қурайпмиз. Табиийки, бундай шароитда турли хил фикрлар, гоя ва қарашлар мавжуд бўлади. Биз барчани кўр-кўрона бир фикрга итоат қилдириш тарафдори эмасмиз. Фақат ёпиқ жамиятдагина шундай бўлиши мумкин.

Биз яқин ўтмишда ана шундай тузум ҳукмронлигида ҳаёт кечирганимизни, у туфайли қанчадан-қанча азоб-уқубатларга дучор бўлганимизни, у нафсониятимиз ва миллий ғуруримизга, урф-одатларимизга қандай зарба берганини, бундай тузум қандай оқибатларга олиб келишини ҳали эсдан чиқарганимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам ёшларимиз тарбияси ҳақида гапирганда, уларнинг бугунги замон билан, жа-

ҳон цивилизациясининг илғор ғоялари билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга интилишини қўллаб-қувватлашимиз, эски тизимга хос номаъқул усул ва қоидаларнинг ҳар қандай кўринишларини қатъиян рад этишимизни очиқ айтиш зарур.

Бизнинг мақсадимиз “Камолот” ҳаракатини қандайдир ёпиқ, ўта расмий ташкилот тарзида тузиш эмас. Чунки бу ёшларни амалда бўлиб ташлашга олиб келиши, оқибатда Ҳаракат таркибида турли оқимлар, амалпараст кимсалар пайдо бўлиши мумкин.

Шунинг учун “Камолот” ҳаракатига аъзо бўлиб кириш якка тартибда эмас, балки жамоа асосида, ташкилий жиҳатдан уюшган гуруҳлар тарзида бўлгани маъқул, деб ўйлайман.

Менинг назаримда, мактабларда 1-4-синф ёшидаги ўқувчилар, яъни етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар бевосита Ҳаракат ҳомийлигида иш олиб борадиган Болалар ташкилотига бирлашиши мумкин.

Қолган синфлар, айтайлик, 5-9-синф ўқувчилари шу Ҳаракатга аъзо бўлиб кирмоқчи. Ёки бирор бир ҳарбий қисмда ёш аскарлар бўлинмаси аъзолари бу ташкилот сафига гуруҳ бўлиб кириш учун ариза бермоқчи.

Ҳўш, бундай вазиятда уларни Ҳаракат таркибига қабул қилиш қандай амалга оширилади? Бундай пайтда ўша ҳар бир жамоанинг ўзи уюш-

ган ҳолда, бошланғич ташкилот сифатида Ҳаракатга аъзо бўлиб кириши мумкин.

Бунинг учун, дейлик, ҳар бир синфда ёшларнинг ўзи йиғилиш ўтказиб, бу масала юзасидан қарор қабул қилади. Бу қарорда уларнинг Ҳаракат Дастури ва Низомини қўллаб-қувватлаши, унга ўз ихтиёри билан аъзо бўлишга қарор қилгани, ўз ораларидан муносиб бир етакчи сайлаб олгани, ана шу етакчига уларнинг ирода ва манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган вакил сифатида ваколат бериши баён этилади.

Мактаб бўйича бундай гуруҳларга битта етакчи раҳбарлик қилиб, бу вазифага ўқувчилар ўртасида обрўга эга бўлган ёш, фаол ўқитувчилардан бири сайланиши мумкин.

Лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларининг факультетларида ҳам ойлик олиб ишлайдиган етакчилар санокли бўлишини, қолган фаолларнинг эса жамоатчилик асосида иш олиб боришини кўзда тутиш лозим. Меҳнат жамоаларида ҳам шу тартибга амал қилиш мумкин.

Ҳар қайси гуруҳнинг ўз низоми, ҳар йили қайта сайланадиган етакчиси бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳаракатнинг таркибий тузилиши шу тартиб асосида йўлга қўйилса, менимча, қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин:

Биринчидан, Ҳаракат фаолияти расмийлаштирилган ҳолда бўлади, бюрократия ботқоғига ботиб кетмайди.

Иккинчидан, бу ёшларда ташаббус ва қизиқиш, изланувчанлик уйғотишга олиб келади. Мақсад шуки, Ҳаракат аъзолигига интилиш қуйидан — ёшларнинг ўзидан чиқиши, ихтиёрий равишда ва демократик асосда пайдо бўлиши лозим.

Ана шунда бу юқоридан туриб тузилаётган расмий бир ташкилот эмас, балки ёшларнинг ўз ташаббус ва интилишлари асосида дунёга келган ижтимоий ҳаракат бўлади. Яъни, у барча ёшларни қуйидан юқорига қараб бирлаштириб борадиган том маънодаги Ҳаракатга айланади.

Учинчидан, биз қуйи босқичда мана шундай тизимга таяниб иш кўрадиган бўлсак, жойларда ўзини ўзи назорат этиб, ўзини-ўзи бошқара оладиган ёшлар гуруҳига — Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларига эга бўламиз.

Шу тариқа аъзоликка кириш учун бериладиган жуда кўп аризалардан ҳамда минг-минг нусхадаги гувоҳномаларни тайёрлаш ва топшириш каби ортиқча оворагарчиликдан ҳам қутуламиз.

Гувоҳномалар эса фақат бошланғич ташкилотга берилиши мумкин.

Туман, шаҳар ва вилоятларда ҳам бу борадаги ишни шу тарзда ташкил этишни ўйлаб кўришимиз лозим.

Шу йўсинда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий таркибини Ҳаракатнинг мар-

казий идораси, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ҳамда ҳарбий қисмларда бўлим ва бошланғич ташкилотлари сифатида шакллантириш мумкин.

Тўртинчидан, Ҳаракатнинг қуйи поғоналарида ишни жамоатчилик асосида ташкил этиш ортиқча сарф-харажатларни қисқартириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ёшлар ташкилотининг мақсад-вазифалари ҳақида қўп гапириш мумкин. Лекин, энг муҳими, у ёшларимизнинг кўнглига йўл топиши, улар билан ҳамнафас бўлиб, дарду ташвишларини яқиндан ҳис этиб, уларнинг ҳақиқий ёрдамчисига, маслаҳатгўйига, маслакдошига айланиши зарур.

Яъни, бу Ҳаракат таркибида ишлайдиган одамлар ёшларга тепадан буйруқ бериб турадиган раҳбар эмас, балки уларни юксак мақсадлар сари бошлайдиган етакчи, яна таъкидлаб айтман, ҳақиқий етакчи бўлиши зарур.

Бу Ҳаракат ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этиши, бошқача айтганда, давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташки-

лотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур.

Эндиги вазифа “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низоми устида ишлаш, тегишли ташкилий ишларни амалга оширишдан иборат. Асосий мақсад — ташкилотга муносиб аъзоларни, ватанпарвар ва фидойи ёшларни танлаб олиш ва бирлаштиришга қаратилиши керак. Шундагина Ҳаракат жамиятимизда обрў-этибор топиб, ўз олдига қўйган мақсадларига эриша олади.

Ташкилий даврда бу Ҳаракатнинг шакли, маъно-мазмун, фаолият механизми, амалий мақсадлари ҳақида ҳар хил фикрлар ва таклифлар бўлиши табиий ҳол, албатта. Биз ана шундай баҳсларга тайёр туришимиз лозим. Лекин бугунги ҳаётимизда бундай ташкилотнинг зарурлигини ҳеч ким инкор этолмайди, деб ўйлайман.

Албатта, ўз олдига тарбия масаласидек нозик ва мураккаб вазифани мақсад қилиб қўйган ташкилот бирданига оёққа туриб кетмайди. Бу ташкилот олдида фарзандларимизни тўғри йўлга, ҳидоят йўлига солиш, айрим гўр ёшларимизни хатарли ва қалтис сўқмоқлардан қайтариш борасида ҳали қанча-қанча синов ва муаммолар, қийинчиликлар пайдо бўлиши муқаррар. Шунинг учун эртага бу ташкилотга раҳбар бўладиган одамлар, ёшлар ишонч билдириб сайлайдиган етак-

чилар ана шу масъулиятни ўз зиммаларига олишга қодир бўлишлари даркор.

Бу ишда уларни қўллаб-қувватлаш, кўзлаган мақсадларимиз сари изчиллик билан ҳаракат қилиш — барчамизнинг бурчимиздир.

Азиз дўстлар!

Мен фикримни маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган чуқур маъноли сўзлари билан якунлаб, барчангизни олдимизда турган мана шундай ўта масъулиятли ва шарафли вазифаларни бажаришда бор куч-ғайратимизни сафарбар қилишга даъват этаман.

*Ёшлар масалаларига
бағишланган йиғилишда сўзланган нутқ,
2001 йил 24 январь*

“МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” РИСОЛАСИДАГИ СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий-мафкуравий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида тўпланган тажриба, дунё жамоатчилиги ўзбек модели дея эътироф этган ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўли — келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгариш ва янгиланишлар юртдошларимиз қалби, онги ва шуурига улкан таъсир кўрсатмоқда.

Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда.

Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайгурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-этиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир.

Истиқлол мафкураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради.

Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукамал ифодаси, тугал намунаси ҳали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур

қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади.

Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-этиқодини ифодаладиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир.

Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир.

Шу билан бирга, мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга,

бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан.

Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим.

Бугунги ижтимоий тараққиёт, информацион инқилоб, глобаллашув жараёнлари, жаҳон майдонларини таъсир ўтказиш мақсадида бўлиб олишга интилиш, бу майдонлардаги ўзаро кураш шароитида мафкуравий сиёсатнинг аҳамияти ва ўрни нақадар ортиб бораётганини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги бугунги мафкуравий вазият, бу шароитда Марказий Осиё минтақасидаги аҳвол, бегона мафкура ва ғояларнинг Ўзбекистон ва қўшни давлатларга хуружи, эски мафкурадан воз кечиш натижасида пайдо бўлган бўшлиқни янги — миллий ғоя, истиқлол мафкураси билан тўлдиришнинг зарурати барчамизга аён бўлиши даркор.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган

барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунё-қарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий мақсаддир.

Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур. Маърифатпарвар шоирларимиздан бирининг сўзларини бир оз ўзгартириб айтадиган бўлсак, бу борада барчамиз учун фикрлаш ва ишлаш замони келди.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугун биз мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётни ислоҳ этиш бўйича 2000 йил — ўтган минг йилликнинг сўнгги йилида қилинган ишларга якун яшаш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш учун йиғилдик.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар йил давомида изчил амалга оширилди. Умуман олганда, 2000 йилга мўлжалланган мақсад ва вазифаларнинг, энг муҳим макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.

Хўш, ўтган йил бу борада қандай амалий натижалар қўлга киритилди?

2000 йилда ҳам республика иқтисодиёти ўтган йиллардаги каби барқарор ва изчил ривожланди.

Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мамлакатимизда давом этаётган ислохотлар ва жамиятни янгилаш жараёнининг ажралмас хусусиятларига айланиб қолди. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш — 4 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажми — 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 3,2 фоизга кўпайди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш — 7,7 фоизга, чакана товар айланиши — 7,8 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса — 14 фоизга ортди.

Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда, мен эътиборингизни муҳим бир масалага жалб этмоқчиман.

Албатта, тез суръатлар билан ривожланиш катта аҳамиятга эга эканини ва бунинг фойдасини ҳеч ким инкор қилолмайди. Лекин барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай ўсиш кўрсаткичлари номигагина эмас, аввало, бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожи учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим.

Биз иқтисодий ўсиш деганда, авваламбор, мана шу ҳақиқатни тасаввур қилишимиз табиийдир.

Бугун биз совет давридаги эски статистиканинг сохта услубларини ёдга олишимиз мумкин. Унга кўра, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, қурилиш-пудрат ишлари ҳажмининг ўсиш суръатлари ва бошқа умумий кўрсаткичлар бош мезон ҳисобланар эди.

Лекин кўп жиҳатдан пуфлаб ясалган бундай сохта суръатлар амалда иқтисодиёт ривожидagi барқарорлик ва аҳоли ҳаёт даражасининг ўсишига таъсири ҳақидаги маълумотларни бермас эди.

Ўйлайманки, бугунги кунда эришилаётган ўсиш суръатларига, гарчи уларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлса-да, бу кўрсаткичларга ҳаддан зиёд маҳлиё бўлиш ярамайди. Муайян даврдаги иқтисодий фаолият натижаларини баҳолашда бозор муносабатлари мезонларига ва, энг аввало, сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг 2000 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини ана шу нуқтаи назардан баҳолайдиган бўлсак, мен қуйидагиларни қайд этмоқчи эдим.

Биринчидан, иқтисодиётимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ошди. Давлат бюджети камомади ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизидан ошмади.

Нақд пул эмиссияси, йил якунларига кўра, 9,4 фоизни ташкил этди, бу — прогноз қилинган даражадан анча пастдир. Жами пул массаси, белгиланган даражадан — яъни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 19 фоиздан ошгани йўқ.

Бу — пул айланиш тизимининг барқарорлигидан далолат беради. Иқтисодиётимиз ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлайдиган етакчи соҳалар анча тез суръатлар билан ривожланди.

Пулнинг қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар инфляция кўрсаткичларини прогноз қилинган даражада сақлаб туриш имконини берди. Йил мобайнида қайта молиялашнинг ўртача ойлик даражаси йиллик 36 фоиздан 24 фоизга пасайди. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция жараёнларига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди.

Иккинчидан, **корхоналарнинг молиявий аҳволи анча мустаҳкамланди.** Корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини 41 фоизга, ана шундай кредиторлик қарзларини эса 58 фоизга қисқартириш имконини берди. Мониторинг ўтказилаётган 21 та вазирлик ва идоранинг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари тўлиқ тугатилди. Банкротлик ёқасига бориб қолган корхоналар сони деярли икки баробар қисқариб, 182 тадан 81 тага тушди. Юртимизда фао-

лият кўрсатаётган 169 минг корхонадан зарар кўриб ишлаётгани 139 тани ташкил этди.

Учинчидан, банк соҳасида ўтказилаётган ислохотлар янада ривожланди. Банкларнинг умумий капитали ва банк тизими активларининг умумий ҳажми йил давомида 1,9 баробар ошди. Ўзбекистонда банк активларининг ялпи ички маҳсулотта бўлган нисбати 2001 йил 1 январ ҳолатига кўра, 56 фоизни ташкил этди. Бу, албатта, барчамизни қувонтиради. Чунки ушбу кўрсаткич, бир томондан, мамлакатимизда кредит бериш имкониятлари кенгайганини кўрсатса, иккинчи томондан, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Бу тижорат банклари томонидан аҳолининг омонат маблағларини рағбатлантириш сиёсати билан боғлиқ. Бунинг натижасида тижорат банкларининг депозит базасида аҳоли омонатларининг улуши 7,8 фоиздан 15,8 фоизгача кўпайди.

Тўртинчидан, кейинги йилларда биринчи марта четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажмининг ўсиши таъминланди. Йил якунлари бўйича ташқи савдо айланмасида 317,3 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Маълумки, дунё бозорида нефть нархининг юқори бўлиб тургани кўпгина мамлакатлар учун 2000 йилда иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлди.

Жаҳон бозорида асосий экспорт қилинадиган товарларимизга биз учун ноқулай бўлган нархнаво конъюнктурасининг давом этаётганига қарамай, кейинги уч йил мобайнида ўзимизнинг олтин-валюта захираларимизни сақлабгина қолмай, балки уларни кўпайтиришга ҳам эришдик. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади ва ташқи иқтисодий шерик сифатидаги Ўзбекистонга бўлган ишончни ортттиради.

Ҳисобот йилида валюта сиёсатимизни эркинлаштириш, айирбошлаш курсини унификациялаш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан фаол чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бугунги кунда барча тижорат банклари ўз алмаштирув шохобчалари орқали хорижий валюта-ни, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, эркин курс бўйича харид қилиш ва сотиш ҳуқуқига эга.

Бешинчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришнинг суръат ва миқёслари сезиларли даражада ўсди.

2000 йилда хусусийлаштириш дастури бўйича кўзда тутилган 167 та объект ўрнига 374 та объект хусусийлаштирилди. Уларнинг негизида 152 та

ҳиссадорлик жамияти, 103 та хусусий корхона ва 117 та бошқа мулк шаклидаги корхона ташкил этилди. Фонд бозорида илгари давлатга тегишли бўлган умумий қиймати 6 миллиард сўмдан зиёд акция сотилди. Бу — 1999 йилдагига нисбатан 35 фоиз кўпдир.

2000 йили давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан 14,3 миллиард сўм маблағ тушди. Бу — 1999 йилги кўрсаткичдан 1,6 баробар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам муайян ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. 1999 йил якунларига бағишланган мажлисда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўз фаолиятида сансалорлик ва тўрачиликка йўл қўяётгани, хусусий тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамиятини етарли даражада тушуниб етмаётгани қаттиқ танқид қилинган эди. Бугун ўтган йил якунларини ҳолисона баҳолар эканмиз, жойларда бу борадаги ишлар анча кучайганини эътироф этишимиз зарур.

Ўтган мана шу давр мобайнида рўйхатга олинган кичик ва ўрта корхоналар сони деярли 13 фоизга кўпайди. Фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда кичик ва ўрта корхо-

налар ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳиссасига ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 21,6 фоизи тўғри келмоқда.

Ҳисобот йилида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобидан 193 минг янги иш ўрни яратилди, бу — 1999 йилдагига нисбатан бир ярим баробар кўп демакдир. Янги иш ўринларининг 99 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилгани эътиборга сазовордир.

Олтинчидан, 2000 йил учун мўлжалланган инвестиция дастури тўлиқ амалга оширилди. Молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан иқтисодиётимизга 700 миллиард сўм атрофида, жумладан, қарийб 810 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя киритилди. Жами сармояларнинг 55 фоиздан зиёди ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Енгил саноат, транспорт ва алоқа тармоқларига, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қурилишларга йўналтирилган инвестициялар салмоғи ортди.

Йил мобайнида: нометалл қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Хобас-ТАПО” қўшма корхонаси, сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи “Ўзсмата-Сантехника” қўшма корхонаси, Самарқанд вилоятидаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарувчи цех, Тошкент вилоятидаги универсал фосфорли-азотли ўғитлар ишлаб чи-

қарувчи корхона, Андижон вилоятидаги чарм маҳсулотлар тайёрлайдиган “Олтин дери” қўшма корхонаси, ўқув дафтарлари тайёрлайдиган “Ишк” қўшма корхонаси, Тошкент шаҳридаги инфузион эритмалар ампуласи ва таблеткалар ишлаб чиқарувчи корхона ва бошқа объектлар ишга туширилди.

Шунингдек, Шўртан газ-кимё комплекси, Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикаси, Тошкент шаҳридаги вагонларни таъмирлаш корхонаси, Фарғона фуранли қоришмалар заводи, Шаҳрихон туманидаги “Антекс” ҳиссадорлик жамияти тўқув фабрикаси, Қоракўл туманида “Қоракўл-текс” Ўзбек-Америка қўшма корхонаси, Андижон шаҳридаги 21 минг абонентга мўлжалланган автомат телефон станцияси қурилиши ниҳоясига етмоқда ва яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Мамлакатимизда коммуникация тармоқларини ривожлантиришга нақадар катта аҳамият берилаётганидан хабарингиз бор, албатта.

Хусусан, ўтган йили янги темир йўл йўналишининг 226 километрлик узунликдаги Учқудуқ-Мискин тармоғини фойдаланишга топшириш ишлари якунига етди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлом авлод давлат дастури ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастурида

кўзда тутилган кенг миқёсдаги тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Барча вилоятларда Шошилинч тиббий ёрдам маркази филиаллари ишга тушди, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғи кенгайтирилди. Олти ёшгача бўлган болаларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Скрининг-марказ ташкил этиш дастури амалга оширилди.

Ўрнатилган мажлис иштирокчилари!

Бугун иқтисодий ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар тўғрисидаги бор ҳақиқатни — шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, янги-янги ишлаб чиқариш ва маиший иншоотлар, ижтимоий соҳадаги ютуқлар, энг муҳими, халқимизнинг келажакка қатъий ишонч билан яшаётгани аниқ кўрсатиб турибди.

Биз ўтган йил якунларига баҳо берар эканмиз, биринчи галда, қандай вазифаларни амалга ошира олмаганимиз, қандай хато ва камчиликларга йўл қўйганимиз, уларни бартараф этиш учун бугун нималар қилишимиз лозимлигини аниқлаб олишимиз, улар тўғрисида очиқ-ойдин гапиришимиз керак. Халқимиз биздан шуни кутмоқда.

Ўтган йил қишлоқ хўжалиги учун қанчалик оғир келгани барчамизга маълум. Ноқулай об-

ҳаво шароити, сув тақчиллиги ва бошқа сабаблар оқибатида мамлакатимизда пахта хом ашёси, шоли, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари белгиланганидан анча кам бўлди.

Натижада мамлакатимиз учун зарур ва ҳаётий бўлган муҳим маҳсулотларнинг миқдори камайибгина қолмасдан, валюта ресурслари тушумининг қисқариши туфайли ҳам катта зарар кўрдик. Буни ҳам очиқ айтишимиз керак.

Экспорт ҳажмларини кенгайтириш ва халқаро бозорга чиқиш борасида ҳам жиддий муаммолар мавжуд.

Экспортга маҳсулот чиқариш бўйича “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзмашсаноат”, “Ўзкимёсаноат” уюшмалари, “Махсусқотишма” республика бирлашмаси, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Кўмир” ҳиссадорлик жамияти, “Ўзгўштсутсаноат” давлат ҳиссадорлик уюшмаси, “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг”, “Ўзбекмебель” давлат ҳиссадорлик жамияти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзавтойўл” ва “Ўзфармсаноат” давлат ҳиссадорлик компанияларига қарашли корхоналар прогноз кўрсаткичларининг ижросини таъминлай олмади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёnlари, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ҳамда бутловчи қисмларни ўзимизда мавжуд хом

ашёдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича дастур сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар “Ўзагромашсервис” уюшмаси, “Кўмир” ҳиссадорлик жамияти ҳамда Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари корхоналарида, айниқса, қониқарсиз ташкил этилган.

Ваҳоланки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича енгил саноат, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, металлургия саноатларида ишга солинмаган катта-катта имкониятлар мавжуд.

Республикамизнинг ҳар бир туманида хорижий сармояни жалб қилган ҳолда маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган, янги иш ўринлари ташкил этиш имконини берадиган қўшма корхоналар очиш дастурида кўзда тутилган ишлар қийинчилик билан, ниҳоятда секин олиб бориляпти.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: кўпгина ҳокимликларимиз, тегишли тармоқлар, идора ва тузилмаларнинг мутасадди раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги мажлисидаги қатъий огоҳлантиришдан ўзларига зарур хулоса чиқариб, бу борадаги шахсий масъулиятни ҳали-бери тўла англаб етмаганга ўхшайди.

2000 йилда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган 152 та корхонадан 74 таси ёки деярли ярми Тошкент шаҳрига тўғри келади. Кўпгина туманларда ҳануз қўшма корхоналар

ташкил этилмаган. Чамаси, улар бу ишни ташқаридан кимдир келиб қилиб беради, деган хаёл билан қўл қовуштириб ўтирибди.

Тан олиш лозимки, 2000 йил кўп жиҳатдан, авваламбор, мураккаб об-ҳаво шароити, қурғоқчилик ва сув тақчиллиги сабабли биз учун ноқулай келди.

Ёғингарчилик кам бўлганидан Амударё ва бошқа ички сув манбаларимизда сув миқдори зарурий меъёр даражасининг 25-40 фоизини ташкил этди, холос. Натижада республикамизнинг катта-катта майдонларида сўнгги юз йилда кузатилмаган қаттиқ қурғоқчилик рўй берди.

Бугдой ҳосилини сақлаб қолиш мақсадида сув омборларининг кўп йиллик ва мавсумий сув захиралари ёз бошларидаёқ сарфлаб бўлинган эди. Туямўйин сув омборининг захиралари ҳам тўлиқ сарфланди. Оқибатда шимолий ҳудудларимизнинг 50 фоизидан ортиғида экинларни суғориш имконияти қолмади, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келдик.

Биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида қурғоқчилик сабабли 210 минг гектар ёки барча экин майдонларининг 45 фоизида ҳосил нобуд бўлди. 116 минг гектар шоли экинидан атиги 15 минг гектари сақлаб қолинди, холос.

Хоразм вилоятида ҳам аҳвол мана шундай оғир бўлди. Бу ерда 65 минг гектар майдондаги

экин қуриб қолди. Бунга қўшимча равишда қўплаб чорва моллари ҳам нобуд бўлди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 16 миллиард сўмга яқин, Хоразм вилояти бўйича 11 миллиард сўмдан зиёд зарар кўрилди.

Қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, майдонларни экишга тайёрлаш ишларининг ўз вақтида бажарилишига шароит туғдириш мақсадида ҳукумат томонидан, айтиш мумкинки, мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, кўрилган зарарни қоплаш учун ўтган йил якунлари бўйича 2,6 миллиард сўмдан ортиқ суғурта маблағлари тўланди.

Иккинчидан, 2000 йилда қурғоқчилик ва сув танқислиги натижасида зарар кўрган хўжаликларнинг 41 миллиард сўмга яқин қарзларини истисно тариқасида кечиб юбориш бўйича қарор қабул қилдик.

Бу хўжаликларга 1998-99 йилларда етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун 30 миллиард сўм кредиторлик қарзларининг тўлов муддати 2003 йилдан бошланадиган қилиб 8 йилга узайтирилди.

Учинчидан, хўжаликларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича 2001 йил 1 январгача йиғилиб қолган қарзларидан,

шунингдек, 2000 йил ҳосили ҳисобидан олинган аванслари бўйича қопланмайдиган қарзларининг бир қисмидан ҳам кечиб юборишга тўғри келади.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бундай катта миқёсдаги табиий офатдан зарар кўрган хўжалик ва деҳқонларга бу даражада ёрдам бериш ва мадад кўрсатишга фақат иқтисодиёти барқарор ва ишончли тарзда ривожланаётган давлатгина қодир бўлади, десам, ўйлайман-ки, сизлар ҳам менинг бу фикримга қўшиласиз.

Сув танқислиги ва ноқулай об-ҳаво шароити натижасида 2000 йилни зарар билан якунлаган 59 та хўжаликнинг санация муддатини, истисно тариқасида, яна бир йилга узайтиришга ҳамда 2001 йилдан бошлаб яна 76 та қишлоқ хўжалик корхонасини қўшимча равишда санацияга тортишга қарор қилинди.

Ҳукумат томонидан кўрилган ва кўрилаётган чора-тадбирлар пировард натижада ўтган йил сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, аввало қишлоқ меҳнаткашларининг аҳволини енгиллатишга қаратилган.

Шунингдек, бу тадбирлар, афтидан, унчалик енгил келмайдиган 2001 йил ҳосили учун бажариладиган қишлоқ хўжалик ишларини самарали амалга ошириш мақсадида зарур молиявий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишни ҳам кўзда тутади.

Бугун ўтган қишлоқ хўжалик йилини якунлаб, ишларимизнинг натижасига таъсир кўрсатган объектив ва субъектив сабабларга танқидий баҳо берар эканмиз, менинг назаримда, кейинги бир неча йил мобайнида қишлоқ хўжалик соҳасининг самарадорлиги ва маҳсулдорлигига салбий таъсир этиб келаётган айрим ўта муҳим омилларга тўхталиб ўтиш жуда зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни унутмаслигимиз керакки, биз ҳосилимизнинг 90 фоиздан ортиғини суғориладиган ерлардан оламиз. Шу боис ҳам ирригация ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Таҳлиллар эса айтиш мумкин, шу масалаларга оид кўплаб ечими топилмаган муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда суғориладиган ерларнинг деярли 50 фоизини таъмирлаб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади. Шўрланган ер майдони кўпайиб, ҳозирги пайтда улар 2 миллион гектарни ташкил қилади. Хўжаликлар ҳудудидаги ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари талаб даражасининг 60-70 фоизидан ошмаяпти.

Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 35-40 фоизни, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса 30-60 фоизни ташкил этмоқда. Ёпиқ горизонтал дренажларни қайта тиклаш ишлари ўта қоникар-

сиз олиб борилмоқда. Жами 39 минг километр узунликдаги ана шундай дренажларнинг бор-йўғи 1,5 минг километри тозаланиб, қайта таъмирланган, холос.

Насос станцияларининг кўпчилиги бундан 25 йил аввал қурилган бўлиб, бугунги кунда уларни ишлатиш муддатлари ўтиб бормоқда. Суғориладиган ерларни таъмирлаш ва каналларни бетонлаш ишлари ҳажми камайиб кетган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, хўжаликларнинг ўзлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли аҳамият бермаяптилар. Бу борадаги ишлар изчил олиб борилаётгани йўқ. Илгаридан суғориб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда янги ерларни ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш бўйича молиявий манбалари белгиланган, истиқболга мўлжаллаб тузилган аниқ дастур йўқ, десак хато бўлмайди. Мелиоратив мақсадларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳамда янги тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш бўйича деярли иш олиб борилмаяпти.

Шўрланган ерларни ҳар йилги кузда-қишда ювиш ишлари мутлақо сифатсиз бажарилмоқда.

Ҳаётнинг ўзи биздан бу муҳим соҳадаги ишларимизга бўлган муносабатимизни тубдан қайта

кўриб чиқишни кескин талаб қилмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг тақдири, демакки, энг муҳим ижтимоий, иқтисодий муаммоларимизнинг ҳал этилиши, пировард натижада, мамлакатимиз озиқ-овқат таъминоти хавфсизлиги бу борадаги ишларимизнинг кўлами ва самарадорлиги билан боғлиқ.

Мана шу ҳолатларни инобатга олиб, Агросаноат комплекси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат ер қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, банклар ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2001-2005 йилларга ва 2010 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши зарур.

Мазкур дастурни тайёрлашда, энг аввало, хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ва уларни ишга яроқли ҳолда сақлашга, магистрал коллекторларни қайта тиклаш, насос станцияларини қуриш ва таъмирлашга, шунингдек, Қарши магистрал канали объектлари ва бошқаларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугун яна бир ўта муҳим масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг кўпгина соҳа ва тармоқларини ислоҳ қилиш, уларни бозор муносабатлари шароитида ишлашга ўтказиш, маҳаллий ҳудудий органлар ва ҳўжалик субъектларига кўпроқ эркинлик бериш бўйича бир қатор муҳим дастурлар қабул қилинди. Шунга биноан, бу тармоқларни бошқариш органлари ҳам ўзгарди: уларнинг бир қисми, хусусан, “Ўзколхозқурилиш”, “Ўзагроқурилиш”, “Ўзсаноатгражданқурилиш”, “Ўзсувқурилиш” ва бошқалар умуман тугатилди, айримлари бошқа шаклда қайта тузилди /масалан, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги/, баъзиларининг эса бошқарув тузилмаси жиддий ўзгартирилди /масалан, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги/.

Аммо, танқидий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу тармоқ ва соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ўта суст, юзаки ҳолда бормоқда. Кўпинча амалга оширилаётган ўзгариш ва ислоҳотларнинг асл моҳиятини ижрочиларнинг ўзлари ҳам охиригача тушуниб, англаб етмаяпти. Амалда бошқарув тузилмаси ва шакли ўзгарган бўлса-да, кўпинча ишнинг бевосита мазмун-моҳияти ўзгармай қолаётган ҳоллар учраб турибди. Лўнда қилиб айтганда, бу ўзгаришлар, афсуски, биз олдимизга

қўйган бош мақсад-муддаога, яъни ўзини оқламаган ва касодга учраган, марказдан режалаштириладиган маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, жойлардаги тузилмаларга кўпроқ эркинлик бериш, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос усул-услугларини жорий этишга олиб келмаяпти.

Бу камчиликларнинг барчасини қурилиш комплекси ёки коммунал хўжалиги фаолияти мисолида кўриш мумкин. Ҳолбуки, мазкур тармоқларда ислоҳот дастурлари биринчи йили амалга оширилаётгани йўқ. Кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганига, янги бошқарув тузилмалари яратилганига қарамасдан, афсуски, ишда ҳозиргача сезиларли натижа кўзга ташланмаяпти.

Агар, айтайлик, қурилишда мулкчилик масаласи амалда ҳал қилинмаса, хусусий ёки ҳақиқий ҳиссадорлик мулки асосида пудратчи қурилиш ташкилотлари тузилмаса, пудрат ишлари дастурларини шакллантириш ва буюртмалар бериш тамойиллари ўзгартирилмаса, моддий-техникавий таъминот муаммоси тубдан ҳал этилмаса, бажарилган ишларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалалар бозор талаблари асосида ечилмаса, табиийки, бундай ҳолатлар бошқарув тизимини такомиллаштириш ва ихчамлаштириш, ортиқча бўғинларни тугатиш борасида олиб борилаётган

барча ишларимизнинг қадр-қимматини тушириб, мутлақо обрўсизлантириб қўйиши мумкин.

Бугун бизда улгуржи ва биржа савдосининг самарасиз, очигини айтсам, номақбул тизими амал қилмоқда. Савдо-сотикнинг буйруқбозлик асосига қурилган эски “госснаб”ча усули устунлик қилмоқда, яъни нарх-наво, моддий ресурс ва бутловчи қисмлар сотувчилар ва истеъмолчилар ўртасида олдиндан белгилаб олинмоқда, энг ёмони, харидорни танлаш имконидан бутунлай маҳрум қилиб қўймоқда.

Аҳвол шу даражага бориб етмоқдаки, буларнинг барчаси қурилиш бўлинмаларининг айрим раҳбарларида олдинги замонни қўмсаш кайфиятини пайдо қилмоқда, Ҳатто, Вазирлар Маҳкамаси қошида “Госснаб” ёки “Главснаб” тузилса бўлмасмикан, деган мазмундаги таклифлар ҳам билдирилмоқда.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчиман: биз товар-моддий бойликларни фондлар орқали тақсимловчи “Госснаб”дан нега воз кечдик? Жавоб жуда оддий. “Госснаб” тизимида маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи аввал-бошдан бири-бирига қаттиқ боғлаб қўйилар эди. Нархлар олдиндан белгиланиб, амалда харидорда танлаш имконияти ҳам, рақобат ҳам йўқ эди, талаб ва таклиф мувозанатига асосланган бозор механизми эса ишламас эди.

Бир сўз билан айтганда, режали тақсимот тизимининг бир қисми бўлган “Госснаб” ўз моҳиятига кўра ўта номақбул ва танқиддан тубан бир тузилма эди.

Ҳозирги вақтда моддий ресурслар савдоси асосан марказда амалга ошириляпти. Товар айланмасининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи Тошкент шаҳрида жойлашган биржалар ҳиссасига тўғри келади.

Товар айланмасининг сустиги қўшимча харажатлар кўпайиши ва шунга мос равишда устама нархларнинг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида биржалар орқали товар солиб олишни манфаатсиз бир ишга айлантиряпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, биржа ва ярмарка савдолари талаб даражасида ўтказилмайди, брокерларнинг малакаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Бу гап, айниқса, вилоятлардаги товар-хом ашё биржалари фаолиятига тааллуқли. Олди-сотди битимларининг кўпчилиги биржаларнинг савдо сессияларида эмас, балки улардан ташқарида амалга оширилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, товар-хом ашё биржаларининг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этиш зарур. Ҳукумат (Ў.Султонов), Давлат мулки қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги барча манфаатдор томонлар иштирокида улгуржи-биржа савдоси ҳолати-

ни инвентаризациядан ўтказсин ва унинг ҳолатига танқидий баҳо берсин ҳамда икки ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасининг бу масала бўйича қарорини тайёрлаб, қабул қилсин. Шунингдек, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги қонунга зарур ўзгартиришларни Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

Коммунал хўжалиги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Кейинги йилларда бу соҳада бирмунча ишлар қилинганига қарамасдан, ягона буюртмачи хизматини шакллантириш, уй-жой эгалари ширкатларини тузиш бўйича бошланган ислохотлар шу пайтгача ҳам охирига етказилгани йўқ. Кўп қаватли уйларнинг фақат 50 фоизидагина уй-жой эгалари ширкатлари тузилган, холос.

Коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича уй-жой эгалари ширкатлари ва маҳалла қўмиталарининг вазифалари ҳамда уларни рағбатлантириш тизими аниқ белгиланмаган.

Коммунал хизматлари учун ўз вақтида ҳисобкитоб қилиш бўйича жамоа масъулияти тизими яхши самара бераётган туманларнинг тажрибалари жойларда кенг ёйилмаяпти.

Аҳолининг коммунал хизматлар учун қарзлари ҳамон юқори даражада қолмоқда. Бу ҳол, айниқса, Бухоро, Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрига тааллуқлидир. Ви-

лоятлар орасида коммунал хизматларга белгиланган тарифларнинг асоссиз равишда бир-биридан фарқ қиладиган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси (Ў.Султонов) “Ўзкоммуналхизмат” агентлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия ва Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан биргаликда бир ой муддат ичида коммунал хизмат кўрсатишни ислох қилиш, унинг тузилмалари, ишлаш механизмини қайта ташкил этиш бўйича қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатларни чуқур таҳлил қилсин ва бугунги кунда коммунал хўжаликларнинг фаолияти бозор иқтисодиёти талабларига нечоғли жавоб бераётганига қатъий баҳо берсин ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилсин. Тегишли кодекслар, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрласин.

Бунда кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишнинг амалий ва ихчам тизимини яратиш ҳамда квартира, электр энергияси, коммунал хизмати учун ҳақларни ўз вақтида тўлаш масъулиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилсин.

Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида коммунал хўжалиги ва ширкатлар ишини ислоҳ қилиш бўйича доимий семинарлар ташкил этилсин.

Энди экспорт масалалари ҳақида.

Сўнгги йилларда бу соҳада қабул қилинган бир қатор муҳим рағбатлантирувчи тадбир ва чоралар ўзининг ижобий самарасини берди. Аммо бугун экспорт соҳасидаги қайси имтиёзлар ва рағбатлантирувчи омиллар самара бераётгани, қайсилари эса наф келтирмаётганини яна бир карра батафсил, танқидий кўз билан қараб чиқиш даркор. Ва шу асосда экспортга маҳсулот чиқарадиганлар учун янада манфаатли бўлган, уларнинг қизиқишларини янада оширадиган шароит яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш керак. Корхоналарнинг йўналишини кескин ўзгартириш, уларни доимий равишда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантирадиган кучли омилларни вужудга келтириш лозим.

Биз энг муҳим бир фикрни чуқур англаб олишимиз зарур — фақат экспортнинг ўсишигина валюта тушумлари келтиради, фақат шу асосдагина ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш масаласини ҳал этиш мумкин.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан, технология ва асбоб-ускуналарни доимий равишда

янгиламасдан туриб ҳозирги кунда бирон-бир замонавий ишлаб чиқариш корхонаси рақобатга бардош беролмайди, ўз истиқболини кўра олмайди.

Ҳозирга қадар экспорт йўлида тўғоноқ бўлиб келаётган тўсиқларни яна бир бор кўриб чиқиш ва бартараф этиш зарур, деб ҳисоблайман. Бож тўловлари ва акцизлар миқдорини қайтадан кўриб чиқиш, бу соҳага солиқ таъсири қай даражада эканлигини аниқлаш, уларнинг мунтазам равишда камайиб боришига эришиш лозим.

Экспорт йўлидаги энг катта ғовлардан бири — Ўзбекистоннинг ташқи бозорлардан узоқлигидир. Табиийки, бундай шароитда транспорт харажатларини камайитиришга доир қўшимча чоралар кўриш керак.

Ўйлайманки, зарур ҳолатларда экспортни рағбатлантириш ва маҳсулотларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқарувчиларга тегишли ҳуқуқларни берадиган барча оқилона чора-тадбирларни қўллаш мумкин ва уларни қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш даркор.

Ҳукумат бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига маҳсулот экспорт қилишни қўшимча рағбатлантириш, экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарга имтиёзлар бериш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

Биз ўзимизга яхши тасаввур қиламизки, экспортта маҳсулот чиқаришни рағбатлантиришнинг энг муҳим шарти, бу — валюта сиёсатини эркинлаштириш йўлидаги ишларни изчил давом эттиришдир.

Бу борада ҳам биз ўз аниқ ва равшан дастури-мизга эгамиз. Мазкур дастур, биринчи навбатда, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш, валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш бўйича ўтган йилдан бошланган амалий ишларни ўз ичига олади.

Биз бундан буён ҳам жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга тезроқ ўтиш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган сиёсатни қатъийлик ва собитқадамлик билан амалга ошираве-рамиз.

Албатта, бу жараёни шакллантириш ва тезлаштириш муайян кафолатларни назарда тутиш-ни тақозо этади. Бу кафолатлар аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш, валюта курсининг кескин тушиб кетиши билан боғлиқ кўпдан-кўп салбий оқибатларнинг олдини олиш имкония-тини бериши лозим.

Биз бу масалада асосий вазифамизни қуйида-гилардан иборат деб биламиз:

аввало, миллий валютамизнинг тўла конверта-циялашга ўтиш жараёни ижобий кечишини таъ-

минлаш ва кафолатлаш мақсадида валюта ресурсларини излаб топиш учун барча халқаро молиявий тузилмалар билан амалий ҳамкорлик қилиш.

Иккинчидан, валюта айирбошлаш операцияларида қатнашувчи банклар ва айирбошлаш шохобчалари сонини кескин кўпайтириш, шу тариқа айирбошлаш шохобчалари орқали валюта сотиш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш.

Учинчидан, айирбошлаш шохобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ўсишини инobatта олган ҳолда, валюта сотиш шартлари ва талабларини эркинлаштириш, яъни валюта сотишдаги чеклашларни босқичма-босқич камайтириб бориш.

Қадрли дўстлар!

Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам бизнинг узоқ муддатта мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолаверади.

Шу мақсадда Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш бўйича ўз таклифларини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни тезлаштиришлари зарур.

Бунда ўз маблағлари ҳисобидан истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни инвестициялаш учун

ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратишда улуши юқори бўлган банкларга солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилиши керак.

Ўзини оқлаган микрокредитлар сонини кўпайтириш ва бу ишни кенг кўламда амалга ошириш лозим.

Ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий сармояларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай муҳит яратиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Шу маънода, ҳукуматимизга яқин вақт ичида Тошкентда Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатётган ҳамда келгусида биз билан ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган сармоядорлар иштирокида анжуман ўтказиш вазифасини топшириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу анжуманда муҳокама қилиниши лозим бўлган мамлакатимизга янги сармоялар оқими келиши йўлидаги тўсиқ ва чеклашларни олиб ташлаш бўйича ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд.

Азиз дўстлар!

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлида асосий тўсиқ бўлиб турган принципиал масалалар ҳақида тўхталганда, бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда, бозор муносабатларини шартнома

мажбуриятларисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ёдда тутиш лозим.

Шуни тан олиш керакки, бу масала, яъни шартномаларни тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш тизимида, айниқса, қишлоқ жойларида энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.

Хўжалик шартномалари номигагина тузилаётгани ҳақида, уларда томонларнинг мажбуриятлари, етказилган зарарни ундириб олиш чоралари аниқ акс этмаётгани тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бундан ташқари, ўз ҳуқуқларини яхши билмаслик натижасида томонлардан бирининг манфаатларига зид бўлган кўп ҳолларда кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар, фермер ва ижарачилар зарарига шартномалар тузилаётгани ҳақида кўплаб далиллар мавжуд.

Шунингдек, ижарачилар билан хўжаликлар ўртасида фақат хўжаликларнинг фойдасини кўзлаб тузилаётган, уларнинг моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб бериш, агротехник тадбирларни амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича ижарачи олдидаги жавобгарлиги аниқ белгиланмаган минглаб шартномаларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

Кўпинча шартномаларни ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан тўғри расмий-

лаштириш талаблари бузилмоқда, улардаги шартларни, нарх ва бошқа шартнома муносабатларини тартибга солувчи меъёрларни аниқ акс эттириш билан боғлиқ оддий қонунларга ҳам риоя қилинмаяпти.

Биз бу ерда ўз эътирозларимизни, биринчи галда ҳўжалик судларига, Олий ҳўжалик судига айтишимиз керак. Улар ҳали ҳам шартнома муносабатларига киришган томонларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қиладиган тузилмага айлана олгани йўқ.

Адлия вазирлиги шартномаларнинг бузилиши бўйича ҳар бир ҳолатнинг далил ва сабабларини чуқур ўрганиши, унинг тагига етиб бориши, шартнома муносабатларини тартибга солиш, қонунийлик нуқтаи назаридан томонларнинг шартномаларни тўғри тузиш, энг муҳими, уларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариши даркор.

Оммавий ахборот воситалари ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, одамларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича иш олиб бориш зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳўжалик юритувчи субъектларни, биринчи навбатда, тадбиркорлик соҳасини назорат қилувчи идоралар томонидан ортиқча текширишларга йўл қўймаслик, бу бора-

даги ишларни тартибга солиш зарурлигини яна бир карра таъкидлашни истардим. Бу иш 2001 йилда сезиларли даражада кучайтирилиши керак.

Бу кўп жиҳатдан Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятига боғлиқ.

Муҳтарам дўстлар!

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши билан боғлиқ ишларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу дастурнинг мамлакатимиз келажаги учун нечоғли аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Биз бугун мазкур дастур доирасида бажарилган ишларни танқидий баҳолашимиз, бу йўлда қандай муаммоларга дуч келганимизни, дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни тўла амалга ошириш учун яна қандай чора-тадбирлар кўришимиз зарурлигини аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Мамлакатимизда 1998-2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган 47 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 135 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Кейинги икки йилда лицей ва коллежларни ўқув-лаборатория қуруллари, таълимнинг техник воситалари, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш учун республика бюджетидан 6 миллиард

сўмга яқин маблағ ажратилди. Шу мақсадда Корея Республикаси ва Осиё Тараққиёт банкининг кредитлари жалб қилинди, Япония ҳукумати билан кредит ажратиш масаласи ҳал этилмоқда. Умуман олганда, ўрта махсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 150 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Республикамызда янги турдаги таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув-услубий база шаклланимоқда. Бу борада 11 йўналишдаги 72 та Давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига татбиқ этилди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида 223 та психологик-педагогик диагностика ва ўқувчиларни касбга йўналтириш маркази тузилди. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга мўлжалланган 38 та ихтисослашган марказ ташкил қилинди. Кейинги уч йил давомида 14 минг ўқитувчи бу марказларда ўз малакасини оширди.

Бир сўз билан айтганда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга муваффақиятли жорий этиш учун барча асослар яратилмоқда. Шу билан бирга, тўпланган тажриба ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, бу борада олдимизда турган вазифаларни ечиш учун янгича ёндашувларни излаб топиш лозим. Бунда асосий эътиборни сифат масаласига, ажратилаётган ресурс-

лар ва моддий база имкониятларидан янада самарали фойдаланишга қаратиш даркор.

Бугунги кунда маблағлар ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ишга туширилиш муддати билан боғлиқ кўрсаткичларга муайян ўзгаришлар киритиш зарурати пайдо бўлди. Бунда, айниқса, қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактабларининг бўшаган ва фойдаланилмаётган бошқа биноларни реконструкция қилиш, улар асосида янги коллежлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва 2005 йилгача лицей ҳамда коллежларни улар билан тўла таъминлаш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқиш зарур.

Коллежлардаги ўқитувчилар таркибининг савияси ва малакасини ошириш масаласи жиддий эътибор беришни талаб қилади. Энг янги, замонавий ўқув воситалари билан таъминланган коллежларда эскидан қолган ўқитиш услубларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Энг муҳими, замонавий коллеж ва лицейларда таълим-тарбия ишларини бугунги замон талабига жавоб берадиган юксак малакали, фидойи ўқитувчи ва мураббийлар олиб бориши зарур.

Жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг янги шаклдаги таълим муассасаси том маънодаги маданий-маърифий ва маънавий марказ бўлишига эришиш даркор.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси /Р.Азимов/, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда, юқорида зикр этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда бу соҳадаги ишларимизнинг ютуқ ва камчиликлари аниқ кўрсатилган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг 1998-2000 йиллардаги натижалари тўғрисида” ҳисобот тайёрласин ва кўриб чиқиш учун киритсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Яқинда бўлиб ўтган Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида иқтисодиётимизнинг ҳозирги аҳволи танқидий таҳлил этилиб, ўтиш даврида биз учун принципиал аҳамиятга эга бўлган энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб олинган эди.

Бу устувор йўналишларнинг маъно-моҳияти иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузада баён қилинган жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини, биринчи галда, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш стратегиясидан келиб чиқади.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш борасидаги бу стратегик вазифалар Ўзбекистонда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил сиёсат ифодасидир. Булар шундай принципиал вазифаларки, биз уларнинг атрофида демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барча сиёсий ва ижтимоий кучларни бирлаштиришга эришмоғимиз лозим.

Вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда корхона ва муассасаларнинг буғунги кундаги ва келажакдаги бутун фаолияти бундан буён ҳам ана шу устувор вазифаларни бажаришга қаратилмоғи зарур.

Бизнинг дастурларимиз, жумладан, жорий йилга мўлжалланган режаларимиз ҳам ана шу стратегик ва узоқ муддатли вазифалар асосида шаклланиши даркор.

2001 йилга мўлжалланган дастурни амалга оширишда биз қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим?

Биринчидан, макроиқтисодий мутаносибликни ва ўтган йили бошимизга тушган қийинчиликларни назарда тутган ҳолда, барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш биз учун биринчи галдаги муҳим вазифа бўлиб қолиши табиийдир.

Бунга эришиш учун қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, солиқ тушумларини таъминлаш, инфляция ва нақд пул эмиссияси даражасининг кўзда тутилган доирадан ва пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан четга чиқишига йўл қўймаслик ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яратиш ва монополиядан чиқариш билан боғлиқ масалалар ечимини яқунига етказиш зарур. Биз учун бу масала кун сайин янада кўпроқ долзарблик касб этмоқда, чунки уларни ҳал этмасдан туриб, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини таъминлаб бўлмайди.

Бу бугунги кунда бозор ислохотлари йўлидан ривожланишнинг муҳим таркибий шартига айланиб бормоқда.

Шунинг учун бу борада халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари, аввало, табиий монополиялар деб аталадиган энергетика, темирйўл транспорти, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, пахта тозалаш ва кимё саноати, коммунал хўжалиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини ислох қилиш бўйича бошланган ишларни охирига етказиш лозим.

Шундай тизимни яратиш зарурки, токи бу тизим корхоналар ва тадбиркорлар фаолиятини

рағбатлантириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини кескин чегаралаш имконини берсин.

Учинчи муҳим вазифа бу — қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёнини янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини оширишдан иборат. Ўтган йили қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, хўжаликларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди.

Буларнинг барчаси, аввало, деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати ва етиштирган маҳсулоти учун тўланадиган ҳақни ўз вақтида олиш имконига эга бўлишларига қаратилган.

Бошлаган хайрли ишларимиз қаторидан муҳим ўрин олаётган масала — қишлоқ хўжалигини зарур техника ва транспорт воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимини ташкил қилишдан иборатдир.

Бу борада барча манфаатдор тузилмаларни ҳаракатга келтириш ўта муҳимдир. Молия вазирлиги, “Пахтабанк”, “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, машина-трактор парклари ва табиийки, янгитдан ташкил этилган тузилма - “Ўзағромаш-лизинг”нинг ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ҳақида гап борар экан, биз қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш

борасида орттирган тажрибамизни, унинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини назардан соқит қилмаган ҳолда, ҳар томонлама холис баҳолашимиз керак.

Жойларда, аввало, ҳокимликлар аниқ мақсадларга қаратилган ўз вазифаларини чуқур англаб, тегишли хулосалар чиқаришлари лозим. Бу борада ҳал қилувчи масалалардан бири — санацияга тортилган хўжаликларнинг ташқи бошқарувчилари лавозимига тайёргарликдан ўтган, ўз ишини пухта биладиган одамлар тайинланишига эришишдир.

Мен бугун барча ҳокимларни, хўжаликлар ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарларини огоҳлантириб айтмоқчиман: жорий йилдаги биз учун мураккаб бўлган шароитда олдимизда турган ишларни тўғри ташкил этиш учун зарур ташаббус ва тадбиркорлик кўрсатиш даркор.

Яна ва яна бир бор сизларнинг эътиборингизни ҳал қилувчи — муҳим бир масалага жалб этмоқчиман. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғлик чигитни саралаш ва навларни районлаштириш ишларини такомиллаштириш, агротехника талабларига риоя қилиш — буларнинг барчаси ўз йўли билан давом этади, албатта.

Лекин бугун қишлоқ хўжалик соҳасининг барча муаммолари мулк масаласининг ечимига боғ-

лик бўлиб турганини ҳаммамиз яхши англаб олишимиз лозим. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиши керак.

Хўжаликларни ширкатларга айлантириш, мулк пайчилик, хўжалик ичида оилавий пудрат муносабатларини жорий этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган барча ишлар айнан мана шу мақсадга қаратилиши лозим.

Тўртинчи муҳим масала — хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнес ривожини учун қулай шароит яратишдан иборат. Бу соҳада кўп ишлар қилинмоқда.

Айни пайтда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси барча қонуний ва меъёрий ҳужжатларни, умуман, бу борада бизда ишлаб чиқилган ҳамма ҳужжатларни синчиклаб қайта кўриб, ҳисоботдан ўтказсин.

Ана шу ишларнинг натижаси сифатида бугунги кунда самара бераётган тажрибаларни янада рағбатлантириш ва кенг ёйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бешинчи вазифа — яна бир бор такрорламоқчиманки, бу инвестицияларни рағбатлантириш масаласидир.

Инвестицияларни излаб топиш, бўлғуси сармоядорлар билан алоқа ўрнатиш, қўшма корхо-

налар очиш, сармоядорлар учун қулай шарт-шароит яратиб бериш Ҳукуматдан тортиб ҳўжалик юритувчи субъектгача — ҳаммамизнинг умумий ишимизга айланиши лозим.

Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур.

Олтинчи муҳим вазифа — юқорида исботлаб берилган масала — экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ва миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлашдир.

Бу вазифа бутунги кунда энг долзарб бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Қадрли дўстлар!

Биз янги аср, янги минг йилликка қадам қўйдик. Янги юзйилликнинг биз учун қандай бўлиши 2001 йилда олдимизда турган вазифаларни нечоғли адо этишимизга боғлиқ. Биз жамиятни янгилаш, ислохотларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ-равшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган дастурга эгамиз. Бу дастурнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан унинг бутун жамиятимиз, ҳар биримизнинг асосий ишимизга айланишига боғлиқ.

Ана шу дастурни рўёбга чиқариш, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида қонунчилик ва адолат тамойилларига риоя қилиш бора-расида жамоатчилик назоратини кучайтириш катта аҳамият касб этади.

Бошқача айтганда, ҳар бир киши мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар учун ўз масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этиши лозим. Ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ва истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятимизда рўй бераётган ислоҳот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши даркор.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда
мамлакатни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш якунлари ҳамда
2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш
ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг
устувор йўналишларига бағишланган
мажлисидаги маъруза,
2001 йил 16 февраль*

“КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙИ ҲАРАКАТИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, барчангизни мамлакатимиз ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — “Камолот” ҳаракатининг таъсис қурултойи очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборақбод этаман. Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир.

Инсоният қадам қўйган янги — ХХІ аср глобаллашув асри, тараққиёт асри, фақат интеллектуал жиҳатдан юксак ривожланган давлатларгина дунёда устувор мавқе эгаллайдиган давр бўлиши барчамиз учун аён.

Мана шу йўлда мустақил Ўзбекистон давлати, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагини жаҳон ҳамжамия-

тининг узвий бир қисми сифатида кўришга азму қарор қилган заҳматкаш халқимиз ўзининг фидойи меҳнати билан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, тараққий топган мамлакатлар қаторидан ўрин олиб, тинч, фаровон ва осуда ҳаёт кечиришга ҳақлидир.

Лекин, кишилиқ тарихидан яхши биламизки, бундай ёруғ истиқболга эришиш ҳеч қачон, ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат учун осон ва енгил кечган эмас. Улар ана шу эзгу мақсадларга кўп-кўп оғир синовлар, ёвуз хатти-ҳаракатларни, тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиб, шижоат ва мардлик, метин ирода, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоён этиб, қатъият билан курашиш туфайли эришган.

Мана шундай машаққатли ва шарафли курашларда, буюк интилишларни амалга оширишда, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилишда, керак бўлса, жонини фидо этишда ёш авлод доимо ўрнак ва ибрат бўлиб келган.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқаётган бугунги кунда ўғил-қизларимизни ўз сафларида бирлаштирадиган, эски замон асоратларидан бутунлай воз кечган, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан узвий боғлаган, Ватаннинг шаъни, ор-номуси учун курашга отланган ёш авлодни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган ёшлар ташкилоти тузишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўйлайманки, сизларнинг ташаббусингиз билан ташкил этилаётган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ана шундай сафарбар кучга айлана олади. Узоқ-яқиндан келган қурултой қатнашчиларининг шижоати, бу борада жойлардаги учрашувларда, матбуотда билдирилаётган фикр-мулоҳазалар янги ташкилот ўз сафларида минг-минглаб фидойи ёшларни жипслаштира олишига умид уйғотади.

Ватанимизнинг буюк келажагини қуриш, олдимизда турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги таъмоилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Ёшларимиз севиб куйлайдиган “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” қўшиғи ҳар бир юртдошимизни Ватанни севишга, унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этади. Мен ана шу қўшиқнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, барча ота-оналар номидан сизларга, кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимизга қарата айтмоқчиман: биз Ўзбекистонни ҳам, ёшларимизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз.

Чунки жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш — келажагимизга нисбатан кечи-

риб бўлмас хиёнатдир. Шунинг учун ҳам ёшларимизни комил инсонлар этиб вояга етказиш, Аллоҳ таоло ато этган қобилиятларини рўёбга чиқариш учун уларга йўл очиб бериш ва барча имкониятларни яратиш — биз ота-оналар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўпмиллатли Ўзбекистон ёшларининг хоҳиш-иродасини, уларнинг жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиз — қурултой делегатлари мураккаб ва шиддатли замон бугун олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни адо этиш борасидаги улкан масъулиятни чуқур англаб, “Камолот” ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман.

Ана шу олижаноб мақсад йўлида сизларга ғайрат-шижоат, қурултой ишига муваффақият тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳурматли Виктор Анатольевич!

Ҳурматли Илмий кенгаш аъзолари!

Ҳурматли дўстлар!

Сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман. Бироз ҳаяжондаман, чунки сиёсатдан узоқ ёки уни бирмунча бошқачароқ, эҳтимол, мавҳумроқ, айтийлик, сиртдан тушунадиган кишилар ҳозир бўлган бундай анжуманларда, бундай йиғилишларда камдан-кам қатнашаман. Шунга қарамай, биз сидқидилдан ҳурмат қиладиган илмфан, маориф намояндалари бўлган кўпгина кишилар сиёсат, аввало, инсонпарварлик йўлида, одамларнинг келажаги йўлида, ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлатни барпо этишнинг мақсади бўлмиш цивилизация йўлида ўтказилишидан астойдил манфаатдор эканликларига аминман.

Мен Москва Давлат университети даргоҳига келганимдан бениҳоя хурсандман, шу фурсатдан фойдаланиб, ана шу қудратли ва ноёб илм маскани, таъбир жоиз бўлса, бойлик ва саховат мас-

кани намояндалари олдида бош эгиб таъзим қилишимни таъкидлайман. Барча мамлакатлар ва давлатлар, барча ақли расо кишилар бу масканни қадрлайдилар. Ўз номимдан, қолаверса бутун ўзбек халқи номидан Сизларга чуқур ҳурматимни изҳор этаман.

Бизга юксак шараф кўрсатилди. Ўзбекистон Президенти ва унинг делегацияси Россия Федерациясида такроран давлат ташрифи даражасида қабул қилинмоқда. Бу эса бизни қувонтирибгина қолмай, айтиш чоғда истиқболни кўриш учун муайян ишонч ҳам бахш этади, янги имкониятлар очади, чунки биз фарзандларимиз, янги авлоднинг келажаги, бизга ўз тақдирини ишониб топширган кишиларнинг келажагини кўзлаб яшаяпмиз. Биз муаммолар устида биргаликда ишлаш, уларни ҳал этиш йўллари биргаликда излаш, Ўзбекистонда ҳам, Россияда ҳам бунёд этилаётган ҳаётни биргаликда қуриш ниятидамиз.

Кеча Россия Президенти билан учрашдим. Биз норасмий вазиятда узоқ суҳбатлашдик ва жуда кўп масалаларни муҳокама қилдик. Бугун айта оламанки, Владимир Путин — Россия ҳақида жиддий ўйлайдиган, унинг истиқболини аниқ кўриб турган Президентдир. У Россиянинг халқаро майдондаги, қолаверса жаҳон сиёсатидаги обрў-эътиборини, тушунишимча, энг муҳими — россияликларнинг, аввало, кадр-қимматини

уларнинг ўз кўз ўнгида юқори кўтаришга қаратилган сиёсатдаги обрў-эътиборини тиклаб олишини астойдил хоҳлайди. Одамлар ўз қадр-қимматини ҳурмат қилиши, тушуниши ва уни ҳимоя қилишга тайёр туриши, ҳаётни яхшилашга интилиши эса жуда муҳимдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир киши ўзини шу мамлакатнинг фуқароси деб ҳис қилмоғи керак. Ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқ умумий ғоя билан яшаган тақдирдагина қўйилган мақсадларга эриша олишига ишончим комил...

Мана, 10 йилдирки, сизларда демократия гоҳ юқорига, гоҳ қуйига қараб, баъзан эса бошқача тарзда ривожланмоқда. Айтмоқчиманки, одамларнинг фикри ҳар хил, аммо халқ жудолик ва қурбонларга дуч келган муайян даврда улуғвор ғоя ва буюк мақсадгина бу ҳолатдан чиқиб олишга ёрдам беради. Бу сўзлардан ҳадиксирамаслик керак, деб ўйлайман. Улуғвор ғоя ва буюк мақсад, у ёки бу ҳаётий муаммоларга ёндашувлар турлича бўлишига қарамай, бутун миллатни, бутун халқни бирлаштиради. Ана шундагина ҳар бир киши орзу қилган уфқларга етиб олиш мумкин. Ана шу мулоҳазаларга асосланиб, ўйлайманки, Россияни қайта тиклаш жараёни, уни тўла ҳақли бўлган мавқеларга муносиб равишда қайтариш жараёни аллақачон бошланган. Бу жараён қанча вақт талаб қилиши — иккинчи масала. Энг му-

ҳими эса, шундай мақсадлар бор ва шу мақсадлар билан яшаётган Президент ҳам бор. Унинг рейтинги, обрӯ-эътибори Россиянинг ўзида ҳам айта оламанки, бизда, Ўзбекистонда ҳам жуда юқори, бу рейтингнинг пойдевори мустаҳкам бўлиб, жиддий асосларга қурилган.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мени МДУнинг фахрий профессорлигига сайлаб юксак шарафга муяссар этганликлари учун Илмий кенгашнинг барча аъзоларига, Москва Давлат университетининг бутун раҳбариятига чин қалбимдан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ўйлайманки, бу шунчаки шарафгина эмас, айнаи чоғда чуқур илдизларга эга бўлган ва буюк мутафаккирларнинг, олимларнинг, жамики илму зиё аҳли тан олган жаҳонга машҳур кишиларнинг меросхўри бўлган университетнинг профессори бўлиш юксак масъулият ҳамдир.

Университет ҳозир ҳам жаҳон маданияти ва интеллектуал тафаккурининг маркази бўлиб турибди, деб ҳисоблайман ва бунда ҳеч бир муболаға йўқ. Сизларни қандай муаммолар қийнаётган бўлмасин, аминманки, МДУнинг асосий маҳсули уни битириб чиққан мутахассислардир. Уларни ҳар қандай ташкилот, ҳар қандай олий ўқув юрти ёки илмий муассаса бажонидил қабул қилишга тайёр. Сизларнинг талабаларингиз, университетни битириб чиққан кишилар нақадар

обрў-эътиборга эга эканлигини жуда яхши биланман. Москва университетини битириб чиққанлар Ўзбекистонда ҳам кўплигини алоҳида мамнуният билан айтгим келади. Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб ўтмоқчиман, улар университетни қачон битирган бўлмасин, ҳозир ҳам МДУни битирган мутахассис деган фахрли номни муносиб сақлаб келмоқда. Ҳар қандай муассаса бундай мутахассислар билан фахрланиши мумкин деб ўйлайман. Йиллар ўтаверади, бу илм масканини битириб чиққан кишилар қаерда бўлмасин, айти шу ўқув юртида таълим олганлари ва ҳаётларининг энг яхши йилларини шу даргоҳда ўтказганлари билан фахрланадилар.

Виктор Анатольевич, қадрли дўстлар, шу муносабат билан ишонтириб айтмоқчиманки, Ўзбекистонда ҳам сизларнинг ихлосмандларингиз жуда кўп, улар доимо сизларга меҳр-муҳаббат ва ҳурмат туйғуси билан яшайди. Шу боисдан ҳам МДУда ўқиш учун танловда қатнашадиган ёш ўзбекистонликларни менга таништирганларида, уларга чин дилдан шу ўқув юрти даргоҳига кировчи номини шараф билан баланд кўтаришларини тиладим.

Мен Виктор Анатольевич алоҳида таъкидлаган масала хусусида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда 1997 йилдаёқ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқил-

ган эди. Ҳозир амалга оширилаётган бу дастур аввалги йилларда қилинган ҳамма ишлардан хулоса чиқариб тузилган ва айни вақтда Кадрлар тайёрлаш масалаларида бугунги ва айниқса эртанги ҳаётнинг талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ҳужжат эканлигини таъкидламоқчиман. СССР парчаланган энг дастлабки кунларда ўз ҳаётимизни ўзимиз қура бошлаганимизда, бошқача давлат ва жамият тузилмасини барпо этиш кераклигига, истиқбол мақсадлари ва вазифаларини кўрсатадиган бошқа дастур ишлаб чиқиш зарурлигига шахсан ўзим ва сафдошларим ишонч ҳосил қилдилар. Албатта, ҳар қандай энг олий, дастурий вазифаларни қўйиш мумкин. Аммо янгича фикрлайдиган кишилар бўлмаса, ҳатто биз эзгу ниятлар билан қилаётган ишлар ҳам рўёбга чиқмай қолиши мумкинлигига кун сайин, тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилияпман. Бу ерда шуни рўйирост айтмоқчиманки, биз истиқбол режаларини тузаётганимизда, шу режаларни амалга ошира олишимиз учун қайси омиллар, қайси шарт-шароитлар бениҳоя муҳимлигини таъкидлаётганимизда мутлақо янгича фикрлайдиган, мутлақо янги ғояларни ўзига сингдириб олган янги кадрларни тайёрлаш энг зарур иш эканлиги аён бўлиб қолмоқда.

Биз фақат насл-насаб жиҳатидангина буюк мерос эгаси бўлганимиз билан фахрланиб қол-

маймиз. Ўзбекистон — шарқнинг атоқли мутафаккирларини етиштириб берган макондир. Уларнинг баъзиларини эслатиб ўтаман. Масалан, Ал-Хоразмийни олайлик, бу зоти шарифнинг номи математика учун жуда кўп маънони англатади. Ал-Беруний эса Колумбдан 500 йил аввал Америка қитъаси мавжудлигини башорат қилган. Беруний Ҳиндистоннинг кашфиётчисидир, қомусий илмлар соҳиби бўлган олимдир. Ёки Ибн Синони олиб кўринг, ҳозирги фармакология, тиббиёт шу буюк мутафаккир номи билан боғлиқ. XI асрда у биринчи бўлиб одамлар дардини жарроҳлик йўли билан даволай бошлаган.

Улуғбек номи Коперник номи билан бир қаторда турадиган мунажжим бўлган. Алишер Навоий атоқли шоиргина эмас, унинг инсонпарварлик борасидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Биз ўз олдимизга шундай вазифа қўйдик: биз албатта ўзлигимиз билан фахрланишимиз керак, биз ўз илдизларимизга қайтишимиз лозим, лекин ўтмишимизга маҳлиё бўлмаслигимиз ва уни тўлатўкис қайта тиклаш билан шуғулланмаслигимиз керак. Аксинча, биз бу масалага оқилона ёндашувимиз лозим. Ўтмишдан ҳозир халқни улуғлайдиган, кўз олдимизда қадримизни юксалтирадиган нарсаларни олишимиз зарур. Мана шу инсонпарварлик ёндашуви миллатимизга, халқимизга жа-

ҳон ҳамжамиятида ўзини дадил ҳис этиш имконини беради. Айни вақтда шу билан боғлиқ бўлган иккинчи мақсадимиз — жаҳон фани ва тафаккури чўққиларини ўзлаштиришга доимий интилишдир. Бошқача айтганда, биз ўтмишдан олаётган меросни ҳозирги кунда яратилаётган буюк кашфиётлар билан уйғунлаштирмоғимиз керак. Биз ўз келажагимизни ана шу назария, ана шу пойдевор асосига қуряпмиз. Айнан ана шундай буюк маънавий, ахлоқий негиз биз қилишимиз лозим бўлган барча фойдали ишларнинг бош манбаи эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — биз ўз сиёсатимизни юритишимиз учун асос бўлган яна бир омилдир. Ҳозир масалани шу тарзда қўймоқчимизки, бизни фақат моддий жиҳат эмас, маънавий жиҳат ҳам қизиқтирмоқда.

Агар мендан, ҳозир нималарга кўпроқ эътибор беряпсиз: иқтисодиётдаги ва давлат тузилмаларидаги ислохотларгами ёки маънавият масалаларига, ахлоқий негизлар ва қадриятларгами, ҳар бир инсон вужудидаги юксак орзулар ва шу негизларни тарбиялашгами, деб сўрасалар, уларнинг бирини-иккинчисига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, деган бўлур эдим. Моддий асоссиз маънавий фикр яшай олмайди, маънавиятсиз моддий асос ҳам ривожлана олмайди.

Биз миллий дастуримизни қандай тушунамиз? Амалда бунинг маъноси шуки, узлуксиз 12 йил-

лик таълим тизими вужудга келтирилди. У умумий тўққиз йиллик таълимдан иборат, яна уч йил дастуримизнинг энг муҳим моҳияти — коллеж ва лицейлар тизимида таълим беришдир. Эсингизда бўлса, совет даврида саккиз йиллик мактаб бор эди, шундан кейин муайян босқич яратилганди — тўққизинчи синфга энг истеъдодли болалар олинар эди. Бу ҳол ота-оналар учун бош оғриғи эди. Худо кўрсатмасин, уларнинг ўғли ёки қизи ҳунар-техника билим юртига тушиб қолса борми, бу гўё бир кулфат эди, у қандайдир иккинчи даражали муассаса ҳисобланарди. Шундай қилиб, болаларнинг оз қисми тўққизинчи синфга ўтар, аксарияти эса кўчада қолар эди. Бизнинг назаримизда, умумий таълим олиш учун тўққиз йил бемалол етарли. Кейинги уч йил лицейларда таълим олишдан иборат бўлиб, уларда асосан олий ўқув юрларининг муаллимлари дарс беради, келгусида фан ва таълим соҳасида ишламоқчи бўлганларнинг кўплари олий ўқув юртларига ўқишга киради. Коллежлар эса ҳунар таълими беради, у ерда бир неча ихтисосни эгаллаш мумкин. У ёки бу шаклдаги ўн икки йиллик таълим бизда мажбурий ва бепулдир. Сизларда Россияда пулли гимназиялар, мактаблар, махсус синфлар борлиги билан баъзида фахрланишларини эшитдим. Аммо бизнинг назаримизда, давлатнинг роли шундан иборатки, йигит ва қизларга мажбурий тартибда

ҳаёт учун зарур бўлган билимларни олиш имконияти берилиши керак. Кейин эса хоҳласа олий маълумот олсин ёки ишга бorsин. Аммо бу пайтга келиб, унда касб-кор деб аталадиган салоҳият мавжуд бўлади. Коллеждаги уч йиллик таълим давомида у олган касб-кор бемалол ҳаётдан ўз ўрнини топиш имконини беради. Бу соҳада ҳам муаммолар бор, бироқ шундай бўлса-да давлатнинг ижтимоий мажбурияти энг зарур билимлар беришдан иборат, деб ҳисоблаймиз. “Комсомолка” газетангиздаги кўп мақолаларни ўқидим, айтишим керакки, болаларга ўн икки йил таълим бериш ҳақидаги таклифларга унчалик қўшилмайман, таклиф қилинаётган экспериментнинг кўп жиҳатлари мавҳум. Ҳар қандай эксперимент яхши, аммо муаммонинг ечимини излаб топиш лозим. Менда шу эксперимент яхши натижа беришига ишонч йўқ. Мактабдаги ўн икки йил нима дегани? Болаларни зўриқтирмаслик учун шундай қилиш керак, дейдилар. Майли, зўриқтирмай қўяқолайлик, аммо бу нарса бошқа натижаларга олиб бориши мумкин. Қандайдир демократия андишаси билангина ўн икки йиллик таълимни жорий этишни унчалик жиддий далил эмас, деб ҳисоблайман.

Менда шубҳа-гумон уйғотадиган бошқа масалалар ҳам талайгина. Россия экспериментлар билан узоқ вақт шуғулланишни лозим кўрадиган

мамлакат эмас. Шу билан бирга, таълим масалаларида Россиянинг тажрибаси бебаҳо эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мен дунё мамлакатларининг кўпига бордим, ёш мутахассислар қаерда қандай тайёрланаётганини биламан. Ҳозир биз хорижий мамлакатларга жуда кўп талабалар юборяпмиз. Бизда махсус “Умид” жамғармаси тузилган, яъни биз ҳозир тарбияланаётган ва ўрнимизни оладиган авлодга катта умид билан қараймиз. Ёшларимиз АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италиянинг энг яхши олий ўқув юртларида бакалавр ва магистр дипломларини олишлари учун ҳар йили давлат бюджети-дан 17-18 миллион доллар сарфляпмиз.

Ҳўш, биз бу борада қандай мақсадларни кўзламоқдамиз? Умидимиз шуки, улар юртимизга қайтиб келгач, олий ўқув юртларида муаллимлик қилади. Барпо этилган мониторинг тизими хориждаги олий ўқув юртларини битириб келган мутахассислар ўзлари эгаллаган билимларни бошқа ёшларга қандай ўргатаётганини кузатиб боради. Биз муаллимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун хорижий мамлакатларга юборяпмиз, мақсад — эртага таълим соҳасига давр талаб қилаётган ғояларни сингдирадиган ёшларни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Агар ўн икки йиллик узлуксиз таълим нормага айланса, янги коллеж ва лицейлар ишлай бошласа, янги

билимли йигит ва қизлар мактабларга, олий ўқув юртларига келиб ёшларга шу билимларни ўргата бошласа, мен ўзимни мақсад-муддаомга етдим, деб ҳисоблайман. Тинимсиз шугулланиш мумкин бўлган шу олижаноб вазифа ҳақида сизларга қайта-қайта гапиряпман ва бу борада мени қўллаб-қувватлайсиз деган умиддаман.

Яна бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир таълим соҳасида кашфиётчилар жуда кўп. Яқинда бир мақола ўқидим... Эмишки, Украинада ҳам эксперимент бошланибди. У ерда имтиҳонлар бекор қилинибди. Шу муносабат билан мактабда, болалар устида эксперимент ўтказиш жуда хатарли иш эканини айтишим лозим. Эксперимент лабораторияларда, ишлаб чиқаришда ўтказилади. Қандайдир чиқимлар ўзини оқламаса ҳечқиси йўқ. Чунки ишлаб чиқариш соҳаси эрта ё индин янги маҳсулотни ўзлаштириб олади. Аммо таълимдаги экспериментлар ҳаддан ташқари хатарлидир. Айтайлик, паровозни тор издан кенг изга ўтказса бўлади, таълим соҳасида эса болаларнинггина эмас, ота-оналарнинг тақдири ҳам ҳал бўлади. Ҳар бир инсон кўплаб режалар тузади, аммо уларнинг аксарият қисми одатда болаларга тааллуқли бўлади. Рост, биз, ўзбеклар болаларни яхши кўрамиз, умидимиз бўлган фарзандимизнинг ўсиб-улғайиши учун, наслнигина эмас, эзгу орзуларни ҳам давом эттирадиган бўли-

ши учун бор бисотимизни сарфлашга тайёرمىз. Доноларнинг айтишича, инсон ўз умри давомида уч юмушни бажариши: кўчат ўтқазиши, уй қуриши, фарзанд тарбиялаши керак. Лекин мен охирги юмушни, албатта, биринчи ўринга қўйган бўлар эдим. Кўчат ўтқазиш мумкин, уй қуриш мумкин, аммо ўзингдаги энг яхши хусусиятларни фарзандларингга сингдирсанг ва улар сендан кўра яхшироқ ва ақллироқ бўлиши учун ҳамма ишни қилсанг, бу мақсадни ҳар қанча ҳурмат қилса арзийди, деб ҳисоблайман.

Тошкентга борган ҳар бир киши майдонларда: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган сафарбар этувчи шиорни кўради. Бу шиор, айниқса, унинг сўнгги қисми барча бирлаштирувчи ягона мақсаддек янграйди. Ҳамма ҳам фарзандлари бахтли бўлишини хоҳлайди, аммо баъзилар бунга эриша олмайди. Фикримча, бутун жамият шу вазифани ҳал этишга бош қўшса хатога йўл қўйилмайди. Энг муҳими — вазифани тўғри танлашда. Шу сабабли мазкур дастурни амалга оширишга киришган Ўзбекистон ҳамкорликка тайёр, деб ҳисоблаймиз. Биз бу дастурни қандай қилиб янада мукаммаллаштириш, қўйилган мақсадни қандай қилиб собитқадамлик билан ҳал этиш тўғрисида ўйлаяпмиз. Шу маънода, айтмоқчиман: модомики, сизлар мени фахрий

профессор этиб сайлаган экансизлар, менга шунчаки ҳурмат юзасидангина бундай қилмагандирсизлар, Сизлар Ўзбекистонга эътибор нишонсини кўрсатдингиз, шу тариқа ёрдамингизни тақлиф этдингиз, деб тушунаман. Ташаббускор ким эканини билмайман-у, аммо айтиш Ўзбекистонга қўл узатганингиз учун чин кўнгилдан миннатдорлик билдираман. Сизлар менга: “Таълим масалаларида бегоналашув ва ўз билганича иш тутиш даври тугади, келинлар энди ҳаётимизда кўзлаган мақсадларни қўлни-қўлга бериб биргаликда рўёбга чиқарайлик”, дегандек бўлдингиз. Мен ҳам шу фикрдаман, Москва Давлат университидек илм маркази, унинг ўқитувчиларигина эмас, улар берган гоёларни кучайтирувчи ва кўпайтирувчи талабалар ҳам — ҳаммамиз биргаликда бир-биримиздан ўрганайлик. Бу соҳада мен қўлни-қўлга беришга тайёрман, айтганингиздек, сизларда таълим олаётган талабаларимиз ва аспирантларимиз борлиги — буюк ишдир, буни таърифлаш учун бошқа сўз йўқ. Бу — биздан кейин қоладиган ва биз эртага фахрланадиган жуда улкан ишдир. Бу ҳаётда ҳеч бир фойдали иш қилмаган, аммо орқасига қайрилиб қараб, бундай иш қилиш ҳали ҳам кеч эмас, деб ўйлаган киши Сизлар билан биз қилишга интилаётган ишни амалда такрорлаши керак. Бу эса ҳар бир киши эҳмоқчи бўлган эзгулик уруғидир, ҳурмат-эҳти-

ром уруғи, олижаноб мақсад уруғидир. Шу жиҳатдан мен бу йўлда сизлар қилаётган барча ишлар учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Виктор Анатольевичнинг ўз касбдошлари билан яқинда Ўзбекистонга боргани фақат биринчи қадам эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Башарти МДУ Илмий кенгаши қачонлардир бизнинг Ўзбекистонда ўтказилса, бу шунчаки беқиёс бир қадамгина бўлмай, менинг назаримда, ҳар бир педагог кўзлаётган ва кўзлаши лозим бўлган олижаноб ишга қўшилган муносиб ҳисса ҳам бўлур эди. Умуман, олий таълим аҳли соғлом авлодни тарбиялашдек инсоний ва олижаноб фикр билан яшамаса, унинг ўрни олий ўқув юртида эмас, у, масалан, бизнес соҳасида ишлаб пул топиши керак бўлади. Мен шу фикрни яна бир бор такрорлаб, Илмий кенгашнинг навбатдаги мажлисини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қилмоқчиман. Биз сизларни муносиб кутиб оламиз ва ўшанда мен бугун айтиб берган ишлар мустаҳкам заминга қурилганига, бу йўлдан боришга қатъий аҳд қилганимизга ишонч ҳосил қиласиз. Аминманки, қилаётган ишларимиз — таълим соҳасига сарфланган самарали сармоядир. Бу менинг қатъий эътиқодим эканини рақамлар билан, тарихий мисоллар билан айтиб беришим мумкин. Аммо бунинг учун бирмунча вақт керак. Сабр-тоқат керак, бир кунмас-бир кун миқдор ўзгаришлари

сифат ўзгаришларига айланиши ва биз қилаётган сарф-харажатлар ўзининг салмоқли натижасини бериши тайин.

Сизлар билан учрашганимдан хурсандман, ўз таклифимни яна бир бор таъкидлайман ва ушбу буюк илм масканида ишлаб, таълим олаётган кишиларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур ҳурмат туйғуларини изҳор этаман. Бизнинг ўзаро муносабатларимиз неча-неча ўн йиллар аввал бошланган. Улуғбек ва бошқа аждодларимиз, Сизларнинг аждодларингиз ҳам дунёга довуғ таратган. Доимо биргаликда жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшганлар. Ҳатто улар бир-бирларини танимасалар-да, фикрлари бир хил бўлган, цивилизацияни ривожлантиришга баб-баравар ҳисса қўшганлар.

Давлат бошқарувида давлатнинг истиқболини одамлар яратмайди, уни одамлар гуллаштириб-яшнатмайди, балки бу ишни тизим бажаради. Тизим яратилса, иқтидорли ижрочилар энг муҳим жойларга қўйилса — иш юришиб кетаверади. Тизимнинг ўзи ишлаши керак. Бизнинг келажагимиз ва истиқболимиз ана шундай. Баъзан мен авторитар қарорлар қабул қилишга мажбур бўляпман. Аммо бундай қарорлар менинг орзуим эмас. Башарти, шу қарорлар юқорида тилга олинган тизимни яратишга қаратилган бўлса, бир вақт келиб тарих кечиради. Мен шундай тизим-

ни барпо этишга интиляпман. Россия матбуотида баъзан мени қандайдир автократик майлга берилган инсон, деб танқид қиладилар. Бир тизимдан иккинчисига ўтишнинг муайян босқичида шундай бўлиши зарур, деб ўйлайман. Кимдир масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Шундагина юзлаб ва минглаб издошларни дунёга келтирадиган тизим яратилади. Эҳтимол, бу гап сизларга унчалик тушунарли эмасдир, лекин мен шу фикрда турдим, шу фикрда туравераман.

Бир-бирига мутлақо ўхшайдиган икки киши бўлмаганидек, икки ўхшаш давлат ҳам йўқ. Ҳар бир киши ўзича ноёб ҳодиса — бу менинг қатъий ишонч-эътиқодим. Ҳаммани бир қолипга солиб бўлмайди. Худди шунингдек давлатларни ҳам бир қолипга солиш ва бозор муносабатларига ўтиш, демократияни барпо этиш нуқтаи назаридан уларга бир хил ёндашувларни қўллаш ярамайди. Баъзан Фарбда Россияга ҳам, бизга ҳам айтиш шундай ибтидоий ёндашув билан қарайдилар, мен бунга асло қўшилмайман. Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳар бир киши табиатнинг ноёб маҳсули, ҳар бир давлат ҳам ўзича алоҳида ёндашувни талаб қилади. Ҳаммага паррандачилик фабрикасидаги каби ёндашмаслик керак. Шу сабабли айтмоқчиман: Улуғбек ўз вақтида кун узунлиги, йил узунлигини ўлчаган, кунлар, соатлар, сониялар миқдорини аниқлаган. Ҳозир маълум бўлишича, у янги,

энг аниқ ўлчовларга қараганда, бор-йўғи тўққиз дақиқага янглишган экан. Улуғбек расадхонасидаги музейда улуғ мунажжимнинг юлдузлар жадвали бор, мен хорижлик меҳмонлар билан у ерга кўп борганман, сизларга ҳам бориб кўришларингизни таклиф қиламан, ўша жадвалга қараб, бехтиёр вақт ўлчовини аниқлашда эҳтимол Улуғбек эмас, балки компьютер янглишгандир, деган фикр ҳам туғилади.

Сизларга, айниқса, дўстимиз Виктор Анатольевич Садовничийга яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчиман. У МДУ ректори бўлишдек машаққатли лавозимда шараф билан ишлаб келяпти. Сизларнинг ҳаммангизга эзгулик ёр бўлсин, барча орзу-истагингиз ушалишига тилакдошман.

2001 йил 4 май

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

ЖУРНАЛИСТ— Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич. Россияга расмий давлат ташрифи якунлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

И. КАРИМОВ — Ўзбекистон давлат делегациясининг Россияга ташрифи натижалари ҳақида икки оғиз халқимизга, жамоатчиликка тушунтириб бериш лозим бўлса керак.

Авваламбор, ташриф натижалари, унинг самараси ва аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, бизлар олдимизга қўйган мақсадларимиз, режаларимизга эришдик, дейиш мумкин. Умуман, ташриф муваффақиятли ўтди, дейишга ҳар томонлама асосимиз бор. Масалани кенгроқ ёриладиган бўлсак, мен ташрифдан кутилган мақсад ва натижаларни уч йўналишга бўлган бўлардим. Бизларнинг ўз олдимизга қўйган муҳим мақсадимиздан бири — бу хавфсизлик масаласи, яъни минтақамизда, авваламбор Ўзбекистон ҳудудида тинчлик-осойишталик ва аҳолининг тинчлигини сақлашга қаратилган эди. Хавфсизлик ҳақида гапирганимизда, менинг фикримча, биз унинг уч

муҳим томонини ифодалаб беришимиз талаб этилади. Чегараларимизнинг дахлсизлиги бу — биринчи. Иккинчиси — давлатимизнинг хавфсизлиги. Учинчи масала бу — халқимизнинг, одамларимизнинг осойишталиги ва осуда яшашларига шароит туғдириб бериш.

Хавфсизлик деганда, бизлар авваламбор, мана шу уч масаланинг кафолатини таъминлашимиз керак бўлади. Булар чегараларимиз дахлсизлиги, ҳудудларимиз хавфсизлиги, юртимизнинг тинчлигини таъминлаш, халқимиз осойишталигини сақлаш билан боғлиқ мураккаб масалалардир. Уларнинг ечимини топиш учун нима қилишимиз керак? Кимлар билан алоқа боғлашимиз зарур? Кимнинг ёрдамига суянишимиз лозим? Мана шу мақсадимизга тезроқ эришишимиз учун ташқи сиёсатимизда қандай имкониятлардан фойдаланишимиз ва қандай ишларни амалга оширишимиз керак? — биз бу саволларга жавоб топишимиз керак.

Агар хавф-хатарга таъриф берадиган бўлсак, ҳозирги кунда Ўзбекистонга, халқимизнинг тинчлигини кўролмайдиган, унга ёвуз ният билан кўз олайтирадиган кучлар, юртимизда ислохотлар ҳаётимизни яхшилаши борасидаги режаларимиз ҳар томонлама амалга ошаётганини, кундан-кунга шаҳар-қишлоқларимиз, авваламбор одамларимиз ҳаёт даражасининг ўсиб бораётганини кўролмай

ёниб кетаётган ғаразгўйлар борки, уларнинг, Ўзбекистонга, унинг баъзи ҳудудларига ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб, ўз таъсирини, сиёсатини ўтказиш мақсадларида қилаётган интилишлари, ғайри қонуний, жинойткорона хатти-ҳаракатлари ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. 1999—2000 йилларнинг ёз ва куз пайтларида террористик гуруҳлар баъзи халқаро ташкилотларнинг, дунёдаги ёвуз кучларнинг ёрдамига суяниб Ўзбекистон ҳудудига, умуман, Марказий Осиёга, жумладан, Қирғизистон заминига бостириб кириб, Фарғона водийси аҳолисининг осойишталигига хавф солиб, ўз мақсадларига эришиш учун қилган, ҳозирда бутун халқимизнинг нафратига учраган ҳаракатлари ҳақида гапириш ортиқча. Лекин “бундай хавф ҳали сақланыптими?” деган савол туғилиши мумкин. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир киши шундай савол бериши табиий. Негаки, одамларга тинчлик керак! Ҳар бир одам оиласининг омонлигини, ҳудудида, юртида тинчликни ҳамма нарсадан юқори қўяди. Керак бўлса, бугунги рўзгорини осойишта тебратиш ва эртанги кунини бугунги кундан яхшироқ қилишни, яхши яшашни хоҳлайди. Содда қилиб ифодаладиган бўлсак, ҳар бир инсон, ҳар бир оила шу ният билан яшайди, барча хатти-ҳаракатларини шу ният сари қаратади.

Шунинг учун бу йил ёз пайтида, июнь ва август келганда бундай ҳаракатлар бўлиши мумкинми, шундай хавф туғилиши мумкинми, деган саволларнинг пайдо бўлиши табиий ҳол. Биз — раҳбарлар, шахсан мен Президент сифатида, ҳукумат аъзолари, авваламбор ўзига шундай саволни бериб, халқни бало-қазолардан асраш учун аниқ жавоб беришимиз керак. Бундай хавф ҳали борми ва бор бўлса, бундай хавфнинг олдини олиш учун нималар қиляпмиз? Шунинг учун мен аниқ айтишим мумкинки, бундай кучлар 1999 йил ва 2000 йилдагидек яна мудҳиш ниятлар билан, Ўзбекистон тинчлигини бузиш мақсадида қилган ҳаракатларини яна такрорлаши, Ўзбекистон заминига бостириб кириши мумкин. Тинчлигимизни бузиш ҳаракатида бўлган кучлар, шундай мақсадлар билан яшайдиган ва шундай ёвуз ниятларни амалга оширишга интиладиган одамлар бизнинг жанубий чегараларимиз яқинида, Тожикистон ҳудудида, Афғонистон ва бошқа ҳудудларда ҳали ҳам бор. Четдан туриб дин ёки бошқа турли хил ниқоблар остида, ёвуз ниятлари байроғи остида одамларни, айниқса, ёшларимизни алдаб, тинчликни бузиш мақсадида юрган ғараз ўй-фикрли кишилар ҳали бор. Биз доимо буни сезиб, ҳушёр бўлиб туришимиз керак. Ташрифдан **биринчи** мақсад — Ўзбекистон хавфсизлигини сақлаш, керак бўлса ҳарбий-техник ёрдам ка-

фолати масаласи бўйича Россия раҳбарлари билан янги-янги келишувлардан иборат эканини ҳаммамиз жуда яхши англашимиз керак, қандай мақсадларни олдимизга қўйганимизни ва нима-ларга эришганимизни халқимиз билиши керак. Россия Президенти Владимир Владимирович Путин билан, шу масалага алоқадор, дахлдор бўлган раҳбарлар билан гаплашиб, биз янги шартномаларни имзолашга келишдик. Ўйлайманки, ташрифимиз натижаси самарали бўлди — тинчликни сақлаш кафолатларини кучайтириш, Ўзбекистонга қаратилган ҳар қандай ёвуз ниятлар, бало-қазоларга қарши янги келишувлар, янги шартномаларни имзолашга аҳдлашдик. Ташрифимиз натижасида кафолатни кучайтириш, яъни тинчликни сақлаш, ҳар қандай балолар, ёвуз ниятларнинг олдини олиш мақсадида биз анча ишларни қилдик, бир қанча келишувлар ва натижаларга эришдик.

Иккинчи масала бу — икки томонлама алоқалар. Авваламбор, иқтисодий соҳадаги алоқалар, иқтисодиётни яхшилаш масалалари, Россия билан узоқ давом этадиган, тенг ва ўзаро манфаатли алоқаларни ташкил қилиш ва уни чуқурлаштириш, керак бўлса янги-янги режаларни амалга ошириш учун биз кўп масалаларни кўриб чиқдик ва келишиб олдик. Шу фикримни кенгроқ тушунишингиз учун мен изоҳ бермоқчиман. Бу-

гун Ўзбекистоннинг ташқи савдо-сотиқ масалалари бўйича алоқаларини юз фоиз деб олсак, Россиянинг улуши ҳозир 16 фоизга тенг. Яъни Россия билан иқтисодий алоқаларимиз ташқи савдо ҳажмида ҳаммаси бўлиб 16 фоизни ташкил этмоқда. Эсингизда бўлса керак, бир вақтлар совет даврида бу рақам 99 фоиз эди. Аслида 99,9 фоиз десак ҳам тўғри бўларди. Нимага деганда биз бошқа давлатлар билан алоқани билмасдик. Мабодо қўшнилар билан алоқа боғлайдиган бўлсак ҳам, аввало, Москвага бориб, бунинг тасдиғини олиб, шундан кейингина Қозоғистон, Туркманистон ёки Тожикистон, Қирғизистон билан алоқалар боғлар эдик.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Буни ҳар қайси одам ўйлаб кўриши керак: эркин савдо, манфаатли алоқа, манфаатли ҳамкорлик деган иборалар бугун қандай мазмун, маъно билан тўлдириляпти? Яъни кеча биз бу масалада қандай йўл тутардигу, бугун-чи? Бизнинг эркинлигимиз, иқтисодий эркинлигимиз шу даражада эдики, 99,9 фоиз алоқаларимиз марказ билан боғланган эди. Ҳозир Россия билан алоқалар 16 фоизга тушди. Бунинг сабабларини, аввало, нимада кўриш керак. Эркин давлат, эркин иқтисод, аввало, ўз манфаати асосида иш кўради, яъни тепадан режалаштирилган рақамларни ёки қандайдир режаларни амалга ошириш мақсадида

фойда келса ҳам, келмаса ҳам савдо-сотиқни ташкил этишга мажбур эмас. Ўзбекистон иқтисодиёти бугун барча ривожланган давлатлар билан, агарда ўзи манфаат кўрса, алоқа боғлайди, агар манфаат бўлмаса, бизнинг мақсадларимиз, режаларимизга мос келмаса, улар билан ҳамкорлик қилмайди. Ҳамкорлик қилувчи шериклар бизга ҳурмат, эҳтиром билан қарашларини, улардан қонунларимизга тўлиқ риоя этишларини талаб қиламиз. Агар талабимизни бажармасалар, биз алоқалардан жуда катта зарар кўрадиган бўлсак, давлатимиз мустақиллиги қаёқда қолади? Табиийки, оладиган фойда ҳақидаги режаларнинг ҳаммаси пучга чиқади, умуман, бу Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир одамнинг турмушига ўз салбий таъсирини ўтказди.

Маълумки, ҳозир Россиянинг ўзи ҳам оғир аҳволга тушган. Россияда, авваламбор инвестиция масаласи бўйича қийинчиликлар мавжуд. У ўзи билан ўзи овора бўлиб, шундай оғир аҳволга тушди. Мисол учун битта рақамни келтирай: ҳозир 1990 йилдагига — собиқ иттифоқ даврига нисбатан Россияда иқтисодий кўрсаткичлар 50 фоизни ташкил қилади. Қанчадан-қанча корхоналар бугун ишсиз, тўхтаб турибди. Ялпи маҳсулот бугун 50 фоизни ташкил қилаётган бўлса, демак, ташқи иқтисодий алоқаларнинг имкониятларини ҳам шунга қараб баҳолаш мумкин. Инвести-

ция имкониятлари чекланган давлат, албатта, ўз манфаатли алоқаларини йўқота бошлайди.

Иккинчи масала шундан иборатки, Россиянинг технологиялари, Россиядан сотиб олинган техника қандайлигини, яшириб нима қиламиз, ҳаммамиз яхши биламиз. Оддий деҳқон, қишлоқ хўжалик соҳасида ишлайдиган оддий одам ҳам буни яхши билади. Лекин ҳозир бизга қаттиқ валюта керак. Биз бу қаттиқ валютага дунё бозорларидан нимани хоҳласак сотиб оламиз, олиб келамиз. Россияда биз учун керакли моллар бор; мисол учун, металл оламиз, ёғоч оламиз, машиналарни оламиз, керакли хом ашёни оламиз. Лекин биз улар берадиган нарсани эмас, ўзимиз хоҳлаган, бизда эҳтиёж бўлган молни, хом ашё бўладими, ускуна бўладими, техника бўладими, очиқ эркин бозорда сотиб олмоқчимиз. Энди “сен менга буни берасан, мен сенга буни бераман”, деган савдо қолиб кетди. Шунинг учун энг охирги масала шундан иборатки, биз дунё бозорига чиқмоқчимиз. Дунё бозорида ким бизга қандай шароит туғдириб берадиган бўлса, шу давлат билан, шу шерикларимиз билан бирга савдо-ни ташкил қилишимиз керак. Мен мана шу таъмоийлларни баён қилдим.

Энди, бугунги суҳбатимиз мақсади — Россия билан иқтисодий алоқаларни яхшилаш хусусида тўхталсам. Авваламбор, нима учун бугун юқори-

да айтилган даражага тушиб қолдик? Иқтисодий алоқаларни кучайтириш учун биздан нима керак, биз ўзимизда қандай қонун қабул қилишимиз, қандай тўсиқларни олиб ташлашимиз, яна қандай ишларни ташкил қилишимиз керак? Россиянинг тегишли ташкилот раҳбарлари, вазирлари, раҳбарияти билан шу масалани очиқ-ойдин гаплашиб олиш керак эди. Булар ҳақида гаплашдик. Лекин сира унутмаслик керакки, иқтисодий алоқалар тагида битта нарса — ўзаро манфаат ётади. Бу жуда катта аҳамиятга эга масала. Мен нима учун савдо ҳажми пасайиб қолганининг асосий сабабларини тушунтириб бердим. Лекин ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар учун катта имкониятлар ҳам бор. Биринчидан, Россия бозори жуда кенг бозор. Ҳозир Асакада ишлаб чиқариладиган енгил машиналардан 18 мингтасини ўтган йили Россияга сотдик. Россия билан ўзаро алоқаларимиз кўп соҳада жуда яхши кетяпти. Иккинчидан, хом ашё масаласида Россиянинг бизга нисбатан кўп имкониятли томонлари бор. Мисол учун бизга металл, металл қувурлар керак. Катта-катта электростанцияларимизни жиҳозлашимиз керак. Уларни реконструкция қилишимиз керак. Қарши магистрал каналини бошқатдан жиҳозлашимиз, таъмирлашимиз зарур. Бу магистралнинг асосий ускуналари, механизмлари Россиядан олиб келинган. Бизнинг маҳсуло-

тимиз ҳам қайси россияликка маъқул бўлса, кимнинг шунга эҳтиёжи бўлса, сотиб олаяпти.

Бизнинг келажагимиз шундай — ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар келажагимиз шунга асосланади. Оддий қонун, очиқ чегара, очиқ савдо, очиқ иқтисод. Аммо буларнинг ҳаммаси фақат манфаат, яна бир бор манфаатга асосланади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаётни қурмоқчимиз. Бунинг учун иқтисодиётимизни юқори даражаларга кўтаришимиз керак. Насиб этса, шунда ҳеч кимдан кам жойимиз бўлмайди, асло кам бўлмаймиз. Шунинг учун бизга жуғрофий яқин бўлган, ҳар томонлама дўст бўлган Россиядан ускуналар олиб келишга тайёرمىз. Яна нима учун биз 16 фоизга тушиб қолганимизнинг иккинчи сабаби ҳам ҳаммага аён бўлиши керак. Бизнинг Россияга қарши ҳеч қанақа ғаразли ниятларимиз, мақсадларимиз йўқ. Лекин, барака топкурлар, шу дунёда яшаётган эканмиз, унинг қонунларига ҳам риоя қилишимиз керак-ку, иқтисодий алоқаларнинг ўзаро манфаатдорлиги қонунига итоат этишимиз керак.

Учинчи масала. Бир вақтлар биз пахтамиздан ишлаб чиқарадиган толанинг 98 фоизини Россияга жўнатардик. Қолганини ўзимиз ишлатардик. Бугун эса биз пахтамизга ўзимиз эгамиз. Пешона тери, оғир меҳнат билан етиштирадиган бойлигимиз бўлмиш, қишлоқ хўжалигининг асосий

даромад манбаи бўлмиш пахтамизни биздан ким қимматроқ сотиб олиш бўйича таклиф билдирса, шунга сотаяпмиз. Яъни дунё бозори қандай нарх қўядиган бўлса, ким доллар ҳисобида юқорироқ нарх таклиф қилса, биз ҳаммага ҳам сотишга тайёرمىз. Бизга улар кулимсираб қараяптими ёки бошқача қараяптими, фарқи йўқ. Бизга иқтисод, яна бир бор иқтисод керак. Бу эса Россия билан иқтисодий алоқаларимиз 16 фоизга тушишининг сабабларидан бири бўляпти. Биз Россияга: “Қанча эҳтиёжингиз бўлса, келинглари, сотишга тайёرمىз. Лекин нақд пул билан тўлайсиз. Рубл билан эмас, долларми, марками ёки бошқа эркин валюта бўладими, шунга сотамиз деб айтаяпмиз. Россиянинг бундай имкониятлари бору, лекин етарли эмас. Москва, Иваново, бошқа шаҳарларидаги фабрикалари бизнинг пахтамизга муҳтож. Жон деб олади, лекин тўлашга доллари, валютаси етарли бўлмагани сабабли ололмаёпти. Бугун дунё қабул қилган савдо-сотиқ қоидаларини биз ҳам ишлатмоқчимиз. Улар маҳсулот алмашиш, яъни бартерни таклиф этса, бунинг ўзига хос хусусиятларини, маҳсулотларнинг бир-биридан фарқини яхши билиб иш тутишимиз керак. “Кейс” комбайни билан Россиянинг “Енисей” комбайнининг фарқи нимада? Россиянинг ўриш комбайнлари сифати қандай? Мисол учун биз бутунлай

янгидан сотиб олаётган технологиялар, енгил саноат учун Япониядан олиб келиниб ип-йигирув комбинатларида ўрнатилаётган ёки Жанубий Кореядан олиб келинаётган технологияларни кўринг. 1980-1989 йилларда Россиядан енгил саноатимизни юксалтирамиз, деб ҳеч кимга керак бўлмаган ускуналарни Ўзбекистонга олиб келиб ўрнатилган вақтлар яхши эсимда. Лекин биронта одам, барака топкур, майли, фабрикани қурамиз, уни жиҳозлаймиз, ҳаммасини тўғрилаб берамиз, лекин у қанақа маҳсулот чиқаради, деб ўйламаган. Бу маҳсулотни кимга сотамиз, унга харидор борми-йўқми, деган савол умуман қўйилмаган. Унинг сифати қандай бўлади, ким бунга харидор бўлади, деб сўрайдиган одам йўқ эди. Шунинг учун ўшанда кўплаб кераксиз ускуналар келтирилган. Оддий иқтисод илмига эга бўлган одам ҳам “лойиҳа бўйича иш бошлашдан олдин ҳамма ишни қиламиз, шунча маблағ сарфлаймиз, ҳаракат қиламиз, бироқ охир-оқибатда нима ишлаб чиқарамиз, бу маҳсулот кимга керак” деб ўйлаши керакми, йўқми?

Яна бир бор айтаман: енгил саноатни оласизми, кимё саноатини оласизми, озиқ-овқат саноатини оласизми, ёки нефтни қайта ишлаш саноатини оласизми, энди биз харидоргир маҳсулот чиқаряпмиз. Мана, Бухорода қурилган нефтни қайта ишлаш заводини олайлик. Бу ерда энг тоза

105-рақамли бензин чиқарамиз, бу бензинни дунёда ҳамма сотиб олишга тайёр. Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводини Япониядан янги, замонавий ускуналар олиб келиб бошқатдан жиҳозладик. Бу завод ҳозир мутлақо бошқа технология бўйича ишляпти. У ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиб олишга ҳамма навбатда турибди. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтиришим мумкин. Мисол учун оддий автобусни олинглар. “Мерседес” автобуслари қанақа-ю “Львов” автобуслари қандай? Бу автобуслар Тошкент ва бошқа шаҳарларда йўловчиларни ташияпти — ҳар ким қиёслаб кўриши мумкин. Яна қандай мисоллар келтирай? Ҳар қайси хонадонда мавжуд телевизорларни оласизми, рўзфорга керак бўладиган жиҳозларни оласизми, ҳаммаси бизга ташқаридан бемалол олиб келиняпти, чегараларимиз очиқ. Кимнинг маҳсулоти бизга маъқул бўлса, шуни сотиб олиб келамиз, деган таклифни қўйяпмиз. Жуда кўп маҳсулотларни дунёнинг бошқа чеккасидан эмас, айнан Россиядан олиб келаяпмиз-ку. Мана, электростанциялар ҳақида гапирдим. Россиянинг жуда катта нуфузга эга бўлган заводлари бор. Дунёнинг ҳамма давлатлари шулардан зарур моллар олади, биз ҳам шулардан олишимиз керак. Агар режаларимизни амалга ошириш йўлида ҳаракат қиладиган бўлсак,

бу технологияларни, кимё заводлари ва бошқа корхоналар учун ускуналарни Россиядан олиб келамиз.

Энг муҳим нарса, биз фақат бугунги кун билан яшамаслигимиз лозим. Кечирасизлару, шу масалага жамоатчилигимизнинг эътиборини алоҳида жалб қилишни лозим топаман. Агар биз бир кунлик режалар билан яшайдиган бўлсак, ҳеч нарсага эришмаймиз. Бу калтабинлик бўлади. Нафақат ўзимиз, балки эртага келадиган авлод кимлар билан ҳамкорликда яшайди ва, авваламбор, кимга суяниб, ким билан тенг ҳуқуқли, манфаатдор алоқаларни юритади? Аввало биринчи масала — хавфсизлик, осуда ҳаёт кечиришни кафолатлашда, сўнг иккинчи масала — иқтисодни кўтаришда ким билан ҳамкорликда бўламиз? Бу жуда муҳим саволлар. Шунини унутмаслигимиз керакки, Россия қудратли давлат. Биз ҳам уларнинг манфаатини, ҳам ўзимизнинг манфаатимизни ҳисобга олиб иш юритишимиз керак. Улар билан узоқ муддатли манфаатли алоқаларни ўрнатишга мажбурмиз. Мажбурмиз, деганим балки баъзиларга бошқача туюлар. Лекин бу, ҳар томонлама асосланган, ҳар томонлама ўйланган, ҳар томонлама чуқур фикр юритиб чиқарилган тўғри хулоса.

Иқтисод ҳақида гапирадиган бўлсак, харитага бир қаранглар: Россия қанақа бойликларга,

қандай имкониятларга эга. Россия ҳар доим мана шундай — ҳозиргидай бўлиб қолмайди. Россия учун ўтган ўн йиллик катта синов бўлди. Россия кўп нарсани кўрди. Айтиш жоизки, бугун ўз пайтида қўйилган нотўғри қадамлардан хулоса чиқаряпти. Бутун дунё Россиянинг эртанги кунига, салоҳиятига, унинг ҳар томонлама қудратига, такрорлаб айтаман, унинг қудратига назар соляпти ва тан оляпти. Манаман деган катта-катта давлатлар ҳам Россия билан яхши бўлайлик, деган сиёсатни олиб боряпти. Шунга эътибор беришимиз керак. Биз ҳам Ўрта Осиёда яшаб, қандайдир калтабинлик кайфиятларига берилиб, энди биз ундай бўлдик, бундай бўлдик, деб, Россияга нисбатан менсимаслик кўзи билан қарамаслигимиз керак. Халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, тушунтиришни истайманки, Россия билан алоқаларимиз барибир яхши бўлиши керак!

Шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор айтмоқчиман: хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, эртанги кунимиз Россия билан бирга. Шунинг учун демократик Россия, тенг кўз билан қарайдиган Россия, бизларни тан оладиган Россия, бизларнинг салоҳиятимизни, эртанги кунимизни, урф-одатларимизни, ҳар хил анъаналаримизни, керак бўлса, ўзбек табиатини, такрорлаб айтаман, ўзбек табиатини маъқул деб биладиган ва ўзимизга хос,

Ўзимизга мос интилишларимизга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром билан қарайдиган, диний қарашларимиз, дунёвий қарашларимизни қабул қиладиган Россия биз учун маъқул. Шундай Россияга, эртаси порлоқ Россияга хайрихоҳлик ва умид билан қараямиз. Менинг сиёсатдаги фикрим шуки, Россия билан барибир яхши бўлишимиз керак. Биз демократик Россия билан ўзаро алоқаларни яхшилашга, чуқурлаштиришга, ҳар томонлама манфаатли муносабатларни янги босқичларга кўтаришга ҳамиша тайёр эканимизни мен илгари ҳам айтганман. Халқимиз буни ҳар томонлама маъқуллайди, шу сиёсатни қувватлайди. Бунинг устида кўп ўйлаб, ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб, ўзбекча айтганда, дўппини олиб қўйиб, ақл-ҳушни йиғиб, жуда чуқур, обдон ўйлаб, барибир шу фикрга келаяпман. Яна бир бор айтаманки, халқимиз буни маъқуллайди. Совет даврида, “десантчи”лар пайтида, ундан олдинги пайтларда бизни менсимаслик ҳоллари бўлган, аммо булар ҳаммаси энди тарих. Доим ана шу тарих билан яшаш ва шу тарихга қараб фикрлаш бу калтабин сиёсат бўлур эди. Бундай сиёсат билан узоққа бориб бўлмайди.

Биз эртанги кунимизни ўйлашимиз керак. Мен Ўзбекистоннинг истиқболи, униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ҳақида кўпроқ ўйлайман ва ишонаманки, бу — ҳар томонлама тўғри сиёсат.

Ақлини жамлаб, чуқур ўйлаб сиёсат олиб борадиган раҳбар бугунги кун билан эмас, балки эртанги кун билан яшайди. Муҳими — Россия бизга тенг кўз билан қарасин. Собиқ иттифоқ йўқ бўлди, собиқ Ўзбекистон Социалистик Республикаси энди йўқ, биз мустақил Ўзбекистонмиз! Россия мана шу мустақил Ўзбекистон билан ўзаро алоқа тузишини ва бизга ишончли шерик тариқасида қарашини, биз билан мана шундай сиёсат юритишини хоҳлаймиз. Ўзбек тилида бир гап бор: “бош устига” деган, мен шу сиёсатни “бош устига” деб айтаман. Ва халқимиз ҳам шунга қўшилади.

Учинчи йўналиш — халқаро майдонда олиб борилаётган сиёсат тўғрисида гапирадиган бўлсам, Россия қудратли давлат, Россияга суянадиган, Россиянинг имкониятларига, салоҳиятига суянадиган давлатлар жуда кўп. Бугун дунёда бўлаётган халқаро сиёсатни инобатга олсак, дунёдаги катта-катта муаммолар Россия таъсирисиз, Россия давлати қатнашмасдан ҳал қилинмайди. Мана, Яқин Шарқни олайлик. Фаластин—Исроил можароси неча йилдан бери бўляпти. Дунёнинг бошқа жойларини кўринглар. Россия сиёсатда фаол қатнашади. Бошқа давлатлар Россия сиёсатини инобатга олади. Мана, Хитойни олсангиз, Японияни олсангиз, Германиянинг бугунги сиёсатига эътибор берсангиз ёки Америка

Қўшма Штатлари Президенти жаноб Буш ўзининг чиқишида Россияга ишора қилиб айтган гапларни инобатга оладиган бўлсангиз, Россия бу — кучли, қудратли давлат. Дунё сиёсатида, дунёда қандай можаро бўлса, бу можарони Россиясиз ҳал қилиш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, биз халқаро хавфсизлик масалаларини, дунёдаги биз учун манфаатли, бизга алоқаси бўлган масалаларни ечишда, ташқи сиёсатимизни олиб боришда алоқаларимизни яхшилашга интилишимиз, икки давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда барча масалаларни бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро маслаҳат асосида ҳал этиш учун ҳаракат қилишимиз керак.

Мисол учун бизга яқин бўлган давлат ва, таъбир жоиз бўлса, бизнинг жуда катта “бошоғригимиз”, бизга доимий хавф бўлиб турган афғон муаммосини олайлик. Бу муаммони ечишда, авваламбор, Россиянинг имкониятларига суянишимиз керак. Нега деганда, Россиянинг ўзи ҳам бу масаладан манфаатдор. Агар Афғонистонда йигирма йилдан бери олиб борилаётган уруш муаммоси тинч музокаралар йўли билан ечиладиган бўлса, мен ўйлайманки, бу ўз навбатида Чеченистондаги можароларнинг ҳал этилишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Агар Афғонистонда тинчлик ўрнатилса, Россиянинг хавфсизлигига ҳам ижобий таъсир қилади. Шунинг учун Россия бу

масала бўйича бошқа давлатлар: Америка Қўшма Штатлари, Европа давлатлари, Япония, Хитой каби давлатлар қаторида ҳал қилувчи фикрга эга. Афғонистон можаросининг адолатли ҳал этилишида, шу муаммонинг ечимини топиш борасида Россиянинг ҳам улуши жуда катта ва буни биз эътиборга олишимиз керак. Халқаро сиёсатда мана шу Афғон муаммоси, Яқин Шарқ муаммоси мисолида Россиянинг имкониятлари нақадар катта эканини кўришимиз мумкин.

Яна битта масалага мен эътибор қаратишим керак. Яқин кунларда, июнь ойининг ўн бешларида Хитой давлатининг Шанхай шаҳрига бориб, жуда катта кенгаш ўтказиш, янги бир ташкилот тузиш бўйича ҳужжатлар тайёрланыпти. Ўзбекистон ҳам шу кенгашга аъзо бўлиб, ундан манфаат топишга интиляпти. Ҳаммангизга маълум, Шанхайда бешта давлат — Хитой, Россия, Марказий Осиёда жойлашган Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари бир вақтлар чегара муаммоларини ечиш мақсадида “Шанхай бешлиги” деб аталаётган ташкилотни тузишган эди. Бу муаммолар ўз ечимини топиб бораётган бир пайтда бу ташкилотни тузганлар уни янги босқичга кўтармоқчи, яъни фақат чегара муаммоларини ечишгина эмас, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, осойишталикни сақлаш кафолатини ўйлашмоқда. Бу билан нафақат Россия, балки биз ҳам

ўз манфаатимизни, тинчлигимизни, осуда ҳаёти-
мизни сақлашда бу ташкилот имкониятларидан
фойдаланмоқчимиз. Ўзбекистонда яшаётган ҳар
бир одам биладики, Хитой ҳам қўлини қаёққа
узатса, етади. Биз ҳам улар билан бир ёқадан бош
чиқариб ҳаракат қилсак, барчага маъқул келади.
Бундан биз ҳам манфаатдормиз, ҳам ҳамкорлик-
нинг иқтисодий фойдасини кўриш, ўзаро савдо-
сотиқ масалаларида чегараларни очиб бериш,
келишиш орқали молларимизни, маҳсулотлари-
мизни четга чиқариш ва четдан маҳсулот олиб
келиш ва шунинг ҳисобидан бозоримизни тўлди-
риш, ўз маҳсулотларимизни у ерда сотиш маса-
ласида янги имкониятлар пайдо бўлади. Ўзбеки-
стондан чиққан нафақат сайёҳлар, умуман, ҳар
қайси фуқаро хоҳлаган пайтида Хитойга, хоҳла-
ган пайтида Россия давлатига борса, ўз хўжалик
юмушларини бажарса, бу ҳар кимга ёқадиган иш
бўлади. Одамларнинг, халқларнинг бир-бирига
муносабатларини яхшилаш, таълим-тарбия соҳа-
сидаги, маънавий, маданий алоқаларимизни бир-
бирига яқинлаштириб, ўзаро ҳамкорлик майдо-
ни ташкил қилиш масаласида ҳам, ўйлайманки,
бу ижобий таъсир ўтказади. Шунинг учун олди-
мизга қўйган учинчи йўналиш — ташқи сиёсат
тўғрисида гапирадиган бўлсам, Россия мана шу
Шанхай кенгашига Ўзбекистон ҳам аъзо бўли-
шини қўллаб-қувватлаяпти ва бундан манфаат-

дор эканини билдирыпти. Мана шундан ҳам кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Россия билан яқин сиёсат олиб бориши учун ўзаро алоқаларда ҳар икки томон учун манфаатли томонларни қидириб топиш ва Россия билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришимиз керак.

*Москва сафаридан қайтиш чоғида
самолётда бўлган суҳбат,
2001 йил май*

“БАРКАМОЛ АВЛОД” СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, барчангизни “Баркамол авлод” нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиш, унинг дастлабки қатнашчилари бўлиш бахтига мушарраф бўлиб турганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу мусобақалар юртимизда истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган олижаноб ишларимизнинг яна бир ёрқин натижасидир.

Шунинг учун ҳам мустақиллик руҳида униб ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ана шундай спорт анжуманида иштирок этиши, ўз кучи ва маҳоратини, олижаноб фазилатларини намоён этиши биз учун истиқлолимизнинг энг улуг ютуқларидан биридир, десак асло муболаға бўлмайди.

Бугунги воқеа ўсмирларимиз ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларига асос бўлаётгани, бу соҳада янги анъаналарни бошлаб бераётгани билан ҳам қадрлидир. У сизнинг нафақат жисмоний чиниқишингизга, балки ҳалол беллашувлар иштиёқи, ғалабалар қувончи билан яшашингиз-

га, халқимизга хос мардлик, тантилик ва бағрикенглик ҳисларини кўрсатиб, маънавиятингизнинг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Шу маънода, халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими, соғлом турмуш тарзи талаблари асо-сида яшайдиган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради.

Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимни бағримга босиб, айтмоқчиман: сиз — Ал-помиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Тему-р каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз, сиз — буюк юрт фарзандларисиз.

Азиз болаларим!

Ишонаманки, сизлар бу ҳақиқатни нафақат спорт майдонларидаги ғалабаларингиз, балки ҳаётдаги эзгу интилишларингиз билан ҳам исбот этасиз.

Қалбингизни ғалаба иштиёқи ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга омад ёр бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ
ДАВОМИДА БИЛДИРГАН ФИКР-
МУЛОҲАЗАЛАРИ**

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ БЎЙИЧА

Хурматли депутатлар!

Мана, ҳозиргина Молия вазирининг бюджет ижроси ҳақидаги ҳисоботини эшитдик. Менимча, унда ушбу масаланинг ижобий томонларига кўпроқ эътибор берилган, бюджет ижроси билан боғлиқ жиҳатлар, камчилик ва нуқсонлар тўғрисида айтарли гапирилмади. Демокчиманки, депутатлар олдида бериладиган бундай қуруқ ҳисобот нима учун керак? Фақат уни бажардик, буни бажардик деб мақтаниш учунми? Молия вазири, авваламбор, белгиланган вазифаларни бажариш жараёнида қандай муаммолар пайдо бўлгани, қандай масалалар ечилмагани ҳақида кўпроқ гапирса, ўйлайманки, депутатлар ҳам уларга муносабат билдириш имконига эга бўларди.

Бундай ҳисоботларда биринчи навбатда асосан нимага эътибор бериш керак? Режадаги ишларнинг қайси бири бажарилмагани ва нима сабабдан бажарилмаганини битта жадвал орқали

кўрсатиш мумкин эди. Бюджетнинг даромадлар қисми ўз йўли билан, харажатлар қисми ҳам ўз йўли билан бажарилиши керак. Лекин уни яхлит ҳолда бажариш — бу ҳаёт-мамотимиз билан боғлиқ. Агар бюджет яхши, тўлиқ ёки ошириб бажарилса, олдимизда турган масалаларни ечишда қўшимча имкониятлар пайдо бўлади. Чунки бюджет бу — маблағ дегани. Маблағ бўлса, ҳамма нарса бўлади. Агар маблағ кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаса, бюджет йўналишлари бўйича номувофиқлик келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан мен маърузачига бир нечта савол бермоқчиман. Мисол учун, даромад ва харажат бўйича давлат бюджетининг неча фоизи маҳаллий бюджетга боғлиқ? Бу — биринчи масала. Иккинчи масала — 2000 йилда бажарилмаган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни жалб қилиб, бошқа бир саволни бермоқчиман. Мана, давлат бюджетининг ижроси ҳақида маълумотга эга бўлдик. Унинг харажатлар қисми болали оилаларга нафақалар тўлаш бўйича 99,4 фоизга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш бўйича эса 98,8 фоизга бажарилибди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу ҳол охир-оқибатда давлат сиёсатини обрўсизлантиришга олиб келмайдими, турмушимизга салбий таъсир қилмайдими?

Мана шу масала бўйича маърузачига яна битта принципиал савол бермоқчиман. Бизнинг сак-

кизта вилоятимиз дотацияли вилоят ҳисобланади. Бу залда уларнинг ҳокимлари ўтирибди. Мавжуд вазиятдан чиқиб кетиш учун ким, қандай ҳаракат қиляпти? Мана, масалан, Жиззах, Сурхондарё каби вилоятларда кўп-кўп соҳаларда касса режалари бажарилмаяпти. Уларга ойлик тўлаш, одамлар харажатини қоплаш учун марказдан қанча-қанча пул бериляпти. Шундай экан, мана шундай оғир аҳволдан, яъни дотациядан чиқиш учун бу вилоятларда ким нима қиляпти, қандай чоралар кўряпти, деган ҳақли савол туғиладими, йўқми? Мана шунинг ўзиёқ ҳамманинг бир хилда ишламаётганини кўрсатади. Ҳокимлар ёки мутасадди раҳбарлар бу масала бўйича ўз масъулиятини тушунадими, йўқми? Бу вилоятлар қачонгача боқиманда бўлиб яшайди? Албатта, бу ишларда халқнинг ҳеч қандай айби йўқ.

Мени яна бир нарса ўйлантиради, бу масала бўйича тадбирлар режаси, аниқ бир дастур борми? Агар бўлса, шу тўғрида фикр алмашайлик. Нима учун битта вилоят яхши ишлайди, ўзини ўзи боқади, керак бўлса, бошқаларга ёрдам бериш учун ўз улушини ҳам қўшади. Аммо шундай вилоятлар ҳам борки, сурункасига ишда бирор бир ўзгариш қилмай келади. Худди марказдан ортиқча пул олиш улар учун табиий ҳолга айланиб қолган. Улар аслида ҳам шундай бўлиши керак, деб ўйлайди.

Аҳволни ўнглаш учун янги корхона қурмайдими, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмайдими? Мана, Сирдарёни олинглар, шундоқ Тошкентнинг ёнида. Қачонгача у ердаги одамлар шунча йўл босиб, Тошкентга келиб тирикчилик қилади? Қачонгача ўзининг рўзғор юмушини пойтахтга қатнаб бажаради? Шунга ўхшаган ми-солларни юзлаб келтириш мумкин. Бу юксак минбарга чиққанда шулар тўғрида гапириш керак эмасми?

Биз нима учун депутатлар олдида ҳисобот берамиз? Бу — бировни дўппослаш, ҳақорат қилиш учун эмас, балки улар билан келишиб, маслаҳат қилиб, мавжуд масалаларнинг қулай ечимини топиш учун қилинадиган иш. Ҳозир 8 та вилоят дотацияда турибди, деб айтилди. Хўп, аҳвол шундай экан, унинг объектив ёки субъектив сабаблари бўлиши, бугун уларни рўкач қилиб қутулиб қолиш мумкин. Лекин эртага нима бўлади? Булар қачонгача боқиманда бўлади? Нима учун Жиззахдаги одам Тошкентга келиб харажат қилиши керак. Бориб-бориб ҳамма шунга ўрганиб қолмайдими? Нима учун вилоятларимиз ўз бозорларини ривожлантирмайди? Нима, у ерларда савдогарлар йўқми? Ёки кичик бизнес йўқми? Ёки уларга шароит яратиб бериш мумкин эмасми? Бир фараз қилинглар, одамлар 250 километр йўл босиб керакли молларни Тошкентдан олиб кетади.

Маърузачи шу масала бўйича депутатларга ўзи масъулияти, керак бўлса, уларнинг масъулияти тўғрисида қаттиқроқ гапирмайдими?

Мен сизнинг бугунги чиқишингизда буни сезмадим. Биз ҳозир нимани муҳокама қиляпмиз? Ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган бюджет тўғрисида гапиряпмиз. Силлиққина гапларни гапириб, минбардан тушиб кетиш — осон иш. Масалани кенгроқ очиб бериш учун, керак бўлса, қўшимча вақт сўраш зарур эди. Аслида маърузада фақат рақамларга ёпишиб олмай, бу борадаги умумий тамойиллар, йўналишлар тўғрисида ҳам гапириш лозим эди.

Тўғри, ижобий йўналишлар — солиқни камайтирганимиз, харажатларни қисқартиришга эътибор бераётганимиз, ижтимоий ҳимоялаш бўйича кўп-кўп ишларни қиладиганимиз ҳақида гапирилди. Лекин бюджет ижросини таъминлашдаги салбий кўринишлар нимадан иборат?

Бюджет орқали ҳаётимизнинг нафақат яхши қирраларини, балки ҳеч кимга ёқмайдиган ёмон томонларини ҳам кўришимиз мумкин. Яъни вазирнинг чиқишида бутун мамлакатимиз ютуқларигина эмас, муаммолари ҳам акс этиши керак эди.

Мен бу тўғрида биронта танқидий фикрингизни эшитмаганим учун куйиниб гапиряпман. Бугун силлиқ гап ҳеч кимга ёқмайди. Бу — парламент, халқ вакиллари йиғиладиган жой.

Энди яна бир масалани ўртага қўймоқчиман, болаларга ажратиладиган нафақа нима учун ўз вақтида берилмаяпти, нима учун тўловлар бора-сида нуқсонлар, катта-катта камчиликлар бор? Бунга сабаб нима? Вазирнинг вазифаси кабинетда ўтириб, харажат ёки рақамларни назорат қилиш эмас, балки ажратилган маблағларнинг нима учун тегишли жойларга етиб бормаётгани ва вақтида ўзлаштирилмаётганини аниқлаб, керакли чоратadbирларни кўришдан иборат. Молия вазирлигида назорат-тафтиш бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари бор. Шундай экан, нима учун ўз ишига совуққон, масъулиятсиз, бепарво одамлар жавобгарликка тортилмаяпти?

Шу кунларда янгича бошқарув шакли, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида кўп гапиряпмиз. Яқинда ана шу залда жуда катта кенгаш бўлиб, унда мамлакатимизнинг ҳамма жойидан келган оқсоқоллар, ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларни юқори савияда ўтказиш тўғрисида маслаҳатлашиб олишди. Мен телевидение орқали шу мажлисни кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Шу муносабат билан бу ўринда битта рақамни келтирмоқчиман. 2000 йилда ҳисобот бўйича ўзини ўзи бошқарув органларини сақлаш харажатлари 96,8 фоизга бажарилган.

Мен сизларга қаратиб бир нарсани айтмоқчиман. Билиб қўйинглар, ўзини ўзи бошқариш

органлари — бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади. Биз бутун ана шу асосларни қуришни бошладик. Агарда бу масалага совуққонлик билан қарайдиган бўлсак, белгиланган харажатларни уларга етарли даражада ажратиб бермасак, бу борадаги режаларимиз қуруқ гап бўлиб қолмайдими? Бу ҳаммаси баландпарвоз гаплар. Нега улар учун мўлжалланган маблағларни ўз вақтида тўламайсизлар? Бунга ким сабабчи?

Тежамкорлик керак, лекин бу масаладаги тежамкорликнинг салбий томони бор. Мен бу гапларни шу ерда ўтирган мутасадди вазифадаги одамларга қарата айтяпман.

Вазир шунинг ҳаммасини назорат қилиб, бутун мана бу ерда ҳаммага холисона тушунтириб бериши, эй оғайни, сиз мана бундай ишладингиз, сиз бўлса, мана шу масалага совуққонлик билан қарадингиз, бунинг натижасида биз шундай зарар кўрдик, деган гапларни гапириши керак эди. Бошқалар ҳам бу борадаги ўз масъулиятларини сезиши керак. Айтайлик, биз ҳисоботларга мана шундай юзаки қараб, шундай муҳим масалага эътиборсиз бўлсак, ундан кўзлаган мақсадга эриша оламизми? Мен бу ҳақда нафақат мана шу ҳисобот берган вазиримизга, марказда — Тошкентда ўтирган мутасадди раҳбарларга, бал-

ки мана шу залда ўтирганларга қарата ҳам айтмоқчиман: барака топкурлар, бюджет тўғрисида гапириш чоғида шу масалага эътибор беринглар. Ҳар қандай парламентнинг олдига қўядиган мақсади, ҳуқуқ нуқтаи назаридан қараганда, асосий вазифаси, авваламбор, давлат бюджети орқали ҳаётни ҳар томонлама назоратга олишдир.

Биз ҳар йилнинг бошида келгуси йил учун бюджет лойиҳасини тасдиқлаймиз. Уни ҳар кварталда қаттиқ назоратга олиб, ҳар қайси рақам, ҳар қайси кўрсаткич бўйича таҳлил қиламиз: нима учун униси ўзгарди, нима учун бунисига эътибор берилмади? Нима учун бу масала бўйича қандайдир масъулият сезилмаяпти? Парламент бюджет орқали бутун давлат ижро тизимини, ижро органларини, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасини, ҳар қайси вазирликни, ҳар қайси вазирни, жойларда ҳар қайси ҳокимнинг масъулиятини қўлида маҳкам ушлаб туриши мумкин. Минг афсуски, биз шу масалага етарли даражада эътибор бермаймиз. Яна бир бор айтаман, сизлардан илтимос қилиб, тавсия бериб, керак бўлса, ўтириб сўрайманки, бундан кейин бюджет ижроси бўйича бўладиган умумий ҳисоботга қаттиқ тайёргарлик кўриш керак, шу ерда ўтирган ҳар қайси депутат, авваламбор, ўзининг орқасида турган минг-минглаб одамларнинг дарду ғамларини, муаммоларини, харажатларини, катта-кичик

юмушларини, қолаверса, давлатимизнинг келажagini ҳисобга олиб, фикр юритсин, масалани муҳокама қилсин. Бундай масалани парламент, яъни Олий Мажлис ҳам доимий эътиборда тутиши керак.

* * *

Гапнинг сираси шуки, ҳисобот бўйича кўп ҳужжатлар тайёрлаш мумкин. Лекин уларни ҳеч ким ўқимаса, ҳатто уларга қизиқиш ҳам сезилмаса, депутатлар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бундай ҳисоботдан ҳеч кимга наф йўқ. Ўйлайманки, авваламбор, бу масала Олий Мажлиснинг тегишли қўмита раҳбарини безовта қилиши керак. Ишонаманки, ҳар қайси депутат — у деҳқонми, ишчими, зиёлими, ким бўлмасин, қаерда ишламасин, агар хоҳласа, ҳамма нарсани тушуниши мумкин. Бунинг учун одамда фақат битта нарса — масъулият ҳисси, қизиқиш бўлиши лозим. У масалаларни бир-бири билан узвий боғлаб, пировард натижада, ҳўш, бу Давлат бюджети бўладими, маҳаллий бюджет бўладими деб сўраши керак. Депутат одам, мен халқ вакили, халқ ноибиман, шундай экан, мен халқ манфаатини таъминлаш, керак бўлса, менга кўрсатилган ишончни оқлаш борасида, аввало, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшиб, мақсадимга етишим мумкин, деган ўй-хаёл билан яшаши зарур. Иқти-

содиёт дегани бу — маблағ. Маблағ дегани нима? У бюджетда мужассамлаштирилган харажатлар. Биз бугун биринчи навбатда нимага эътибор беряпмиз? Ижтимоий масалага. Ижтимоий масала замирида қанча-қанча кўрсаткичлар, тармоқлар бор. Мен ҳаммангизни ишонтириб айтмоқчиман: биз ҳаётимизнинг қайси бир томонини, қайси бир жабҳасини олмайлик, ҳаммаси бюджет орқали ҳаракатга келади. Бюджет ижроси тўхтаб қолса ёки у нотўғри бажарилса ёки кўнгилдагидек бажарилмаса, харажатларни кимдир ўз хоҳиши бўйича айлантирадиган бўлса, ажратиладиган пул жойларга етиб бормади ёки ўзлаштирилмайди. Буларнинг натижасида кўп нарсалар суиистеъ-мол қилинади. Масалан, болаларга бериладиган нафақаларни олайлик. Улар ҳозир жойларга етиб боряптими, йўқми? Бу масалада ким суиистеъ-молликка йўл қўмоқда? Нима учун ажратилган пуллар ўз эгаларига етиб бормади? Бунинг та-гида сиёсат ҳам бор. Ажратилган пул марказдан керакли манзилга етиб бормайдиган бўлса, одам-лар ғамхўрликнинг натижасини амалда кўрмаса, кимдан хафа бўлади? Ҳаётдан нолийди, тепада ўтирган раҳбарлардан, вазирлардан, Президент-дан норози бўлади. Кўрдингизми, бу қанчалик ҳаётий долзарб масала.

Залда ўтирган ҳар қайси ноиб, агар хоҳласа, бюджетни бошидан охиригача синчиклаб ўрга-

ниши ва жуда қизиқ, ажойиб масалаларга дуч келиши мумкин. Яна бир бор айтаман, депутатлар бюджет орқали, бюджетнинг айланиши орқали, бюджетни тузиш ва уни назорат қилиш орқалигина бутун ҳаётни, авваламбор ижро органлари фаолиятини қаттиқ назоратга олиши мумкин. Мудофаага қанча маблағ юборяпмиз, ҳуқуқ-тартибот органларига, бошқарув тизимига қанча маблағ жўнатаяпмиз? Бу йўналишлар бўйича кўпайиш тамойили кучлими, камайиш тамойили кучлими? Умуман, текинхўрларнинг сонини камайтириш, тадбиркорларнинг йўлида ғов бўлиб турган, раҳбарлик курсисидан бошқа нарсани ўйламайдиган, кичик ва ўрта бизнес ривожига халақит бераётган одамларнинг сонини нима ҳисобидан камайтириш мумкин? Бунинг учун бошқарув тизимидаги одамлар сонини камайитириш керак. Раҳбар қанча кам бўлса, билиб қўйинглар, шундан кейин фуқаролик жамиятини қуришимиз мумкин.

Фуқаролик жамияти бу — ўзини-ўзи бошқаришдир. Унинг биринчи ва асосий тамойили шу. Ҳар қандай раҳбарни нима ҳисобидан назорат қилиш мумкин? Бунинг учун ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятни, ҳуқуқни ўзига кўпроқ олиши керак. Бюджетни ҳам шу нуқтаи назардан кўриб чиқиш лозим. Бизда тескариси бўляпти. Ўз-ўзини бошқариш органларининг ха-

ражатлари бажарилмаяпти. Ўзингиз ўйлаб кўринг, давлат идораси раҳбари вазифасида ўтирганлар учун мўлжалланган маблағлар сарфи юз, юз бир фоизга бажариляпти. Мана шу далилнинг ўзиёқ бугунги ҳаётимиз, амалга ошираётган сиёсатимизнинг жуда нозик томонларини кўрсатиб турибди.

Бу ерда мактаб ва умуман, ўқув юртларининг аҳволини яхшилаш ва зарур бўлса, уларни таъмирлаш, янгитдан қуриш учун бюджетдан кўпроқ маблағ ажратиш масаласи тилга олинди. Мен унга муносабат билдириб, шундай демоқчиман. Бюджетни тақсимлаш бу — осон нарса. Агар биз шу минбардан туриб, Молия вазирлигига, Олий Мажлисга мана бу, мана бу соҳаларга кўпроқ маблағ ажратиш керак, деган саволлар билан мурожаат қилсак, ўйлайманки, биз бюджетнинг моҳиятини ҳам, уни амалга ошириш усул-усулларини ҳам тўғри тушунган бўламиз. Нега деганда, тақсимлаш осон. Лекин нимани тақсимлаш керак? Аввало, шу ҳақда ўйлаб кўриш лозим. Мана шу нуқтаи назардан, бу масалани кўтарган Бўстонлиқ тумани ҳокимига бир савол бермоқчиман. Биз бюджетнинг даромад қисми бажарилишини Тошкент вилояти ёки Бўстонлиқ тумани мисолида нима ҳисобидан кўпайтиришимиз мумкин. Шу масала бўйича агар сиз ижобий таклиф берсангиз, барака топкур, уни амалга ошириш учун бизда имконият бор. Даромад қисми-

ни кўпайтиришим учун менга имтиёз беринглар, топган пулимни ўзим ишлатаман, деб ташаббус кўрсатсангиз, бош устига, жуда зўр иш бўларди. Бундан бошқалар ҳам ўрнатилган оларди. Агар даромадни кўпайтириш учун қонунчилик нуқтаи назаридан имтиёз ва имкониятлар яратиб беришни сўрамоқчи бўлсангиз, биз бунга ҳам тайёرمىз. Майли, туман миқёсидаги бюджет даромади бутунлай ўзингизда қолсин. Мен айнан шунинг тарафдориман. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир гапни айтмоқчиман, биз ҳар йили давлат бюджетини тузаётганимизда, нафақат унинг даромад ва буромад қисмини, балки харажатлар қисмини ҳал этишни ҳам жойлардаги ҳокимият идоралари ихтиёрига бериш тарафдориман. Бу нарса ҳозирча жойларда 54-55 фоиз миқдорида маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрида. Биз 5-6 йил давомида бюджет лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритишдан олдин қайта ишлашга бериб, маҳаллий бюджетлар ҳиссасини кўпайтирасизлар, уларнинг ўзлари нима қилишни билади, нафақат даромад, балки буромад масаласида ҳам кўпроқ имтиёз берасизлар, деган сиёсат юритяпмиз.

Россия ва бошқа МДХ мамлакатларида ҳам бюджет сиёсати ҳақида қонунлар қабул қилиняпти. Бюджет қонуни бўйича тортишувлар, баҳс-мунозаралар бўляпти. Менинг бу борадаги фик-

рим шундан иборатки, биз фақат бюджетнинг даромад қисми бажарилишини талаб қилишга берилиб кетмай, ишлаб топилган ортиқча маблағни вилоят ва туманларнинг ўзида қолдиришни ҳам ўйлашимиз зарур.

Чунки бюджетнинг харажатлар қисмини тақсимлаш ва амалга оширишни маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрига бермасак, ишлаб топган маблағнинг бюджет тўловларидан ортган қисмини бутунлай уларнинг ўзига қолдирмасак, жойларда ишга, даромад орттиришга қизиқиш бўладими? Бугун шу тўғрида ҳам гаплашиб олайлик. Мен буни ғоятда муҳим масала деб ҳисоблайман.

“ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД ҲУҚУҚИ” МАСАЛАСИ БЎЙИЧА

Суд ижрочиси ҳақида гапиришдан олдин мен бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Биз судларнинг ҳуқуқи, судларнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва судларнинг ҳолисона ҳукмлар чиқариши масаласи бўйича анча-мунча қарорлар қабул қилдик. Судларни ҳақиқий учинчи ҳокимият даражасига кўтариш учун кўп ҳаракатлар бўляпти. Судларни танлаш, судларни сайлаш, судларни тасдиқлаш масаласига, ўйлайманки, депутатлар ҳам катта аҳамият беради. Ўзбекистонда, шуни аниқ айтишимиз мумкинки, бошқалардан фарқ-

ли ўлароқ жуда чуқур ўйланган тартиб-интизомни жорий қилдик, яъни алоҳида квалификация комиссиясини туздик. Уни Олий Мажлис Раисининг муовини бошқаради. У номзодлар бўйича алоҳида қарор чиқариб, кейин Президентнинг тасдиғига тақдим этади. Ҳар қайси суд, у туман суди бўладими, шаҳар суди бўладими ёки вилоят судими ҳаммасини биз мана шундай йўл билан, ҳолисона танлаб оламиз. Бундай суднинг ҳақиқатан ҳам адолатли иш олиб боришига ишонамиз. Энди суд ижрочилари масаласига қайтсак.

Сиз айтган фикрни мен яна бир бор қайтариб айтмоқчиманки, агарда жиноий иш бўлса, жиноятчини олиб бориб қамаш мумкин. Лекин хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўлса-чи? Ўйлайманки, бугун, умуман, биз ана шу ўта муҳим муаммони ҳали охиригача ечганимиз йўқ. Одамни олиб бориб қамаш мумкин, лекин давлатга ёки бошқа шахсларга етказилган катта зарарни қоплаш масаласини ҳали ҳал қилганимиз йўқ. Масалан, давлатга хиёнат қилиб топилган маблағларнинг 80 фоизини қайтариб ололмаслигимиз қонунчилигимиз заифлигини кўрсатади.

Яна бир бор айтаман, жиноий нуқтаи назардан олиб қараганда, жазо бериш мумкин, қамаш мумкин, лекин бу жазо билан биз нимага эриша-

миз? Мен мана шу жиноятчиларнинг оилалари, болаларига кўп куюнаман, отасиз ё онасиз болаларнинг ҳаёти, турмуши, тарбияси қандай бўлади. Қамалган одамнинг болалари бошини кўтариб юролмайди, энди вояга етаётган болалар, айниқса кўпроқ эзилади. Аёллари изтироб чекади ва ҳоказо.

Биз ҳозир шу масала устида чуқур ўйлашимиз керак: қандай қилиб болаларни бу изтироблардан асраб қолиш, етказилган зиённи қандай қилиб қонун асосида тўлиқ қайтариб олиш мумкин? Менга қолса хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш, уларни бир жойга ўтқазиб қўйиб, қурол билан қўриқлаб ўтириш шарт эмас — бу давлатга жуда қимматга тушади. Менга қолса, етказилган зарарни ундириб олардим-у, шунга қараб жазосини берардим. Бу масалага сиз депутатларимиз ҳам бошқача кўз билан қарашингизни сўрардим.

Биз адолат ўрнатмоқчи бўлсак, минг йилликлар, асрлар давомида ўзимизда шаклланган адолатни жорий қиладиган бўлсак, аввало, етказилган зарарни ундириб олиш масаласини ҳал қилишимиз керак, жиноятнинг бундай турларини содир этган одамларни қамашга қаршиман. Фарб мамлакатларида жиноятчи, деб гумон қилинган шахс, қочиб кетмайман, ёки умуман давлат қонуни ёки суд қарорини бажараман, деган ваъдасига

ли ўлароқ жуда чуқур ўйланган тартиб-интизомни жорий қилдик, яъни алоҳида квалификация комиссиясини туздик. Уни Олий Мажлис Раисининг муовини бошқаради. У номзодлар бўйича алоҳида қарор чиқариб, кейин Президентнинг тасдиғига тақдим этади. Ҳар қайси суд, у туман суди бўладими, шаҳар суди бўладими ёки вилоят судими ҳаммасини биз мана шундай йўл билан, холисона танлаб оламиз. Бундай суднинг ҳақиқатан ҳам адолатли иш олиб боришига ишонамиз. Энди суд ижрочилари масаласига қайтасак.

Сиз айтган фикрни мен яна бир бор қайтариб айтмоқчиманки, агарда жиноий иш бўлса, жиноятчини олиб бориб қамаш мумкин. Лекин хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўлса-чи? Ўйлайманки, бутун, умуман, биз ана шу ўта муҳим муаммони ҳали охиригача ечганимиз йўқ. Одамни олиб бориб қамаш мумкин, лекин давлатга ёки бошқа шахсларга етказилган катта зарарни қоплаш масаласини ҳали ҳал қилганимиз йўқ. Масалан, давлатга хиёнат қилиб топилган маблағларнинг 80 фоизини қайтариб ололмаслигимиз қонунчилигимиз заифлигини кўрсатади.

Яна бир бор айтаман, жиноий нуқтаи назардан олиб қараганда, жазо бериш мумкин, қамаш мумкин, лекин бу жазо билан биз нимага эриша-

миз? Мен мана шу жинойтчиларнинг оилалари, болаларига кўп куюнаман, отасиз ё онасиз болаларнинг ҳаёти, турмуши, тарбияси қандай бўлади. Қамалган одамнинг болалари бошини кўтариб юролмайди, энди вояга етаётган болалар, айниқса кўпроқ эзилади. Аёллари изтироб чекади ва ҳоказо.

Биз ҳозир шу масала устида чуқур ўйлашимиз керак: қандай қилиб болаларни бу изтироблардан асраб қолиш, етказилган зиённи қандай қилиб қонун асосида тўлиқ қайтариб олиш мумкин? Менга қолса хўжалик ишлари билан боғлиқ жинойий ишлар бўйича одамларни қамаш, уларни бир жойга ўтқазиб қўйиб, қурол билан қўриқлаб ўтириш шарт эмас — бу давлатга жуда қимматга тушади. Менга қолса, етказилган зарарни ундириб олардим-у, шунга қараб жазосини берардим. Бу масалага сиз депутатларимиз ҳам бошқача кўз билан қарашингизни сўрардим.

Биз адолат ўрнатмоқчи бўлсак, минг йилликлар, асрлар давомида ўзимизда шаклланган адолатни жорий қиладиган бўлсак, аввало, етказилган зарарни ундириб олиш масаласини ҳал қилишимиз керак, жинойтнинг бундай турларини содир этган одамларни қамашга қаршиман. Фарб мамлакатларида жинойтчи, деб гумон қилинган шахс, қочиб кетмайман, ёки умуман давлат қонуни ёки суд қарорини бажараман, деган ваъдасига

кўра, маблағини кафолат тариқасида берса, бемалол юраверади. Бизда суд қилинмасдан туриб, одамлар йиллаб ётади. Шу тўғрида биз қарор чиқаришимиз керак. Агар ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қурмоқчи бўлсак, биз ўзбеклар ҳам шундай жамиятга, шундай тартибга, шундай тизимга чиқишимиз керакми, йўқми? Совет тузуми даврида эски замондан қолган шундай бир ярамас мерос бор эди: бир килограмм ёғни ўғирлагани учун ҳам одамлар 10—15 йиллаб қамоқда ётган. Умуман айтганда, жазо бериш бизнинг тузумимизда шундай бўлиб келган: агар жиноят қилган бўлса, албатта, қамаш керак. Бунинг оқибатида қанча оила хонавайрон бўлади, бу ҳақда ўйлашмаган.

Биз шарқ шароитида яшаймиз. Демократик давлат қураётганимизда, аввало, ўз анъаналаримизни асос қилиб олишимиз керак. Буни унутмаслигимиз лозим. Тарихимизга назар ташласак, кўрамиз, хато қилган одамни жазолашдан кўра, кўпроқ кўпчилик ўртасида муҳокама қилиш, изза қилиш, яъни унга авваламбор, тарбиявий чоралар қўлланилган. Иккинчи марта жиноят қилдирмаслик — бу биринчи вазифа. Иккинчи вазифа шундан иборатки, етказилган зарарни қайтариб олиш. Турмаларда, лагерларда ётган одамларнинг сонини камайтиришимиз керак. Бу ҳеч кимга фойда бермайди. Мен гапимни якунлаб нима де-

моқчиман, мана шу суд ижрочиларида зиённинг қайтарилиши бўйича кафолат борми? Агар шу пайтгача зиённинг 80 фоизини қайтариб ололмаган бўлсак, янги қонунни қабул қилганимиздан кейин етказилган зиёни эртага қайтариб олиш учун бизда реал имкониятлар пайдо бўлишига ўзингиз ишонасизми, йўқми? Ижрочи қандай бўлиши керак? Ижрочига қандай ҳуқуқ, кафолат ёки имкониятлар беришимиз лозим. Етказилган зиён эртага жисмоний шахсларга ё давлатга қайтарилиши учун қандай қўшимча чоралар зарур? Бу — биринчи масала. Иккинчи масала шуки, мана бу янги қонун лойиҳасида ёзилишича, мисол учун одамларнинг банкларда ўз маблағлари бўлса, ижрочи ўз ҳукмини чиқаради-ю, шунга асосан етказилган зиён қайтариб олинади. Савол туғилади: ақлли, олдиндан ўйлаб, чуқур тайёргарлик кўрган жиноятчилар ўз пулини Ўзбекистон “омонат кассалари”да сақлайдими? Жиноят қилишга қўл урган одам, авваламбор, пулини қаерга, қайси счётга олиб бориб қўяди? Аввало, Ўзбекистон чегарасидан узоқроқ жойга қўйишни чуқур ўйлайди. Бу масала қандай ечилади? Мана, масалан, Россияга ёки Қозоғистонга олиб бориб қўяди, ёки Форс кўрфазида жойлашган бой Араб давлатларидаги банкларга жойлаштиради. Шунга ўхшаган жойларни топади. Қонунда шу каби ҳолатлар кўзда тутилганми,

йўқми? Бу халқаро қонуниятлардан келиб чиқадиган масала демоқчиман.

Менинг фикрим шундай, одамни қамаш эмас, аввало, у етказган зиённи қандай қилиб ундириб олиш ҳақида ўйлаш керак. Яна бир масала бор: ўша жиноятни содир қилган шахс ақли кириб, бундан хулоса чиқариб олса яхши, агар у бундай жиноятни такроран қилса-чи? Ундай ҳолда қандай чора қўлланилади? Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак. Умуман, менинг шахсий фикрим шундай: ҳўжалик ишлари бўйича, унчалик оғир бўлмаган бошқа жиноятлар бўйича ҳам қарор чиқаришда, жазо белгилашда масалага худди шундай кўз билан қараш тарафдориман.

ХОРИЖИЙ БАНКЛАРДА САҚЛАНАЁТГАН МАБЛАҒЛАРНИ ҚАЙТАРИШ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА

Агар, фараз қилайлик, суиистеъмолчилик, ўғрилиқ билан топилган маблағларнинг ҳаммаси агар эртага ўзимиздаги банкларга олиб келиб жойлаштирилса, олам гулистон бўлади. Мен сизга айтай, қанча-қанча маблағ Ўзбекистондаги банкларда эмас, турли-туман бойликларга, зебу зийнатларга айлантирилиб, чет элларда сақланмоқда, шунингдек одамлар уйлар қуриб, бемалол яшаб юрибди. Мен демоқчиманки, мана шу қонуннинг лойиҳасига алоҳида модда киритиш

керак. Қонунда бунинг ҳаммасини белгилаб, ифода-
далаб бўлмайди, албатта. Бироқ ўзлаштирилган,
ўғирланган доллар ёки бошқа валютага айланти-
рилиб, чет эл банкларига жойлаштирилган пул-
ларни қандай қилиб ундириб олиш йўлини мана
шу қонун лойиҳасида кўрсатишимиз керак. Агар
шунинг йўлини топсак, тартибга солсак, баъзи
бир вазифаларда юрган муттаҳамларнинг нафс ба-
лосини тиярди. Гапим тушунарлими?

Давлатга катта зиён етказиб, яна бемалол
яшаб юрадиганларнинг бети йўқ, бундай безбет
жиноятчиларни қандай қилиб жиловлаб олиш-
ни биз ўйлашимиз керак. Қандай қилиб Форс
кўрфазига чиқамиз, қандай қилиб Швейцария
банкларига етиб борамиз, қандай қилиб бошқа
банкларга йўл топамиз, буларнинг қонуний
йўлини ўзимиз кўрсатишимиз керак. Шу масала
бўйича қаттиқроқ ишламасак, ҳамма қилган
ишимиз, биттаси қўшнисининг сигирини ўғир-
лабди ёки иккита қўйини ўғирлабди, каби май-
да-чуйда ишлар атрофида қолиб кетади. Биз бо-
зор иқтисодиётига чиқяпмиз. Бозор иқтисоди-
нинг ўзига хос мураккаб жойлари бор. Бозор
иқтисодиёти қонуниятлари бузилганда, ўғирлик,
вазифасини суиистеъмол қилиш учун йўллар
очиладики, бизнинг қонунчилигимиз бундай
йўлларни олдиндан билиб, уларга қарши мус-
таҳкам ғов қўйиши керак.

“МАХСУС ЮКЛАР ВА ҲАРБИЙ ТАРКИБЛАРНИНГ ТРАНЗИТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ МАСАЛА БЎЙИЧА

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда унга анчагина аниқликлар киритилгани кўриниб турибди. Қонун лойиҳасига оид бир қанча таклифларда вазият беқарор бўлиб турган мамлакатларга қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий буюмларни ўтказишда қўшимча чеклашлар жорий этиш тўғрисида фикр билдирилди. Менимча, 18-модда биринчи қисмининг мавжуд таҳрири халқаро нормаларга ва мамлакатимизнинг қонун ҳужжатларига мос келади. Чунончи, унда: “уруш ҳаракатлари олиб борилаётган, уруш ёки қуролли можаро хавфи мавжуд бўлган минтақаларга қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий буюмлар ўтказилишига йўл қўйилмайди”, дейилган.

Айрим депутатлар “махсус юklar” тушунчасини кенгайтириб, уни “ядро ва термоядро қуроли, барча турдаги ўқ-дори, портловчи моддалар ва шу кабилар” деган сўзлар билан, “хатарли юklar” тушунчасини эса “кучли таъсир қилувчи заҳарлар, заҳарли моддалар, бошқа кимёвий қурол ва оммавий қирғин қуроли, шунингдек, радиоактив чиқитлар” деган сўзлар билан тўлдиришни таклиф қилдилар. Мутахассислар бу таклифларнинг ҳаммасини

синчиклаб кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳасини такомилга етказиш учун тузилган ишчи гуруҳ юқоридаги тушунчаларни аввалги таҳририда қолдирди, чунки тилга олинган барча қурол турлари “қурол-яроғ” тушунчасига ҳамда “қурол-яроғ ва чиқитлар” деган умумлашма тушунчага киради. Мазкур қонунни бундай деталлаштиришнинг зарурати йўқ. Бошқа бир қанча моддаларга таҳририй тусдаги тузатишлар киритилди.

Ҳурматли депутатлар!

Тушган таклифлар ва мулоҳазалар устида олиб борилган ишлар чоғида ишчи гуруҳ ҳар бир модда, ҳар бир норманинг мазмун-мундарижасини яна бир бор танқидий назардан ўтказди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бугун эътиборингизга ҳавола этилаётган қонун лойиҳаси анча яхшиланди ва унга аниқликлар киритилди, энди у халқаро амалиётга ва мамлакатимиз қонунчилигига мос келади.

Қонун лойиҳасини мукаммаллаштириш учун фаол ишлаган республика Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Прокуратура, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мутахассисларига, шунингдек, муҳокамада фаол иштирок этган депутатларга миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Қонун лойиҳаси киритилган барча тузатишлар ва қўшимчалар билан бирга Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа масалалари қўмитасининг мажлисида муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Ҳурматли депутатлар, тақдим этилган қонун лойиҳасини қўлаб-қувватлашингизни ва уни иккинчи ўқишда қабул қилишингизни сўрайман. Бу қонун алоҳида хатарли юklar, қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий таркибларни Ўзбекистон ҳудуди орқали олиб ўтиш чоғида мамлакатимиз аҳолиси манфаатлари ва хавфсизлигини, экология муҳитини ва бошқа моддий бойликларни пухта ҳимоялашни таъминлаш учун зарур ҳуқуқий негиз яратади.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА

Ҳаммангизга мурожаат қилиб айтмоқчиман, келинлар, биргалашиб, яна бир маррани забт этайлик, келинлар ўзбеклар ҳам бошқалардан кам эмаслигини, яна бир бор кўрсатайлик. Мен бошқалардан кам бўлмаймиз, деган иборани кўп ишлатаман. Мана, Европадан, Америкадан ва бошқа мамлакатлардан мисоллар келтирамиз, мана Ҳиндистон тўғрисида гапиряпмиз. Ҳиндистон компьютерлаштириш бўйича, янги электрони-

кани ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг машхур давлатлар қаторига чиқди. Мен мутахассислардан бу даражага эришиш учун неча йил керак бўлди, деб сўрадим. Улар 15 йил, дейишди. Биз ҳам ҳавас қилиб, 5—10 йил давомида компьютер, интернет тизимига кира бошлаймиз, деб ният қилмоқдамиз. Нима, болаларимизнинг шу соҳани забт этишда, ўзлаштиришда бошқалардан кам жойи борми? Мана, шахмат бўйича, математика бўйича қанча олимпиадаларда болаларимиз энг юқори ўринларни эгаллаб, бошқаларнинг ҳавасини келтириб қайтмоқда. Мен сизларга мурожаат қилиб айтяпман, қани, келинглари, шу масала бўйича белни қаттиқ боғлаб ишга киришайлик. Худо хоҳласа беш-ўн йил давомида компьютерларнинг энг юқори даражадаги технологияларини мамлакатимизга олиб кирамиз.

Мен шу ерда ўтирган ёши улуг фахрийларга қаратиб айтмоқчиман: сизлар ҳам ўша кунларга етасизлар, бу узоқ давом этадиган иш эмас. Аллоҳ таолонинг ўзи бизга куч беради. Биз Аллоҳ таоло назари тушган мамлакатмиз. Келинглари, дунёга яна бир бор ўзимизни кўрсатайлик.

Бутунги масалалар орасида биз учун энг муҳим масала нима? Мана, ҳозир академикларимиз, олимларимиз сўзга чиқишади. Улар ана шу

саволга жавоб беришсин. Нима қиламиз биз велосипедни қайтадан ихтиро қилиб ёки ишлаб чиқариб? Ҳиндистонда, Японияда, Германиядаги Дрежемда “Сименс” фирмасининг заводларини кўрганман. Уларнинг раҳбарлари билан учрашганда, “Барака топкурлар, менга ҳеч нарса керак эмас, ҳаммасини қуриб берамиз, ҳаммасини ташкил қилиб берамиз, ўзим бош-қош бўлман, фақат бизга ўша технологияларни олиб келинглари, Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентнинг қоқ марказида бино қуриб берамиз”, деб айтдим. Билиб қўйинглари, бизнинг йигит-қизларимиз, болаларимиз сизларнинг заводларингизда ишлайдиган одамлардан заррача кам жойи йўқ. Озгина вақт керак, ҳаммасини қойил қилади, деб уларга қафолатлар бердим.

Миллатга нима керак, миллатга фақат олдинга қўйилган улуғвор мақсадларга қатъият билан интиладиган инсонлар керак. Кимки шу юртда яшаётган бўлса, ўзининг шахсий, хусусий мақсадини умумхалқ мақсади билан бирга деб билса, биз ўзбеклар учун, Ўзбекистон учун етиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ. Менинг илтимосим шуки, айтилган гаплардан хулоса чиқариб, олдимизга бир мақсад қўяйлик. Компьютер, информацион технология, умуман интернетни фақат саноатга, ишлаб чиқаришга эмас, бутун

ҳаётимизга олиб кириш учун ҳаракат қилайлик. Бошқаларнинг ҳам, ўзбеклар шундай ажойиб ишларни қиляпти, деб ҳавасини келтирайлик, қуруқ гаплардан амалий ишларга ўтайлик. Мен шунинг тарафдориман, ҳаммангизни шунга даъват қиламан.

ОЛИЙ МАЖЛИС V СЕССИЯСИ ФОЙЕСИДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН БЎЛГАН СУХБАТДАН

МАФКУРАВИЙ КУРАШ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА

Менинг мафкура ҳақида ва одамларнинг тафаккурини ўзгартириш ҳақида айтадиган гапим шуки, биз бу масаланинг ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга эканлигини яхши тушуниб олишимиз зарур. Чунки бугун биз янги ҳаёт қурапмиз, янги жамият қурапмиз. Яъни эски замондан, эски давлат тузумидан, эски жамият тузумидан бутунлай фарқ қилувчи, замон талаб қилаётган, бутун дунё амал қилиб яшаётган тартибларга асосланган янги жамият барпо этмоқчимиз. Шу ўринда бир савол туғилади: бу улкан вазифани қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Энг муҳим масала нимадан иборат! Айтайлик, бунинг учун биз, керак бўлса давлат тизимини ҳам ўзгартиришимиз, катта-катта муҳим дастурларни ҳам тузишимиз, тез орада иқтисодни ҳам ҳар томонлама ўзгартиришимиз мумкиндир. Бу қийин эмас, бошқалардан бориб ўрганиш орқали ўзимизнинг эҳтиёжимизга, ўзимизнинг миллий манфаатларимизга қараб, ўзимизнинг анъаналаримиз, урф-одатларимиздан келиб чиқиб ўзгартириш мумкин. Лекин, яна бир савол туғилади: мана шу янгила-

нишлар жараёнини, ислоҳотларни мафкурасиз амалга ошириш мумкинми, умуман мафкурасиз яшаш мумкинми ёки йўқми?

Мен шу ўринда улуғ Аҳмад Яссавий бобомизнинг бир фикрини келтириб ўтмоқчиман: “Агар одамда ишонч бўлмаса, одамда дин бўлмаса, умуман, мафкура бўлмаса, у ҳайвонга ўхшаган бир жинсга айланиб қолади”. Эътибор беринг, олис ўтмишда яшаган аждодларимиз ҳам мафкура инсон маънавий камолотининг, жамият тараққиётининг асосларидан бири эканини таъкидлашган. Хўш, биз бугун қандай жамият, қандай ҳаёт қуряпмиз? Ва ўзини ана шу жамиятнинг аъзосиман, деб ҳисоблаган, халқнинг тақдирига, эл-юрт тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсон, мана шу мафкура, тафаккур бўйича албатта ўз позициясини, ўз қарашларини аниқлаб олиши керак. Бунинг аҳамияти катта бўлишини кўп маротаба айтганман ва яна такрорлаб айтмоқчиман. Дунёда жуда катта кураш кетяпти, минг бор айтганманки, одамларнинг мафкураси, одамларнинг тафаккури, одамларнинг дунёқарашлари устида, керак бўлса уни ўзгартириш, ўзига мос йўлга буриш масаласида ядровий полигонлардагидан ҳам қаттиқроқ кураш кетяпти. Шу нуқтаи назардан қараганда ёшларимиз ўзининг позициясини, ўзининг

бугунги ҳаётдаги ўрнини қандай тушунади? Эски замоннинг бизга қолдирган асорати нимадан иборат деб, сўрашса, мен, *боқимандалик*, дер эдим. *Боқимандалик*, айтайлик фақат моддий масалалардагина эмас, умуман, гоёлар бўйича ҳам бор, яъни кимдир келиб бизни бошқаради, ақл ўргатади, йўл кўрсатади, бизнинг юмушларимизни бажариб беради, бизни йўналтириб, етаклаб юради ва биз ҳаётни шу тариқа қурамиз, деган гаплар эски замондан қолган. Бугун бизнинг ва-зифамиз шундан иборатки, ҳозир ҳаётга кириб келаётган ёшлар бу масалада, ўз қатъий позициясини, ўз мустақил фикрини, ўз ёндашувини албатта, билдириши керак. Агар биз безътибор бўлсак, бўшлиқ, бепарволик қилсак, умуман, бу масалани эътибордан четда қолдирсак, мафкура майдонини бошқалар эгаллаб олади ва ёшларимизни бошқалар етаклаб қаёққа олиб боришини ўзингиз биласиз. Агар “Хизбут таҳрир”га ўхшаган оқимларни, буларнинг ҳаракатларини, интилишларини, ёвуз ниятларини инобатга олсак, бунинг оқибатини 1999 йилда бўлиб ўтган воқеаларда яққол кўриш мумкин. Бу масалада, бўшлиқ бўлмайди. Шунинг учун мен кеча айтган гапимни такрорлаб айтмоқчиман: бу масала бўйича зиёлиларимиз, ижодкорларимиз, авваламбор ўз касби, бурчини сезган, ўзининг фи-

дойилигини кўрсатмоқчи бўлган ижод аҳли шу масала бўйича бўш турмаслиги керак, ўзининг фидойилигини кўрсатиши керак.

Биз Ватан, Ватанга садоқат, эл-юртга бефарқ бўлмаслик, эл-юртнинг эртанги кунини кўриш ҳақида кўп гапирамиз. Оддий, олис бир жойларда тарбия олаётган, ўқиётган, умуман, ҳаёт кечираётган ёш йигит-қизлар бизга шундай савол бериши мумкинми: “Бу улуғ, буюк ғоялар мафкура, тафаккур тўғрисида кўп гапирасизлар, кимдан ибрат олай, кимнинг мисолида ўзимнинг феъл-атворим, ички дунёимни шакллантириш бўйича, умуман, бу ҳаётда мен кимдан ибрат олишим керак? Менга кўрсатинглар. Мана, Абдулла Қодирийнинг қаҳрамони — Отабекларни биламан, шунга ўхшаган, номини Рустам, Жасур, Баҳодир дейсизми, замонавий баҳодирлар, жасурлар ёки уларга ўхшаган йигит-қизлар, умуман ёшлар мисолида, ибрат тариқасида кимдан ўрганай?”

Биз совет даврида бир нарсага ўрганганмиз. Агарки қаҳрамон бўлса, юз фоиз қаҳрамон, унинг юриш-туриши ҳам қаҳрамон, оғзидан чиқадиган гапларнинг ҳам ҳаммаси ибратли бўлади. Мен бунга мутлақо қаршиман. Замонавий, ижобий қаҳрамон ҳақида гапирганимда, кимни тасаввур қиламан? Оддий одам, оддий инсонни! У ҳаётда

хато қилиши мумкин, ҳаётни нотўғри тушуниши мумкин, ҳаётга муносабати ҳар хил бўлиши мумкин. Айтайлик, турли тоифаларга номаъқул бўлиши мумкин. Лекин мен нимани хоҳлардим? Ижобий қаҳрамон, аввало, юрт тараққиёти, эл-юрт тақдири, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, дунёда ўзбек миллати, ўзбек халқи, умуман юртимиз ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаши учун жонбозлик, керак бўлса фидойилик кўрсатиши керак. Инсон ҳеч қачон юз фоиз ижобий бўлмайди. Замонавий қаҳрамон деганда, орамизда юрган, орамизда бугун ҳаёт кечираётган ёш йигит-қизларнинг ибрати орқали кўрсатилади, мана шундай мураккаб ҳаёт, мураккаб турмуш қаҳрамонларни туғдиради. Бизга афсонавий қаҳрамон эмас, замонавий қаҳрамон керак, шунинг хулосасини ўзинглар чиқаринглар.

Сўх тумани 24-йилларда, Москвадан келишиб, чегараларни белгилашаётган бир пайтда, менимча, атайин шундай ташкил қилинган. Фарғона вилояти чегарасидаги Сўх шунақа аҳволга тушиб қолганки, у ерда яшайдиган ўзбеклар, тожиклар у ёқ-бу ёққа бориш учун албатта, Қирғизистон худудидан ўтиши керак. Мен шу ҳақдаги саволингиздан фойдаланиб, айтмоқчиманки, ва буни “Озодлик” радиоси орқали албатта етказинг: Қирғизистоннинг ўзида ҳам, Ўзбекистон худудида

ҳам худди Сўхга ўхшаган яна шундай тўртта-бешта ҳудуд бор. Бу аҳвол нафақат ўзбек давлатини безовта қиляпти, мен ўзим, айтайлик, таркибимизга кирувчи ҳудудга, туманга ёки одамларнинг олдига етиб бориш учун кимнингдир ҳудудидан ўтиб боришим керак. Қирғизлар ҳам худди шунақа аҳволни бошидан кечиради. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган, аслида Қирғизистонга қарайдиган районларга, жойларга ўтиш учун улар ҳам, албатта, Ўзбекистон ҳудудидан ўтишга мажбур. Шунинг учун бу муаммо фақат ўзбекларнинг муаммоси эмас. Бу, умуман, 24-йилларда бизнинг орамизни вақти-соати келганда бузишга имконият, замин туғдириш учун атайин қилинган ишлардир. Бугун ҳам шу муаммо гоҳ-гоҳ ўзини кўрсатаяпти. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз қуйидаги таклифимизни бердик: яъни бизга ҳудудимизни Сўх минтақаси, райони билан боғлайдиган коридор, йўлак ажратинг. Сиз ҳам биздан хоҳлаган жойингиздан сўранг, талабларингизни беринг. Агар ери ёқмаса, ер тошлоқ бўлса, ўзига маъқул бўлган, ёқадиган бошқа энг яхши жойни топиб айтсин. Ишонаманки, Қирғизистон халқи, умуман, қирғизлар вақти-соати келганда бу муаммони ечиш, ҳал этиш учун ақл-идрок, адолат нуқтаи назари билан иш кўради, бу масала ечилади. Нега деганда, раҳбарлар, депутатлар келади-

кетади. Лекин халқ барибир ўз манфаатини ўтказишга қодир. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Сиз берган иккинчи саволга жавоб қайтаришдан олдин айтадиган гапим шуки, умуман Ўзбекистон Ислом ҳаракати, деган иборани ишлатишни маслаҳат бермасдим. Нима учун? Сизда имконият бор, сизнинг оғайниларингиз, сафдошларингиз, ҳамкасбларингизнинг кўпини кўрдик, сизлар атайлаб, жўрттага бир масалани “олиб қочиш”га тайёрсиз. Яъни жойларда камчилик ёки муаммо бўлмаса, сизлар худди озуқасиз, ишсиз қолгандек бўласизлар.

Агар Ўзбекистон Ислом ҳаракати деган ҳаракатнинг таркибини жиддийроқ кўрадиган бўлсак, унинг каттаси, раҳбари ким ўзи, унинг таркибини кимлар ташкил қилади ўзи? Сизда имконият бор, телефонда гапиришга устасизлар, бирингиз Машҳаддан туриб телефонда гаплашасиз, бирингиз Лондон билан гаплашасиз ва сизлар кимнинг тегирмонига сув қуяяпсизлар ўзи?! Кимга хизмат қиляпсизлар?! Ўзбеклар ҳақида куюниб гапирасизлар; эй, яшасин, бир вақтлар, Чўлпон, Беҳбудий, яна айтайлик, Фитрат, Қодирий ва бошқалар бор эди. Улар бир вақтлар тазйиқ ва қирғин остида қолгани тўғрисида кўп маротаба оғзингизни тўлдириб гапирар эдинглар. Бу озуқа таомом бўлди энди. Сизлар учун бу озуқа йўқ энди.

Хўш, нимани қидираяпсизлар? Ўзбек миллатини бирлаштириш, ўзбек миллатининг осойишталигини, бир-бирига меҳрибонлигини, бир-бирига ҳурматини қозониш, керак бўлса тарбиялаш ўрнига дорнинг тагидан қочган одамларни топасизлар. Ўзбекистонда неча фоизни ташкил қилади улар? Ўзингизга савол беринглар, дордан қочиб кетган одамларнинг сони қанча? Уларни дунёнинг бир чеккасидан топасизлар, телефонда гаплашиб, шу гапларни тарқатиб, ўзингизга озуқа топасизлар.

Шунинг учун мен нима демоқчиман: бу ҳаракатга кимлар аъзолигига қаранглар, уларнинг тарихини ўрганинглар. Ўзбекистонда улар ким бўлган, қаерда бўлган? Мисол учун Тоҳир Йўлдош ким бўлган? Қандай давлат арбоби бўлган ёки Ўзбекистон учун, Наманган вилояти учун қанақа фойдали иш қилган? Мен у билан учрашганман бир вақтлар, 1991 йил декабрь ойида, биласизлар. Ва яна айтайлик, анави Ҳожиёв дегани, Намангоний деган номни ўзига олган. У ким? Босмачи! Уларнинг сафида қанча ўзбек бор? Афғонлардан қанча бор? Қанча бошқа миллат вакиллари бор? Бугун умуман уларнинг номини Ўзбекистон Ислом ҳаракати деб айтишга, қандай ҳақларингиз бор?! Агар улар сизларга ўзларини шундай таништирган

бўлса, сизлар уларнинг башарасини, қиёфасини кўрсатишга ҳам йўл топинглар. Нима, имкониятингиз йўқми? Бор. Нима учун шулар тўғрисида гапирмайсизлар? Нега уларга “Сизлар Ўзбекистоннинг қайси чеккасидан чиққансизлар, Ўзбекистоннинг қайси бир тоифасининг манфаатини мужассамлаштириб намойиш эта-япсизлар”, деб савол бермайсиз. “Тоҳир Йўлдош, сиз кимсиз, Ўзбекистонда нима аламингиз бор, Сўхга бостириб кирамиз ва ҳоказо деган бемаза гапларни айтиб, бошқаларни кўрқитиш ёки шунинг ҳисобидан яшаш нима учун керак. Кимнинг ҳисобига яшаяпсиз, кимдан маблағ олаяпсиз”, дея савол бермайсиз. Кимнинг садақаси ҳисобидан яшаяпти булар, шулар тўғрисида савол беринглар уларга. Ҳой, барака топкур, нима ҳисобидан сенинг тўртта хотининг бор, деб сўрамайсизми? Ҳожиёвнинг нечта хотини бор? Биласизлар, уни ҳам яхши биласизлар. Нима учун сўрамайсизлар?! Барака топкур, битта оилани тебратиш, боқиш учун қанча пул керак? Қандай қилиб бемалол юрибсан, мана, Машҳадга бораяпсан, айтайлик, Қандаҳорга борасан, Кобулга борасан, Покистонга борасан, Исломободга борасан, Пешаварга борасан, дунёнинг бошқа жойларига ҳам бораяпсан ўзингнинг қўпоровчилик мақсадларинг

учун. Бунинг пулини сенга ким тўлаяпти, деб нима учун битталаринг ҳам савол бермайсизлар? Ўзингизнинг Лондонда ёки Прагада ўтирган хўжайинларингизга айтинглари. Айтинглари, ким боқаяпти уларни? Шу нуқтаи назардан қараганда яна бир бор сизларга айтаман, қўпуровчи, бўҳтон гапларни тарқатиш билан бизнинг диққатимизни жалб қилишга қанча ҳаракат қилманг, бунга эриша олмайсиз.

Айтайлик, кўпни кўрмаган, сиёсий савияси ҳали етарли бўлмаган одамларга, ёшларгагина таъсирингиз ўтиши мумкин. Мен берган оддий саволларга ҳар бир журналист жавоб қайтара олади, агар ўзининг бурчини виждонан бажарадиган бўлса. Кимнингдир буюртмасини бажариш учун эмас, шунинг ҳисобидан ўзини боқиш, шунинг ҳисобидан ўзига даромад топиш учун эмас. Нон топиб бўлмайди бунинг ҳисобидан. Ватанини сотаётган, ёки Ватанининг манфаатига қарши ишлайдиган инсон ҳеч қачон бой бўлмайди. Билиб қўйингларики, шунинг ҳисобидан ҳеч қачон ўзининг муродига етолмайди. Мен буни Президент эмас, ҳаётни биладиган инсон тариқасида айтаяпман. Гапларни тарқатиш олдидан ўзингиз уларга бир савол беринглари, барака топкур, ўтган йили ўта олдингми, нима учун бу йил ўтмоқчисан? Нима, Ўзбекистон лапашанг бўлиб,

Тоҳир Йўлдошнинг одамлари, босмачилари қачон Ўзбекистонга бостириб келади, деб қараб ўтирибдими? Нима, давлат билан курашиш мумкинми. Халқ билан курашиш мумкинми? Чўпоннинг: “Халқ — денгиздир, халқ — тўлқиндир, халқ — кучдир” деган гапини биласиз-ку? Халқ билан ҳазиллашиб бўлмайди. Шуларни бу мутаҳамларга етказсангиз, ҳали ҳам кеч эмас, ақлини йиғиштириб Ватани ҳақида, тақдири ҳақида ўйласин, яна бир бор айтаман, ҳали ҳам кеч эмас.

РОССИЯГА ҚИЛИНГАН ДАВЛАТ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Сизга яхши маълумки, яқинда Россияга кўпчилик мислсиз ташриф деб атаётган давлат ташрифи амалга оширилди. Менинг тушунишимча, бу борада қандайдир даражада умум қабул этган халқаро таомилдан истиснолар бўлди. Маълумки, давлат раҳбари шу лавозимни эгаллаб турган даврида муайян мамлакатга бир маротабагина давлат ташрифи билан боради, қолган вақтда эса амалий, расмий ва бошқа ташрифлар бўлади. Яъни, илгари ҳам Россияга давлат ташрифи билан борганимиз назарда тутилса, таъбир жоиз

бўлса, биз учун мислсиз даражада истисно қилинди. Бу мислсиз ҳолатга барча, аввало, Россия матбуоти ўз эътиборини қаратмоқда. Бундай муносабатнинг боиси нимада?

Ташриф давомида биз ўндан ортиқ ҳужжатни имзолаганимизни айтиб ўтишим керак. Бу ҳужжатлар Россия билан муносабатларимизнинг ҳуқуқий негизини яратувчи аввалги 150 ҳужжатга салмоқли қўшимча бўлди. Аммо гап ҳужжатларнинг сонидан эмас, балки муносабатларнинг салмоқчилигидадир. Расмий ва норасмий музокаралар жараёнида Россия раҳбарлари, аввало Президент Владимир Владимирович Путин бизга ўта яхши, самимий муносабатда бўлди. Музокараларнинг мавзуи ҳақида гапирмай қўя қолай, биринчи оқшомдаёқ Россия томони бизни ҳар томонлама тушунди. Мен аввало, ўз мамлакатигагина эмас, чет элларда ҳам ҳурмат-эътиборга сазовор бўлаётган янги Президентнинг хайрихоҳлигидан ғоят хурсанд бўлдим.

Энг муҳими, Ўзбекистонни суверен ва мустақил давлат деб тушуниш бор. Россия каби Ўзбекистоннинг ҳам ўз манфаатлари мавжудлиги эътироф этилмоқда. Шу манфаатлар бир-бирига мослигини, ана шу ҳамжиҳатликда ишлаш иш-тиёқини кўришимиз ғоят муҳимдир. Манфаатларнинг мослиги ҳар қандай мулоқот, ҳар қан-

дай ҳамкорлик учун муваффақият келтирадиган боғловчи ва йўналтирувчи омилдир. Рўй-рост айта оламанки, Россия томонидан шунчаки ҳамкорликка иштиёқни эмас, балки унинг янги саҳифаларини очишга зўр интилишни ҳис қилдим. Илгари Ўзбекистон бегоналашмоқда, деган гап Россия матбуоти саҳифаларида, маълум бир сиёсат ва жамоат доираларида ҳадеб такрорланар ва бу нарсa муайян тарзда изоҳланар эди. Эсингизда бўлса, Ельцин даврида “Известия” ва бошқа газеталарнинг саҳифаларида Ўзбекистон чет томонга “чалғиб кетмоқда”, деган гаплар ёзилган эди. Ўшанда мен Ўзбекистон четга сурилиб, чалғиб юрадиган музтоғ эмас, у ўзи белгиллаган қатъий йўли — мақсадига эга бўлган кемадир. Бу улкан кеманинг нафақат аниқ мақсади, балки бошқариб борадиган елкани, бошқа воситалари ҳам бор, деган эдим. Биз ўз истиқболимизни яққол кўриб турибмиз. Бунда гап чалғиш ҳақида эмас, балки келажагимизни равшан кўриб турганимиз ва шу йўлдан олға интилаётганимиз ҳақида бормоқда. Ўзбекистоннинг манфаатлари эса биз учун бош мақсаддир.

Россияга ташриф давомида Президент Владимир Путин ва ҳукумат бошлиғи Михаил Касьянов билан мулоқотлардан ташқари бошқа кўп учрашувлар ҳам бўлди. Юрий Михайлович Луж-

ков билан учрашувимиз, айниқса, эсда қоларли бўлди, мен уни кўп йиллардан буён биламан, у ҳақиқатан ҳам серғайрат, тиниб-тинчимас инсон. У Ўзбекистонда кўп марта бўлган, 1966 йилда зилзила содир бўлганида Тошкент, Чирчиқ ва Навоийга келган эди. Ўша даврда унинг фаолияти республикамиз билан кўпроқ боғлиқ бўлди, ниҳоят, у Ўзбекистонда амалга оширган айрим ташаббуслари учун Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Айтишим керакки, илгари ҳам Москвага, Россияга сафар қилганман, аммо бу галги ташриф ижобий самараларга эга бўлди, деган умиддаман. Бунинг замирида катта маъно бор.

САВОЛ: Ҳозиргина сессияда мамлакатнинг 2000 йилга ва 2001 йилнинг биринчи чорагига мўлжалланган бюджети муҳокама қилинди. Ҳозир Ўзбекистон мудофаага ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини молиялашга қанча маблағ сарфламоқда ва шу идоралар ташқи душманларга зарба беришга тайёرمи?

ЖАВОБ: Илгари бу масалада сирларимиз бўлар эди, ҳозир сир йўқ. Бюджетимиз очик-ошкорадир, жумладан, Мудофаа вазирлиги, бошқа куч тузилмаларини сақлашга бюджетимизнинг саккиз фоизини ажратяпмиз, бу унчалик кўп эмас. Агар давлат бюджетининг умумий ҳажмидан ке-

либ чиқсак, айтишим керакки, ўтган йилга нисбатан мудофаага ва куч вазирликларини сақлашга қилинадиган сарф-харажатлар кўпайганини кўрамиз. Қуролли кучларимиз ислоҳ қилинаётганидан хабардорсиз, ҳозир қурол-яроғ жуда қиммат эканлиги ҳам маълум. Масалан, Франция ёки Америкада ишлаб чиқарилган битта замонавий вертолёт 18—20 миллион доллар туради. Битта ана шундай вертолётни таъмирлаш ёки модернизациялаш 1—1,5 миллион долларга тушади. Булар айтишга осон. Замонавий қурол-яроғ ҳақида, шунчаки ўқ отиш қуроли эмас, балки замонавий қурол-яроғ тўғрисида гапирадиган бўлсак, буларнинг ҳаммаси жуда катта пул туради. Шу сабабли мудофаа соҳасидаги харажатларимиз кўпайиб бораётганига ажабланмаслик керак. Айни чоғда армиямиз қисқартирилмоқда, бу йил баҳорги чақириқда Мудофаа вазирлиги бўйича 6000 киши камроқ чақирилишини айтишим мумкин. Аммо, шу билан бирга, биз тузаётган чегара қўшинлари, махсус қўшинларга ёшларни чақириш маълум даражада кўпаймоқда. Биз бу қўшинларни МОБ — махсус операциялар батальони деб атаёмиз. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги бирон мамлакатда бундай батальонлар тузилмаган. Биз ривожланган мамлакатлардан ўрнатилган оляпмиз. Улар ҳам бизга бекорга ёрдам бераётгани йўқ. Битта ана

шундай батальонни асбоб-ускуна, қурол-яроғ билан таъминлаш ва шахсий таркибни тузишга катта маблағ керак бўлади. Аслида батальон фақат офицерлардан иборат, оддий аскарлар йўқ, офицерларнинг ҳаммаси шартнома асосида хизмат қилади. Биз ҳаракатчан, ихчам армия тузаямиз, бизга баҳайбат армия керак эмас. Мен шу минбарда туриб, биз мамлакатимиздан ташқарида жанг қилмоқчи эмаслигимизни доимо гапириб келдим. Армиямизни ислоҳ қилар эканмиз, аввало, бизга ким ва қайси томондан хавф солаётганини аниқлаб оламиз, модомики ўз чегараларимизни чинакамига ҳимоя қилмоқчи бўлсак, у ҳолда биз паст-баланд, ўнқир-чўнқир жойларда ҳаракат қила оладиган, кураша оладиган ва сарҳадларимизни ҳимоя эта оладиган армияни вужудга келтиришимиз зарур. Ўтган йили Сурхондарёда содир бўлган воқеалар пайтида тоғдаги ғорларда, дараларда бутун бир дивизия яшириниб олиши мумкинлиги аниқланди. Мен буни ҳеч бир муболағасиз айтяпман. Бу тоғларга чиқиш учун икки-уч кун керак бўлади. Ана шу мулоҳазаларга асосланиб, мураккаб шароитда чегараларимизни ҳимоя қила оладиган армияни барпо этмоқдамиз.

Агар Фарғона водийси ҳақида гапирсак, айрим кимсалар Ўзбекистон чегараларни миналаш-

тирмоқда, деган гапларни айтмоқда. Биринчидан, биз миналарни ўз ҳудудимизга жойлаштиряпмиз. Иккинчидан, чегара заставаларини қуриш мумкин бўлмаган, бориш қийин довонларгагина миналар жойлаштиряпмиз. Масалан, тўрт километр баландликда застава жойлаштириш учун мутлақо шароит йўқ. Биз наркотик моддалар ташиладиган йўлак бўлиб қолган дараларнигина миналаштиряпмиз. Сир эмас, ўтган йили юртимизга бостириб кирган кимсалар, айти наркойўлак очиб олиш истагида эди. Диний ва бошқа турдаги шиорларнинг ҳаммаси — ниқоб, парда, холос.

Афғонистонда етиштирилаётган 70 фоиз оғу, героинни ташқарига чиқаришга уринмоқдалар. Модомики шундай экан, улар наркойўлаклар доимо ишлаб туриши учун пулни аямайдилар. Шу сабабли асабий ҳолат, тўғрироғи, кескин вазият вужудга келтирилмоқдаки, бундай шароитда наркотик моддаларни ўтказиб олиш осонроқ бўлади.

Айни вақтда радикал диний экстремизм, жангари ислом босқинчилиги ҳам борлигини тан олмоқ керак. У ерда минглаб ана шундай оқимлар бор. Бироқ буларнинг ҳаммаси, аслида, ниқобдан бошқа нарсa эмас, ҳаммасининг негизидa наркотик моддалар ётади. Бу жуда

амалий, умуман олганда, жуда жўн мақсад. Ана шу мақсадга Афғонистон билан чегарадош давлатлар ҳудуди орқали эришмоқчи бўладилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, улар Хоруг ва бошқа шаҳарлар, Тавилдара, Бадахшон орқали Қирғизистонга ўтиладиган йўллардан фойдаланмоқдалар.

Менда наркокуръерлар у ёқдан бу ёққа изғиб турган барча чегара нуқталари аниқ белгиланган харита бор. Наркокорчалон эса қаердадир, Лондондами ёки Парижда ўтирибди, унинг югурдаклари у ёқдан бу ёққа бориб келмоқда. Шу сабабли мазкур мулоҳазаларга асосланиб фикр юритадиган бўлсак, ҳозир биз ҳудудимиз орқали доимий йўлаклар ҳосил қилиш мақсадидаги уринишлар бундан кейин ҳам давом этиши мумкинлигини ҳисобга олишимиз, бунга қаршилик кўрсатишга шай туришимиз лозим.

Шундай савол беришим мумкин: ўтган йилги воқеалар такрорланадими, яна суқилиб киришадими? Мен фолбинлик қилмоқчи эмасман. Бултур бўлиб ўтган Минск учрашувида МДХ давлатларининг барча бошлиқларига шу мазмундаги саволни бердим. Ўша пайтда биз Қирғизистон ва Ўзбекистонга бўлган тажовуз билан боғлиқ хавф-хатарни эндигина бартараф қилган эдик. Ҳозир, 2001 йилда ўша воқеалар

яна такрорланишини айтмоқдалар. Мен бундай одамлардан: “Бу гапни қандай тушунмоқ керак, наҳотки сизлар шундай бўлишини жуда хоҳласангиз? Ёки аҳолини чўчитиб, Марказий Осиё ҳудуди, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудуди қайноқ нуқта бўлиб қолади-ю, унинг теваарагида ҳар қандай нохушликларни кутиш мумкин, деган фикрни қўзғаш мақсадидагина вазиятни кескинлаштиряпсизми? Шу тариқа хорижий инвесторлар йўлини тўсиб, жамиятни демократиялаш, иқтисодиёт, сиёсат соҳасидаги ислохотларга халақит бериш каби ҳодисалар бўлишини хоҳлайсизми?” деб сўрамоқчиман. Бу жуда жиддий мавзу. Шунинг учун ҳам менинг Москвага ташрифим чоғида муҳокама қилинган дастлабки масалалардан бири бу ҳудудда осойишталик вазиятини вужудга келтириш билан боғлиқ эди. Яна бир бор айтаман, Марказий Осиё Россиянинг жанубий чегарасидир. Россия эса биз учун стратегик ҳамкор ҳисобланади. Биз каби ушбу давлат ҳам мазкур минтақада осойишталик бўлишидан ва одамлар нафақат бугунги кунга, келажакка ҳам комил ишонч билан қарай оладиган бўлишидан манфаатдордир.

ШАНХАЙ УЧРАШУВИ БЎЙИЧА

Тахминан июнь ойида Шанхайда шу “Бешлик”ка кирувчи мамлакат раҳбарларининг учрашуви бўлади. Келгусида у бошқача ном билан юритилади. Яқинда Москвада ана шу беш давлат Ташқи ишлар вазирликлари раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди, унда асосий ҳужжатнинг лойиҳаси деярли тайёрлаб қўйилди, биз бу ҳужжат билан танишиб чиқдик. Мазкур мажлисда Ўзбекистон ҳам бу ташкилотга аъзо бўлиб кириши ва ташкилотнинг номи “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” деб аталиши тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилинди. Бу ерда гап, асосан, бир мақсадни — чегара масалаларини ҳал этиш, сарҳадлардаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадини кўзлайдиган ташкилот ҳақида бораётир. Ҳозирги вақтда бу ташкилотнинг миқёслари, керак бўлса, унинг олдига қўйилган вазифалар бирмунча кенгайтирилди. Эндиликда чегаралардаги вазиятни барқарорлаштиришдан ташқари сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик масалалари ва, аввало, нотинч Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳам шу ташкилотнинг вазифалари жумласига киради.

Ўзбекистон ана шу янги ташкилотнинг муассисларидан бири бўлади. Биз шу жиҳатдан мазкур анжуманнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишни истаймиз. Шу сабабли, агар “Ўзбекистон қандай мақсадларни кўзлайди?” — деган савол берилса, бунинг жавобини икки қисмга бўлишни хоҳлар эдим. Биринчи қисм: бу ташкилот умуман Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадини кўзлаши ёки амалга ошириши мумкинми? Бу ерда салкам 50 миллион киши истиқомат қилади, уларнинг ярми Ўзбекистонда яшайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон минтақада муҳим мавқени эгаллайди. Такрор айтаман, Ўзбекистон тўрт мамлакат билан чегарадош эканлиги нуқтаи назаридан коммуникация ва жуғрофий-сиёсий жиҳатдан муҳим мавқега эга. Бунинг жуда катта аҳамияти бор. Шу сабабли, масалага “Шанхай бешлиги”ни тузган давлатларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан қаралса, улар, биринчи навбатда, Ўзбекистон шу ташкилот таркибида бўлишидан манфаатдордирлар. Хавфсизлик масаласи — бизнинг бош мақсадимиз. Халқ бу масалада мени қўллаб-қувватлашига ишончим комил, чунки хавфсизлик барча ислохотлар рўёбга чиқишининг асосидир. Хавфсизлик ҳам, одамларнинг осойишталиги ҳам, эртанги кун-

дан кўнгли тўқлиги ҳам шундай бир асос, шундай бир пойдеворки, ҳар қандай режалар шу асос ва пойдеворга қурилади. Осойишталик бўлмаган жойда барқарорлик ҳам бўлмайди. Демократик давлат, янги жамият қурыпмиз, деган гап-сўзларнинг маъноси қолмайди. Одамларнинг руҳи, қалби осойишта бўлмаса, нимани қуриш мумкин?

Президент сифатида мен учун саховатли ўзбек диёрида яшовчи ҳар бир киши миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар ўзини жонажон уйидагидек ҳис қилишини, шу диёрда осойишта яшаб, ўз келажаги, фарзандларининг келажагидан хотиржам бўлишини таъминлашдан кўра азизроқ, бундан ҳам буюкроқ вазифа йўқ. Бизнинг ҳамма режаларимиз шу асосга қурилади. Биз одамлар бутунлай хотиржам яшашлари ва уларнинг эртанги кунига кафолат бўлиши учун ҳамма ишни қиламиз. Ўйлайманки, халқимиз хотиржамликнинг қадрини яхши билади.

САВОЛ: Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий тандем вужудга келди, деб айтса бўладими, шу жиҳатдан сиз ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисидаги қонунни қандай шарҳлайсиз?

ЖАВОБ: Биринчидан, ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисидаги қонунни билмайман, унинг

номи биров бошқача — “Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида” деб аталади.

Кўпгина мамлакатларда шундай қонун қабул қилинган. Бу иш Мудофаа вазирлиги ёки Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг инжиқлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг инжиқлигига қараб ҳал этилмаслиги керак. Қонун Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит тарзида алоҳида юклар ва ҳарбий таркиблар ўтказилганда риоя этишда зарур бўлган шарт-шароитларни халқаро ҳуқуқ асосида кафолатлайди. Бинобарин, бу ҳусусда бирон-бир шов-шув кўтариш ёки аксинча қандайдир зиддиятли талқинлар учун ҳеч бир сабаб йўқ. Яна бир бор такрорлайман, бу иш ҳар бир давлатнинг вазифасидир.

Энди масаланинг биринчи қисми ҳақида. Умуман мен ҳар қандай тандемлар, иттифоқлар ёки блокларга қаршиман. Мен икки томонлама муносабатлар шароитида ишлаш тарафдориман.

Биз Россия билан муносабатларни ҳам иккала мамлакат манфаатларига мос келадиган тарзда чуқурлаштириш ва кенгайтиришни истаймиз. Мен Россияда бўлганимда, Ўзбекистонга — собиқ иттифоқдош республика, деб қарамаслик керак, деган шартдан бошқа ҳеч қандай талаби-

миз йўқлигини қайта-қайта айтдим. Энди — Ўзбекистон собиқ иттифоқдош республика эмас. Биз ўз манфаатларига эга бўлган мустақил суверен давлатмиз. Шу манфаатларни ва “мустақиллик”, “суверенитет” тушунчаси билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларни ҳурмат қилиш керак. Ҳар бир халқнинг ўз муқаддас анъаналари, маънавий ва ахлоқий қадриятларини ҳурмат қилиш ва тушуниб идрок этиш лозим. Бизга тенг ҳуқуқли шерик сифатида муносабатда бўлишлари керак. Иккинчиси — миллий манфаатлардир. Эътибор беринг, Путин Федерал Мажлисга муножаат этиб, ташқи сиёсатга оид тезисларидан бирида бундай деди: “Биз миллий устуворликларни ўртага қўйиш, амалиётчилик ва иқтисодий самарадорлик асосида ташқи сиёсат юритамиз”. Бунга ким эътироз билдиради? Бизнинг сиёсатимиз ҳам шу асосга қурилади-ку, биз ҳам сиёсат имизни айна шу энг муҳим шартлар асосида олиб борамиз-ку.

Миллий устуворлик, яъни Ўзбекистоннинг, унинг халқининг манфаатлари биринчи ўринда туради. Иккинчиси — амалиётчилик. Бунинг фойдаси борми? Биз муносабатларни ривожлантирамиз, мустаҳкамлаймиз, албатта. Ниҳоят сўнггиси — иқтисодий самарадорлик. Бу ҳам ҳозир муносабатларимизнинг муҳим таркибий қисми,

албатта. Биз ўзаро ҳамкорликни айна шу асосга қурамыз.

Кеча мен Ўзбекистон ҳақидаги фильмни суратга олаётган россиялик журналистлар билан суҳбатлашдим. Улар фақат Ўзбекистон эмас, балки барча 15 собиқ республика, шу жумладан Болтиқбўйи республикалари ҳақида ҳам фильм яратишмоқда. Фильмлар СССР парчаланганидан кейин бу мамлакатларда нималар рўй бергани ҳақида.

Мен уларнинг саволларига жавоб қайтариб, Россия “жисмига” ким яқинроқ деган мазмундаги ўзига хос мусобақа ўтказиладигандек но-соғлом жазавани эслатувчи вазият бўлишига йўл қўймаслик лозимлигини таъкидладим. Чунки бундай вазиятда рус тилини ким кўпроқ ҳурмат қилиши ҳақида, уни ҳимоя қилиш фондини тузиш ва ҳоказолар тўғрисида гап-сўзлар бошла-нади. Бу борада онг ичиб ваъдалар беришнинг кераги йўқ. Шу гаплар теварагида кўкракка уриб, таъбир жоиз бўлса, “қардошлик” ва шу каби сий-қаси чиққан сўзларни айтиш етар энди. Буни аниқ, равшан амалий муносабат билан намоён қилмоқ керак. Буни қардошлик ва дўстлик каби муқаддас тушунчалар ҳисобига, ким яқину ким узоқлашганлиги ҳақидаги гапларни рўкач қилиш йўли билан намоён этиб бўлмайди. Шу сабаб-ли, сиз журналистларга мурожаат этиб, яна бир

бор илтимос қилмоқчиман: холис, осойишта, босиқлик билан иш тутинглар. Мана, қаранглар, улар энг садоқатли, улар у ёки бу иттифоқни тузмоқдалар, деган тутуруқсиз гап-сўзларнинг кераги йўқ. Яна бир бор айтмоқчиман: Ўзбекистон ҳеч қандай иттифоққа, айниқса ҳарбий-сиёсий иттифоқларга кирмайди. Бизнинг вазифамиз аниқ ва равшан, жамоатчилигимиз, халқимиз бу сиёсатни тушуниб турганлигидан жуда хурсанд эканимни ҳам шу ўринда айтиб қўймоқчиман.

2001 йил 11—12 май

“ХАЛҚ — ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...”

Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, ноҳақ унутилган тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, азиз авлиёларимизнинг қадамжоларини муътабар зиёратгоҳларга айлантириш, бир сўз билан айтганда, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу йилнинг 1 майида эълон қилинган “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Президент Фармони ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида бу борада олиб борилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давомидир. Бутун жамоатчилигимиз томонидан қизғин кутиб олинган ушбу Фармонда, жумладан, шундай дейилади:

“Мустабид тузум даврида миллион-миллион беғуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлгани, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди”.

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик кўриш комиссияси мазкур Фармонда кўзда тутилган “қатағон қурбонлари хотираси” музейини ташкил этиш, зиёратгоҳни сайёҳлик йўналишига киритиш, мажмуа ҳудудини янада ободонлашти-

риш, бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш билан боғлиқ ишларни бошлаб юборди.

Яқинда Президент ҳузурида ушбу комиссия амалга ошираётган ишлар муҳокама этилди, йиғилишда халқимизнинг азалий анъаналарига мос бўлган бу тадбирнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти, маъно-мазмуну ва маърифий-мафкуравий йўналиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

— Аввало шуни айтиш лозимки, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, — биз “қатағон қурбонлари” деган иборани қандайдир тор маънода тушунамиз. Бу ибора кўп ҳолларда 30-йилларнинг иккинчи ярмида репрессия қилинган ижодкор зиёлиларга, айтайлик, Чўлпон ва Фитрат, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир сингари бир қатор адабиёт ва санъат намояндаларига нисбатан қўлланади. Бунинг замирида тарихий ҳақиқат мавжуд, албатта. Бу улуғ зотлар ўз даврида ноҳақ қатағон этилган. Уларнинг қанчадан-қанча орзуниятлари ушалмай қолган. Бу сиймоларнинг фожиали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимиз қалбида доимо сақланади, уларнинг ёди чексиз армон билан эсга олинади. Лекин, мен “қатағон қурбонлари” деган тушунча аслида кенгроқ ва теранроқ мазмунга эга, деб ўйлайман.

Қатағон дегани мустамлакачилик ва истибодод даврида, шўро замонида жуда чуқур ўйлан-

ган ҳолда бутун халқимизга, миллатимизга қарши олиб борилган, инсонийликка ёт, зулм ва зўравонлик, тазйиқ ва қўрқитиш сиёсатининг негизини ташкил этади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим. Масалан, чор қўшинлари Тошкентни забт этиш пайтида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни қириб ташлаган, оналар ва болаларнинг кўз ёшлари дарё бўлиб оққан. Ёки бўлмаса, 1916 йили Жиззах қўзғолони шафқатсиз равишда бостирилгач, беаёв қатагон этилган аждодларимизни бир эсланг. Бундай инсонлар чоризм қамоқхоналарию Сибирь сургунларида ном-нишонсиз йўқ қилиб юборилган.

Худди шунингдек, истибдод даврида содир бўлган юзлаб норозилик галаёнларининг қонга ботирилганини эслаш мумкин.

Шўро тузуми даврида ҳам шафқатсиз қирғин-қатагонлар муттасил давом этган, колхозлаштириш баҳонасида неча минг меҳнаткаш, омилкор деҳқонлар қулоқ сифатида сургун қилинган, тазйиқ ва таъқибларга гирифтор этилган. Албатта, бугун биз ўша даврдаги машъум қатагон оқибатида қурбон бўлган маърифатпарвар зиёдиларнинг номларини кўпроқ биламиз. Уларнинг хотирасини тиклаш, иззат-ҳурматини жой-жойига қўйиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Қатагон қурбони бўлган ўнлаб зиёдиларнинг илмий ва адабий асарлари чоп этилиб, мутахассислар томонидан кенг ўрганилмоқда, уларнинг

номлари абадийлаштирилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетининг ташкил топиши билан боғлиқ тарихий адолат тикланиши ҳам шу йўлдаги катта ишлардан биридир.

Бу фидойи инсонларнинг хотирасини эъзозлаш билан боғлиқ ишларимиз бундан буён ҳам изчил давом этади, — деди Президент. — Лекин мени кўпроқ бошқа бир масала ўйлантиради: мустабид сиёсат минг-минглаб оддий одамларни, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларни ҳам асоссиз равишда қатағон қилган эди-ку! Қатағон туфайли уй-жойидан, оиласидан, ота-онасидан, фарзандларидан айрилган, боши кулфатдан чиқмай ном-нишонсиз кетган қанчадан-қанча қурбонлар бўлганини ҳам унутмаслик зарур.

Биз, ҳамиша ҳам номи тилга олинавермайдиган, бу ёруғ оламдан бир дунё армон билан ўтиб кетган ана шу оддий одамлар хотираси олдида ҳам қарздормиз. Эҳтимол, уларнинг барчасини бирма-бир эслаш, номларини тиклаш қийиндир, аммо хотирасини ёд этиш, эслаш жоиз, албатта.

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек, пойтахтимизда бунёд этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи эл-юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида ўз жонини фидо этган сиймолар билан бирга мустабид тузум даврида қабоҳат туфайли умри хазон бўлган, ноҳақ зулмга учраган оддий инсонлар, бир сўз билан айтганда, қатағон қурбони бўлган барча ватандошларимиз хотирасини ўзида мужассам этади.

Бундан бир йил муқаддам мазкур зиёратгоҳнинг очилиши маросимида сўзлаган нутқида Юртбошимиз шундай деган эди:

“Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз”.

1 майда эълон қилинган Фармонга мувофиқ бундан буён ҳар йили 31 август куни мана шу зиёратгоҳда қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ўтказилиши белгилаб қўйилди.

— Бу маросимда, — дея таъкидлади Президентимиз, — моҳият-эътибори билан истибдод зулмини ўз бошидан кечирган халқимиз тақдири, унинг тортган азоб-уқубатлари, кулфат ва ситамлари, бегуноҳ одамларнинг мустабид сиёсат тегирмонида, тарих ғилдираги остида ноҳақ эзилиб-янчилиб кетгани ўз ифодасини топиши даркор. Акс ҳолда, қатағон гирдобига тортилган минглаб оддий деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, боғбон ва ишчилар, ўқитувчию қурувчиларнинг фожиали қисмати ким эслайди, ким уларни ёдга олади?

Қатағон, жабр-зулм ҳақида гап кетганида, оёғида чорик, эгнида якак, бошидаги дўпписини қийиқча билан боғлаб, кетмонни елкасига

ташлаб олган, умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, оддий ва беозор, заҳматкаш ўзбекнинг сиймоси беихтиёр менинг кўз олдимга келади.

Биз қатагон қурбонлари ҳақида гапирганда, уларни ёдга олганда фақат “Шаҳидлар хотираси” мажмуи қад кўтарган Бўзсув соҳилларини эмас, балки Фарғона водийсини, Самарқанд ва Бухорони, Қашқадарё ва Сурхон заминини, Хоразм ва Қорақалпоғистонни, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонни аниқ-равшан ўзимизга тасаввур қилишимиз, ҳар бир шаҳар ва қишлоқдан қанчадан-қанча одамлар, аждодларимиз қатагон этилганини унутмаган ҳолда уларни хотирлашимиз даркор, деб уқтирди Президент.

Бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса шуки, бу борадаги маърифий-мафкуравий ишларда бошидан жуда кўп фожиалар ўтган халқимиз, унинг сабрбардоши, иймон-иродаси, елкамизга офтоб теккан бутунги кунлар, истиқлол ва озодликнинг қадрқиммати ҳақида атрофлича фикр юритишимиз, шу масалаларга алоҳида урғу беришимиз лозим.

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида Фармонда белгиланган “Қатагон қурбонлари хотираси” музейини бунёд этишда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш керак. Умуман, бу масалага фақат сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки одамийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, ноҳақ жабр кўрган, қатл этилган кишилар, уларнинг ёди, мухтасар қилиб айтганда, инсон хотираси, ўтган-

лар олдидаги тирикларнинг бурчи, яъни зимма-миздаги қарздорлик туйғусидан келиб чиқиб иш тутиш, менимча, мақсадга мувофиқдир.

Барчамиз ҳам жафокаш халқимиз тақдири, ноҳақ қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида доимо бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришимиз лозим, — деди Президент.

Маълумки, мазкур Фармонга асосан “Шаҳидлар хотираси” мажмуини янада ободонлаштириш кўзда тутилган. Бу ишни амалга оширишда ёдгорлик мажмуи муқаддас зиёратгоҳ эканини унутмаслик зарур. Бу ерда ҳамиша маънос бир сукунат ҳукмрон бўлиши, зиёратга келган одам ўтганларни эсга олиб, умрнинг, бугунги дориломон кунларнинг қадрини англаб етиши, зиёратгоҳ шунга мос маърифий-тарбиявий масканга айланиши, айниқса, муҳимдир.

Ҳозирги пайтда биз тарихимиз, аجدодлар хотираси билан боғлиқ қўшлаб меъморий иншоотлар, ёдгорлик мажмуалари бунёд этилмиш, — дея давом этди Президент, — аммо уларнинг ижтимоий вазифасини, бу жойларда олиб бориладиган тарбиявий тадбирларни, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳали-бери ўзимизга тўла тасаввур қилиб, уларнинг маънавий-маърифий йўналишини аниқ ишлаб чиққанимизча йўқ. Ҳолбуки, бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири — мана шундан иборат. Бу ишда, айниқса, ижтимоий соҳа олим ва мутахассисла-

ри, маданият аҳли, ижодкор зиёлиларимиз ибрат ва фаоллик кўрсатишлари даркор...

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихий адолатни тикламасдан туриб, адолатли жамият қуриш мумкин эмас. Шу маънода Юртбошимиз олимлар, адабиёт ва санъат аҳли олдига қўяётган хайрли вазифа ҳар биримиздан масалага катта масъулият билан кенг ва атрофлича қарашни тақозо этади.

Истибдод даврида қатағон қурбони бўлган улуғ сиймоларни ёд этиш билан бирга худди шундай ноҳақ зулмга гирифтор этилган жафокаш оддий одамларни бугун биз, истиқлол неъматидан баҳраманд бўлаётган миннатдор авлод, ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олишимиз, руҳларини шод этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Чунки халқ деганда унинг улуғ сиймолари билан бирга миллионлаб оддий вакиллари — ҳунараманду деҳқонлари, сувчию чўпонлари — барча-барчаси яхлит ҳолда намоён бўлади.

Ўз озодлиги йўлида беҳисоб қурбонлар берган, машаққатли курашларда сабот ва матонат кўрсатган халқимиз хотираси олдида, Юртбошимиз таъкидлаганидек, доимо бош эгамиз.

2001 йил 22 май

МАГИСТРАТУРА, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ БИРИНЧИ БИТИРУВЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, замонавий билим даргоҳларининг илк қалдирғочлари бўлган сиз — илм ва ҳунар соҳибларини ўқишни муваффақиятли тамомлаганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида олижаноб инсоний фазилатларни намоён этишга қодир баркамол инсонларни кўради, уларнинг бахтли-саодатли бўлишини орзу қилади.

Биз ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагимизни жаҳон ҳам-жамиятининг узвий бир қисми сифатида барпо этишга азму қарор қилган дастлабки кунларданок бундай юксак мақсадларга эришишнинг энг муҳим шарти — ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканини теран англадик.

Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида дастлабки, айна пайтда тарихий қадам бўлган Кадр-

лар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик ва ҳаётга жорий этишга киришдик. Бу дастурнинг ўзбек таълим модели сифатида бутун дунёда тан олинаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар эътибор ва ҳавас билан қараётгани узоқни кўзлаб тузилган режаларимизнинг тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради.

Қадрли фарзандларим!

Яхши ният билан парвариш қилинган дарахтнинг дастлабки меваси ҳамиша тотли бўлади. Бугунги ҳаяжонли дамларда сиздек бахтиёр авлоднинг чеҳрасига боқиб, ана шундай улуг мақсадларимизнинг ширин меваси, олижаноб интилишларимизнинг илк нишонасини кўриб турибмиз, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўйлайманки, мустақил тараққиётимизнинг устувор йўналишини ташкил этадиган соғлом авлод ҳаракатининг дебочаси сифатида мана шундай улкан ўзгаришлар давридаги имкониятлардан баҳраманд бўлиш бахти айнан сизларга насиб этаётгани ўзига хос рамзий маънога эга.

Сизларнинг номингиз беқиёс янгиланишлар жараёнининг муҳим босқичидан шаҳодат бўлиб, буюк давлат қуришга интилаётган озод ва обод Ватанимизнинг янгитдан ёзилаётган тарихи саҳифаларидан жой олиши шубҳасиз.

Шуни ҳеч қачон унутмангки, навқирон авлоднинг хоҳиш-иродасини, жўшқин ва соф ин-

тилишларини ифода қиладиган сиздек ўғил-қизларимизни олдинда янги-янги имкониятлар, қанчадан-қанча зафарлар билан бирга, не-не синовлар, юксак довлар, мураккаб ва шарафли йўллар кутмоқда.

Сизлар ҳар қандай вазиятда ҳам юртимиз истиқлолининг, дунёда яккаю ягона бўлган она Ўзбекистонимизнинг фидойи ва жасур, билимдон ва бахтли фарзандлари бўлиб қолишингизни истардим. Мана шундай инсоний фазилатлар, бир умр комилликка интилиб яшаш, касбга садоқат туйғуси сизларни асло тарк этмасин.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, азму шижоат, мардлик ва матонат доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Бугун — ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизнинг орзу-умидлари ушалган муборак кунда сизларга оқ йўл тилар эканман, олган билим ва тажрибангиз, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало ўзингизга, бутун эл-юртимизга бахту саодат келтирсин, дейман.

Мана шу унутилмас дамларда сизларга Яратгандан энг эзгу ниятларни тилаб қоламан.

Истиқлол ва тараққиёт йўлида қўйган қадамларингиз қутлуғ бўлсин.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАЎБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Раис Цзян Цзэмин Жаноби Олийлари,
Ҳурматли давлат раҳбарлари ва делегациялар
аъзолари!

Аввало, Ўзбекистон делегацияси номидан сиз,
саммит қатнашчиларини қутлаш ва барча дав-
латлар раҳбарлари ҳамда уларнинг тимсолида
мазкур мамлакатлар халқларига самимий эҳти-
ром изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Беш мамлакат раҳбарларининг биринчи учра-
шуви Шанхайда бўлгани чуқур рамзий маънога
эга. Негаки, назаримда, бугун айна шу ерда дунё
сиёсий тарихига кирадиган муҳим халқаро воқеа
рўй бермоқда — янги минтақавий тузилма — Шан-
хай ҳамкорлик ташкилотига асос солинмоқда.

Ўзбекистон мазкур форумнинг фаолиятини
юқори баҳолайди. У ўзининг тадрижий ривожла-
ниш жараёнида фақат чегарагагина оид масалалар-
ни ечиш билан шуғулланадиган гуруҳдан, диққат
марказида хавфсизлик ва барқарорлик, иқтисо-
дий ва бошқа турдаги ҳамкорлик масалалари тур-
ган ташкилотгача бўлган йўлни босиб ўтди.

Биз Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тинч-
лик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, биринчи

галда, халқаро террор, диний экстремизм, босқинчи айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-хатарга қарши туришда очик, ўзаро фойдали шериклик ва кўп томонлама ҳамкорликка қаратилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми, деб биламиз.

Бугун Шанхайда нуқтаи назари ва сиёсати Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка тўғридан-тўғри таъсир этадиган давлатлар вакиллари йиғилгани алоҳида қониқиш ҳиссини уйғотади.

Шанхай бирлашмаси доирасида давлатлараро ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, мазкур бирлашма фаолиятининг асосини сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-техникавий жиҳатдан қудратли, айти пайтда БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган икки буюк давлат — Россия ва Хитой ташкил этаётгани ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини таъкидлаш учун барча асос бор, деб ҳисоблаймиз. Бу давлатларнинг аҳамияти ва таъсир доираси инобатга олинса, уларнинг сайёрамиздаги турли минтақалар, жумладан, Марказий Осиёдаги стратегик табиий манфаатлари тўла намоён бўлади.

Табиийки, Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлигига минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида қараймиз. Бу давлатлар ўтган йиллар давомида ҳам икки, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик борасида анчагина тажриба тўплаган.

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Ўзбекистон, таъсисчи ва тенг ҳуқуқли ишти-
рокчи сифатида, онгли равишда Шанхай ташки-
лоти билан ҳамкорликка киришмоқда. Бу қарор
қабул қилинишида нафақат манфаатлар мушта-
раклиги ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар-
нинг бир хил баҳоланиши, балки аъзо давлатлар
мазкур муаммоларнинг олдини олиш учун бир-
галикда қатъий курашга тайёрлиги катта аҳами-
ятга эга бўлди.

Шу билан бирга, биз ҳозирги дунёвий ва мин-
тақавий тараққиёт анъаналарини, ўз миллий ман-
фаатларимизни, “Шанхай жараёни”нинг дунёдаги
ўта муҳим жуғрофий-сиёсий минтақалардан бири
бўлмиш Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор-
ликни таъминлашдаги имконият ва салоҳиятини
ҳам назарда тутган ҳолда шундай қарорга келдик.

Бугун жаҳон ҳамжамияти ўз тараққиётининг
ўта мураккаб ва масъулиятли даврини бошдан
кечирмоқда. Глобализация шароитида, ақидапа-
растлик муаммолари ҳамда миллий, минтақавий
ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-
хатарга дуч келинаётгани боис, сифат жиҳатидан
янги дунёвий тартиб шаклланмоқда.

Бугун бирор давлатда юзага келиб, тез орада
босилмаган оддий бир можаро ё келишмовчилик
вақт ўтиши билан ўша мамлакат чегарасидан чи-
қиб, бу жараёнга қўшни давлатларнинг янги ва
янги ҳудудларини, мазкур можародан одатда ўзи-

нинг узоқни кўзловчи мақсад ва манфаатларини назарда тутган янги кучларни қўшиб юборишни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Афсуски, бу маънода, ўзининг стратегик манфаатларини яширмаётган халқаро экстремистик марказлар, наркосиндикатлар ва уюшган жиноятчиликнинг қўпоровчилик ҳаракатлари объектига айланган бизнинг минтақамиз ҳам истисно эмас. Узоқни кўзловчи бу режалар яхши маълум. Бу Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этаётган урушдан фойдаланиб, Марказий Осиё давлатларини ўзи танлаган дунёвий, демократик жамият қуриш йўлидан қайтариш, минтақадаги вазиятни издан чиқариш, барқарорликка путур етказиш, айтиш мумкинки, қўшни мамлакатлардаги осойишталикни бузиш орқали юзага келган тартибсизлик шароитида ҳеч бир тўсиқсиз кенг кўламли жиноий фаолият юритиш ва ўзининг якуний мақсадига — жуғрофий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўта муҳим бўлган минтақа устидан назорат ўрнатишга эришишдир.

Ўзбекистон минтақа аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар ва нотинчлик ҳукм сураётган Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган ягона давлат сифатида таҳдид ва хавф-хатарнинг умумийлигини, Марказий Осиё минтақаси ва у ерда яшаётган халқлар тақдири учун масъулиятни яхши англайди.

Муҳтарам учрашув қатнашчилари,

Бугун минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик муаммолари, шунингдек, уларни ечиш йўллари муҳокама этаётган эканмиз, қуйидаги масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман:

Биринчидан. Биз ечилмаётган афғон муаммоси минтақавий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарнинг асосий манбаидир, деган фикрдамиз.

Ўйлайманки, Афғонистонда тинчлик ўрнатмай туриб, бу катта минтақада хавфсизликни таъминлаб ва узоқ муддатли барқарорлик ўрнатиб бўлмаслигини исботлашга ҳожат йўқ.

Афғонистон, мажозан айтганда, нафақат минтақавий, балки дунёвий хавфсизлик тизимига уланган “бикфорд плиги”га айланиб қолган. Бу мамлакат ҳудуди халқаро террорнинг таянч маркази, ўта жангари ва бузғунчи кучларнинг машқ майдони, жаҳон бозорига наркотик етказиб берадиган асосий манба бўлиб қолди.

Таассуфки, афғон муаммосини ечиш бўйича турли ташаббуслар илгари сурилганига қарамай, бугун бу борадаги ишлар боши берк кўчага кириб қолганини қайд этишга тўғри келади.

Шу муносабат билан қайд этамизки, назаримизда, афғон муаммосини ҳал қилишда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг салоҳиятидан фойдаланиш, айтиш мумкинки, унинг бошини бу ишга қўшиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, айнан

шу ташкилотга аъзо давлатлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан бошқалардан ҳам кўра манфаатдорроқдир.

Иккинчидан. Замонавий халқаро террор, диний экстремизм, айирмачилик ва наркобизнеснинг фаолият кўлами кенгайиб бормоқда. Бундай кучлар мақсадга эришишнинг ўта қабиҳ усул ва воқиталарини ишга соляпти. Бу таҳдидларга ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисалар сифатида қараш лозим. Чунки улар бир “томирдан озиқланмоқда”. Бу кучларнинг ортида турганлар эса ўз режа ва хатти-ҳаракатларининг юксак даражада мувофиқлаштирилганини намоён этмоқда.

Бутун аниқ айтиш мумкинки, агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро террорнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз, халқаро террорнинг молиявий таянчидир.

Экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, якка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани тобора равшанлашмоқда.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни жуда муҳим, назаримизда принципиал бўлган масалага қаратмоқчиман. Халқаро террорга қарши курашнинг нафақат бизнинг, балки бошқа минтақалардаги тажрибаси ҳам ўзини четга олиш

ёки аҳволини енгиллатиш умидида бундай бузғунчи кучлар билан муроса қилишга ҳар қандай уриниш самарасиз ва истиқболсиз эканини кўрсатмоқда. Гап бу ерда ана шу ҳақда бормоқда.

Бундай қондани террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашга қаратилган бугун имзоланадиган Шанхай конвенциясига киритишимиз тўғри бўлур эди. Шу муносабат билан Конвенциянинг 3-бобини қуйидаги 2-банд билан тўлдириш таклиф этилмоқда:

“Томонлар халқаро террорчилар билан ШХТ таркибига кирувчи мамлакатлар манфаатларига зид, бир томонлама мақсадни кўзловчи музокаралар олиб боришнинг ҳар қандай имкониятларини рад этади”.

Хавфсизлик — умумий муаммо, деган тамойил ҳамда қарши чоралар тизимига асосланган биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина бундай барча таҳдидларнинг олдини олиш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мумкин.

Учинчидан. Жаҳонда оммавий қирғин қурола тари тарқалишидек хавфли анъана кучайиб бораётгани назарда тутилса, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш гоёси муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу гоё минтақанинг барча давлатлари томонидан бирдай қўллаб-қувватланаяпти.

Мазкур масала борасида БМТ томонидан расмийлаштириш ва тегишли қарор қабул қилиш бўйича халқаро меъёрларда белгиланган жараён-

ни якунлаш учун муайян ишларни амалга ошириш зарур. Ушбу жараённинг тезроқ ниҳоясига етишида, табиийки, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари — Россия ва ХХРнинг кўмагига умид қиламиз.

Туртинчидан. Гап халқаро террор хавфининг ўсиб бораётгани, диний экстремизм ва наркотрафикнинг тарқалиши, аниқроғи, кенг ёйилиши ҳақида кетар экан, ушбу кучлар жиноий тўдаларга хайрихоҳларни ва уларга қўшилаётганларни қандай ва қердан ёллаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бошқача айтганда, бунга олиб келадиган ижтимоий асосларни назардан қочирмаслик зарур.

Катта молиявий захираларга эга бўлган халқаро террорчилик ва диний радикализм марказларига ўзларининг жиноий режаларини амалга ошириш учун жангари ёллашга имкон берадиган омиллар мавжуд. Бу одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ночор аҳволда экани, айрим минтақалардаги демографик муаммолар, айниқса, ёшлар орасидаги оммавий ишсизлик ва шароит етарли эмаслиги, келажакка ишончсизликдир.

Шунинг учун курашнинг обдон ўйлаб ташкил этилган тизими халқаро террорчилик таъсири ва радикал экстремизм тарқалишидан сақлашни таъминлайди. Уюшган наркотрафикка қарши курашиш билан бир қаторда, бизнинг диққат-марказимизда кўп қиррали иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик тизимини ташкил этиш ва чуқурлаш-

тириш масалалари туриши лозим. Бунда ўзаро ҳамкорликнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби давлатларимизнинг манфаатлари ва мақсадлари умумийлигига асосланиш даркор.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг давомли иқтисодий тараққиёти учун улкан захиравий салоҳиятига эга.

Бу, биринчи навбатда, бой табиий ва минерал-хом ашё захиралари манбаларини ўрганиш ва ўзлаштиришнинг улкан истиқболларида намоён бўлади.

Бу, аввало, сув-энергетика, транспорт коммуникацияси, экологик ва бошқа минтақавий тизимларни ривожлантириш, иқтисодиётнинг устувор соҳаларида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, кенг минтақавий бозорни рақобатбардош товарлар билан тўлдиришга оид қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболларида кўринади.

Ўзаро фойдали савдо-иқтисодий алоқалар ва транспорт коммуникацияси инфратузилмасининг ривожланиши минтақанинг барча давлатлари ҳамда халқларининг фаровонлиги ва гуллаб-яшнашини таъминлаш учун салмоқли ҳисса қўша олади. Ўзбекистон ушбу хайрли ишларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр.

Қадрли дўстлар.

Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун шарт-шароит яратиш тўғрисида гап кетар экан, эътиборингизни бир муаммога қаратишни истардим. Бу борадаги ҳамкорлик расмий баё-

нотлар, ўйламай қабул қилинган қарорлар ва ўзбошимча ҳаракатларга эмас, балки илгари қабул қилинган икки ва кўп томонлама ҳужжатлар, шунингдек, ушбу саммитда имзолаш учун тайёрланган **Декларация ва Конвенцияда ўз ифодасини тошган** тартибларга таяниши лозим. Фикримча, бугундан бошлаб мазкур шартномавий-ҳуқуқий асосдан **минтақавий хавфсизлик тизимини** шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Минтақавий хавфсизлик тизими самарадорлигининг зарур шarti қуйидаги тамойилларда акс этиши керак: ўзаро ишонч, ошкоралик, миллий ва минтақавий манфаатларнинг оқилона мувозанатига риоя қилиш, барча қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш.

Бугун анжуманимиз ўзининг халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш босқичига ўтмоқда. Имзоланajak ҳужжатлар ташкилотининг узоқ муддатли ва самарали фаолиятига асос солиши лозим.

Айни пайтда бошқа тузилмаларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкилотнинг “мунозаралар клуби”га айланишига йўл қўймаслик мақсадида тегишли тартибий масалаларни пухта ишлаб чиқиш лозим. Жумладан, муайян мунозарали масалалар борасида ўзаро муросали қарорлар қабул қилиш механизмини яратиш талаб этилади.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларация лойиҳасини юқори баҳолайди. Фикримизча, унинг асосий бандлари-

нинг бажарилиши сифат жиҳатидан янги минтақавий тузилма яратиш имконини беради. Биз декларацияда ҳарбий блок тузмаслик, бошқа мамлакатлар ва минтақаларга қарши йўналмаганлик, бошқа давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқалар ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш тамоийллари акс эттирилиши муҳим деб ҳисоблаймиз.

Террор, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш конвенциясига келсак, Ўзбекистон уларнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий чоралар кўриш тарафдори сифатида мазкур ҳужжатнинг барча қоидалари амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр.

Бугун ташкил топаётган янги тузилма — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро ва минтақавий ташкилотлар орасида муносиб ўрин эгаллайди, минтақавий ва жаҳоншумул ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда таъсирчан воситага айланади, деб ўйлайман.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон делегацияси номидан Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига, шахсан ХХР раиси Цзян Цзэмин жаноби олийларига Хитой диёридаги самимий қабул, саммит ташкилотлари томонидан уни муваффақиятли ўтказиш учун яратилган ажойиб шароит учун чин юракдан миннатдорчилик билдираман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

2001 йил июнь

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Барчангизни касб байрамингиз — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз журналист деганда, аввало, ўз ўрнини доимо ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида деб биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида касб маҳорати ва фуқаролик позициясини намоён этадиган қатъиятли инсонларни тасаввур қиламиз.

Шу билан бирга, фаолияти ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайдиган заҳматкаш ва камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот воситаларининг ишчи-хизматчиларини кўз олдимизга келтирамыз.

Бугун янги ҳаётни босқичма-босқич қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган ўн йиллик мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, Ватанимиз эришган ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, фахру гурур қилишга арзийдиган

ўзгаришларда сиз — жонкуяр журналистларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бизнинг орзу-мақсадларимиз, интилишларимиз барчага аён:

халқимизнинг эркин, фаровон ҳаётига кафолат берадиган, инсон ҳуқуқларини устувор қадрият сифатида эътироф этадиган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишдир.

Матбуот саҳифалари, радио-телевидение тўлқинлари орқали жамоатчиликни ана шу мақсадлар сари даъват қилар эканмиз, бунга эришиш учун қанча-қанча оғир муаммоларни ечиш ва эски тузум асоратларини енгиб ўтиш лозимлигини, бундай вазифа ўз ҳаётини матбуот билан боғлаган журналист аҳли зиммасига нақадар мураккаб масъулият юклашини барчамиз яхши тушуниб олишимиз зарур.

Журналистнинг нони нечоғли қаттиқ эканини тасаввур этиш учун одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва адолат ҳукмрон бўлишига эришишда, ҳаётда учраб турадиган нопоклик, тўрачилик, маҳаллийчилик каби иллатларга қарши курашда матбуот ходимларининг ўз ҳаловатидан воз кечиб, ҳатто тақдирини хавф остига қўйиш ҳолатларини кўз ўнгимиздан ўтказишимиз мумкин.

Шу боис ҳам ўткир қалами ва маҳорати билан жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳақиқий журналист меҳнатини ўз ҳаётини халқ бахти ва фаровонлиги учун, унинг оғирини енгил қилиш учун курашга бағишлаган фидойи инсонлар меҳнати билан қиёслаш тўғри бўлади.

Бугун биз янги ҳаёт, демократик қадриятлар сари қадам қўяр эканмиз, ҳаётнинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган баъзи муносабатларни тубдан ўзгартиришга, янгича фикрлашга даъват этаётганини англаб олишимиз керак.

Содда қилиб айтганда, бугун замон биз ўрганиб, одатланиб қолган, оёғимизга кишан бўлиб турган айрим ёндашув ва қарашлардан воз кечишни талаб қилмоқда.

Ҳозирги пайтда кундалик ишларни, янгилик ва ўзгаришларни акс эттиришда, турли мансабдор шахсларнинг фаолиятини ёритишда матбуот, радио-телевидениеда кўпроқ баландпарвоз оҳанглар устунлик қилаётганини, воқеа-ҳодисаларни ўз номи билан аташдан тортиниш ҳолатлари, йўл қўйилаётган қонунбузарлик ва камчиликларни хаспўшлаш, қисқача айтганда, бирёқлама қарашлар мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин.

Албатта, ютуқлар тўғрисида ёзиш керак, кенг жамоатчиликни мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнларидан атрофлича хабардор қилиш зарур.

Бундай ибратли мисоллар ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши ҳам шубҳасиз.

Лекин, агар биз олдимизга қўйган мақсад-марраларга тезроқ етмоқчи бўлсак, ўзимиз кураётган адолатли, эркин ва фаровон ҳаётни тезроқ кўрмоқчи бўлсак, аввало, шу мақсадга эришиш, ҳаётимизда демократик тушунчаларни қарор топтириш учун бел боғлаган инсонлардан ўз бурчини, зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этиш талаб қилинади. Шу жумладан, жамиятимизнинг барча бўғинларида хизмат қилаётган раҳбарлар ва мутасадди ходимлардан ўз ишини виждонан бажариш, журналист аҳлидан эса уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан, айнаи вақтда ҳолисона қараш, рўй бераётган камчилик ва нуқсонларни очиб бериш талаб этилади.

Бундай позиция, бундай ёндашишни улар учун нафақат касб тақозоси, балки фуқаролик бурчи деб билиш керак.

Такрор айтаман: ҳокимият ўз ишини, матбуот ўз ишини виждонан ва ҳолисона адо этиши лозим. Мана шундай, таъбир жоиз бўлса, меҳнат тақсимоти юксак мақсадларга эришишимиз йўлида биз учун ҳар томонлама мақбул бўлади, деб ўйлайман.

Бу ишда бир-бирини тўғри тушуниш, беғараз танқидни вазминлик ва босиқлик билан қабул қилиш айниқса муҳимдир. Жиззакилик, аламза-

даликка берилиш, бир-биридан ўч олишга ури-ниш каби бизнинг ишимизга халақит берадиган нохуш ҳолатларга мутлақо йўл қўймаслик лозим.

Журналистлар ҳам шуни унутмаслиги зарур-ки, эркин фикр билдиришда албатта маҳорат ке-рак, албатта масъулият керак ва албатта халқи-мизга хос одоб-андишани йўқотмаслик керак.

Табиийки, бундай босқичларга етиш учун, бундай муҳит ҳаётий кўникмага, тафаккуримиз-нинг узвий бир қисмига айланиши учун журна-листларимизнинг ўз билим ва малакасини мут-тасил ошириб бориши, муайян соҳага ихтисос-лашиши ҳам катта аҳамият касб этади.

Шундагина матбуотнинг ҳаққоний, ҳарорат-ли сўзи ҳар бир юртдошимиз юрагида акс садо беради ва у халқимизнинг чинакам маънавий ҳам-роҳига айланади.

Қадрли дўстлар!

Ҳаммамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ис-тиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида сизлар-ни бугунги байрамиз билан яна бир бор қут-лар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижо-дий ютуқлар, оилавий бахту саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЖАМИЯТДА ТАДБИРКОРЛИК РУҲИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Мамлакатимизни 2001 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш яқунларини баҳолар эканмиз, мен аввало қуйидаги натижаларни қайд этиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бу даврда ҳам бутун иқтисодиёт, унинг етакчи тармоқ ва соҳаларининг изчил ва барқарор ривожланишига эришилди. Хусусан, ҳисобот даврида ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш 4,2 фоизга, саноат маҳсулоти ҳажми 7,5 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 10,9 фоизга, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 7,7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 8,6 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш эса 13,5 фоизга ўсди.

Иккинчидан, мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўртача ойлик инфляция даражаси 1,5 фоизни ташкил этди. Нақд пул эмиссияси даражаси пасайди. Тўлов интизоми мустаҳкамланди, хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтиб кетган дебиторлик

ва кредиторлик қарзлари сезиларли даражада камайди. Давлат бюджетининг камомади 0,4 фоиздан ошмади. Экспорт ҳажми ортди, ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришилди.

Учинчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Биринчи ярим йилликда иқтисодиётга сармоя киритиш ҳажми 2,9 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми эса 2,4 фоизга ортди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган ярим йилликда мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган йўналишлар — иқтисодиётимиз ва унинг муҳим соҳаларининг ўсиш суръатлари, умумий макроиқтисодий мутаносиблик барқарорлигини таъминлашда олдимизда турган устувор вазифаларни ҳал қилиш йўлида изчил қадамлар қўйилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Агар бугунги кунда халқимиз, аввало қишлоқ меҳнаткашлари қандай мураккаб шароитларда меҳнат қилаётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижаларимизнинг аҳамияти ва салмоғи сўзсиз янада ортади.

Жорий йилнинг қишлоқ хўжалиги учун қанчалик ноқулай келгани ҳаммамизга яхши маълум.

Мана, икки йилдирки, мамлакатимизнинг қўллаб ҳудудлари мисли кўрилмаган сув танқис-

лиги ва қурғоқчиликдан зарар кўрмоқда. Оқибатда мамлакат иқтисодиётига катта миқдорда зиён етди. Лалми ерлардаги бутун ҳосил нобуд бўлди, сув етишмаслиги туфайли кўплаб дон ва бошқа экинлар майдонини қисқартиришга мажбур бўлдик, айрим туманларда эса экин экишнинг умуман иложи бўлмади.

Шунга қарамасдан, деҳқонларимизнинг қаҳрамонона меҳнати билан ана шундай мураккаб шароитларда мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга молик бўлган вазифа муваффақиятли адо этилди. Барча турдаги хўжаликлар 3,5 миллион тоннадан зиёд бошоқли дон, жумладан 3 миллион 400 минг тонна буғдой ҳосили етиштирилди. 2 миллион 100 минг тоннага яқин буғдой давлат томонидан сотиб олиниб, омборларга ғамлаб қўйилди.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Денов, Тошкент вилоятининг Бекобод, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Хоразм вилоятининг Гурлан, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз каби кўплаб туманларнинг меҳнаткашларига ҳар қанча тасанно айтсак арзийди. Улар мўл ҳосил етиштириб, давлат эҳтиёжлари учун ғалла сотиш бўйича олган мажбуриятларини ошириб бажардилар, ҳар гектар майдондан ўртача 40 центнердан, айрим хўжаликлар эса 70-75 центнердан хирмон кўтариб, юқори натижаларга эришдилар.

Мен фурсатдан фойдаланиб, мана шу юксак минбардан барча лафзи ҳалол деҳқонларимизга,

2001 йил ҳосилини етиштириш ва йиғиб олиш йўлида бепоён далаларда кўрсатган жасоратлари, қаҳрамонона меҳнатлари учун чин қалбимдан чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Бугунги мажлисимиз кун тартибига мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга доир муҳим ва долзарб муаммоларнинг ечимини топиш билан боғлиқ масалалар қўйилган.

2001 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунларини таҳлил қилар эканмиз, мен фақат муҳим бир масала — кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳволи ва бу соҳадаги муаммолар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим.

Биз нима учун бу йўналишга, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг айнан мана шу муҳим соҳасидаги бўғинга биринчи даражали эътибор қаратмоқдамиз?

Нима учун айнан мана шу муаммо нафақат мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида, шу билан бирга, жамиятимизда ижтимоий ва сиёсий янгиланишларни амалга оширишда бугунги кунда ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи стратегик аҳамиятга эга масала бўлиб турибди?

Мен бу саволларга жавоб беришдан олдин дунёдаги энг ривожланган, жаҳон иқтисодиётида етакчи мавқега эга бўлган айрим мамлакатлар

тажрибасига сиёратнинг моқчиман.

Бу мамлакатлар тажриба радики, кўп мамлакатларни алда, аҳоли турмуш даражаси юқори бўлишини таъминлаш ва ўрта бизнесни хусусий иривожлантиришни рағбатлантириш сатини амалга ошириш орқилик.

Мисол учун, Германияда кўрайлик. Бу мамлакатнинг Европада иқтисодий сиёсати рига айланишида кичик иривожлантириш ҳал қилувчининг бу борадаги оқиломурушдан кейинги йилларда неснинг мамлакат иқтисодиётидан 65 фоизга кўтариш.

Ёки, кўпчилик таъкидлаган "япон муъжизаси" ва ўрта бизнесни жадал ривожлантирилган иқтисодий сиёсати кунда бу ерда иқтисодий мамлакатда ишлаб чиқарилган сулотнинг ярмидан кўпроғи.

Ана шундай иқтисодий Японияда ислохотларнинг аҳоли жон бошига 500 АҚШ долларидан тўғри келган бўли

ққатингизни қарат

шундан далолат берил этишга, биринчиданнинг доимий равишташга, аввало кичик иривожлантиришнинг биркорликни жадал иривадиган давлат сиёсати эришилади.

тажрибасини олиб қисқа вақт мобайнининг устунларидан бири ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган бўлиши уйилади. Давлат сиёсати туфайли кичик ва ўрта бизнесиётидаги улуши 10 и.

ҳавас билан қараймиз давлатнинг кичик иривожлантиришга қаратилган сиёсатидир. Ҳозиргининг мазкур бўғини ривожлантирилган ялпи ички маҳсулотнинг бермоқда.

сиёсат натижасида бошланғич даврида доллар миқдоридан кўпроғи, ҳозирга келиб бу

кўрсаткич 38 минг долларга етмоқда. Бу — дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Кичик ва ўрта бизнес ҳақида гапирганда яна бир мисолни айтиб ўтмасам бўлмайди. Жаҳон саноатида етакчи ўрин тутадиган “Ямаха” трансмиллий компанияси ҳақида ҳаммангиз эшитгансиз. Бу компания бутунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида бир неча миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ўз маҳсулотларини сотади.

Азиз дўстлар, биродарлар, эътибор беринг, мана шу машҳур компания ҳам 40-йилларнинг охирида 7 кишидан иборат велосипедларни таъмирловчи кичик кооператив сифатида фаолият бошлаган эди.

АҚШ иқтисодиёти деганда, кўпчиликнинг кўз олдида “Форд”, “Женерал Электрик”, “Боинг” каби йирик концерн ва корпорациялар келади. Ҳолбуки, амалда Қўшма Штатлар иқтисодиётининг асосини кичик ва ўрта бизнес ташкил этади. Унинг мамлакатда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши кейинги 40 йил мобайнида 10 фоиздан 52 фоизга ўсди.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида эса кичик ва ўрта бизнес улуши 67 фоиздан ортиқ экани ҳам бежиз эмас.

Масаланинг яна бир эътиборга сазовор жиҳати шундаки, юқорида тилга олганимиз Япония-

да кичик ва ўрта бизнес тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 80 фоизи, Европа Иттифоқи мамлакатларида эса 70 фоизи ишлайди.

Бошқача айтганда, кичик ва ўрта бизнес амалда одамларни иш билан таъминлашнинг муҳим омили ва аҳоли даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Бу мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат тизими шаклланган бўлиб, у биринчи галда бу борадаги ҳуқуқий базани яратишга ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга асосланади.

Шунингдек, уларнинг узоқ муддатли кредит ресурсларидан имтиёзли фойдаланиши, имтиёзли солиқ тартибини, ишлаб чиқариш, молиявий, ижтимоий, бозор инфратузилмаларини шакллантириши ҳам пировард натижада иқтисодиётнинг ана шу тармоғини самарали ривожлантиришга хизмат қилади.

Шуниси муҳимки, бу мамлакатларда иқтисодиёт таркибининг ўзига хос хусусиятларидан, халқнинг менталитетидан, мавжуд ресурслар ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнесни аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган давлат сиёсати амалга оширилди.

Мисол учун, Германияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол молларининг

кўплаб турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар давлат тарафидан ҳар томонлама рағбатлантирилди. Улар қишлоқ жойларида цехлар шаклида кичик-кичик ишлаб чиқариш қувватлари сифатида ташкил этилган эди.

Японияда эса асосий эътибор йирик бизнес билан кичик ва ўрта бизнес ўртасида кооператив алоқалар тизимини шакллантиришга қаратилди.

Йирик корхоналарнинг бутловчи қисмлар, материаллар етказиб берадиган тармоқларни барпо этиши рағбатлантирилди. Бу эса саноатда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этиш имконини берди ҳамда ташқи бозорларга япон товарлари ва технологияларини экспорт қилиш ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Шундай қилиб, юқорида тилга олинган ва бошқа кўп-кўп мамлакатлар мисолидаги жаҳон тажрибасига таяниб, биз қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин.

Биринчидан, кичик ва ўрта бизнес ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат йирик бизнеснинг, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир қилади.

Бундан ташқари, ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг

ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида жаҳон бозорида рақобат янада кучаяди. Бундай шароитда айнан кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, зарур тамойилга тез мослаша олиши туфайли ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турларини тез ўзгартира олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга. Шу тариқа кичик бизнес бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақти-вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тезроқ мослаша олади.

Агар, ҳозирги замон шароитида асосий истеъмол моллари конъюнктураси дунё бозорида ўртача ҳар тўққиз ойда ўзгариб туришини инобатга олсак, кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг изчил ривожланишида нечоғли муҳим аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

Азиз дўстлар!

Модомики, биз Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олиб иш юритишни истар эканмиз, хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришнинг мана шу ўзига хос жиҳатлари ва афзалликларига

жиддий эътибор беришимиз, ўзимизга керакли хулосалар чиқариб олишимиз зарур.

Бизга эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бирёқлама ривожланган, ночор иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолгани барчангизга яхши маълум.

Бу тизимнинг жуда кўп нуқсонлари борлигидан хабардормиз. Лекин уларнинг ичида биз учун ҳеч тоқат қилиб бўлмайдиган томони шу эдики, Ўзбекистон иқтисодиёти СССР халқ хўжалиги таркибида унинг ажралмас бир қисми бўлиб, ягона умумиттифоқ комплекси деб аталмиш ушбу тизимда аввало арзон хом ашё базаси сифатида хизмат қилар эди.

Агар ўша даврдаги республика саноати ва у билан боғлиқ тармоқлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг асосан қишлоқ хўжалик хом ашёси ҳамда минерал-хом ашё ресурсларини дастлабки қайта ишлаш ва бу маҳсулотларни СССРнинг бошқа марказий минтақаларига етказиб бериш билан банд бўлганини айтиш лозим.

Айни вақтда республиканинг тайёр маҳсулотларга бўлган эҳтиёжининг 70 фоиздан кўпини таъминлайдиган товарлар, биринчи галда, кенг халқ истеъмол моллари ташқаридан олиб келинарни.

Жумладан, гўшт ва сут маҳсулотлари, ун, қандолат каби озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисми, болалар озиқ-овқатларининг 100 фоизи, ҳатто Ўзбекистоннинг ўзида захиралари

тўлиб-тошиб ётган ош тузи ҳам четдан келтирилар эди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмаган, ибтидоий бир ҳолатда эди.

Шу муносабат билан бир ҳақиқатни такроран эслатиб ўтмоқчиман. Бу ҳақиқат шундан иборатки, давлатнинг мустақиллиги — бу нафақат сиёсий, балки, энг аввало, иқтисодий тушунчадир. Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам биз янги давлат, янги жамият қуришга киришган дастлабки кунларданоқ энергетика-ёқилғи ва ғалла мустақиллигини қўлга киритиш вазифаси билан бир қаторда, ички бозорни ўзимизда, ўз хом ашёмиздан ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенг йўлга қўйиш вазифаларини ҳам муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олдик.

Бу масаланинг ечими, биринчи галда, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ва тармоқларни жадал ривожлантиришни тақозо қилар эди. Шу билан бирга, бу мураккаб вазифани қисқа муддатда ҳал этиш лозим эди.

Айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатли ва рақобатбардош бўлишига эришиш, бу ишни катта сармоя ва капитал маблағларга эга бўлмаган ҳолда амалга ошириш зарур эди.

Ўйлайманки, мана шундай оғир бир вазиятда кичик ва ўрта корхоналарнинг, хусусий тадбир-корликнинг аҳамияти нечоғли беқиёс эканини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Масаланинг бошқа яна бир ўта муҳим томони ҳам бор. Мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга оладиган бўлсак, бизда аҳоли, айниқса, меҳнатга қобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Уларнинг сони йилига тахминан 200—230 минг кишига кўпаймоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш — мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир.

Сир эмаски, бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири — кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, хусусий тадбир-корликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Энди масаланинг учинчи томони ҳақида тўхталайлик. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми — деярли 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Бугунги кунда айнан қишлоқ жойларида одамларни иш билан банд қилиш, даромад манбалари билан таъминлаш, айниқса, кескин муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо ер ва, биринчи галда, сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ.

Табиийки, бу масалани қишлоқ хўжалиги ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Бунинг устига, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ишчи кучларини камайтириб боришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш борасида янги муаммоларни келтириб чиқаради.

Хўш, бу муаммонинг қандай ечими бор?

Ҳаммамизга маълумки, биз қишлоқ жойларида йирик саноат комплексларини барпо эта олмаймиз. Чунки улар ўз-ўзини қопламайди ва кутилган самарани бермайди.

Бу борада собиқ совет даврида ўзини мутлақо оқламаган тажрибани қўллаш ҳам мумкин эмас. Бу номақбул тажриба шундан иборат эдики, шаҳарларда катта-катта саноат комплекслари — мажмуалари бунёд этилиб, уларда ишлаш учун эса одамлар 60-70 километр узоқликда жойлашган қишлоқ жойларидан ташиб келтириларди. Бундай номақбул тажрибани биз Фарғона, Андижон, Тошкент, Бухоро тўқимачилик комбинатлари ва бошқа кўпгина корхоналар мисолида кўрганмиз ва у ўзини оқламаганини ҳам яхши биламиз.

Модомики, шундай экан, бугунги мавжуд вазиятдан қандай чиқишимиз керак? Бу муаммони ҳаммамиз биргаликда ҳал қилишимиз зарур. Лекин бу ўта оғир вазифани ечишда жойлардаги раҳбарлар — хўжалик мутасаддиларидан тортиб

туман ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларигача — асосий ташаббускор бўлиши даркор.

Бунинг учун эса қишлоқ жойларида, биринчи галда, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш жойлари ташкил этиш керак.

Шу ўринда бир савол туғилади: бу ишни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва омиллар борми? Биргина қишлоқ хўжалик хом ашёси ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини олиб кўрайлик.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича етиштирилаётган ҳосилнинг қанча қисми қайта ишланаётганини кўрсатувчи фактларга мурожаат қилсак, меванинг атиги 15 фоизи, сабзавотнинг 10 фоизи, полиз маҳсулотларининг 5 фоизи, узумнинг 23 фоизи, терининг 26 фоизи, жуннинг 15 фоизи, гўштнинг 25 фоизи, сутнинг 5 фоизи қайта ишланаётганини кўриш мумкин.

Мана шу рақамларнинг ўзиёқ иқтисодиётнинг муҳим соҳаси ҳисобланган тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун фойдаланилмаётган қанча имкониятлар мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. Биз ана шу имкониятлардан тўла фойдалана олсак, мазкур соҳа аҳолини иш билан таъминлашда, энг муҳими, одамларнинг дарома-

дини оширишда янги манба бўлиб хизмат қиладди. Бундай имкониятларимиз ҳақида эса кўп гапириш мумкин.

Шуни унутмаслик зарурки, бугунги кунда етиштирилаётган пахта хом ашёсининг фақат 25 фоизигина ўзимизда қайта ишланмоқда ва тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, пахта толаси узлуксиз ва ҳар томонлама сифатли қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилса, ундан олинадиган даромад 6-7 баробар ортиши мумкин.

Айни пайтда шуни ҳам ёдда тутиш керакки, бунинг учун энг замонавий технологиялар, энг илғор ускуна ва дастгоҳлар зарур.

Ва табиийки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардош, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган бўлиши учун катта инвестициялар керак, албатта.

Азиз ватандошлар!

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожининг беқийёс аҳамияти ҳақида гап борар экан, бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Мазкур муаммони ечиш орқали, яъни, биз барча юртдошларимизни тадбиркорлик, ишбилармонлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасига жалб қилар эканмиз, уларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда зарур шарт-шароитни яратиб берар эканмиз, шу билан жамиятимизни

сиёсий, иқтисодий ва керак бўлса, маънавий жиҳатдан янгилашнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган асосий вазифани — ўрта синф, мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини ҳал этган бўламиз.

Биз мулкдорлар синфини шакллантирар эканмиз, ўз навбатида, бу орқали одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати, тафаккур тарзи, аҳолимизнинг менталитети ва дунёқарашини ҳам ўзгартиришга эришган бўламиз.

Ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган, давлатга бутунлай қарам, мени давлатнинг ўзи боқади, дея боқимандалик кайфияти билан яшайдиган ҳолатдан ўзининг ҳалол меҳнати билан қўлга киритган, ўзининг ҳам, болаларининг ҳам фаровонлигини таъминлайдиган мулкка эга бўлган, биринчи галда, ўз кучи, билими, тажриба ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш — буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёндир.

Мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдири, келажаги мана шу жараённи қай даражада муваффақиятли амалга ошира олишимизга боғлиқ. Буни барчамиз чуқур тушуниб олишимиз даркор.

Шуниси эътиборлики, бундай одамлар йил сайин кўпайиб бормоқда, улар, таъбир жоиз бўлса, барқарорликнинг асосий кафолатига, жамиятимизнинг тараққиёт ва юксалиш сари боришида мустаҳкам таянч ва ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, биз барчамиз ягона бир хулосага келишимиз табиий. Яъни, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўгин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Энди сизлар билан кейинги йилларда юртимизда кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни кўриб чиқайлик.

Шубҳасиз, биз мустақиллик йилларида бу борада изчил давлат сиёсатини олиб бориб, муайян ижобий натижаларни қўлга киритдик. Хусусан, агар 1991 йилда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши атиги 1,5 фоиз бўлган бўлса, 2000 йил натижаларига кўра бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этди.

2001 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётимизнинг бу соҳаси ҳам бир маромда ривожланди. Кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши, қиёсий кўрсаткичлар бўйича, ўтган йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 2 фоизга ошди ва қарийб 32 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда 190 мингта ўрта ва кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу — йил бо-

шидагига нисбатан 16 мингта кўп демакдир. Бу давр мобайнида тижорат банклари ва бошқа молия тузилмалари орқали ушбу корхоналарга кредит бериш учун 72 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бундай чора-тадбирлар туфайли қўшимча равишда 178 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу эса ярим йиллик прогноз кўрсаткичларидан 27 фоиз кўпдир.

Бугунги кунда 3 миллион киши ёки мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳар уч нафаридан бири кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда.

Кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнес фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди, қулай солик тартиби яратилди.

Банк тизими хусусий тадбиркорлик тузилмалари билан самарали ҳамкорликда ишлай бошлади.

Бу мақсадлар учун хориждан 455 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари жалб этилди.

Лекин, шуни тан олиш керакки, кўрилаётган бундай чора-тадбирларга қарамасдан, иқтисодиётнинг бу соҳасида мавжуд бўлган улкан салоҳиятдан ҳанузгача тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Биринчи галда, аксарият одамлар онгида иқтисодий тараққиётни, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини кўпайтиришнинг

бош омили бўлган кичик ва ўрта бизнесга, хусусий тадбиркорликка нисбатан муносабат тубдан ўзгаргани йўқ.

Афсуски, биз кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида кўп гапирамиз-у, амалда эса уларнинг муваффақиятли ривожланишини рағбатлантириш, бунинг учун зарур кафолатларни таъминлаш борасида барча куч ва имкониятларимиздан тўла фойдаланмаймиз. Бу таассуфли ҳолни тасдиқлайдиган баъзи бир аниқ фактларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Юқорида айтиб ўтганимдек, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган. Бироқ амалдаги қонунларнинг чуқур таҳлили уларни такомиллаштириш ва янги ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлдириш зарурлигини кўрсатмоқда. Афсуски, амалдаги баъзи ҳуқуқий ҳужжатларимиз турлича талқин қилиниши мумкин.

Бу эса айрим идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар манфаатларига зиён етказувчи ҳужжат ва қарорлар қабул қилинишига йўл очиб бермоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи меъёрий ҳужжатлар тадбиркорлик субъектлари манфаатларини эмас, балки айрим идоралар манфаатларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган.

Масалан, биноларни ижарага олиш учун тегишли шартномалар фақат бир йил муддатга ту-

зилади. Натижада тадбиркор шартнома кейинги йил учун узайтириладими-йўқми — билмайди.

Бунинг устига, ижара берувчилар ўзининг монополия ҳуқуқидан фойдаланиб, бундай шартномаларни кичик корхоналар учун олдиндан ноқулай, ҳатто айтиш мумкинки, уларни ночор аҳволга солиб қўядиган шартлар асосида тузишга мажбур қилади.

Адлия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси барча манфаатдор идора ва тузилмалар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларини, айниқса, меъёрий ҳужжатларни қайтадан жиддий инвентаризация қилишлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг, хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ғов-тўсиқ бўлаётган қоида ва низомларни аниқлаб, уларни бартараф этишлари зарур.

Қўплаб тадбиркорлар, айниқса, эндигина иш бошлаётган ишбилармонлар, табиийки, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари, унинг юридик ва иқтисодий шарт-шароитлари тушунарли тарзда баён этилган ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларига эҳтиёж сезади. Улар ана шундай қўлланма ва маълумотномалар чон этилиб, кенг тарқатилмаганлиги туфайли қийинчиликларга дуч келмоқда.

Адлия вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Давлат матбуот қўмитаси кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш масалалари бўйича меъёрий ҳужжатлар

тўплamlари, маълумотнома ва методик адабиётларни кенг қўламда чоп этиб, тарқатишни ташкил қилишлари зарур.

Кейинги масала. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини бирмунча соддалаштириш керак.

Эндигина иш бошлаётган тадбиркор ҳали бу соҳага қадам қўйиб улгурмасданоқ, ўз корхонасини рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб турли-туман бюрократик тўсиқларга, кўпинча очиқдан-очиқ таъмагирлик ҳолатларига ҳам дуч келади.

Айниқса, қишлоқлардаги тадбиркорлар мушкул аҳволда қолмоқда, улар бюрократик найранглар туфайли туман марказларига, баъзан эса, вилоятдаги идораларга кўп марталаб қатнашга мажбур бўлмоқда.

Ўзингиз ўйланг, бирон кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун 7 та идорага мурожаат қилиш керак бўлса, 40 тага яқин ҳар хил ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинса, улардан 28 таси эса бир-бирини такрорлайдиган ҳужжатлар бўлса, бу бемаъниликни қандай изоҳлаш мумкин? Корхонани рўйхатдан ўтказиш ва турли идораларда ҳисобга қўйиш чоғида ҳам ортиқча, ўзини оқламайдиган тартиблар ўрнатилган.

Мисол учун, низомнинг кўплаб нусхалари, нусха бўлганда ҳам нотариус томонидан тасдиқлангани, рўйхатдан ўтказилгани ҳақидаги қарор

нусхалари, фирма номи ҳақидаги гувоҳнома сингари ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинади.

Тадбиркор ҳали иш бошламасдан туриб, ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб қанча вақт ва асабини йўқотади, қўлаб сарф-харажатлар қилишга мажбур бўлади. Буларнинг барчаси тадбиркорлик билан шуғулланишга бўлган иштиёқни сўндиришга олиб келади, холос.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказишдаги ҳозирги рухсат бериш тартибидан уларни тадбиркорнинг аризаси асосида тасдиқлаш тартибига тезроқ ўтиш керак. Махсус рухсат талаб қилинадиган алоҳида фаолият турлари бундан мустасно, албатта.

Демоқчиманки, микрофирмаларни, кичик ва ўрта корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартибини жиддий равишда соддалаштириб, бу иш билан шуғулланадиган ягона марказлар тузиш вақти келди. Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ишини Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Улар барча шаҳар ва туманларда тузилган Ахборот-маслаҳат марказлари орқали нафақат тадбиркорларга керакли ҳужжатларни тайёрлаб бериши, ҳатто рўйхатдан ўтказиш органларида тадбиркорларнинг вакили вазифасини бажариши ҳам мумкин.

Давлат мулк қўмитаси Адлия вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар пала-

таси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда **икки ҳафта** муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартибини соддалаштириш бўйича таклиф киритсин.

Учинчидан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда нафақат унинг аҳамиятини тушуниб етмаслик, балки **тадбиркорлик соҳасининг** ҳозиргача ҳам коррупция тазйиқидан, ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларидаги айрим мансабдорларнинг ўзбошимчаликларидан ишончли ҳимоя қилинмагани ва ночорлиги бизнинг ишимизга жиддий халақит бермоқда.

Бундай салбий ҳолатнинг асосий сабаби — ҳали-ҳануз назорат қилувчи идораларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берадиган, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини текширувчи органлардан ишончли ҳимоя қиладиган меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг узил-кесил ишлаб чиқилмаганида, деб ўйлайман.

Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг энг муҳим бўғини суд органлари ва жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Биз ҳали ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда судларнинг фаоллигини сезмаяпмиз. Судларнинг

вакиллик ва ижро органлари қош-қовоғига қараб қарор қабул қилишдек мустабид тузум давридан мерос бўлиб қолган амалиёти ҳанузгача барҳам топгани йўқ.

Лекин бизнинг энг катта камчилигимиз шундаки, **тадбиркорларнинг ўзлари ўз ҳуқуқ ва имкониятлари ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслар, ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишни яхши билмайдилар.**

Айниқса, тадбиркорлик соҳаси бўйича ихтисослашган юқори малакали адвокатларнинг етишмаслиги сезилмоқда.

Кўпчилик тадбиркорлар учун эса адвокатлар хизматидан фойдаланиш жуда қimmatга тушмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятидаги мавжуд ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш усулига ёпишиб олмасдан, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва огоҳлантириш усулига кескин равишда ўтиш зарур.

Тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишда аудиторлик фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак.

Бизда аудиторлик фаолияти етарли даражада ривожланган эмас, у ҳалигача тадбиркорлик субъектлари билан назорат қилувчи органлар ўртасидаги муносабатлар механизмида ўзига хос ўринга эга бўла олмаяпти.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозир фаолият кўрсатаётган 500 дан зиёд аудиторлик компания-

лари ишлари ибтидоий бир ҳолда, пала-партиш олиб борилмоқда.

Мамлакатнинг шаҳар ва туманларида ўз филиалларига эга бўлган, профессионал, йирик, мустақил, умуммиллий аудиторлик компаниялари тузиш вақти келди.

Адлия вазирлиги ва Олий ҳужалик суди тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш, маҳаллий ҳокимликлар, жойлардаги давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига ноқонуний аралашувига йўл қўймасликка доир қатъий чора-тадбирларни белгилаш, судлар ва аудитларнинг тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги мавқеини ошириш, адвокатлик фаолиятини такомиллаштириш ва уларни тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга жалб этиш каби масалалар бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиб, икки ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши зарур.

Тўртинчидан, кичик ва ўрта корхоналарнинг моддий-хом ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни технологик ускуналар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш муаммосини ҳал қилиш бўйича ҳам кескин чора-тадбирларни белгилаш лозим.

Кичик ва хусусий фирмалар кўпчилик ҳолатларда хом ашё бозорининг ривожланмагани туфайли товар-хом ашё ресурсларини, қонунни

четлаб ўтиб, нақд пулга харид қилмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, кўплаб қонунбузарликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам бу муаммони кечиктирмасдан ҳал қилиш даркор.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилишида “Ўзулгуржибир-жасавдо” ташкилотининг фаолияти кескин танқид қилинган эди. Ҳозирги вақтда бу тизимнинг таркибий тузилиши ўзгартирилди, вилоятлардаги улгуржи савдо тузилмалари мустаҳкамланди, Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси эса мустақил тузилма мақомини олди.

Биз бугун улардан кичик ва ўрта корхоналар, хусусий тадбиркорларни зарур хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, уларнинг маҳсулотларини сотишда ёрдам кўрсатиш бўйича ўз фаолиятини тубдан яхшилашни талаб қилишга ҳақлимиз. Мен уларни йил якунида қилинган ишлар бўйича ҳисобот беришлари ҳақида огоҳлантириб қўймоқчиман.

Кичик ва ўрта корхоналар ускуналарни, айниқса чет эл ускуналарини сотиб олишда маълум қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Кичик корхоналар, аввало, янгитдан иш бошлаётган корхоналар учун ускуналар сотиб олиш қимматга тушяпти, лизинг тизими эса ҳали-бери кенг миқёсда ривожлангани йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес-

нинг валюта тушумини Марказий банкка мажбурий сотишдан озод қилиш тўғрисидаги қарори бу муаммони ечишда кўп жиҳатдан ёрдам беришига ишончим комил. Айни пайтда кўплаб корхоналарнинг омбор ва цехларида ҳали ўрнатилмаган, ишламай ётган, лекин кичик корхоналар учун ўта зарур бўлган, қиймати миллионлаб сўмларни ташкил этадиган замонавий ускуналар чанг босиб ётибди.

Давлат мулк қўмитаси тегишли хўжалик бирлашмалари ва корхоналари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда икки ой муддат ичида хўжалик бинолари, фойдаланилмай ва ўрнатилмай ётган ускуналарни кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига босқичма-босқич ижарага бериш ёки лизинг асосида сотиш ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантирсин.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, кичик ва ўрта корхоналарнинг моддий-хом ашё ресурслари ҳамда ускуналардан фойдаланиш имкониятларининг ортишида, энг асосийси, уларнинг барқарор ривожланишида узоқ муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали йирик фирмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳим омил ҳисобланади.

Бундан ҳар икки тараф манфаат кўради. Бир томондан, бу кичик ва ўрта корхоналар барқа-

рорлигини оширишга кўмаклашади, уларнинг йирик буюртмаларга эга бўлиши ҳамда моддий-хон ашё ресурсларидан фойдаланиши учун кенг йўл очади, маҳсулот бозорини кафолатлайди.

Иккинчи томондан, йирик корхоналар кичик корхоналарнинг афзал жиҳатларидан, яъни уларнинг янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни нисбатан кам харажат билан тез ўзлаштира олиш қобилиятидан фойдаланиб, ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширади.

Мамлакатимиздаги кўпгина йирик корхоналар ҳам, агар ишни ўзаро манфаатли тарзда ташкил этишни истаса, кичик бизнес иштирокчиларини ўз атрофига ана шундай ҳамкорлик асосида уюштириш имкониятига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулк кўмитаси, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда икки ой муддат ичида мамлакатимиздаги йирик ва кичик корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсин.

Катта аҳамиятга эга бўлган яна бошқа бир масала, бу — хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий ресурслардан фойдалана олиш имкониятидир.

Гарчи сўнгги бир ярим йил мобайнида бу соҳадаги молиялаштириш ҳажмларида ижобий силжишлар кўзга ташланаётган бўлса-да, кредитлар бериш жараёнини соддалаштириш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди. Табиийки, биз орқа-олдига қарамай кредит бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. Лекин банклар учун хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасидан ишончли миждозлар доирасини шакллантириш вақти келди. Токи кредитлар миждозларнинг қарзларни қайтариш борасидаги ишончли нуфузи ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичлари асосида берилсин.

Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланишни, ўз ишини очишни истайдиган, лекин ҳозирча етарли маблағи бўлмаган ишбилармонлар учун бошланғич капитал жамғармалари ташкил этиш ҳам муҳим.

Шу муносабат билан мен **Бизнес-фонд ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари жамғармасининг вазифаларини қайта кўриб чиқишни таклиф этаман.**

Бунда мазкур тузилмалар бошловчи тадбиркорларга ўз ишини ташкил этиш учун гаров ёки кафиллик асосида, тижорат банклари орқали имтиёзли ёки фоизсиз, 2-3 йилдан сўнг қайтариш шарти билан бошланғич молиявий ресурслар бериши кўзда тутилиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масала хусусида тўхталмоқчиман. Агар ўз фаолияти, тўғрироғи, фаолиятсизлиги туфайли айрим кичик корхоналар синса ёки ёпилса, бу ҳодисадан қандайдир фожиа ясаб, муаммо қидириш керак эмас.

Бундан хавотирга тушмаса ҳам бўлади. Чунки дунёда ҳар куни минглаб корхоналар ёпилади, минглаб корхоналар янгитдан очилади. Бу ҳам табиий бўлиб, бозор иқтисодиётининг бир кўринишидир.

Бундай ҳолатда корхоналарнинг синишига олиб келган сабабларни аниқлаш ва таҳлил этиш муҳим. Бу борада ҳал қилувчи нарса, авваламбор, конъюнктура ва талабнинг ўзгаришидир.

Агарда кимда-ким, бозор мен учун доимо қулайлигича қолади, маҳсулотимга талаб бундан буён ҳам узоқ йиллар давомида ўзгармай тураверади, деб ўйласа, катта хатога йўл қўяди. Конъюнктура, юқорида айтиб ўтганимдек, талаб ва эҳтиёжни ўзида акс эттириб, мунтазам равишда ўзгариб туради.

Кимки конъюнктура ўзгаришини мунтазам кузатиб борса, маркетинг билан шуғулланса, унинг талабларини ўз вақтида ҳисобга олса, у кескин рақобат курашига бардош бера олади. Ишлаб чиқариш таркибини вақтида ўзгартириб бормайдиган тадбиркорнинг иши эса, шубҳасиз, касод бўлади.

Бундай ҳолга тушмасликнинг бошқа бир муҳим омили бу — **ишлаб чиқаришни изчиллик би-**

лан модернизация қилиб бориш, маҳсулот тайёрлаш технологиясини мунтазам янгилаш, товарнинг кўриниши ва дизайни устида тинимсиз ишлашдир. Маҳсулотнинг рекламасига кўпроқ эътибор қаратиш, бу борада маблағни аямаслик лозим.

Ташқи жиҳатдан кўримсиз, харидорни ўзига тортмайдиган ва, энг ёмони, қулай, талабга жавоб берадиган тарзда қадоқланмагани сабабли, истеъмол нуқтаи назаридан дурустгина товарлар ҳам сотилмай қолаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ачинарли бир ҳол шундан иборатки, биз кўпинча хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни сувтекинга ташқарига чиқарамиз, сўнг эса уларни қайта ишланган, чиройли қадоқланган ҳолда уч баробар қимматига сотиб оламиз.

Айниқса, айнан мана шу тармоқлар ва тузилмалар учун мутасадди бўлган раҳбарлар ва масъул мутахассислар ўша бежирим қадоқланган маҳсулотларни жон-жон деб сотиб олиб, бу ҳам етмагандек, айтайлик, ана шу оддий кетчуп ва шунга ўхшаш маҳсулотлар аслида ўзимиз экспорт қилган хом ашёдан тайёрланганини эсидан чиқариб, уларни мақтаб ўтиришига нима деса бўлади?

Бир пайтлар савдо тизимида қўшимча қиймат яратилмайди, деган фикр мавжуд эди. Бундай эски тушунча айрим раҳбарлар онгида ҳанузгача сақланиб қолган. Бозор иқтисодиёти эса бунинг аксини кўрсатмоқда.

Савдода маҳсулотнинг нафақат янги қиймати, балки унинг сифат жиҳатидан тубдан яхшиланган ташқи кўриниши, харидоргир бўлган мутлақо янги шакли яратиладики, кўпинча бу жараён товарнинг нарhini белгилашда унинг қийматидан ҳам кўпроқ аҳамиятга эга бўлади. Буни ҳамма билиши ва эътиборда тутиши лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Банкротликка учрамасликнинг яна бир муҳим омили бу — **ўз бизнесини бошқаришни такомиллаштириш, бошқача айтганда, менежмент санъатини пухта эгаллашдир.** Катта бизнесга нисбатан кичик бизнесда менежментнинг роли кўпроқ аҳамият касб этади, чунки кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқаришнинг тезкорлиги, мослашувчанлиги катта бизнесга нисбатан анча юқори бўлиши лозим. **Менежмент ҳақида сўз юритар эканмиз, шундай табиий савол туғилади: хўш, бугун кичик бизнес учун бошқарувчилар тайёрлаш билан ким шуғулланыпти, ким ташкилотчи-тадбиркорлар тайёрлаяпти?**

Маълумки, бизда бундай мутахассисларнинг муайян қисми олий ўқув юртларида тайёрланади. Биз ўз олдимизга кичик бизнесни, микрофирмаларни жадал ривожлантириш мақсадини қўйган эканмиз, қуйидаги саволларга аниқ жавоб топишимиз керак. Бу соҳа учун профессионал даражада тайёрланган мутахассисларга бўлган

эҳтиёжни олий ўқув юртларининг ўзи қаноатлантира оладими? Қолаверса, бунинг учун тўрт йил ўқитиш шартми?

Бугунги кунда кичик ва ўрта корхоналар ўз фаолиятида қўллаб муаммоларга дуч келмоқда. Бунга аввало, аксарият тадбиркорларнинг ўзи малака жиҳатидан замонавий талабларга жавоб бера олмаслиги, уларнинг ҳуқуқий маданият ва иқтисодиёт асосларини пухта билмаслиги, бизнес-режаларни тўғри ишлаб чиқиш, кредит олиш учун ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, ҳисобкитобни тўғри юритиш, хўжалик шартномаларини тузишда тажриба ва билимнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Айни мана шу ҳолатлар, кўпинча турли-туман майда ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқармоқда ва бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамда назорат органларининг айрим нопок ходимларига қўл келмоқда.

Бунинг натижасида улар тадбиркорларга бегараз ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, ўз вақтида маслаҳат бериб, ана шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ўрнига, хатоларни сунъий равишда бўрттириб кўрсатиб, таъмагирлик йўлига ўтади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: нима сабабдан турли-туман текширувчилар йирик корхоналарга бош суқавермайди? Бунинг сабаби шуки, у ердаги мутахассисларнинг саводи етарли — улар бундай

текширувларнинг ноўрин ўтказилишига профессионал жавоб бера олади, керак бўлса, билим ва савия масаласида текширувчиларнинг ўзини хижолатга солиб қўйиши ҳам мумкин. Афсуски, кичик бизнес соҳасида эса аҳвол бошқача.

Бу ҳолга барҳам бериш учун зарур иқтисодий ва юридик тушунчаларни профессионал даражада эгаллаган, хўжалик фаолияти нормаларини пухта биладиган тадбиркорлик соҳаси ташкилотчиларини, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларининг бўлғуси раҳбарларини махсус дастур асосида тайёрлашни кенг йўлга қўйиш даркор.

Бунинг учун аввало, раҳбар ва ташкилотчи-тадбиркорлар тайёрлашга ихтисослашган касбхунара коллежлари рўйхатини аниқлаш керак. Улар учун махсус таълим дастурлари ишлаб чиқиш лозим.

Бундай коллежларнинг битирувчилари ҳам иқтисодиёт, хусусий тадбиркорлик, кредит ва солиқ соҳасида юридик жиҳатдан зарур билимларга эга бўлсин, компьютер технологиясини эгалласин, замонавий Интернет тизимидан фойдалана олсин.

Макроиқтисодиёт ва статистика, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Давлат мулк қўмитаси бир ой муддат ичида кичик ва ўрта бизнес учун ташкилотчилар, кичик корхоналар учун иқтисодчилар, бухгалтерлар ва бошқа мутахассис-

лар тайёрлашга ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари тармоғини яратиш, бу борада тегишли ўқув дастурлари ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тақдим этсин.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизда тадбиркорликни бюрократик аппарат зўравонлигидан ҳимоя қилиш, ҳеч кимга керак бўлмаган текширувлар, тафтишлар ва назоратларнинг олдини олишга қаратилган самарали тизим яратиш бўйича амалга ошираётган катта ишларимизнинг аҳамиятини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Маълумки, бу ишларни мувофиқлаштириш вазифаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Вазирлик ушбу вазифани адо этиш учун юридик ва суд тизимини жалб этган ҳолда, бу борадаги ишларни ҳар томонлама кучайтириши зарур.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Сўзимнинг ниҳоясида яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, **жамиятимизда тадбиркорликка бўлган муносабатни ўзгартириш масаласидир.**

Чунки, сир эмас, аҳолининг муайян қисмида тадбиркорлик фаолиятига, бу иш билан шуғулланувчи одамларга нисбатан ишончсизлик, бегонасираш, ҳатто баъзан кўролмаслик каби эскича дунёқараш асоратлари ҳанузгача яшаб келмоқда. Аксарият кишилар онгида тадбиркор дегани, бу — ҳуқуқбузарликка мойил, қандайдир

текин даромад ҳисобидан кун кўрувчи одам, деган нотўғри тасаввур ва қарашлар ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Такрор айтаман, бу — совет тузумидан мерос бўлиб келаётган нотўғри қарашдир, ундан иложи борича тезроқ қутулиш даркор.

Албатта, барчамиз яхши тушунамиз: кўпчиликини ўзига тортадиган ҳар қандай катта ҳаракат тўлқинларида бу ҳаракатга канадай ёпишиб оладиган ноинсоф, иймонсиз кимсалар ҳам пайдо бўлиши табиий. Аммо бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйиш ақлданми?

Одамларимизда, айниқса, ёшларимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қизиқиш ва рағбат уйғотишимиз керак. Улар ўзи иши, ўз бизнесини ташкил этиши учун барча иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб беришимиз лозим.

Токи улар ўзининг тадбиркор эканидан уялмасин, аксинча, бундан фахрланиб, ғурурланиб юрсин. Чунки бутун дунёда тадбиркор деганда одамнинг тасаввурига фаол ишбилармон, кучли ташкилотчи, омилкор раҳбар, пухта тайёргарликка эга, юксак малакали мутахассис келади.

Яна ва яна таъкидламоқчиман: биз жамиятимизда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришимиз ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз керак.

Шу муносабат билан буюк Амир Темур бобомизнинг ҳозирги кунимиз учун ҳам долзарб бўлган

бир ҳикматини эслатмоқчиман: “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир”.

Доимо эсда тутишимиз лозимки, тадбиркорлик, ишбилармонлик фазилатлари халқимизнинг қонида азалдан яшаб келади.

Барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз зарур: тарихнинг қайси даврини олмайлик, хонлар ва амирлар эмас, амалдор-туралар ва турли-туман текширувчилар эмас, балки гайрат-шижоатли, ташаббускор ва тадбиркор инсонлар мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигини таъминлаганини кўрамиз.

Мен аждодларимиздан мерос қолган ана шу эзгу анъаналарга содиқ бўлиб, уларни бугунги замон талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда, олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришиш йўлида барчангизни, бутун халқимизни бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат ҳаракат қилишга даъват этаман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил
биринчи ярми якунларига бағишланган
кенгайтирилган йиғилишидаги
маъруза, 2001 йил 17 июль*

“УМИД” ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Сизларни халқимизнинг энг улуг байрами — Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида қўлга киритган катта зафар — хориждаги энг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўз ирода ва меҳнатингиз билан эришган бу галабангиз ҳам истиқлол берган беқиёс имкониятларнинг сиз, ёшларимиз ҳаётида намоён бўлишидан бир нишонадир.

Бугун сизларнинг зиммангизга бутун дунёга машҳур бўлган буюк ватандошларимизнинг муносиб вориси эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, дунёнинг ривожланган давлатларидаги университетларда таълим олар экансиз, ўз билимингиз, меҳнатсеварлигингиз ва ибратли ахлоқингиз билан Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини муносиб равишда кўрсата оласиз.

Бугун сизлар чет элларда таълим олиш учун жўнаб кетаётган экансизлар, бир нарсани зинҳор унутмаслигингизни сўрардим: қаерда бўлишингиздан қатъи назар, ота-онангизнинг, халқимизнинг диққат-эътибори ҳамиша сизларда бўлади, чунки сиз каби ёшларни биз ўзимизнинг умид юлдузларимиз, келажагимиз эгалари деб биламиз.

Ишонаманки, сизлар ҳам “Умид” йўлланмаси билан чет элларда ўқиб келган 350 дан зиёд ўғил-қизларимиз каби хорижий университетларни муваффақиятли тамомлаб, ота-оналарингиз қанотига кирасиз, Ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида фарзандлик сadoқати билан меҳнат қиласиз.

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, хайрли сафар олдидан оқ йўл тилар эканман, Аллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрашини, олижаноб интилишларингиз, дилингиздаги орзу-ниятларингиз амалга ошишини тилаб қоламан.

*Ислom KAPИMOV,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

МУЎЖИЗАНИНГ БУНЁДКОРИ — ХАЛҚИМИЗ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимизда қувончли кун.

Бугун мамлакатимизнинг гурури ва ифтихори, саноатимизнинг етакчи корхонаси бўлмиш “ЎзДЭУавто” заводи конвейеридан замон талабларига ва халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, ихчам, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган янги русумдаги “Матиз” енгил машиналари чиқа бошлайди.

Барчамиз учун энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётган мана шундай тарихий воқеа билан сиз, азиз ватандошларимни ва бугунги маросимда қатнашаётган қадрли меҳмонларимизни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамизга маълумки, бундан беш йил муқаддам корейлик ҳамкорларимиз билан биргалик-

да гўзал ва саховатли Андижон заминида биз учун мутлақо янги тармоқ бўлган Ўзбекистон автомобиль саноатига асос солиб, мана шу улкан қўшма корхонани ишга туширган эдик.

Ўша пайтда бундай улкан лойиҳанинг устида ишлаётганимизда узоқ ва яқин қўшниларимиз, хориждаги ва ўзимиздаги айрим гуруҳ ва одамларда “Нима, Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган тараққий топган йигирма саккиз давлат қаторидан жой олиши мумкинми?” деган шубҳа-гумон, ишончсизлик пайдо бўлгани, улар бу ҳақда зарда ва истеҳзо билан гапирганлари ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, “ЎзДЭУавто” каби йирик ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш, ички бозоримизни тўлдирадиган ва экспортга мўлжалланган замонавий енгил машиналарни ишлаб чиқариш, бу йўлда учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш нақадар оғир ва мураккаб иш эканини ҳаммамиз ўз ҳаётий тажрибамизда яхши англаб олдик.

Лекин, шундай қийинчиликларга қарамасдан, корхона босиб ўтган беш йиллик қисқа тарихи давомида ўзининг мустаҳкам пойдеворини яратиб, шу вақт ичида 250 минг автомобиль чиқаргани, дунё бозоридаги мавжуд кучли рақобат шароитида 51 минг енгил машинани экспорт қилгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Завод фаолиятини локализация қилиш, яъни маҳаллийлаштириш мақсадида бу улкан саноат комплекси буюртмаларини бажарадиган ўттизга яқин янги корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилгани, минглаб янги иш ўринлари очилгани, бошқача айтганда, мамлакатимизда автомобилсозлик билан боғлиқ мутлақо янги тармоқ, бутун бир инфратузилма яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, қисқа вақт мобайнида ўз ҳаёти-ни мана шу завод билан боғлаб, нафақат ўз манфаат ва даромадини, балки бахт-саодатини ҳам шу ерда топаётган ўзбек автомобилсозларининг бутун бир авлоди шаклланиб келаётгани мени айниқса қувонтиради, кўнглимни янги-янги орзумидларга тўлдиради.

Менга катта мамнуният, катта қувонч бахш этаётган яна бир нарсаси шуки, бу заводни қуриш учун айнан Андижон заминини, қадимий Асака шаҳрини танлаганимиз, бамисоли узукка кўз қўйгандек иш бўлганини, замон, вақтнинг ўзи бу қарорнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлаб турибди.

Бунинг натижасида нафақат Асака, балки бутун Андижон қиёфаси тубдан ўзгариб кетгани, бу замонавий корхона одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг гурур ва ифтихорини уйғотиб юборгани биз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Андижоннинг мўътабар заминида мана шундай мўъжиза каби ноёб корхонани барпо этишда қатнашган, янги ишлаб чиқариш конвейерларини ишга туширишда, юксак янги технологияларни ўзлаштиришда фаол иштирок этган, заводнинг катта-кичик цехларида астойдил меҳнат қилаётган сиз — азизларга, барча қурувчи ва монтажчиларга, муҳандис ва мутахассисларга, ишчи ва хизматчиларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни, чексиз ҳурматимни билдириш мен учун катта бахтдир.

Мана, бугун ўзининг бетакрор қиёфаси, шаклу шамойили билан, куч-қудрати ва замонавий илғор технологияси билан ўзгаларнинг ҳавасини келтираётган “ЎЗДЭУавто” корхонасининг қисқа бир вақт — бир ярим йилда барпо этилган янги линиясидан “Матиз” деб ном олган, ҳар томонлама замонавий, харидорбоп енгил машиналар чиқа бошлаши — шунинг ўзиёқ бу ишлаб чиқариш корхонасининг истиқболи ва келажаги нақадар мустаҳкам ва ёруғ эканининг далилидир.

Бугунги воқеанинг маъно-мазмунига тўғри баҳо берадиган бўлсак, бу воқеа, авваламбор, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганининг исботидир.

Бугунги воқеа Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган, тараққий топган демократик дав-

латлар қаторига кириш, улар эришган фаровон, эркин ва озод ҳаёт даражасига етиш, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш учун қўяётган дастлабки қадамлари, буюк мақсадлар сари қатъият билан бораётганимизнинг амалий тасдиғидир.

Бугунги эришган ёрқин ютуқларимизнинг асосий шарт ва гаровини барчамиз бизга, Ўзбекистонимизга, танлаган тараққиёт ва ислохотлар дастуримизга хорижий давлатлар, чет эл сармоядорларининг тобора ортиб бораётган ишончи ва умиди самараси, деб қабул қилишимизни истар эдим.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор равишда тобора кучайиб бораётгани, унинг шиддат ва ишончли қадамлар билан ривож топаётгани, янги технологияларнинг ўзлаштирилиши, мамлакатимизда ўнлаб-юзлаб янги замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани — буларнинг барчаси, биринчи навбатда, юртимизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши, ҳамкорларимизнинг бизга бераётган кўмаги, ёрдами натижасидир.

Бу ҳақиқатни Корея давлати, Корея капитали, корейлик шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз самарасида яққол кўриш мумкин.

Мана шундай замонавий “Нексия”, “Дамас”, “Тико”лар, бугунги “Матиз” русумли автомобилларни ишлаб чиқарадиган, дунёнинг барча худуд-

ларида обрў қозонган улкан заводнинг — бутун бошли бир мажмуанинг пайдо бўлиши, бу ҳеч кимга сир эмас — аввало, корейлик ҳамкорларимиз билан, “ДЭУ” корпорацияси билан бошлаган ва амалга оширган катта лойиҳанинг ҳосилдир.

Корея раҳбарияти, Корея банклари, Корея бизнес аҳлининг бизга, Ўзбекистонимизга билдирган ишончи натижасидир.

Мен фурсатдан фойдаланиб, аввало, бугунги маросимда иштирок этаётган Корея Республикаси Савдо вазири жаноб Ду Юн Хванг, “ДЭУ Мотор” компанияси президенти Жонг Дэ Ли, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва Мухтор элчиси, жаноб Чанг Хун ва бошқа азиз дўстларимизга, олис Кореядан келиб, биз билан елкадош бўлиб меҳнат қилган, қувончу ташвишларимизга ҳамма вақт шерик бўлган барча корейс мутахассисларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Биз муҳтарам меҳмонларимиздан Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунг жанобларига, бутун корейс халқига самимий салом ва табрикларимизни етказишни илтимос қиламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар биримиз учун қадрли бўлган истиқлол айёми арафасида янги-янги бино ва иншоотлар,

равон йўллар, боғ ва хиёбонларнинг ишга туширилиши кутлуг анъанага айланиб бормоқда.

Бугун бепоён юртимизнинг қайси шаҳар, қайси қишлоғига қадам қўймайлик, кўплаб ана шундай мустақиллик иншоотлари бунёд этилганига гувоҳ бўламиз. Улар давлатимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлиги ва маънавиятини янада оширишга хизмат қилиши муқаррар.

Ишончим комилки, она Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бундай улуғвор ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлиш, таъбир жоиз бўлса, келажагимиз пойдеворини яратишга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар биримиз учун улкан шараф, улкан бахтдир.

Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида сихат-саломатлик, ғайрат-шижоат тилайман. Хонадонларингиздан тинчлик-омонлик, файзу барака аримасин, омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

*Асака шаҳридаги "ЎзДЭУавто"
қўшма корхонасининг янги линияси
ишга туширилишига бағишланган
маросимда сўзланган нутқ,
2001 йил 17 август*

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — ФАРОВОНЛИК ПОЙДЕВОРИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислохотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маъруза, 2000 йил 21 июль	3
МАВЖУД ИМКОНияТЛАрдАН САМАРАЛИ Фойдаланиш — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ. Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 2000 йил 28 июль	46
ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзланган нутқ, 2000 йил 30 август	70
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ Тўққиз йиллигига Бағишланган тантанали маросимдаги ТАБРИК СўЗИ, 2000 йил 31 август	99
БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА СўЗЛАНГАН НУТҚ, 2000 йил сентябрь	105
БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 910 йиллигига Бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ, 2000 йил 16 ноябрь	113
ИМОМ МОТУРИДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1130 йиллигига Бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ, 2000 йил 17 ноябрь	122
ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 8 йиллигига Бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ, 2000 йил 7 декабрь	133

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ, 2000 йил 31 декабрь	151
ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ, 2000 йил 11 январь	158
“КАМОЛОТ” ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН. Ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда сўзланган нутқ, 2000 йил 24 январь ...	186
“МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” РИСОЛАСИДАГИ СЎЗ БОШИ	220
БАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ. <i>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъруза, 2001 йил 16 февраль</i>	225
“КАМОЛОТ” ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА	270
МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ, 2001 йил 4 май	271
МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙУЛИДА. Москва сафаридан қайтиш чоғида самолётда бўлган суҳбат, 2001 йил май	289
“БАРКАМОЛ АВЛОД” СПОРТ МУСОБАҚАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА	310
ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ДАВОМИДА БИЛДИРГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ, 2001 йил 11—12 май	312
ОЛИЙ МАЖЛИС V СЕССИЯСИ ФОЙЕСИДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН БЎЛГАН СУҲБАТДАН, 2001 йил 11—12 май	338
“ХАЛҚ — ҚАҲРАМОН, ХАЛҚ ХОТИРАСИ ОЛДИДА ДОИМО БОШ ЭГАМИЗ...”, 2001 йил 22 май	364
МАГИСТРАТУРА, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ БИРИНЧИ БИТИРУВЧИЛАРИГА..	372

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ, 2001 йил июнь	375
--	-----

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА	386
--	-----

ЖАМИЯТДА ТАДБИРКОРЛИК РУҲИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишидаги маъруза, 2001 йил 17 июль	391
---	-----

“УМИД” ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА	428
---	-----

МУЪЖИЗАНИНГ БУНЁДКОРИ — ХАЛҚИМИЗ. Асака шаҳридаги “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг янги линияси ишга туширилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ, 2001 йил 17 август	430
--	-----

Ислам Абдуганиевич Каримов

**ЗА ПРОЦВЕТАНИЕ РОДИНЫ —
КАЖДЫЙ ИЗ НАС В ОТВЕТЕ**

Том 9

На узбекском языке

Нашр учун масъул К. БҲРОНОВ

Рассом Т. ҚАНОАТОВ

Техник муҳаррир У. КИМ

Мусахҳиҳлар М. РАҲИМБЕКОВА, Ш. ОРИПОВА

Компьютерда тайёрловчи Э. КИМ

Теришга берилди 10.08.2001. Босишга рухсат этилди 17.08.2001.

Қоғоз формати 84x108¹/₃₂. Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма т. 23,10. Нашр босма т. 20,0. Тиражи 10000.

Буюртма № 67.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.

Нашр № 31-2001.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижарадаги
Янгийўл китоб фабрикасида босилди.

702801, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.

